

Uzbekistan

1996

4

АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ ЖУРНАЛ

65-ЙИЛ ЧИҚИШИ

Бош муҳаррир:
Уткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Мурод МАНСУР
(Навр бўлими мудир)
Баҳодир МУРОД АЛИ
(Масъул котиб)
Омон МУХТОР
(Бош муҳаррир уринбосари)

Икром ОТАМУРОД
(Навр бўлими мудир)
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФҲОН
(Мерос ва қадрият бўлими мудир)
Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ
(Мақоланавислик бўлими мудир)

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

Қайга бормай бошда дупсим,
Шухратим, қадрим буюк,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.

Эркин ВОҲИДОВ



Абдулмажид Азиз

«Шарқ юлдузи» журнали мухлислари!
Эскидан «Шарқ юлдузи» журналининг айрим сонларини китоб ҳолида нашр этиш тажрибамиз бор. Шу тажрибага асосланиб, журналнинг бу йилги 6-сонини китоб шаклида чиқариш ниятидамиз. Китобдан УҚУВЧИ УЧУН ЯНГИЛИК ВА ҚИЗИҚАРЛИ БУЛГАН — ТУРЛИ ДАВРДА ЁЗИЛИБ, ҲАР ХИЛ САБАБЛАРГА КУРА ОЛДИН ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН — УҚУВЧИЛАР СЕВГАН МУАЛЛИФЛАРНИНГ АСАРЛАРИ жой олади. Китоб обуначиларга журнал урнида етказилади. Дукондаги баҳоси келишилган нарҳда бўлади.

«Шарқ юлдузи» журналига истаган сондан обуна бўлиш мумкин.

Азиз адабиёт дустлари!

Ҳар йилгидек яна обуна мавсуми бошланяпти. Сиз, азиз муштарийларнинг «Шарқ юлдузи» журнаliga булган садоқатингиз, меҳрингиз бизни ҳамиша илҳомлантириб келади. 1997 йилдан умидимиз куп, ниятларимиз катта. «САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ» туркумининг кейинги китобларини йил буйи эълон қилиб борамиз. Езувчи ХАЙРИДДИН БЕГМАТОВНИНГ ИЛК АСАРИ — «МАШРАБ» РОМАНИ ҳам нашрга тайёрланыпти. Адабий меросимиздан АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ «МУНОЗАРА» асари босилиши ҳам мўлжалланмоқда. Шунингдек, машҳур халқ ижоди намуналаридан «ЧОР ДАРВИШ» асари йил давомида берилади.

Обуна ЧЕКЛАНМАГАН миқдорда қабул қилинади. Журнал нархи нисбатан анча арзон.

Йиллик обуна баҳоси — 240 сум.

Индексимиз — 75458

ШАМСНИНГ ШУЪЛАЛАРИ КЎЗИНГДА УЙНАР

*Мен ким,
милён аср гунг қотган қоя,
Тилимни асабий чайнайман ҳамон.
Мен ким,
милён аср умримни зое
Ўтказиб, чекмасман сира пушаймон.*

*Мен ким,
милён аср замин-равонда,
Ўзгармас масофа ичра айландим.
Мен ким,
милён аср чирик айвонда
Нафс риштасига бойландим.*

*Мен ким,
милён аср сарсон-саргардон,
Ўзим ўзлигимни танимай, билмай,
Мен ким,
милён аср гулладим ларзон,
Гулларим тўкилди бир мева қилмай.*

*Мен ким,
милён аср шаккоқ дилимни,
Узлат кафанига ўраб яшайман.
Билмам,
неча аср тишлаб тилимни,
Ғамни тоқат билан ютишга шайман.*

*Қисматим тупроққа қорилган инжу,
Илкимни силкидим дунёдан, восвос.*

Ҳаёт — сен шодлигим, ҳаёт — сен қайғу,
Мен сени севаман Қайс каби ҳассос.

Мен сени севаман ба ҳаққи имон,
Аммоки нафрат-ла қочаман сендан.
Маккора кўзингда кўяди осмон,
Сени қизгонаман ҳатто ўзимдан.

Сени севаману, сендан кўрқаман,
Қирларнинг кўксига ирғишлар баҳор.
Оламнинг минг йиллик хирожи етмас,
Жонимни ўзингга этаман нисор.

Мен сени севаман, севаман ҳаёт,
Шаънингга ёғдириб мақтову сано.
Айюбдай сабримга тилайман сабот,
Нафрат-ла устунгдан куларман аммо.

Ҳижжалаб ўқидим босган изингни,
Ҳижжалаб ўқидим, кўзингни ҳаёт.
Шамоллар суруди дилга берди завқ,
Оғзимда шаккардур, оғзимда новвот.

Бу тунда йиғлайман қодирол ҳаққа,
Кўзимда яшнайдил олис баҳорлар.
Бу тун ўлтираман узлатда якка,
Рўхимдан эрийди абадий қорлар.

Фано шаробидан томчи-томчилаб,
Қониб симираман эй рангин ҳаёт.
Тонгда аллалайдил саболар келиб,
Оғзимда шаккардур, оғзимда новвот.

* * *

Етар энди ғанимлар кулар,
Мен мағлубман, ахир, сиз ғолиб.
Кетсам сизга энгилроқ бўлар,
Саҳроларга мангу бош олиб.

Хато қилдим, тузатмоқ маҳол,
Қалбим, етар, ғамга ботмагин.
Атрофимда изғиган шамол
Таъналаринг менга отмагин.

Ғам баҳрида адашган кўнгул,
Мажнун билан ҳамроз бўлурман.
Ситамингиз бошлангиз, ай, гул,
Телба йиғлаб, телба кулурман.

Юрагимда ҳасрату армон,
Кўзларимда сарғарди сўзим.
Бу оламда Мажнунман, ишон,
Танҳолардан танҳо, бир узим.

* * *

Риё улкасида кезиб муттасил,
Не ажиб ҳисларим кетибди зое.
Тақир ердан ботмон истабон ҳосил,
Мен уруғ сочибман бекор, ҳавойи.

Азозил дилимда қирқ йил жаврабди,
Надомат қасрида ботибман ғамга.
Жилва-ю савт чалиб дунё аврабди,
Додимни айтигин дод солиб кимга?

Фируза гумбазли бу кўҳна қафас,
Ақлдан оздирмас хирад аҳлини.
Ноумид шайтондир. Дил Йисо нафас,
Тарк эта бошлади олам саҳнини.

Тарк эта бошлади сийрат ёлғонни,
Рўҳдан ихроҷ бўлур ҳижоби ғафлат.
Намруд учоғида куймаган жонни,
Бу кун келтирурман ўзингга байъат.

Ё раб, сиғинганим танҳо ўзингсан,
Байъат келтирурман, ўзинг қўллагин.
Ҳакамлар ичинда якто ўзингсан,
Ожиз бу бандангни ҳаққа йўллагин.

Билдим, омонатдир танимда бу бош,
Билдим, омонатдир забонимда сўз.
Дайр домонида ёлғон, рост талош,
Байъат келтирурман ўзингга ёлғиз.

Саждага бош эгиб, кўзёшлар тўкай,
Токи эриб битсин кўксимда тузлар.
Рўҳим даласига имонни экай,
Тилларимга қайтсин раббоний сўзлар.

Умр елдек учкур — шитоб барқу бод,
Фалак ғавғосидан ювадирман қўл.
Ҳидоят нуридан дил ёришар бот,
Ҳолиқо, ўзингга қилдим таваккул.

* * *

Булутлар чокидан бир-бир сўкилди,
Юлдузлар самодан тўп-тўп тўкилди.
Бўғзимга бу тунда жоним тўкилди,
Юрагим тўкилди, тўкилди.

Заҳмат даласига ғамларни эқдим,
Экканимни йиғдим, ютоқиб чеқдим,
Бунёд қилганимни ачинмай йиқдим,
Юрагим тўкилди, тўкилди.

Ким менга нон деди, бердим нонимни,
Ким менга қон деди, бердим қонимни,

Ганим олгин, сенга тутай жонимни,
Юрагим тукилди, тукилди.

Мунгаюр бошимда муштипар осмон,
Курганим, билганим оламда армон,
Бу тун аҳволингдан хабар бер, ай, жон,
Юрагим тукилди, тукилди.

Тасбеҳ донасидай йиллар сочилди,
Қабогим йиртилди, кўзим ечилди,
Кўзим ечилди-ю, паймон ичилди,
Юрагим тукилди, тукилди.

Мени ташлаб кетинг, тумтароқ тушлар,
Тунлари беором йиғламадим, мен.
Мени ташлаб кетинг, қоп-қора кушлар,
Қошимга сизларни чорламадим, мен.

Мен сизни ёзмадим ҳавойи сўзлар,
Манфаат, ғаразга эгмадим бўйним.
Мен сизни унутдим, фаришта қизлар,
Сиз ҳам унутингиз, тарк этинг қўйним.

Мен шеърлар ёзмадим ўртаниб, куйиб,
Яшаш қийин экан беғам, бепарво.
Юрагим отсам-да, жонимдан тўйиб.
Ҳар тун ўсиб чиқди кўксимдан аммо.

Қисмат шаробини сипқордим тахир,
Ортимга қайтишга тополмасман куч.
Меҳр қўйганларим золим, тошбағир,
Рост деб, суянганим чиқди ёлгон, пуч.

Англамоқ азобли, аччиқ нақадар,
Ортдан таъқиб қилар ўтмиш-хотира.
Ихтиёр ўзимда бўлсайди магар,
Фано кулбасига келмасдим сира.

Йиллар ҳасратингни кетдилар олиб,
Сен-да, қувонарсан девона кўнгул.
Сен-да, қайғулардан келарсан ғолиб,
Мовий фазоларда учарсан енгил.

Қаён назар солсанг манзиллар ёруғ,
Чеккан аламларинг шодликка дунар.
Сен-да, гуссалардан бўларсан фориғ,
Шамснинг шуълалари кўзингда уйнар.

Умр бир нафасдир, умр — бебақо,
Сен-да, келажакдан имдод кутарсан.
Жами гуссаларни унутиб аммо,
Танҳо муҳаббатни паноҳ тутарсан.



Аббос САИД

БЕШ КУНЛИК ДУНЁ

Рўмон¹

Банданга тузим бер, ер бер, имон бер...

Рауф ПАРФИ

Собира «Зингер»нинг тепкисини босиб, мокига ип ўрар экан, баҳорда ҳарбийга жўнаган кенжа ўғли Акбарнинг шу ой бошида йуллаган ғалати хатини эслаб: «Боласи курмағур, қизик-ку!» деб уйлади. «Дандон сопли пичоқ керак, ёнига икки шиша коньяк ҳам қушиб юборинглар», депти. Тагин, «Иложи бўлса Анвар акам билмасин», депти. Билса, икки дунёдаям юбортирмайди. Боз устига, хат ёзиб, шу нарсаларни сўрагани учун дилини сиёҳ қилиши аниқ. Буни ўзиям яхши билади. Ана Асқар акаси гермон юртида хизмат ўтаётибам шу тарзда хат битгани йўқ-ку. Шу ўй хаёлидан ўтдию: командири буюргандир-да! Йўқса, ўзини шумшук кўрсатиб, адасиминан мени бунчалар ташвишга қўймасди деб, узига таскин берди. Бола шўрлик, шу матоҳни тортиқ қилсам бирор дурустроқ ишга ўтказармикан, деган хаёлларга боргандир-да. Ордона қолсин, бошқа нарса қуриб қолгандай, келиб-келиб дандон пичоқ суратибди, у командирини болохонадор қилиб қарғади, қарғаш билан бирга: «Шошма, Акбар бу пичоқни, жаҳлини чиқарган битта-яримтасига ўқталиш учун сўрамаганмикан? Жаҳл устида бир номаъқулчилик қилмаса эди», деб ташвишланди. Бу совуқ ўй қайдан келди хаёлига, дилини хуфтонлаштиргандан-хуфтонлаштирди. У кейин бу фикрни миясидан ҳайдашга уринди. «Аҳмоқ бўлмай кет, Собира! Ўғлинг ҳақида бундай бемаза хаёлга боргани уялмадингми?! Сен бировга пичоқ ўқталишга қодир болаларни вояга етказибмидинг? Хўп, май-

¹Журнал имкониятларидан келиб чиқиб, асар қисқартириб босилляпти.

ли, уқталадиган бўлса, атайин сендан дандон соплигини сўраб утирармиди?! Жинилигим эви билан-да! Командири шу матоҳга ишқивоз эканини хатининг бир ерида эмас, икки ерида ёзиб қўйибти-ю, сен бўлсанг не хаёлларга бориб утирибсан!» У узидан ўпқалади, кейин бу фикр ҳақиқатга яқин эканига ишонч ҳосил қилиб, пича тинчланди. Яна кенжасидан бир йил бурун ҳарбийга кетган ўртанча ўғли Асқар куз олдидан ўтиб, унинг бошлиқлари бамаъни одамлар экан — солдатнинг қўлига қараш нимагини билишмайди-я, барака топкурлар, деб муҳокама юритди, сўнг бетизин хаёллар уни узоқ йили узатилган, яқин кунлар ичида қўзи ёриши қутилаётган қизи Саодат, у келин бўлиб тушган хонадон, хонадон соҳиблари томон етаклади. «Ўзи шундай бўлади: эрдан ёлчиганда қайнанадан буюрмайди, қайнанадан буюрганда эрдан ёлчиш амримаҳол! Қизим боёқшининг эри ёмонмас-у, қайнанаси маънили чиқмади! Сал инсофдиё-нати бўлса, эрта-индин келини туғай деб турибди, унга курортга боришни ким қўйибди?! Бу йилча сабр қилса, кейинги йили борарди, қочиб кетмасди ўша ордона курорти улғур!» Собира хотин қудасининг дам олишга жўнашини бемаврид, асло одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишга йўйди, йўйдию Қатортолдан Хончарбоққа у билан олдинма-кейин келин бўлиб тушган қизлик дугонаси Мамлакатнинг ичи ачишиб қилган насиҳатини хотирлади. «Қўй, Собира, шу одамларга рад жавобини бериб юбор. Ўғлининг чиройи, топармонлиги сенга нима қип берарди? Буларминан беллашишинг осонмас. Ундан кўра, ўзинг қатори одмироқ Ҳакима опоқи билан куда бўлганинг тузукмасми? Ўғли сенинг ўғилларингга ўхшаган эс-хушли, ҳаракатчан, ўқимишли бола. Бунинг устига, Саодатингда кўнгли бор кўринади. Тахтинимас, бахтини сурасанг-чи!», деганди-я! Мен калтафаҳм бечоранинг куйинишини шунчаки йўлига деб, бундай яхши жойга куда бўлмоқчилигимни қуролмаяпти шекилли. Ҳойнаҳой уни Ҳакима опоқи воситачи қип юборган-ов деган уйга бориб ўтирибман-а! «Шу танноз аёл оилангни, яшаш-турмушингни суриштириб кирганди. Юриш-туриши, узини тутушини кўрдиму юрагим озиқиб кетди. Гулдай қизингга ичим бирам ачишдики, қўяверасан энди! Ҳе, бойлигим курсин, сал кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи, дугонажон!», деб тўғри гапни айтган экан Мамлакат ўшанда. Иуқ, нимаям бўлиб, гафлатда қолиб, фотоҳа тўйига розилик бериб юборганимни ўзимам сезмабман!» дея мулоҳазаланди, ўй-мушоҳадаси мавзуи Ҳакима опоқиға бориб тақалғач, хаёли яна бугун пешиндан аввалги воқеага кўчди. «Бурхоннинг жияни узатилаётганини эшитдингизми, Собирахон. Маҳалласидаги дастурхончиси ўлиб қолган экан денг, Ароппага одам юбортиришганмиш», деб ҳеч нарса билмагандай судрали-иб кириб келишини-чи!.. Одам деганда жиндай андиша бўлгучи эди! Бегона хонадонга кириб келдинг, ҳўп, майли, авваламбор салом-алиқ қил, сал нафасингни ростла, ана ундан кетин гап бошламайсанми?! Биров сендан Бурхоннинг жияни узатилаётганини сўраяптими? Узатилса узатилар! Энди у менга мутлақо ёт — ўғлим уч талоқ қўйган бўлса! Нима, узатиб юбормай бошига ёстиқ қилсинми?! Жойи чиққандирки, узатиб юбораятган! Дастурхончиси ўлиб қолганини, Ароппага одам юбортирганини менга нима қизиғи бор экан?!» дея ўй сурди. Улай агар, кўлтигига қистириб чиққан икки метрдан ошироқ штапелдан унингдек давангирга нафақат қўйлак, балки лозим ҳам чиқиши амримаҳоллигини мендан яхши билади. Унинг муддаоси, бола баҳона — дийдор ганимат деган-

ларидай, қўйлак тиктиришни дастмоя қилиб, ана шу янгиликни дараклаб, дилида фасод боғлаб ётган икки йиллик ярасини ситиб чиқаришу га-амалдан тарқаш, шунинг натижасида менинг юрагимгаям гулғу солишдан бўлак нарса эмас, деб хулосаланди. Мокини жойига ўрнатиб, машинасиға оч қизил ранг ипли галтакни солиб, унинг учини игнадан ўтказди, сўнг суйанчли курсисини гирчиллатиб ўрнидан кўзгалди-да, турга — келинлик палласидан эсдалик бўлиб қолиб, мўъжаз хонанинг яккаю ягона арзигулик жиҳозига айланган (албатта, тикув машинаси бундан мустасно) алмисоқи кўзгули кийим жавони ёнига бориб чўнкайди. Пулини аввалдан бериб қўйгани учун кунора бўзчининг мокисидай қатнашини тарк этмай қўйлагини қистаб келаётган олчакучалик мижозининг кийиб кўришга тайёрланган нафармон шойисини жавонинг пастки тортмасидан олатуриб: «Ўзим ўлғудай инжиқ келин эканми — иши ҳечам унмай, неча кундан бери судралиб ётибди, — деди овоз чиқариб, ортидан қўшиб қўйди: — Иккинчи марта шунинг нарсагини олмай-а! Берган ўн сўмиям бошидан қолсин. Қаерга бориб тиктирса тиктираверсин!» У қўйлакни қандай бўлмасин эртага тушга қадар битказиб беришга ваъда қилганини эслади, эсладию белгиланган муддатга улгуролмаса уятга қолишини, боз устига, мижозидан қаттиқ-қурум гап эшитиши мумкинлигини ўйлаб, юраги сиқила бошлади. Шу дамда хона ичи унга дим, нафас олиш қийинлашаётгандай туюлди. У тикув машинасидан анча наридаги, кўча эшикка қараган, хонанинг ҳажима муқоясаланганда унга мос тушган дераза рўпарасига ўтиб, якка тавақаларини ланг очиб юборди. Деворлари пахсадан бўлиб, қуёшга терс қарагани сабаб ёз чилласида ҳам салқин турадиган уйга олов пуркагандай иссиқ ҳаво гўп этиб урди. Куннинг қизигидан силласи қуриб, деворга ёпишиб ётган уч-туртта хира пашша қулай фурсатни бой бермай ичкарига гингиллаб учиб кирди. Собира узини пича чалгитиш маъносиди, сидирга палос тушалган полдан икки-уч қаричча оқоридаги дераза тагчасига бир оёғини қўйиб, тиззасига тирсак тираганча энгашиб ташқарига мўралади, мўраладию уйи ёнидаги поя ва бағазлари ҳар турли ёғочлардан ишланган бўлса ҳам, тоқларининг бир текисда дид билан таралгани ҳамда ҳосилининг мўллигидан бу кам-кусти кўринмай кетган, ҳовлига ўзгача файз киритиб турган сўрида чугурлашаётган чумчуқларни ҳай-хушт деб чапак чалиб қўвди. Қувиш билан бирга кўнглидан: «Бурноғи йили узумларига кул тушиб кетувди. Асқар шўрлик, ҳалиғи, оти кургур нимаям эди, ҳа, пуркагич эди шекилли, ўшанда олтингургуртга совун аралаштириб пуркайвериб, эси кетувди. Утган йили «тоифи» ёлчигиб ҳосил бермади. Озиб-ёзиб шу йили бошини еб ҳосил қилганди-я, эсизгина-е, чумчуқлар ҳечам қўймапти... Қишга яқин бозорга оптушиб сотилса, пули бирор коримизга яраб қоларди», деган ўй кечди. Анварнинг ёзиш-чиизишдан, китоб ўқишдан қўли бўшамайди. Адасига бўлса неча марта айтдим: «Ҳой мусулмон, ҳужрада нима кўп — болаларнинг эски-туски кийими кўп. Шулардан қўғирчоқ одам ясаб, сурининг тепасига опчиқиб ўрнатмасангиз бўлмайди. Чумчуқлар катта-катта бошларини чўкиб ташлаб, расвосини чиқарибди. Байталмонни опчиқиб ўрнатиш шунчалар қийин эканми?! Ё аёл бошиминан ўзим ўрнатиб тушайми?!», дедим. Қани энди гапга кўндирилсам, «Қуриқчингни булар парвонига илмайди», деб одамни энгисини билади. Ҳар қалай, қўғирчоқ одам ўша ерда сўппайиб турганда яшшамагурлар сал бўлсаям ҳайиқармиди, деб сўзланди, яна чумчуқларга қарата ху-

шт-хуштлаб чапак чалиб қўйди-да, қайтиб келиб иш жойига мук тушди. «Халиям кеч эмас... халиям бўлса опчиқиб кўндириш керак. Шундай. Қани, бозордан қайтсин-чи, то томга чиқиб ўрна-тиб тушмагунча ҳол-жонига қўймайман», деб дилига тугди. Шундан сўнг, Ҳакима опоқи кетгандан буёқ икки билаги зирқираб оғрий бошлаганини, эсноқ босиб анча вақтгача ишга ўтиролмаганини, кўз — тошни ёрар дегани шу-да қабилда мулоҳазаланиб даструмолига нон, туз, пивз, исериқ, гармдори тугганини узига «нон босди» қилганини, оқибатда оғриқ хийла қўйиб юбориб, эсноқ босиши ҳам тўхтаганини ўйлади. Собира Ҳакима опоқи табиатидаги булак қусурларни унутгани каби, «қўзи бор»лигини ҳам тезда унутақолди-ю, аммо Анвар ҳақидаги илмоқли гапини асло унутолмади. «Коса тагида нимкоса деганларидай, бу шаъмаси орқали ҳамма айб ўғлингга экан, мана у қиз узатилиб кетаётганмиш, деган гапга олиб келди-я», мазмунида хулоса чиқариши ҳамона юрагининг атрофини нохуш туйғу чулғаб, томогига ёнғокдек нарса тақалгандай, тақалиш баробарида ўша ер-ни қичиштираётгандай бўлди. Манглайини майда тер босди. «Одамлар уйламай-нетмай ҳеч куракда турмайдиган хаёлларга бораверар экан-да! Бу боланинг кўнгилсиз бўлганини улар қаердан билсин?! У кишига қанча жаврадим: «Менга қаранг, Анвар,¹ ўғлингиз бу қизни ёқтирмаяпти. Қўйинг, яхшиси, Бурхон акага бор гапни айттайлик-да, шу ишни иссиғида йўқ қилайлик. Тагин эл-улуснинг ўртасида шарманда бўп ўтирмайди», дедим. Гапимга қўлоқ солишни хоҳламади. «Хафа бўлмагин-у, менам сени илк бор курганимда ёқтирмаганман, мана, яшаб ўтяпман-ку! Уям аввал оппоқ чимилдиққа кириб чиқсин, ўрганиб кетади, ўрганиши ҳам гапми — ёқтириб қолади», деб майнабозчилик қилиб, хириглаб-хириглаб оғзимга урди. Оқибатда нима бўлди? Бир томондан паттойи кавушим судралиб қолса, иккинчи томондан мана бундай таъна-маломатлар ботқоғига ботиб кетдим», деган уйга бориб, хуноби ошиб турган ҳам эди, куча эшик тарақлаб очилиб, ичкарига бир қўлида жўнатиш кўтиси, иккинчисида чарм халта кутариб олган Расул ака кириб келди. У эшилган оқ лас қўлийкни худди чапаниларга хос тарзда елкасига ташлаб қўйган, бошидаги ёғи чиққан чуст дўпписи тагидан буклоғлик даструмолининг икки учи куришиб турарди.

2

— Бу ордона нимаси эди?! — деди Собира, каравотдан тушмоқ истаб кўк бўёқ суртилган панжарасига ёпишиб миёвляётган мушукчани назарда тутиб. Эрининг мушукча кўтариб келгани унга маъқул тушмагани нафақат сўзларидан, балки ташқи авзойидан ҳам яққол сезилиб турарди. — Ҳамма нарса бўлувди-бўлувди, энди бир ками шу қолувди?! Нима қилардингиз бу нияти хунук махлуқни уйга опкеб?!
Расул ака қўлидаги юкини дераза тагчасига қўйди.

— Патнисга ёйиб қўйилган қоқини чуқилаётган чумчуқларни тириқтирганига кўзинг тушибмиди? Ҳозиргина боплаб қувганини айтяпман?! — деб сўради, мушукчанинг зина яқинига бориб бир

¹ Ўзбекистонда эр хотинини ёхуд хотин эрини тўнғич фарзандининг исми билан чақирishi узоқ мазийдан таомилга кирган. Ана шу удум хончорбоғлиқлар орасида ҳали-ҳануз ўз кучини йўқотган эмас.

оёғини унинг пиллапоясига қўйишга интилганини-ю, журъатсизланиб яна тортиб олганини ундан эса аввалга жойига қайтиб панжарага тирмаша бошлаганини кўздан қочирмай кузатаркан: «Пиш-пиш»лаб қақирганимда ёнимга келишини хоҳламовди. Мана энди пастга тушгиси кеп бутун ҳовлини бошига кўтаряпти», деган уй хаёлидан кечди, ундан норозилангандай бош лиқиллатди, шу билан бирга, дарров, буюм бамисоли бола-да! Шундан ўпқаланиб ўтирибсанми? — деб, ўзини тергади. Мушукчанинг нажот ахтариб ҳар тарафга аланг-жалаң боқиб миёвляши таъсирини ўтказиб, орқасига қайтиб бориб уни каравотдан кўтариб олди-да, сўри тагига етганда ерга қўйди, яна, баайни у сўзлари маъносини қақадигандай, ўқтиришни ҳам унутмади: «Мана шу ерда айланиб юрган, хўпми?!» Кейин танаси бу ҳовлида эса-да, катта-катта шохлари паҳса девор оша ўқасининг ҳовлисига тарвақайлаган олма остидаги устма-уст терилган курсилардан бирини олиб қайтди. Уни дераза рўпарасига қўяркан, «Стулга ўтирадиган кун ҳам бор экан-ку» дегандай хотинига қараб олди. Курсининг қирғоғига омонатгина чуқиб, пайпоқсиз кийган сандалининг тасмасини аранг ечди. Эрталабдан буён юравергани туфайли зирқираб оғриётган, бунинг устига иссиқ қизитиб юборган оёқларини унинг юзига чиқарди. Бесўнақай битган картошкадай калта-бақай бармоқларини ҳар тарафга кериб ҳаракатлантирди-да, орасини шамоллатган бўлди. Ўзининг бу ишидан қаноат ҳосил қилди шекилли, пешонасини тириштириб турган хотинига нигоҳ қадаб: — Оёғим бирам роҳат қиялптики, қўяверасан энди, — деди, унинг янада энсаси қотиб кетганию бурнини жийирганига сира эътибор бермади, курсига яхшилаб ўтириб олиб, чала қолган сўзида давом этди: — Сўрига қўғирчоқ одам опчиқиб ўрна-тинг деявериб қўлогимни қоқиб қўлимга бердинг-а?! Жонсиз қўриқчинг юқорида куруқ савлат тўкиб турганидан кўра, мана шу жонивор сўри тагида уймалашиб юргани тузукмасми? Чумчуқлар ҳечқурса шарпасидан ҳайиқади. Қўриқчининг нимасидан чўчийди?... Ҳали шошмай тур, сал каттароқ бўлсин, сурининг устидаям чумчуқларга кун бермайдиган бўп қолади.

Собирага эрининг «Қўлогимни қоқиб қўлимга бердинг» деган гапи айил ботди. «Шу одамни юзага чиқарайин деб ўзимни ўтдан-чўққа уриб юрсам-да, унинг қилаётган таънасини-чи! Қўлогини қоқиб қўлига берганмишман! Мен жаврамаганимда, бу киши, лоақал мана шу нияти хунук махлуқниям кўтариб келмасди», дея фикран муҳокама юргизди. Муҳокама юргизиб бўлгач, ўз навба-тида у ҳам эрига дакки-дашном беришга ўтиб:

— Ўзингиз ёш боланинг ишини қип юрсангиз майли-а? — деди, кечаги қўйган ўсмаси балодай қолган пайваста қошларини чимирганди, у билан бирга чукор, тор пешанаси тиришди. «Мени камситмай ўларсиз» қабилда энсаси қотиб нигоҳини эридан олиб қочиб, тоқларга сув ичириш мақсадида тортилган ариқчада ётган оғриб тушган розмарин олмасини қизиксиниб оёқчалари билан уйнаётган мушукчага қадади-да: — Тепангизга бир қаранг-чи чумчуқлар бунингизни парвосига келтираётганмикан, — дея мушукчани наҳ уришда давом этди. Худди унинг товущини чумчуқлар эшитадигандай, эшитган тақдирда сўридан дарров пириллаб кўтариладигандай, ўтирган еридан уларни яна хушт-хуштлаб қувган киши бўлди. Кейин эса, «Йўқ, бу билан иш битмайди. Қачонгача чумчуқларни хушт-хуштлаб ўтирасан», мазмунида хулосаланиб, кел, Собира, эрингам болам-чакам деб қаёқларда сарсон юриб қайтди. Ҳойнаҳой, шу дамда, бу боёқишам ширин

гапнинг гадосидир! Сал кунглига қараб сўзла-чи, зора ўша ордонани ўрнатиб тушса, деб ўзига-ўзи насихат қилди. Филхол эрини йдириш йўлини тутиб, унга илиқ муомалада амр берди: — Барака топкур, ҳалиям бўлса қўғирчоқ одам опчиқиб ўрнатиб. Сиздан нима кетди? Карнайчидан бир пуф дегандай гап-ку ахир! Бир сафар ҳўп деяқолинг?!

Расул ака қараса, хотини ҳали-бери эзмаланишдан тўхтамайди, шу важдан гапни кўпам чўзиб утирмай, унинг амрини вожиб қилишни афзал билди:

— Ҳўп, қўғирчоқ одамни шу бугуноқ кундириб қўяман.

Собира эрини мазкур юмушни бажаришга кундиролганидан мамнун бўлди. Чехраси хиёл ёришди.

— Шундай қилинг, барака топкур...

Целлофан пакетга солинган ёнғоқ билан қандак туршакни олиб хотинига тутди. Собира, мана бу ерга қўйинг, дегач, у тикаётган кўйлакка тегиб кетмаслиги учун эҳтиётланиб машинанинг бир чеккасига қўйди. Икки шиша коньякни эса жунатиш қўтисининг ичига солди. Халтадан фанер қопқоқни чиқариб унинг устига ёпди. Охирида кинига сўқилган пичоқни олди. Уни қинидан сугуриб, уёқ-буёғини айлантириб томоша қилди:

— Ҳўям бир ҳафта деганда аранг топибман-а! Шунча пичоқ курган бўлсам, бунақа антиқасига биринчи бор дуч келишим. Уни қара, Собира, сопига қара, филнинг тишидан ясалган. Мана бу ерига, — пичоқнинг ясси бетига шаҳодат бармоғини олиб бориб майда ёзувини кўрсатди, ким томонидан, қачон, қаерда ясалгани қайд этилипти: «Уста Маматохун тарафидан минг тўққиз юз саксон учинчи йилнинг рамазони муқаррамасида Марғилонда бунёдга келмиш». Демак, ўтган йилнинг июлидаги гап экан. Чунки рўза айни саратонга тўғри келганди. Мўйсафидга кўзим тушиши билан водийлик бўлса керак, деган ҳаёлга боргандим. Аммо лекин ниҳоятда ўзига қарайдиган, кирои қария экан. Соч-соқоли батартиб қиртишланган, бошида марғилон дўппи, эғнидаги яктаги устидан хитойи беқасамдан яланг қават тўн кийибди энди, бўй-бастига монанд тушганини кўрсанг. Оёғидаги гарчли мардона кавушини айтмайсанми, — дея муҳим янгликни дараклаб улгурмасидан гапини биров бўлиб қўядигандай ошиқиб, бир оз овозини баландлатиб сўзлади, марғилонлик пичоқсознинг кийим-бошини қўйилмақом таърифлай олганидан ўзида йўқ шодланди, сўнг Эски Жўва бозорини айланиб юрганида анжир шафтоли билан савдо қилаётган дадасининг ҳасанбойлик ошнасига йўлиққанини, гапдан гап чиқиб унга дандон сопли пичоқ зарур бўлиб қолганини айтганида, у ҳеч ўйлаб утирмай уёқ-буёққа аланглаб: «Ҳозиргина мана шу ерда бизлар тенги пўримнамо одам сен айтаётган пичоқни кўтариб юрувди. Шу узум бозорига ўтиб кетди-ёв, янглишмасам», деб хабарлаб, боз теварак-атрофга аланг-жалаң боқиб афсуслангандай «аттанга» дея тиззасига шаппатлаганини, кейин гапга андармон бўлиб оғайнисининг ўғлини анжир шафтоли билан сийлаш эсига келмаганидан уялиб, қўярда-қўймай уч-тўрттасини унга тутқизганини, у эса, бир тарафдан ана шу хуштаъм ҳўл мевадан егиси келаётгани, иккинчи тарафдан отаси қатори қариянинг қўлини қайтаришни ўзига эп билмагани сабаб бир донасини олиб, қолганини қайтариб тоғорага солиб қўйганини, қўлидаги шафтолининг пўстини арчиб наридан-бери тановул қилгач, дадасининг ошнасига сийлагани учун миннатдорчилик билдириб, хайр-хўшлашиб узум бозорига йўл солганини, у ерда «пўримнамо одам»ни излаб расталар ора-

лаб анча санқиганини, уни тополмагач, «Қани, нарёққа ўтайинчи, зора ўша ерда учратиб қолсам» деган умидда қовун бозорига йўналганини, шу дам ён томонидан биров уни туртиб ўтиб, ўзининг қўполлигидан хижолат чеккан овозда узр сўраганини, у эса, харидорлар билан гавжум бозорқўчадан нигоҳини узмай унинг кечиримини инобатга олиб, «ҳечқиси йўқ» деб жавоб қайтарганини, ундан кетин, нима сабабдандир, дарвоқе, узр сўраган кимсанинг шаҳарликларникидан анчайин фарқланадиган шеваси ва йўгон овози, кавушининг гирчиллаган товуши диққатини ўзига жалб этиб, унинг назарида мана шу сифатларнинг ўзиёқ пўримлик белгисидан шаҳодат берадигандай туюлгани боис бўлса керак, безовталаниб ортига ўгирилганини, уни туртиб ўтган мўйсафид бу пайтда анча олислаб қолганини, шундай эса-да, унинг дид билан кийиниб, одамлар орасида бўлачак кўзга ташланиб турганини кўриб, «Ҳойнаҳой мен ахтараётган «пўримнамо одам» ана шу бўлса керак-ов» деган тахминда қадамини тезлатиб унга етиб олиб, элдан бурун қўлига қараганини, қарши захоти ҳақиқатда ўнг қўлидаги қўн устида дандон сопли пичоққа кўзи тушганини хотирлади. Яна, қидириб юрган нарсаси алоҳал топилганидан севиниб, ҳовлиққан кўйи мўйсафиднинг билегидан маҳкам тутиб: «Ака, пичоғингиз мабодо Чустники эмасми?» деб сўрагани, сураб бўлиб, ичида қариянинг устбошидан наманганлик эмас, фарғоналик экани яққол сезилиб турибди-ку, бераётган саволингни-чи, дея ўзидан ижирфанданини, саволи тағидаги маънога фаҳми оғизи етган мўйсафид эса: «Иним, бу пичоқ Чустники эмас-у, локигин ундан ўтса-ўтадики, қолишмайди», деб унинг саволига, ўзининг савлатига ярашиқ гапнинг индаллосини айтиб қўяқолганини, у эса бемаврид сўрогидан андишага бориб: «Сиз мани тўғри тушунмадийиз, ака, мен ундай демоқчи эмасдим», дея ўзини оқламоққа тутинганини, тутинганини уялмай-нетмай «Сиз мани тўғри тушунмадийиз» дейсан, холбуки у сени балодай тушунгани учунан шу гапни айтди. Тагин «ундай демоқчи эмасдим» деб одамни енгмоқчи бўлишини-чи?! Ахир, шундай демоқчилигинг қозоқнинг тўққиз пулидек аён-ку, тарзида фикран муҳокама юришиб, ўзини тергаганини ёдига олди. Яна, дандон сопли пичоқнинг нархи устидаги тортишувини эслаб: «Ҳалиям бўлса танти одам экан-э! Бошқаси сенинг пастдан келишингни қуриб хайр-маъзуриниғ насия қилиб қўл силтаб кетворарди ё ана шу матоҳ билан бошинга тушириб қолишданам тоймасди. У эса сен билан талашиб утиришни ўзига муносиб билмади, шундай нарсани ўттиз беш сўмга ташлаб кетди», деди, пичоқни кам деганда ўн сўм арзонига ундириб мақтовга лойиқ иш қилмаганига дилдан иқрор бўлди, ўзини нокас санаб, норозиланиб бош тебратди. Кейин эса, марғилонлик мўйсафид шу бугуннинг ўзида унга ўхшаган харидорга бундай пичоқдан бир эмас, бир нечтасини сотиб ҳамёнини қаппайтирган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, кунгли ўрнига тушди, пичоқсозга таъриф беришда давом этди: — Маҳалладаги Оқил пўрим бор-ку, Бедадаги, ҳалиги... оти қурғур нимаям эди-я? Ҳа, эсладим, Власов эди, шунинг қўл остида хизмат қилган-чи?! Каллам қурсин, сен Власов кимлигини билармингиз. Шундай генерал ўтган, уруш йилларида, сотқин генерал, бутун бошли армияси билан немисга асир тушган. Пўрим ҳам солдат эмасми, эл қатори буйруққа бўйсуниб унга эргашиб кетаверибди. Узининг айтишича, қайси бир пайт узбеклиги тутиб, командирларидан бирига: «Ҳой, менга қара, бизни қайққа опкетяпсанлар, қайси йўлга

бошляпсанлар?!» демокциям буптиммиш. Ён-веридаги шериклари уни қўллаб-қувватлашига ишонмагач, «Шунча одам оғзига талқон солиб ўтирибди-ку, биргина сенинг кучинг нимага етди энди, Оқил? Яхшиси сенам ундан ибрат ол! Мабодо ҳалиги гап оғзингдан чиққудай бўлса, отилиб кетасан, вассалом! Биров сенга ачинибама утирмайди!» деган хаёл калласига кеп, тилини тийишга мажбур буптиммиш. Маргилонлик пичоқсоз шу пўримнинг ўзгинаси! Худоё тавба, одам-одамгаям шунчалар ухшайди-ми-я?!.

— Менга қаранг, Анвар, ўглингиз бу пичоқда.. пичоқни битта-яримтага уқталиш учун сураган бўлмасин тагин, — деди Собира, уни ҳалидан буён азоблай бошлаган ўйини эрига дараклаши замон пича энгил тортгандай бўлди, шу билан бирга, «қани у киши нима деркин», қабилида эридан (нажот чорасини ҳисоблагани) жўяли жавобни кутди.

Расул ака хотинининг авзойидаги ўзгаришни бозор сарф-харажатлари учун унга бериб юборган юз сўм пул билан бўлаб турган эди, йўқ, мана бу етти ухлаб тушига кирмаган ваҳима гапини эшитиб, ўринсиз хаёлга борганидан изза тортди, шундай эса-да, узини тутиб қололмади, хахолоб кулиб юборди.

— Афанди экансан-э! Қайнамам раҳматли фолбин эмасдилар-ку?! Сен қаёқдан ўргандинг бундай куракда турмайдиган кароматлар қилишни? А, ким ўргатди?

— Хаёл ўлгур ҳар ёққа опкетилади-да, Анвар, — узини оқлашга уринди Собира.

— Акбарни қулидан бировга пичоқ уқталиш келарканми? Озгина ўйладингми?.. Хўп, ана, қулидан келдиям дейлик, афанди, у сендан дандон соплигини сўратармиди? Бундай шум ишга қўл уришини истаб қолган одам сариеғ пичоқдаям қилаверади номаъқулчилигини! Бунинг учун атайин Тошкентга хат ёзиб, уйда-гиларининг тинчини бузиб утирмайди! — Расул ака хотинининг аҳволи руҳияси жойида эмаслигини яхши сезганидан ҳам унга тушунарли бўлиши учун ҳар бир сўзни дона-дона талаффуз этди. Шундан сўнггина бу уқтиришларига қўшимча қилиб: — Ахир ўлгинг хатида айтиб қўйибди-ку: командирим дандон сопли пичоққа ишқивоз экан деб, — деди, бу гапни юқоридагилари каби киноя аралаш эмас, балки анчайин юмшаб, унга ачингандай овозда сўзлади.

— Ҳа, айтмоқчи, Анвар, буни неча пулга олдийиз?..

— Боя айтдим-ку сенга: маргилонлик пишиқ экан деб. Шу пишиқ одамданам бир бало қип ўн сўм камига ундирдим-да ишқилиб, — деди, сўнг пичоқни харид қилган баҳосини дараклади: — Уттиз беш сўм бўлди, шу туриши.

— Уларсиз, уттиз беш сўмга олдим дейсиз-да... беш-ўн сўмни индамай чўнтакка уриб қоласиз.

Расул аканинг ранг-рўйи ўзгарди. Кун бўйи сарсон бўлгани эвазига хотинидан раҳмат эшитиш ўрнига мана бу гапини эшитдию фигони фалакка етди.

— Шу, мени ўгрига чиқаришинг қачон қолади, а? Нима, мен ёш болангманми?! — тўнини тескари кийган кўйи ушқирди у. Бир оз ўтгач, овозига маълум даражада эрк берганини эслаб қолиб: «Бу галчага дўқ уриб барака топарминг, Расул. Ҳозир яна бир қовун туширар гап билан дилингни сиёҳ қилади-қўяди», деб ўзини бўҳтон сўзларга аҳамият бермасликка ундади, шундан кейин тагин қозоқнинг тўққиз пулидек тушунтириши муносиб билди: — Узинг ўйла, хотин, дастаси фил суягидан ясалган мана

шу пичоқни ҳеч замонда сенга ўттиз ё бўлмаса, бор ана, йигирма беш сўмга берадими? Ҳозир айтиб турибман-а: анов-манов қип ўн сўм арзонига ундирдим деб...

— Бир-икки марта шу ишни қилувдингиз-да! — бўш келмади Собира, эрига қараб кулимсиради. — Ёдингиздан кутарилдимми?!

— Хўп, ана, бир гал шундай бўлувди. Шунини энди бир йил гапиргин, хўпми?! — деди Расул ака, хотинининг салқи юзини буруштириб илжайиши меъдасига теккан бўлса-да, тишни-тишига қўймоққа мажбурлик ҳис этди.

— Бир йилмас, бир умр гапирман! — сўзини бермади Собира, унинг бундай баланд келишига бир томондан эрининг попуги пайсариши, иккинчи томондан эса, икки-уч ой бурунги айбини буйнига олиши сабаб бўлганди. — Бозор-учардан ортан пулга шундай иш қилмоқчиман деб айтиб қўйиш мумкинмиди, лоақал? Сиз эса, хотиним билмайди, ёпиқли қозон ёпиқлигича қолади, деб ўйлагансиз-да, а? Собира ернинг тагида илон қимирласа билади!..

Расул ака хотини билан пачакилашиб ўтиришни ўзига эп билмади.

— Мана берган юз сўмингдан қолгани. — Расул ака қовоғи ўйилган кўйи шимининг киссасидан тахи бузилган қайтим пуллари чиқариб машина устига иргитди. — Йигирма сўмга шайтоннинг ичимлигини олдим, уч юлдузигидан, узинг айтгандинг-ку: қиммати бўлмасин деб...

— Қиммати шох чиқарармиди?! Ичкиликнинг бари бир гур — маст қилади, вассалом!

— Хўп, уттиз бешга манов пичоқни. Шундайми?..

— Мен қаёқдан билай?! Узингиз боятдан бери шу нархга олганингизни пешлаяпсиз-ку! — чўрт кесди хотини, «сизнинг саволингиз галати бўлди-ку» деган маъносини акс эттириб, эрига ер остидан бақрайиб боқди.

— Сендан сўраганим йўқ. Узимга-узим гапирдим, — жавоб қилди Расул ака, пинагини бузмай.

— Астағирулло! — ёқасини ушлади Собира. — Бирам устомонсизки!

Расул ака унинг қилигига гайришуурий равишда кулиб юборди, кейин ёзилиб кулгани бадалига аччиқ-тиззиқ гап эшитиб олиши мумкинлигини ўйлаб, тезда яна жиддий тусга кирди-қўйди.

— Туршак билан ёнгоқ — икки килодан — ун беш сўм бўлди, — деди у. Хотинининг қовоғи ҳали-хануз очилмаётганига, дилдан: «Яхшиям бурчимиллалик тожик чолнинг ёнгоғига харидор бўлмаганим-а! Мабодо ушани олти сўмдан олганимда борми, бошимда бундан баттар калтак синаркан», деган ўй ўтди. Аммо-лекин унинг ёнгоғи бўлакча эди-ку! Ҳалиям оғиздан мазаси кетгани йўқ, яна тилни ёриб юбораёзганини айтмайсанми, деб ичидан сўзланди, сўзланиб бўлиши замон, баайни оғзидан бир нима чайнаётгандай тамшаниб қўйди, сўнг чала қолган гапида давом этди: — Ҳа, дарвоқе, беш сўмга анови жўнатиш қутисини олдим. Ҳаммаси буп етмиш беш сўм кетибди, роппа-роса! Ана энди қандай ҳисобласанг-ҳисоблайвер! Шунча нарса харид қилганим устига, тагин йигирма беш сўмингни эконом қип келганимни айтмайсанми!..

Собира эрининг гапига ишонишни ҳам, ишонмасини ҳам билмасди. У эри улоқтирган пулни қайта санаб чиқди, сўнгра ўрнидан туриб, мижозининг нафармон шойисини олгани жавон Тортмасини тортди-да юзороқдаги ҳолвадан бўшаган гулдор ту-

нука кути қопқогини очиб, ичидаги оқ, қора, қизил ва бошқа рангли иплар, ангишвона, игнаю тугмачалар ёнига бозор-учардан орган йигирма беш сўмни солиб қўйиб, қопқогини ўзидай қилиб беркитди. Тортмани ҳам ёпиб, урнига келиб утирди. У ҳамон эрининг гапларига шубҳа остидан қарар, шу важдан ҳам хасратнома тарзда сўз очишни мақбул топиб:

— Кўзингизга ёмон кўриниб жавраганим, Анвар, шу рўзгорга бир нима бўла қолсин, бола-чақамнинг кам-кўстига ярата қолай дейман-да! Нима, мен гуриимга орқалаб опкетармидим?! — деди, хаёлидан эса: «Барибир, Собира, ҳалиги гап ортиқча бўлди! Уйламай-нетмай ўттиз йилдан буён бир ёстиққа бош қўйиб келаётган кишингга тўхмат-маломат тошини отишинг одамнинг иши эмас», дея фикран муҳокама юритди, муҳокама юритиб бўлгач, қаёқда ўттиз йилдан бери бир ёстиққа бош қўямиз? Бир ёстиққа бош қўймай кетганимизга неча замонлар бўлиб кетди-ю, дея мазкур мулоҳазасига қарама-қарши ўлароқ хулосаланди. Ана шу сўзларни гўё овоз чиқариб айтиб юборгандай бўлгани учун, эрига безовталиқ билан кўз қирини югуртди, бироқ унинг қиёфасида хавотирланишига сабаб бўла оладиган бирор-бир аломат кўрмагач, кунгли пича жойига тушди: — Мана бунга қаранг, — деб, эрининг диққатини эғнидаги ювилаверганидан асл ҳолини йўқотиб, енглари сузила бошлаган бинафша гулли мошранг батист кўйлагига жалб этди. — Бўзчи белбоққа ёлчимайди, дейишадими-ку, ушанга ўхшаб, азбароий бола-чақамга бўла қолсин деганимдан, устимга тузукроқ матодан кўйлак тикиб кийишга кўзим қиймайди... — Собира ана шу тариқа ёзғирди, ёзғириб бўлиб, бу шикоятлари эрига қандай таъсир этишига қизиқди. Эрининг юз-кўзига унинг нолишида жон бор эканини тасдиқловчи ҳамдардлик ифодаси югурганини кўргач, «Мени тушунибди», мазмунида ҳукм чиқарди, шундан сўнггина дийдиё қилишни бир чеккага қўйиб туриб, мусоҳаба мавзуини булак тарафга буришни мувофиқ билди: — Ҳа, айтгандай, манов гапга қулоқ солинг, Анвар. Эрталаб, сиз кетганингиздан тахминан икки соатлар утар-утмас, ҳовлига нимагадир чиқсам, дарвоқе, чой қайнатгани эди шекилли, шундай, Ҳакима опоқи турибди, ҳар қаёққа анграйиб. На эшикни тақиллатиш бор, на отимни айтиб қақришни билади — миқ этмай хув анув каравотнинг ёнига довр кириб келаверипти. Қўлтигига икки метрдан зиёдроқ штапельни қистириб олган денг. Бунча материалдан давангирдай хотинга кўйлак чиқмасини опоқи мендан яхшироқ билади. Манов янгиликни етказиш учун элдан бурун ҳовлиқиб чиққан экан... — У Ҳакима опоқи топиб келган гапни тезда айта қолмади, тўғрироғи, ана шуни қай йўсин маълум қилишини билмай гарангсиради. Эрининг «Нега индамайсан, қани, опоқи нима гап топиб чиқибди?» дегандай қараб туриши уни маълум маънода дадиллантиргани боис ҳам: Келинийиз Сожида узатилаётганмиш. Маҳалласидаги дастурхончиси қирилгур улиб қолган экан денг, бизнинг Ароппага одам юбортиришганмиш. Шундан эшитган кўринади, элдан бурун ҳовлиқиб чиқибди. Аммо-лекин меникиям бир тутдию — тишимни-тишимга қўйиб турдим-да энди! У рангим гезара бошлаганини кўриб, топиб чиққан хабари менга ёқмаганини пайқади, шундаям бирикки илмоқли гап қилиб олди. Кейин менинг ҳадеганда рўйихуш бермаётганимни кўриб, пайтавасига қурт тушиб қолди. Кўпам утирмади, қандай ҳовлиқиб келган бўлса, шундай ҳовлиқиб жүнаворди — хайр-маъзурниям насия қип кетди, — деди.

Расул ака бир нарса эсига тушгандай бош чайқаб, истехзо аралаш кулимсиради-да:

— Бу шуринг қургурлар эски аламида юришибди. Билишимча, ўғлининг қизинг Саодатда астойдил кўнгли бор экан, ҳалиям уйланмаётганмиш, унисини у деркан, бунисини бу! Тунов кунни эри Рихситилла ака тоза одамни шарманда қилди. Сенга айтиб бермоқчийдим, хотиримдан кутарилипти. Қизилқуприқдан маҳаллага хат келган экан, фалончи қорининг пайгамбар ошига шунча киши бўлиб келинлар, деган мазмунда. Эгам комиссия кимдандир адамларни айттириб юборипти. У киши, менинг ўрнимга, Расул, сен бориб келгин, ўша қори... дарвоқе, исмини Шоберди дегандилар, ҳа, Шоберди қори жудаям бамаъни, солиҳ одам, ҳурмат қилиб айтибдими, албатта боргин, дедилар. Сўзларини икки қилолмадим. Шунга борган эдик, беш-ун киши йиғилишиб. Ўша ердан қайтаётсак, бир маҳал, Моғолқўчадаги масжид бор-ку, Тахтапулга кириб бораверишдаги, шу масжид дарвозасидан ана шу акам чиқиб қолди-да, — деди, ўша паллада Рихситилла аканинг назари биринчи бўлиб унга тушганини, тушиши замон туси ўзгариб, пешонасини тириштириб, қовогини уйиб олганини; узининг эса ҳаммаҳалласининг бу қилигидан дам аччиги келиб, дам кулгиси кўзгалганини, ана шундай бир ҳолатни руҳиятида кечирishi жараёнида: «Бу нега менга димоғ-фироқ қилаяпти? Айбим, қизимни ўғлига бермай, бошқага узатиб юборганимми?! Буни ахир тақдир дейдилар-ку! Худди мен еб у қуруқ қолгандай туттишини-чи узини!» деган уй хаёлидан утганини дарҳол хотирасида тиклашга эришди, шундан сўнг нафсиламрини айтганда, унинг арашлаши табиий эди-да! Тананга уйлаб кўр, Расул, Анваринг хотинини қўйиб юборди-а?! Хўп, деб тур. Ҳа, мана бу булак гап... Ўғлининг мана шу номаъқулчилиги тўфайли қанчадан буён Бурхонга дуч келишдан чўчиб юрибсан — ҳар турли мулоҳаза ич-этингни кемирганидан! Эрта-инди бирор ерда тўқнаш келсанг, тўқнаш келишдан барибир қочиб қутулмайсан; у сенга, сен эса унга тескари қарашларинг турган гап! Йўқ, нотўғрими? Шунинг учун ҳаммани узингдан қиёс қил-да! — деб, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам хатти-ҳаракатини ақл тарозиси билан ўлчаб қўриш кераклиги ҳақида фикр юритди. Аммо шунда ҳам, ҳозиргина, Ҳакима опоқи топиб чиққан янгиликни хотини дарақлаб бўлгач, опоқидан, фақат опоқидан эмас, Рихситилла акадан ҳам ижирганиб, истехзоли кулиб қўя қолиб, унинг тунов кунги қилмишини мазас қилгандай тарзда айтиб бермоқчи бўлганди, йўқ, ана ўша воқеадан гап очиши билан кўнглигича тўққан истагини унутди-қўйди. Юрагининг тубида бу одамларга нисбатан адоват куртаги ниш ура бошлади. Бу қуртакни қурутмоққа тиришганди — бўлмади, билъакс у усиб-улғайди, охир-оқибатда галдаги сузларига, сузлаш оҳангига ҳам кўчди: — Эл қатори ҳурматини қилиб қўл қўзганимни биламан, худди мен еб, у қуруқ қолгандай, юзини тескари тарафга буриб, ёнимдан ўтиб кетти-я баттол, чўрқ этмай... Манглаймидан муздек тер чиқиб кетди. Ёнимда Аскар суд, Ибод ака, Норматга ухшаган озги катталар ҳам борию дегин, шуларнинг ўртасида ер ёрилмадию унинг қаърига кириб кетмадим... Ўша маҳалда Абдака жонимга ора кириб қолди-да, Абдулла елпатакни назарда тутаяпман, шу барака топкур жонимга ора кирди. Хабаринг бор: ҳадеб совчи буп келавериб эшигимиз турумини бузишганди. Маҳалладан уч-тўрт

кишини уртага қўйишганча боришганди-я, эсингда бўлса. Доло-латчилар орасида Абдакаям бор эди. Шу бир боғлади-ку у яра-масни...

— Нима деб боғлади? — унинг сўзини бўлди хотини. Хаёли-дан эса: «Бўш-баёвлигинг кўрсин, Собира, бутун бошли ўглинг-ни не гапларга тақаб кетдию шу одамнинг хотини, миқ этмай тишингни-тишингга қўйиб туравердинг-а! Ҳеч бўлмаганда, «Нега менинг уйимга бу хабарни топиб чиқдингиз! Бундан муддоингиз нима? Қўйлак тиктиришни дастмоя қилиб, Сожиданинг узати-лаётганини дараклашу шунинг баҳонасида қизимизни ўглингизга муносиб кўрмаганингизнинг учини олиб, адоий тамом бўлган юраккинамни янаям адо қилишми?! Бордию шу мақсад етаклаб келган бўлса сизни менинг оstonамга, шундай ниятда судралиб чиққанингиз эса қозоқнинг тўққиз пулидек аён, бекорларга ово-ра бўпсиз! Бу хабарингиз мени сира куйинтирмайди! Ундан кей-ин, ўғлим Анваргаям бу билан бирор бир айб тақолмайсиз! Худо-га минг қатла шукрки, ўғлимнинг тўрт мучаси согпа-соғ!» деб, «Ичингда фасод боғлаёзган дардларингни сенам бетига рўйи-роост тўкиб-сочиб, аламингдан тарқаб олмайсанми-я?!» дея муҳо-кама юритди, муҳокамаси ниҳоясига етгач, манави аччиқ устида-ги ўйларинг, Собира, барибир «Ҳайитдан кейин хинани кетингга қўй» қабилдаги гапдан булак нарса эмас. Шунинг учун бу ҳақда бош қотириб, юракни сиқиб ўтиришинг мутлақо ўринсиз, деган тўхтамага келди.

— Шошмай тур энди, бир чеккадан сўзлаб беряпман-ку, — уни жеркиб ташлади Расул ака. — «Мулла Рихситилла, жўра, буни тақдир дейдилар! Тақдир ҳукмига бир нарса дейолмайсан! Шунинг учун, қизини бермади деб аразлашнинг ҳеч мавриди-мас-да! Ўғлинггаям муносиби топилиб қолар, ҳеч ким хотинсиз қолиб кетмаган бу дунёда! Қовоқни бундай осилтириб олиш эса, сендай тушунган, кўпни кўрган одамга ярашмас экан!» деб ҳўп топиб панд-насиҳат қилди. Атрофдагиларгаям маъқул тушди бу гап. Шунда нима бўлди дегин; мен буёқда қолиб Абдака билан гап талашиб кетса буладими у ярамас... Нима эмиш дегин. «Халқ билиб сизга «елпатак» деб лақаб қўйган экан, Абдивой, шу ҳуна-рингизни ташламадингиз-ташламадингиз-да! Мошхўрдага қатик бўлиш аёл зотига ярашади, сиз энди нега бировнинг ишига бурун суқасиз!» эмиш. Абдакаям ҳақини қўймади. «Менинг мош-хўрдага қатик бўлишим аёл зотига хос бўпти-ю, сизнинг қизини бермади деб Расулга нисбатан юрагингизда кек сақлаб юринин-гиз эркак одамнинг иши бўлдимми? Мулла Шокирнинг қўлогига етиб борса, бу гаплар, нима деган одам бўласиз?! Ҳар-ҳолда салом-алик қилиб юрасизлар мулла Шокирминан, ўттиз-қирқ йилдан бери!», деб жуда бамаъни жавоб қайтарди. Рихситилла ака бадиқирдор одам экан-э! Фикри-зикри аччиқ-тиззиқ гап қилиб игна санчиб олиш-а, у ер-бу ерингга! Хў-уш, у нима дейди де-гин. «Мулла Шокир, — дейди, — ҳозир мендан ранжийдиган аҳволдамас, унинг мендан булак ташвишлариям кўп», дейди. Бу заҳарханда гапи қаёққа қараб кетаётганини пайқадингми? Ҳа, балли, укам Рашиднинг қамалганига шама қияпти, ярамас... Уша ерда, Нормат шайтон бор-ку, нега ҳайрон бўласан, ўглинг-нинг каттаконини почаси, унинг ҳам Анварлар баравар ўгли бор эди шекилли, агар янглишмасам. Ҳа, Анваринг билан бирга ўқи-ган ўгли бор эди. Шу Нормат менинг зараримга бир нима дейишни кўзлаётганди, нима, ишонмаяпсанми? Эсанг қотма-син, рост айтяпман, авзойидан маълум эди қитмирилик қилмоқчи

булаётгани. Йўқ, ўз ёви узидан қатик, ҳалиги фосид Абаканинг лақабини юзига солгани унгаям қаттиқ ботди афтидан, гапираёт-ган гапи шундоқ оғзида қолди. Унга душманига қарагандай гилайланишини қўймайди... Гап эгасини топади деганлари шу экан-да! Бошқа бировнинг камситилиши ўттиз икки гулаҳга ўт қўйган Нормат акани галати аҳволга солса-я! Товуқникидай ин-гичка бўйни янаям ингичкалашиб, қисилиб кетаёзди.

— Демак, бундан чиқди, Абдаканинг ўша таънаси ёмон алам қилган экан-да, Рихситилла акага, Сожида ҳақидаги янгиликни опоқи терисига сигмай айтиб берган бўлса, уни жўрттага бизни-кига чиқариб юборган: «хушхабар»ни эшитиб бир диллари яйра-син деган илинжда. Ҳа, атайлаб шундай қилган...

— Қайдам? — елка қисди Расул ака.

— Ўғлингиз хотинини қўйиб юборганигаям ҳа-хув деб бир ярим йилча бўп қопти. Ҳақима опоқи топиб чиққан янгиликни бўлса эшитдингиз. Энди бу болаям бундай юравермасин-да, ахир. Қаранг, икки синглиси узатилиб, бола-чоқали бўп кетди. Худо хоҳласа, Саодат ҳам вақт-соати билан омон-эсон қутулиб олади, ўшанинг учун уни қўшиб айтяпман. Келаси йилнинг ку-зида Асқар армиядан қайтади, ундан кейинги баҳорда эса Акба-рингиз келади. Ана унда ташвишларимиз янаям ортишини кўра-сиз... Укаларининг озроқ пулини йиғиб қўйгандим, яхши ният-лар билан. Шу пулларни тежаб-тергаб сарфлаб кичикроқ тўй қилсак-да, бу боланинг бошини бирортасига қовуштириб қўйсақ... Беш йил ичида бир эмас, уч тўй қўриб тоза бўладига-ним бўлди — паттойи қовушим судралиб қолди; шунинг учун кўрпага қараб оёқ узатган маъқул, ортиқча тарақа-туруқнинг ҳеч ҳожати йўқ. Аввалгиларини беками-кўст ўтказганимизни эл-улус яхши билади. Бу галгисини қурб етганча қилсак биров бир нарса демайди. Қишга бориб тақалсаям тезотар ўтказвориш керак... Иннайкейин, иннакейин, мана бу узумлар сотилса, худо мижоз-ларимга инсоф бериб, қўйлак тиктириб туришса, буёқда Анвар ойлигини опкеб қўлимга тутқизса, болалар қайтишгунча пулла-рини жойига қўйиб қўярмиз, тўлиб қолар ўрни... Шунга нима дейсиз?..

— Оғзингизга толқон солволдингиз? — Эридан ҳадеганда садо чиқавермагач, ортиқ сўроққа тутгиси келмади, сўзида да-вом этди: — Худога минг қатла шукрки, Анварнинг ақлда ҳам, хуснда ҳам нуқсонни йўқ. Редакция деган номи улуг даргоҳда ишлайди. Биласиз, у ерга ҳаммани олавермайди... Хўш, китоб чиқарди, хабарингиз бор, ёзувчи бўлди... жа аввалги қудалари-мизга ўхшаган валламани қизини бермаса, ўзимиз қатори од-дийроғи бериб қолар. Ўғлингнинг шохи синган демайдигани бордир ахир...

— Оғзингни тўлдириб ўғлим ёзувчи бўлди дейсан. Ун икки варақли дафтардай брошураси чиқса ёзувчи бўп қолавераркан-да! — Расул аканинг чуқур тушган қўйқўзлари, юққа билан қалин оралиғидаги лаблари истеҳзоли кулди. У бу кулгиси орқали фа-қат ўғлинигина эмас, балки хотинини ҳам, унинг калтабинлигини мазаҳ қилаётганди. Чунки Собиранинг сўнгги даққиси кўнглига қаттиқ ботган, шу боис, у қандай асабига теккан бўлса, бу ҳам унинг асабига худди шундай тегишни олдига мақсад қилиб қўйганди: — Аввал Ҳамид ёзувчига ўхшаб ёстиқдай-ёстиқдай ки-тоб чиқарсин, ана ундан кетин ёзувчиман деса арзийди!..

— Нега ўз ўғлингизни бунчалик наҳ урасиз?! Мусулмончилик

астачилиқдан-да! Ҳамид ʻЗувчингиз ҳам бирдан чиқармагандир ʻстиқдайини. Анвар ҳам унинг ʻшига етганда чиқариб қолар, ушандоғини, — деди Собира, эрига эътироз билдириб. Эҳтирос нафақат сузларида, балки Расул аканикига ухшаш эса-да, у қадар ботиқ бўлмаган кўзларида ҳам акс этди. Хаёлидан шу дам: «Болам шурликнинг уша кунларини кўрармикимиз?» деган уй ўтди, купам мулоҳазаланмади, тезда ичида жавоб қайтарди: Йўқ, йўқ, кўролмасак керак. У пайтларда... Собира ана шу кечинмаларини эрига ҳам маълум қилди: — Афсус, у пайтларда сизминан мен алаққачон кўкариб чиққан бўламизми, ёлғиз яратганга аён!..

— Нафасингни иссиқ қил-е! — хотинини жеркиб берди Расул ака. Жеркиётиб овози титраб чиққанини, у билан барабар лабла-ри ҳам титраб кетганини, ҳалиям титрашда давом этаётганини пайқади.

Девор дармиён ҳовлида отасининг акса урганини эшитиб, утирган еридан қалқиб тушди. Овозини пасайтириб:

— Кўп алжма! — деди, булак йўл тополмагач кўлини паҳса қилишга ўтиб. Хаёлидан шу тоб: «Бу ўзи ҳақиқатан бугун чап ʻни минан турган кўринади», деган уй ўтди. Ана шундай мулоҳазага бориши ҳамано, эшитганлар, эр-хотин икки соатдан бери жан-жаллашяпти, нима, отасининг молини талашаяптими булар, демайдим, деб ичида сузланди ва хотинига юзланди: — Эшитганлар, эр-хотин боятдан бери ʻқа бўғишяпти, демайдим! — деди.

— Эшитганлар нима деса деяверсин, — тап тортмади Собира, — шунча индамаганим етади. Йигирма саккиз йил индамай келиб бўладиганим бўлди. Энди индайвераман, — дея кўзига ʻш олди. — Ҳа, индайвераман!..

Шу маҳал нариги ҳовлида алланималарга кўймаланиб юрган Шокир баззоз томоқ кириб йўталди. Сал ўтмай эса, хасса дўқиллатиб аср намози учун таҳорат олгани келаётган экан шекилли, ҳожатхона яқинида обдастанинг қопқоғини ерга тушириб юборгани эшитилди. Узининг лавандлигидан ўпқаланиб койингани ҳам қулоққа чала ярим кирди. Бир пайт ўша ердан туриб:

— Расул, ҳов, Расул! — деб ўглини чақириб қолди. Унинг овози илгаригидай залварли эмасди, овозидан хийла кучдан қолгани сезилиб турарди.

Расул ака, отам бизнинг жанжалимизни эшитибди-да, деб ўйлаб, ʻшига номувофиқ равишда ирғиб ўрнидан турди-да, ариқдан уч-тўрт метр беридаги, укасининг ҳовлисига орқа қилиб қурилиб, сул ʻни олма танасига, унг ʻни эса этакдаги ҳўжрага бориб тақалган, олд тарафига алмисоқи чий тўсиқ ва икки-уч ерига ямоқ тушган қанор қоп тутиб қўйилган бостирма рўпарасига келиб, овоз берди:

— Ҳа, дада!..

— Анвар келдимиз? Углинг уйда ми деяпман?! — Шокир баззоз дағал, ўглидан аччиқлангандай овозда сўради.

Расул ака кузешларини кўйлагининг ʻқасига артаётган хотинига «Сенга нима девдим», қабилида қараб олди-да:

— Ҳали келгани йўқ! Нима ишингиз бор эди, дада? — деб сўради, бу гапни отасидан ҳайиққандай оҳангда эмас, унинг аҳволи-руҳиясидан боҳабарлиги боис, уни ҳар қачонгидан аягандай оҳангда баён қилди.

Шокир баззозга ўглининг такаллуфнамо жавоби ʻқмади чамаси, пича индамай турди, кейин қисқа, аниқ қилиб буюрди:

— Келса, кетмонни олсин-да, боққа тушин!

— Хўп, дада, — деди Расул ака итоаткорлик билан, отасининг овозидаги ҳазинликдан дилида оғриқ бор эканини туйди.

Чамаси ярим соатлар ўтар-ўтмас, ҳовли иккига бўлинмасидан бурун отаси истиқомат қилган, ҳозирда эса болаларнинг эски-туски кийим-боши, рўзгор учун яроқсиз бўюмлар билан тулган пастаккина ҳўжрадан оғир бир бўғжома кўтариб чиқиб, уни худди чорбозор ʻймачиларига ўхшаб сўрининг тагига ʻйиб олиб, унинг устига кўндириш учун қўғирчоқ одам ясаш тараддудига тушган, хотини эса қовоғи уйилган кўйи унга ва унинг атрофида ўраллашиб юрган мушукчага қараб нималардир деб пўнғиллаб, сўнгра машина тепкисини босиб, бўзчининг моксидай кўнора қатнашини кўймаётган олчакўчалик хира миҳозининг эртагача тоқат қилолмай шу бугун пашшаҳўрда бўлиб қолишидан хавотирланиб ўтирган ҳам эди, кўча эшик тарақлаб очилиб, ҳовлига қўлтиғига қоғоз папка қистириб олган Анвар кириб келди.

У ҳовли миёнасига етганда отаси билан онасига қуруққина салом берди.

— Айтгандай, сени Шокир буванг сўровдилар! Боққа тушин, кетмон об, девдилар, — деди Расул ака, отасининг буйруғини етказаркан, хаёлидан: «Ишида бирор кор-ҳол юз берган кўринади, йўқса бундай терсайиб олиш одати йўқ эди», деган уй ҳам ўтди. У ўглидан: «Ҳа, Анвар, тинчликми?» — деб сўрамоқни ниятланиб турганда, орага хотини суқилиб, гапи оғзида қолди.

— Ҳой, Анвар, бола шўрликка нафас ростлашга йўл берасизми-йўқми? Одам деганам шундай бўладими?! — эрини жеркиб солди Собира. — Иш деган қочиб кетармиди?! Аввал ечинсин-ин, ул-бул тотинсин-ин, кейин тушиб бораверар бувасининг олдига!..

Анвар на отасининг ва на онасининг гапига жавоб қайтарди — чурқ этмай ичкарига кириб кетди. Анчадан сўнг уй кийимида қайтиб чиқди. Онасининг: «Ҳов, бола, ариқдаги челақда мошҳўрда бор. Шундан косага соб ичиб ол, кейин бораверасан. Иш деган одоқ булармиди», деб зўр бериб қисташига қулоқ солмади, «Жуда кўп гапирдингиз-да опа», қабилида унга ижирганиб боқди-да, томи тул билан ʻпилган ва олд тарафига чий тўсиқ, қанор қоп тутиб қўйилгани сабаб иссиқ кунда ниҳоятда дим, қоронғи, бунинг устига аччиқ қатрон ҳиди анқиб ʻтган бостирмага кириб кетди. Бир маҳал у ердан кетмон кўтариб чиқди. Унинг у ʻқ-бу юғини кўздан кечирди. Хиёл дарзи кетган қийишқ сопи ликилдоқ эканини кўргач эса, уни ҳўжра рўпарасидаги, бир пайтлар қовланмай қолиб кетиб, ердан икки-уч қарич кутарилиб турган қўшалоқ тўнка орасига суяб қўйиб, понабоб ʻғоч ахтариб ошхонага йўналди. Бахтга қарши у ердан ўзи излаган нарсани тополмади, яна бостирмага қайтиб кириб, ўтган кўкламда помидорларга қадалган ʻғочлардан уч-тўрттасини олиб чиқди. Бу чирий бошлаган ʻғочларнинг бирортаси понага ярамаслигига ақли етгач эса, овора бўлганига афсусланиб, чий тўсиқни юқорига тортди-да, уларни ичкарига отиб урди. Нима қилишини билмай отасининг ʻнига борди. Расул ака бўйи барабар келадиган ингичка, терис тахтанинг устига ундан хийла калтароқ бўлган иккинчи тахтани кўндалангига қўйиб, тагига калтароқ тахтадан қирқиб ташланган қолдиқ булақларни жойлаб, миҳ қоқабтганди, ўглининг нима мақсадда келганини фаҳмлаб, остлик тахтачалардан бирини унга узатди. Анвар дарров қайтариш шарти билан дастешани ҳам сўраб олиб кетди. Бироқ бу юмушни ўзи ўйлаганчалик тезда уддалаёлмади — икки марта уриниб, ҳар сафар ʻғочнинг учини йўнаётганда уни синдириб қўяверди. Углининг хатти-

ҳаракатларини кузатиб турган Расул ака унинг асабийлашаётганини ва шу боисдан иши юришмаётганини туйиб, иккинчи остликни ҳам қўлига олиб, ўрнидан кўзгалди. Анварнинг тепасига келиб «қани, нари тур-чи» ишорасини қилди. Анвар нари сурилди. Расул ака тахта бўлагини тўнкага тикка қўйиб, дасттеша билан уртасига туширди, бўлинган қисмини тарашага ухшатиб яна иккига ажратди, кейин улардан бирини сал калтароқ қилиб чопди-да, учини гир айлантириб тарашлаб чиқди. Тўнка устидаги чиқитларни дасттеша кўмагида сидириб ташлаб, кетмонни қиялатиб турғизиб, понани унинг зўғатасига қоқиб маҳкамлади. Ана энди опкетсанг булади, деб ўғлига кетмонни тўтқазди-да, ўзи чиқитларни бир ерга тўплашга киришди. Анвар унга бир оғиз сўз демади, кетмонни елкасига ташлаб ташқарига йўналди. Расул ака ясаётган кўғирчоқ одамнинг бошига кийдиришни мўлжаллаб бир четга олиб қўйган эски қўлоқчинни тортқилиб ўйин қилаётган мушук бола тўйқусдан ўлжасига кўзи тушгану фурсатни бой бергудай бўлса ундан қуруқ қоладигандай тусда Анварнинг кетидан югурди. У мушукчага эътибор бермай ариқдан ҳатлаб утгач эса, ортидан ночор овозда миеввлаб қараб қолди. Анвар кўча эшикни ёпаётиб, онасининг нималардир деб жавраганини, бунга жавобан отаси ҳам уни қаттиқ-қуруқ сўзлар билан койиганини чала ярим эшитди.

4

Анвар бугун эрталабки — бошлиғи билан бўлиб ўтган даҳанаки жангнинг тафсилотларига берилганча боққа кириб борганида Шокир баззоз бир учи ёнғоққа маҳкамланган арқоннинг иккинчи учинчи белига боғлаб олган кўйи сув ўртасидаги тўнка устида туриб унинг қирғоқ томон тарвақайлаган қисмини чопиш билан машғул эди. Анварнинг эсхонаси чиқиб кетди. Ҳаёлидан шу дам: «Шокир бувам сувда оқиб кетса нима бўлади?!» деган ўй ўтди. У бобосини чақиргудай бўлса, у чўчиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, кун-кеча уч-тўрт машина тўпроқ ағдарилган жой билан пастга тушиб борди. Бу пайтда Шокир баззоз болтанинг кети билан тўнканинг йўғон шохларидан бирини пастга уриб туширишга уринар, у эса қарияга бўйсуннишни истамагандай жойидан қилт этмасди...

Анвар бобосининг жон-жаҳди билан уринишини куриб унга юраги ачишди. Қария шу йилнинг узида анча чўккан, шунча пайтдан бери оқармаган соч-соқоли шу йилдан бошлаб қордек оппоқ бўлиб улгурганди. Қўйинг-чи, оиласи бошига тушган машъум мусибат уни бирдан қартайтириб, ҳассасига суюнтириб қўйганди.

Шокир баззоз яна бир уринди — шу сафарги уриниши зое кетмади — тўнканинг қирғоқ томони тарвақайлаб, сувнинг йўлини тўсиб қўйган илдизи «шалоп» этиб анҳор тубига тушиб кетдию ғойиб бўлди-қолди. Оз бўлмаса унинг ўзи ҳам унинг ортидан сувга шўнғиб эди. У «Ҳа, баччағар, чопиб ташламасдан қўймайман дедим-ку», дея болтани авайлаб тиззасига қўйиб, пешана терларини бармоқлари кўмагида сидирди-да, энди яна бошқа бир шохни чопишга тараддудланганди ҳамки, неварасига кўзи тушдию ҳавода муаллақ қолган болтани пастга туширди, «Ҳа, балли», деди ичда, невараси келганидан, иши мана энди олға саллишидан мамнун бир қиёфага кирди.

Анварнинг ранги-қути учган, у ҳали ҳам бобосини «сўвга тушиб кетадилар», деб ўйлагани боис хавотирланишда давом этар, шу билан бирга қария узини тўнка устида тетик тутаётганида маълум маънода у узини тинчлантиришга уринарди.

У бобосига салом берди.

Шокир баззоз неварасининг саломига алик олиб бўлгач:

— Ҳа, келдингми, Анвар, баракалла, — деди унинг ич-ичига тушиб кетган кўзларида, йўқ, сўзлаш тарзида ҳам хафақоллик белгилари борлигини невараси дарров сезди. Сезди-да:

— Бува, сиз у ердан чиқинг, ўрнингизга мен тушаман, — деди, дилидан шу тобда: «Худо кўрсатмасин, белларидаги арқон узилиб кетса нима булади? Узи-ку Рашид акамнинг ғами бу кишини адо қилди. Унда бувимнинг ҳоли не кечади?» деган ўй ўтди. Бобосига қайта юзланиб: — Сузишни билмасангиз ҳам тушибсиз-да! Кўчамиздаги болалардан битта-яримтасига айтмайсизми? — деди.

Шокир баззоз: «Шу пайтда кимга айтардим, ким гапимга қўлоқ соларди», мазмунида неварасига қараб қўйиб, арқоннинг бир учи боғланган қари ёнғоқ танасига ишора қилди:

— Боғлаганимни кўряпсанми? Маҳкамлигини айтаяпман-да! — деди, ортидан белига шаъма қилди: — Бу еримниям узилмайдиган қилиб боғладим. Қаергайм оқиб кетардим...

Анвар бобосидан норозиланишда давом этиб:

— Шундай дейсиз-ку, анҳорнинг важоҳатини қаранг, нақ оқи-зиб кетаман дейди, — деди, кейин тўйқус: «Бувамга дақиқадан бермаяпманми?! Худди ёш болага ақл ўргатгандай!» дея мулоҳазаланди, мулоҳазаланаркан, ҳали, бош муҳаррирининг хонасидан зарда билан отилиб чиққани ёдига тушди, ёдига тушдию, ўша билан олишиб нима қилардинг? Узи оиланг мана бундай ташвишлар ботқоғига ботиб ётган бўлса, энди сеники етмай турувди. Хўп, ака, сизники маъқул деб, мум тишлаб туравер-майсанми-я!.. деб ичда сўзланди.

— Бир бошга — бир ўлим, болам, — жавоб қилди Шокир баззоз, кейин бўлак бир оҳангда кўшиб қўйди. — Наҳотки энди етмиш йил шу қичқирик бўйида усиб-улғайсам-да, қариган чоғимда оқизиб кетса...

Уз навбатида Шокир баззоз ҳам неварасининг ташқи авзойи одатдагидай эмаслигини, унда қандайдир азобланган кишиларга хос бўлган белгилар борлигини туйди, туйдию:

— Узингнинг ишларинг жойидами? Сал хафароқ кўринасан? — деб сўраб қолди дабдурустан.

Анвар бобосининг синчковлигига тан берса-да, сир бой бермасликка интилиб:

— Ҳа, жойида, — деб қисқагина жавоб қайтарди, кейин яна кўшимча қилди: — Бува, сиз у ердан чиқинг, мен тушаман.

Шокир баззоз неварасининг иши жойида эмаслигини бало-дай сезди, аммо кўп ҳам эътиборини қаратмади — қисқагина қилиб:

— Қўлингга кетмонинг бор экан, ҳув анув тўпроқни пастга туширишни бошлай қол. Мана бу шохни чопиб олай, мен ҳам бораман, — деди.

Анвар ҳали ҳам бобосидан хавотирланишда давом этар, у қирғоқда турсин-да, етмишни қоралаган жўжабирдай бобоси анҳорнинг уртасида тўнка чопиб утирса, утган-кетган, кўзи тушган нима дейди, деб андиша қилиб:

— Мен турганда сизнинг сув ўртасида туришингиз қандай бўларкин. Йў-ўқ, бува, сиз чиқинг, ўрнингизга мен тушаман, — деди, ваҳоланки у: «Мен турганда сизнинг сув ўртасида юришингиз яхши эмас-ку», демоқчи бўлганди ва шундай ҳаёл кўнглидан кетганини Шокир баззоз сездди, сездиди ортиқ ўжарлик фойда бермаслигини билиб, боз устига, невараси бунга йўл ҳам қўймаслигини ҳис этиб, белбоғига болта суқиб, чўккалаган кўйи эҳтиётлик билан турган еридан сурилди-да, тўнка билан қирғоқ оралиғига ташлаб қўйган омонат тахтадан ўтиб, Анварнинг ёнига келди. Сунг эса, сувга қараб қўйди. Ваҳми келди. Ҳозиргина унинг ўртасида турганини тасаввур қилдию кўзи жимирлаб, тиниб кетди. Белидаги арқонини ечди, неварасига тутиб:

— Боғлаб ол, ҳар эҳтимолга қарши, — деди.

Анвар сувда сузишни яхши билса-да, белига арқон боғлашга эҳтиёж сезмаса-да, бобосининг ҳозирги аҳволи-руҳиясидан келиб чиққан ҳолда унинг гапини икки қилмади, арқон учини қариянинг қўлидан олиб, белига боғлади. Болтани қўлига ушлаб, ҳозирги омонат кўприкдан тўнка устига тезда ўтиб олиб, чўнқайди-да, бобоси уч-турт бор болта урган ерни топиб, у ҳам тушира кетди.

Анҳор қирғоғида туриб неварасининг ишини кузатаётган Шокир баззоз унга маслаҳат берди:

— Болтани иложи борича қийшайтирмасликка ҳаракат қил. Қийшайтирдингми, қисиб қолади, қайтиб тортиб олаётганингда қийналасан!..

Анвар болтани бобоси айтгандай қилиб ура бошлади. Иш бу сафар анча енгил кўчди.

5

У бухгалтерия билан ҳисоб-китоб қилиб, кадрлар бўлимига ўтди. Кадрлар бўлими бошлиғи Розия опа — қирқ беш билан элликлар атрофидаги паст буй, япалоқ юз, ғўладек юмалоқ, хийла таннозроқ аёл, унинг меҳнат дафтарчасини варақлаб туриб, юраги ачишган қиёфада кузларини пирпиратиб бошини сарак-сарак қилди-да:

— Меҳнат муддатинг ўн йилга етган экан-а? — деди. — Дастёр¹ буп келиб мухбир бўлганингда бўшаб кетяпсан экан...

Шу дамда Анвар ич-этини еса-да, сир бой бермасликка тирришди.

— Ҳа, ўн етти ёшимда келгандим, бу даргоҳга, — дея чуқур тин олди. Олов янглиғ ёнаётган кулча юзида зўраки кулги ўйнади. — Йигирма еттида бўшаб кетяпман.

— ...

У Розия опадан меҳнат дафтарчасини олар экан, қўллари титраб кетди. Унинг аҳволи руҳиясини туйган Розия опа бошқа ишга андармон кишидек, уёқ-буёққа аланглади. Анвар фурсатдан фойдаланиб, тер босган кенг пешанасини шошилиққираб кафтида сидирди-да, ўнғайсиз илжайиб у билан хайрлашди, энтак-тентак қадам босиб хонадан узоқлашди.

Бино даҳлизининг миёнасига етганда, кулранг меҳнат дафтарчасини киссасига суқиб, бундан буёқ нима қилишини уйлаб

ҳардамхаёллиққа берилаётган эди, таҳририятдаги ўзига яқин кишилар ҳамда собиқ бўлим бошлиғи Маҳмуд Пулат билан хайр-хушланишгани ёдига тушиб қолиб, ҳеч иккиланмасдан эшиги ланг очиқ турган лифтга қараб югурди. У лифтга кириб улгуриши ҳамано эшиги шарақлаб ёпилиб, юқорига олиб чиқиб кетди. Анвар ўнинчи қаватда лифтдан тушди. Тушди-ю, у ёғига ўтишга ҳаққи йўқдек, у даргоҳга бегонадек бир ҳолатни ўзида сезиб, ичини ит таталади. «Ишқилиб, йўлақда анавига рўпара кеп ўтирмай-да», дея қўркув аралаш ўй суриб бораётганиди, қаршисинда муҳаррир эмас-у, уни Анварга олқишлаб қўйиб, ўзи икковининг томошасини кўрган Пирриев чиқиб қолди. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Миркарим Пирриев кўққисдан Анварга рўбарў келаман деб уйламаган шекилли, ерга кириб кетгудай бир аҳволда кўзойнагини қаншарига суриб, сўзламоққа оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Анвар шартта тескари ўгирилиб, бедана қадам ташлаб ёнидан ўтиб кетди. Пирриевнинг сўзи оғзида қолди, нима қиларини билмай, анчагача серрайиб тураверди.

Анвар оёғи куйган товукдай у бўлимдан бу бўлимга ўтиб, ҳамкасблари билан хайр-маъзур қилган бўлди, кейин эса: «Ҳайтовур, анавинисига рўпара келмадим», дея ўзига тасалли бериб, йўлак адоғидаги ўзи ишлаган бўлим томон юрди.

У хонага тўғридан-тўғри кириб боргани ботинолмади, очиги ана шундай йўл тутишга юзи чидамади, қия очиқ турган эшик қабзасига тираниб ичкарига мўралади, дуд босган хонадан аччиқ тамаки хиди аңқир, ўзига ўхшаган ўрта буй, оқ-сарик, ориқдан келган, дўппи ўрни тушиб қолган супоқ бошидаги пахмоқ сочларига оқ оралаган, қисик кўз, қирра бурун, бир-бирига туташ бароқ қошлари чимирилган Маҳмуд Пулат навбатчи экан чамаси, тажанг бир қиёфада тўғридаги ёзув столига мук ташганча хомаки газета саҳифасини бўяб-бежаб ўтирар, ҳар замон-бир замонда тутай-тутай деб тугаёзган папирос қолдигини кулдонга тўкаман деб, ўзи сезмаган ҳолда унинг ёнидаги тус дўпписи устига чертиб-чертиб қўярди. У шу дамда эшиқдан ким мўралаётганини пайқамас ё пайқаса ҳам вақтини қизганибми, берилиб бажараётган таҳриридан тўхтамасди...

Алоҳол у ёзув столидан бош кўтарди, оғзидаги папиросини гугурт қақиб қайтадан ёндирди, кейин уни сарғимтир тусга кирган бармоқлари орасига қисиб олиб, қониқиб ичига тортди. Пича утмай бурнидан тутун чиқарди. Остонада мулоҳазага бориб турган Анварга кўзи тушди-ю, юзидаги тажанглик аломати йўқолиб, ўрнини табассумга мойил узғариш эғаллади. Пешвоз туриб:

— Қизиқ экансан-ку, Анвар! Остонада туришинг нимаси эди? Ё мен билан ҳам ёқа бўғишганмисан?! — дея у билан сўрашди-да, елкасига қўлини ташлаб, ичкарига бошлаб кирди. — Қани, ўз ўрнингга бориб ўтиргин-чи, — деди.

Анварга иш жойи энди бегонадек, у ерга ўтиришга ҳақ-ҳуқуқи йўқдек туюлди, шунинг учун ҳам Маҳмуд Пулатнинг қистовига қулоқ солмай, ташқаридан кирганлар учун мўлжалланган ўриндиқлардан бирига омонатгина жойлашди. «Ҳа, ростдан ҳам Маҳмуд ака навбатчи экан» дея ўйлаб, унинг хомаки газета мутолаасидан толиқиб, жияқлари қизарган кўзларига тикилди-да:

— Сизнинг кулдон қолиб, дўппи устига папирос кули тўкишингизни томоша қилиб турган эдим, — деб ўзини оқлашга уринди.

Маҳмуд Пулат кузларини юмиб, қовоқларини бармоқлари

¹ Дастёр — курсер маъносида.

билан уқалади, Анварнинг гапи наша қилди чоғи, кулимсираб куйиб:

— А, шундай қипманми? — дея дупписини қулига олди. Ҳақиқатан ҳам унинг устида папирос қули сочилиб ётарди. у дуппининг ҳар турт каржидаги қалампирнусха оқ гулларга кунган қул гардларига қараб пуфлади, кетидан у ёқ-бу-ёғига чертди, кейин бошига кийди. Анварнинг бир қадар синиққан рангига ачиниб боқар экан: — Нега дарров ариза ёзиб кира қолдинг? Жилла курси менинг командировкадан қайтишимни кутсанг бўлмасмиди?! — деди ҳеч кутилмаганда. — Бургага аччиқ қилиб, курпани куйдиришининг нима кераги бор эди?..

Анвар айбдор одамдек бошини қуйи эгиб, пастки лабини қимтиди, пича тек турди, сўнг хафаланиб гап бошлади;

— Барибир бўшаб кетиш ниятим бор эди. Унинг қул остида ишлагандан кўра...

— Нима қиласан ёлгон сўзлаб!.. — деди Маҳмуд Пулат, Анварнинг ранг-руйи ўзгариб, асабийлашаётганини кўриб сал ҳовридан тушди-да, қўшиб қўйди: — Газетани, ўз ишингни севишингни биламан-ку, ахир! Ҳозир айтиб турибман-а, бургага аччиқ қипсан, деб...

— Сиз шундай дейсиз-да, Маҳмуд ака, — Анвар маъюс нигоҳда бир нуқтага тикилиб қолди, чиройли қуй кўзларида ёш ғилтиллади. — Бу даргоҳда лоақал туғри гапни айтолсанг эди. Дарров кириб етказишди бирортаси...

— Ким етказибди? Нимани етказибди?!

— Ҳа, уша Пирриев-да!

— Пирриев?! — таажжубланган қуйи камсоқол, кўсанамо иягини қашиди Маҳмуд Пулат.

— Табба! — Анвар бир нарса таъсир қилгандай бошини лиқиллатиб мийғида кулди. — Пирриев бошлиққа кириб етказганини ҳали у мени қақриб улгурмасидан кўнглим сезганди-я!..

— Бундай тушунтириброқ айт: Пирриев нимани кириб етказибди? — тоқатсизланди Маҳмуд Пулат.

— Кўчиртиришга берилган ишларимизни машина бюросидан олгани кирсам у ерда Пирриев бир магазинчи ҳақида фельетон диктовка қилаётган экан. Кейин билишимча, у Тўхфанинг эри эмиш. «Саёқ магазинчи» деб ном қуйибди. Мен: «Яна қайси наҳангни турларингга илинтирдиларинг. Бечоранинг шури кўрибди-да! Раҳим Жабборовга ушаб кўзёши тўкмаса гўрга эди» деб, фельетон Шариф Юнусов томонидан атайин уюштирилаётганига шама қилдим. Пирриев шу гапни дарров оқизмай-томизмай унга кириб етказибди. Бир маҳал акам йўқлаб қолдилар-ку, мени...

— Гап буюқда экан-да! — Маҳмуд Пулат, ҳаммасига энди тушундим, дегандай Анварга юзланди. — Катта мендан бу гапларни яширганди. У, фақат: «Сенинг суюкли ходиминг мени Мирқарим билан Садриддин олдида беадабларча ҳақоратлади. Бу курнамаклиги учун уэр сураса керак деб уйласам, у ёқ ишдан бўшаб ҳақида ариза кўтариб кирибдилар. Мен ҳам жаҳл устида аризасига қул қуйиб юбордим», деган бир гапни айтганди холос. Мен уқувсизни қара, Анвар, ҳеч бўлмаса: «Нима сабабдан ҳақорат қилди?» — деб уни суроққа тутмабман ҳам. Э, каллаварам! Э, одамнинг нодони!..

— Узи йўқнинг кузи йўқ, қабилда иш тутиб, бутун айбни менинг гарданимга юклябди-да, — деди Анвар гижиниб.

— Ҳа, туғри сўзининг тўқмоғи бор, деб бежиз айтишмаган экан машойихлар.

— Тўқмоқдан чўчиб, виждонга хилоф иш тутолмасдим, Маҳмуд ака. Ахир, ҳар ишда одил бўлишликка узингиз ургамаганми-дингиз?!

Маҳмуд Пулат куйинчаклиги орқасида бемаврид гап қилиб қуйганини сезди. Сезди-ю:

— Энди нима қилмоқчисан? — деб гапни бошқа ёққа бурди. Муҳаррирнинг дард-ҳасратини эшитган чоғида, ақалли юрак ютиб: «Нима сабабдан газетага керакли бўлган ходимни ишдан бўшатиб юбордингиз?» дея олмаганидан, узининг тобора журъатсизланиб, йўқ, журъатсизланиб ҳам эмас, кўрқоқлашиб бораётганидан, мана шу ўриндингининг қулига айланиб қолаётганидан изтироб чекди. Гуё, Шариф Юнусов тахририятдан жўнатиб юборса, бошқа ердан иш тополмайдигандай, бу ердан ўзга ерда тирикчилиги ўтмайдигандай туюларди унга.

Маҳмуд Пулатнинг бароқ қошлари чимирилиб, қисик кўзлари косасидан чиқиб кетгудай чақчайиб, қонсиз юзидаги мускуллар асабий равишда учаётганини кўриб, у ичиди ким биландир даҳанаки жанг олиб бораётганини пайқадди. Пайқадди-ю, «Балки шу дамда Шариф Юнусов билан келишолмаётгандир?» деган тахминга борди. Шаппатилаб тиззасига уриб, жунаш тараддудига тушди.

— Майли бўлмаса, Маҳмуд ака, — деди қул соатига қараб қуйиб. — Узи бу ерга сиз билан хайрлашгани киргандим. Ишдан қуйганим учун уэр...

Анчагача сукутга чўмган Маҳмуд Пулат ўзи сезмаган ҳолда ҳалиги саволини қайтарди:

— Энди нима қилмоқчисан?

— Қайдам, — елка қисди Анвар. — Узимизнинг Хончорбоғ одамлари ҳақида қисса ёзишни кўнглимга тугиб қуйгандим. Шу ишга жиддий киришаман-ов...

— Буни яхши уйлабсан, — деди Маҳмуд Пулат бироз юзи ёришиб. Чекиб бўлинган папирос қолдигини кулдонга эзиб ўчирди. Анварнинг истагини қўллаб-қувватлади: — Ҳозир айни ёзадиган ёшдасан. Мен ўз вақтида шу ишлар билан астойдил шугулланолмадим. Ҳали рўзгор ташвиши халал берди, ҳали бола-чақа етилиб қолди; оқибатини кўриб турибсан — эни икки, бўйи уч метрли мана шу хонада чирк босиб ётибман...

— Ундай деманг, — ҳамсўхбатининг кўнглини кўтарди Анвар. — Республиканинг кўзга кўринган журналистларидан бири бўлсангиз, уч-туртта яхши китобингиз чиққан бўлса. Узингизга яраша обрў-эътиборингиз бор, ахир...

— Қуруқ обрў-эътиборнинг кимга кераги бор? — тушкун кайфиятда сўзлади Маҳмуд Пулат. — Сенинг ёшингда менам тузук-тузук ҳикоялар ёзиб, матбуотда эълон қилдира бошлагандим. Ҳатто «Қонли мактуб» деган ҳикоямни Чингиз Айтматовдай бир ёзувчи қирғиз тилига ағдарганди. Бу олтмишинчи йиллардаги гаплар. Уша кезлари у изланишларимни маъқуллаб хат ҳам ёзиб юборувди. Мана энди нима қолди? Сен айтган бояги уч-туртта китобим-у, уша маҳалларда орттирганим — «Маҳмуд Пулат» таҳаллуси холос. Бор кучимни манави еди... — У шаҳодат бармоғи билан ёзув столида бўялиб ётган хомаки газета саҳифасига ишора қилди.

Анвар унинг кўнглини кўтаришга арзигулик сўз тополмади, шу билан бирга, «Айтматов изланишларимни маъқуллаб хат ёзиб юборувди», деган гапига у қадар ишонмади. Маҳмуд ака ошириб юборди деган ҳаёлга борди.

Маҳмуд Пулат унинг дилидан кечган ўй-мулоҳазани пайқади чоғи, мийиғида кулиб қўйиб:

— Биляпман, менинг гапларим сенга эриш туюлаяпти. Баъзида, шундай улкан ёзувчидан бир пайтлар хат олганимга узимнинг ҳам инонгим келмайди, — деди содда, синиқ оҳангда.

— Йўқ, нега ундай дейсиз, ундай деманг, — дудмол сўзланди Анвар. Хаёлидан: «Чингиз оға у пайтларда ҳозиргидай машҳур ёзувчи эмасди. Маҳмуд аканинг ҳикояси кўнглига ўтиришган бўлса, таржима қилиб, кейин унга хат ёзиб юборгандир-да», деган ўй ўтди.

— Ҳалиги мақсадинг яхши, — қайта таъкидлади Маҳмуд Пулат.— Вақтни беҳуда ўтказиб юбориш керак эмас. Утказиб юбордингми — тамом, ҳаммаси учпул. Тўғри, адабиёт осон иш эмас, азоб-қубат, лекин ҳаммасига сабр-тоқат, бардош керак. Ана шунда ёзувчи бўлишнинг мумкин. Акс ҳолда, менга ўхшаб... аросатда қоласан... — У пича тек турди, сўнг сўзида давом этди: — Бу ердан бушаганимга хафа бўлма. Хўпми?

Маҳмуд Пулатнинг юрагида шу қадар дарди бор экани Анварнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Бошида, у, Маҳмуд ака менинг кўнглимни кўтариш учун бу гапларни айтяпти, деган ўйга борди, йўқ, қараса, у ҳақиқатан ҳам дилида фасодлаб ётган умр ярасини тўкиб-сочаётган экан. Анвар бир тарафдан Маҳмуд Пулатга ачинса, иккинчи тарафдан ўзининг ариза ёзиб кириб тўғри йўл тутганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилгандай бўлди. У эшик томон юрар экан:

— Ҳа, айтмоқчи, бўлим ишларини саранжомлаб қўйгандим, — дея Маҳмуд Пулатга ҳисобот берди. — Ҳаваскорлар ҳикояларига обзорни Ҳақим аканинг қўлига топширдим. Пичоққа илинадиган шеърларни ишлаб машинага бердим, қолганларига жавоб ёзиб юбордим. Запасларимиз турадиган папкага кўзингиз тушмадимми, мабодо?..

Маҳмуд Пулат, хотиринг жам бўлсин, дегандай унинг елкасига кафти билан қоқди-да:

— Ҳаммаси тартибга келтирилган экан. Беш-олти сонга етарли запас ҳам йиғилиб қопти, бунинг учун сенга раҳмат, — деди, уни йўлакка довр кузатиб чиқди.

— Шунга айтиб қўяй девдим, — Анвар шундай деб у томон қўл чўзди. — Хўп, бўлмаса. Қуришгунча хайр, Маҳмуд ака...

Маҳмуд Пулат унинг қўлини маҳкам сиқиб хайрлашаркан:

— Қатнашиб тургин-а? Унутиб юбормагин, бизларни!.. — деди.

— Хўп, — синиқ товушда жавоб қайтарди Анвар, сўнг истаристамас йўлакнинг у бошига қараб йўналди.

6

Анвар ташқарига чиққанида кўш тафти бир оз сусайиб, енгил шабада турган, кун қиёмдан оғиб, шомга томон оҳиста суд-ралаёзган палла эди. Ёз охирлаб, дарахлар шохларидаги баргларнинг битта-яримта тўкила бошлашдан кўзнинг ҳиди келиб қолган, аммо ҳиди келса ҳам ўзи келиб улгурмаган эди. У хаёл суриб келаётганиданми, қўққис ўз исмини эшитиб чўчиб тушди. Йўқлаётган киши ким эканини таниёлмай, хурандалар билан тирбанд қаҳвахона томон жавдир-жавдир қаради. Ҳалиги кимса қўл силкиди-да, йўғон, баланд овозда хитоб қилди: «Ай куёв,

буёққа!» Анвар уни «ай куёв» деганидан таниди: «Баланд тоғлар» қиссаси босилиб чиққан сурхондарёлик ёзувчи Ҳақим Мансур эди. Анварни у билан университетда бирга ўқиган, ҳозирда республика радиосида ишлаётган ҳамкурсани Уктам Собиров таниш-тирган эди.

Хурандалардан холироқ чеккадаги тугарак столдан жой олган Ҳақим Мансур сархуш, кўтаринки кайфиятда унинг истиқболига пешвоз чиқиб:

— Э, куёв бола, сизниям кўрар кун бор экан-ку! Қани, бу ёққа утиринг-чи?! — дея турдаги стулни жойидан силжитди-да, Анварнинг ўтиришига қулайлик яратиб берди. — Уйдагилар яхшими? Шокир бовамиз эсонмилар? Ҳа, айтгандай, янги меҳмонлар билан қўтласак бўладими?..

Анвар ҳамсоясининг ёшига муқоясалаганда қаримсиқ юзага, усиқ соч-соқолига, охори тўкилган кийим-бошига нигоҳ қадаб туриб: «Ҳақим Мансур менинг устимдан куляпти чоғи, — деган ўйга борди, ортидан эса: — Йўғ-э! Нималар деяпман? Унинг табиатида бировни калака қилиш одати борлигини авваллари сезмаганман-ку! Менимча, оилавий аҳволимдан хабари бўлмаса керак-ов!.. Гапни кўпам чуватмай, янги меҳмон ҳали йўқ, энди бўп қолар, деб қўя қолаймикин?» — дея мулоҳаза юритди. У ёлғон сўзлашни эпломасди, шунинг учун ҳам ростини айтишга жазм этди.

— Ҳаётимиз тўғри келмади, ажралишганмиз, — деди овози ўзгариб, лаб-даҳани биланар-билинмас титради. Бутун борлигида ўзининг хатти-ҳаракатларига қарши исён қўзғалди. «Икки ойлик жуфти ҳалолнинг уч талоқ кўйдинг — ваз-қарсонни кўнгли-сизлик, деб; туппа-тузук ишлаб турган иссиқ жойингдан бушаб кетдинг — сабабни бошлиғим тамағир, деб; мана энди ниманг қолди — ҳеч ниманг! Нега сен бундайсан? Нега ўша Садриддин, Мирқарим Пирриевлар сингари оғирнинг устидан, енгилнинг остидан тинчгина юриб, ими-жимиди иш юритавермадинг? Йигирма етти ёшда ўзингга шунча ғам-ташвиш орттириб олишининг нима нафи бор?! Ҳаётга ўзи нимага келгансан? Умрингни мана шундай жанжал-сурон билан ўтказганими? Бундан буёғига нима бўлади? Келажакнинг ҳеч уйлайсанми?!» Анварнинг тиришиқ манглайида, икки чаккасида майда тер томчилари ялтиради.

Ҳақим Мансур ўзи истамаган ҳолда унинг битиб улгурмаган юрак ярасига туз сеппиб қўйганини тушунди. Тушундию айбдор бир оҳангда:

— Улай агар хабарим йўқ эди, — дея рапидадек кенг кафтини кўксига босди. — Кечирасиз, Анвар, билмай... Ҳа, дарвоқе, нега ундай бўлди?..

Анвар нега ундай бўлганини батафсил сўзлаб ўтиришини ўзига эп билмади, шунда ҳам Ҳақим Мансурнинг кўнглига булак гап келмасин учун:

— Манави ер бум-буш эди, — деб мушти билан юрагига ниқтади, сўнгра узун хўрсиниб қўшимча қилди: — Севмаган кишинг билан яшаб бўладими? Қани, менга шунга айтинг-чи, Ҳақим ака?!

— Ҳа, кўнглининг иши қийин... — Ҳақим Мансур бир нуқтага тикилганча ўйчан тарзда дўрдоқ лабларини чўччайтирди, унга қан юзидаги чуқурчасини чўзинчоқ иялига довр қашиди. — Иш-қилиб...

Анвар унинг нимага шама қилаётганини пайқаб:

— Бор-йўғи икки ойлар атрофида яшадик, холос. Бола бул-

ганида иш анча мушкуллашардику-я, — деди, кўнглидан: «Қайдам, у ҳолда бегуноҳ гўдакнинг уволига қолмайин деб, жиннинг суймаган аёл билан яшашингга тўғри келармиди», деган фикр ўтди.

Ҳақим Мансур ўтириш вазиятини ўзгартирди — қўлларини кўкрагига қовуштириб, Анварнинг авзойига зеҳн солди: руҳи сўлгинлигини кўриб:

— Э-э, унда жуда саз қутулибсиз. Ҳали ёшсиз, сизга кимлар қизини бермайди, — деди, кўз, қош ва кўл ишорасида «мен ҳозир» дегандай ўрнидан кўзғалиб, қаҳвахона ичкарасига кириб кетди. Бирор фурсат ўтгач, у ердан чети чатнаган тоза стакан, бир тиши синган санчқи кўтариб келди. Стол ўртасида турган бўйни узун шишадаги яримлаган «Ўзбекистон» нордон виносидан иккала стаканга тўлдириб, бирини Анварнинг яқинига қўйди, кўшни столдаги хўрандалардан ханталли идишни сўраб олди-да, озгинасини сосискали ликопнинг бир четига ағдарди, қолганини эгаларига қайтариб, санчқи билан пичоқда сосискаларни бўлаклади, ликопни пича нарига — ўртароққа сурди. Бу ишларни жуда тез, очқаган одамнинг овқат ейишидек иштаҳа билан бажарди.

Анвар унинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмай кўзатар экан: «Ҳечқурса мана шу мусофирдан ибрат олсанг-чи! Адабиётга чин дилдан ихлоси тўфайли ҳамма нарчасидан воз кечиб, узоқ бир вилоятдан Тошкентдай шаҳри азимга кеп тиришиб-тирмашиб юрибди. Бошпанасининг тайини йўқ. Икки-уч илдан бери ишламайди — ижод қилади. Шунинг ҳам куну ўтяпти-ку: очидан ўлаётгани йўқ! Сен нимадан чўчияпсан?! Маҳмуд Пулат айтганидай, тузлуқ тўрва ҳали бўйнингга тушмаган бўлса, уч-тўртта боланг чирқиллаб: «Ада, уни опкелинг, ада, буни опкелинг», дея ҳол-жонингга қўймай хархаша қилаётган бўлмаса, уст-бошинг бут, багрингга ота-онанг бўлса; сенам бирор кунингни кўрарсан, оч қолмассан», — дея мулоҳаза юритди, айни пайтда миясига шу кечинмаларига қарама-қарши ўй-фикр ҳам келди: — Сен шундай дейсан-да! Бировдан ўтганини биров қайдан биларди! Анча қийналгани ташқи қиёфасидан ҳам маълум-ку! Сосискани ютоқиб бўлақлаётганидаги қўлларининг қалтирашидан кўриниб турибди, шу кунларда қандай кун кечираётгани...»

Ҳақим Мансур стаканга кўл чўзиб, «қани, олиб юборайлик» демоқликка оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Анварнинг ўзи томон алланечук нигоҳ қадаб қолганини кўриб, менинг ҳолимга ачинапти гумон қилди-да, шаштидан қайтди, ахволим сен ўйлаганчалик танг эмас қабалида қоматини гоз тутишга интилиб, баланд овозда сўзланди:

— Ишлар тузукми, ишқилиб? Газетда эдингиз шекилли?

Унинг сўроғидан Анварнинг таъби янада хиралашди, нима деярини билмай, хийла гарангалиб турди, кейин томдан тараша тушгандай қилиб:

— Бушаб келяпман, — дея қисқа жавоб қайтарди. Хаёлидан эса: «Ҳақим Мансур худди илгаритдан билгандай, нозик саволлар беради-я!» — деган ўй ўтди.

— Бушаб келяпман?!

— Ҳа.

— Эбей! Ундай эмасдиро-ов!.. — ишонқирамади Ҳақим Мансур.

Анвар мийиғида кулиб:

— Мен сизни алдармидим, мана кўринг; — деб киссасини титкилади, меҳнат дафтарчасини чиқариб, стол устига қўйди.

Ҳақим Мансур иккинчи бор бемаврид савол бериб қўйганидан андишага борди. Анварнинг меҳнат дафтарчасини қўлига олмади, кўз қирини югуртирди холос.

— Ия, қизиқ бўпти-ку!.. — ўнғайсизланди у. — Ўзи, айтмоқчи, қайси бўлимда эдингиз?

— Адабиёт бўлимида.

— Ҳа, дарвоқе. Булим бошлигингиз билан эмасмиди... мабодо?

— Йўғ-э, нима деяпсиз! Маҳмуд Пулат яхши одам. Шариф Юнусов билан...

— Мухаррир биланми?..

— Ҳа...

— Хафа бўлмаг-у, Анвар, негадир ўша бошлиқларингни ҳечам жиним суймайди. Газетани жудаям шаблонлаштириб юборган.

— Мухаррирлик курсисида ўша одам ўтирар экан, ҳали-бери газетага сон кириши амримахол-ов, — унинг мулоҳазасини маъқуллади Анвар. — Чунки у газетхонлар истагини қондирадиган, бугунги кун талаби даражасидаги асарларни бостиришга йўл қўймайди. Қобилиятли, қўлидан иш келадиган ходимларга кун бермайди. Унга чизиб қўйган чизигидан бир қадам нари силжимайдиган итоатгўйларгина керак. — Анвар шу ўринда «Пирриевларгина» демоқчи бўлди-ю, Ҳақим Мансурга бунинг ҳеч бир аҳамияти йўқ-да, деган фикрга келиб, «итоатгўйларгина» сўзи билан кифояланди, сўнгра: «Жалойирга жар солиб нима демоқчисан? Шариф Юнусовнинг бетига лой чаплаяпсанми, ё узингнинг бегуноҳ фаришта эканингни, ноҳақдан-ноҳақ ишдан бўшатилганингни исьботламоқчимисан? — деб узини тергади, ортидан эса: — Бу феъл-атворинг бўлса узоққа боролмайсан. Шариф Юнусов ҳам сенингдек «ватанпарвар»дан бу тахлит осонлик билан қутулганига дўпписини осмонга отгандир», дея хулосаланди.

Ҳақим Мансур пича жим қолди. Сийрак қошлари паст-баланд чимирилиб, миёнасида чуқурча ҳосил бўлди, ўйчанликка мойил катта-катта қўй кўзларида одам боласи дафъатан ўқиб олиши маҳол бўлган аломат қалқиди.

— Менинг яқин бир танишим ҳам шу газетада ишлайди, — салмоқлиб гап бошлади у. — У аблаҳни охириг марта сизнинг тўйингизда учратгандим, — деди бир бугини йўқ шаҳодат бармоғида Анварга ишора қилиб. Яна гап айланиб бориб тўйга тақалгани ёдига тушди-ю, «э, аттанг» қабалида лабини тишлади, эҳтиётлик билан Анварга кўз қирини югуртирди, унинг юзида ҳеч қандай ўзгариш сезмагач, кўнгли тинчиб, сўзида давом этди: — Ушанда мени кўриб пайтавасига курт тушиб қолганди, ярамасинг. Кўпам ўтирмай жўнаворди шекилли, бўлак қорасини кўрсатмади.

— Мирқарим Пирриев эмасмиди, мабодо?

Ҳақим Мансур Анварнинг тахминий хулосасидан ҳайратланган тусда:

— Қаердан билдингиз-ай? — деди, унинг топқирлигига қойил қолганини бош ирғаб дараклар экан, кулимсиради.

— Аблаҳона хатти-ҳаракатлар ўшанинг табиатига хос-да, шунинг учун айтяпман, — деди Анвар, ҳаёлига: «Садриддин-чи? Нега унинг номини четлаб ўтяпсан? Уям маразлиқда Пирриевдан қолишмайди-ку! — деган ўй келди. — Йўқ, янглишасан, у ҳали Мирқаримнинг олдига тушолмайди! Унинг Пирриев бўлишига уч-тўрт қовун пишиғи бор...»

— Эшитшимча, редакторларнинг ишонган одамларидан берига айланганмиш-ку?! Шу гап чинми?..

— Ишдан бушаб кетишимга шу Пирриев сабаб бўлди. Алдам-қалдам ишлар билан шуғулланишаётганини бетига айтсам, дарров кириб етказибди-да, акам!..

— Гапирманг, у билан бир ўқиганман. Уккагар қандай инсон эканини беш қўлда биламан, — асабий тарзда столни чертишни кўймасди Ҳаким Мансур. — Уз манфаати йўлида отасидан ҳам кечворадиган кимса. Мен сизга бир воқеани айтиб берайин... Студентлик йилларимиз денг, ётоқхонада туришни истамай, кўчама-кўча изғиб уй ахтариб юрганида, ўзим ижарада яшаётган бир аёлни кўриб бордим. Кўкча тарафлардаги боғ ҳовли эди. Эри нима сабаб биландир, беш-ўн йилга кесилиб кетган экан, шунинг менга сираям айтишни хоҳламади. Унинг гап-сўзларига қараганда, эрининг яхши одамлиги аниқ сезилиб турарди. Хулласи калом, аёл икки фарзанднинг онаси, тўқимачилик компаниясининг илгор ишчиларидан эди... Кўшнинг чирсиллаган чилласи кирган кунларнинг бирида, ҳали-ҳали эслаймак, шанба эди, саҳардан тушга доғур лайлак қор уриб ёғиб берганди, кўчага чиқишга вақтни қизганиб, ҳовлига қараган дераза рўпарасидаги қулбола хонтахтага мук тушган қуйи ўзимизнинг олиш! ҳақидаги қиссамни оққа кўчириш билан овора эдим, ҳа, янглишмаяпман, худди шундай эди, қўшилмаганда қишлоқдан телеграмма кел қолди: момомиз бетон ётган эканлар. Фуркатни бой бермай, шаҳар кўчаларига қоронғилик чўма бошлаганига қарамай, тезда вокзалга жўнадим. Бирор ҳафта қишлоқда қолиб кетдим. Қайтиб келсам, уй бекас йиғлавериб хун бўлиб кетган. Бу аблаҳ Миркарим икки-уч жўрасига қўшилиб, арақ ичиб, кўзи қонга тўлиб қайтган экан денг, болалар уйда йўқлигидан фойдаланиб, сандалнинг кулини тортаётган аёлга ташланибди-да энди!.. Энагар анча маҳалгача қорасини курсатмади: на университетга боради, на кўча-қўйда учрайди... У хонадонда ортиқ яшашга юзим чидамади; кўч-кўронимни йиғиштирдим-у, Миркаримни бу даргоҳга етаклаб келганим учун ўзимни-ўзим лаънатлаб, узга ердан уй қидиришга киришдим... Пайт пойлаб юриб, ахири бир қуни қўлга туширдим, бадбахтни! Ҳа, энасини курсатишни кўнглимга тугиб қўйгандим-ку-я!.. — У бўғини йўқ бармоғига ишора қилди. — Нимадир бўлиб, чалқанчасига йиқилиб ётганида лунжига мушт тушираётганимдами, билмадим, шу бармоғим оғзига кириб қолибди. Менинг важоҳатимни кўриб, ўлдириб қўяди деб ўтақаси ёрилганми, ё шу баҳонада ўрnidан туриб олишни мўлжаллаганми, ишқилиб, қўтурган кўппак мисоли жон-жаҳди билан бармоғимни тишлаяпти денг, нақ узуб олай дейди. Оғриқнинг зўридан кўзларимдан олов чиқиб кетаёзиб: «А-а-ай, қўлим-е!» — деб қўчани бошимга қўтаргудай овозда дод-вой солдим, қани энди раҳми келиб қўйиб юборса!..

Анвар «астағфирулло» дегандай ҳайратдан ёқа ушлар экан:

— Йўғ-э! — дея ишонқирамай унинг гапини оғзидан олди. — Шундай «хўнар» курсатгани борми? Чинданам тишлаганмиди?!

Ҳаким Мансур авваломбор гапини бўлгани, сўнг эса сўзларига шубҳа остида қарагани учун Анвардан ранжиди.

— Эса-чи! Сени алдаб менга нима зарур?! — деди у гинали оҳангда, энди бу ёғига қўлоқ беринг, қабилда сўзлашда давом

эпти: — Бир маҳал кафтимга қарасам, курсаткич бармоғимнинг уч томони йўқ, қип-қизил гўшти кўриниб ётган еридан тирқираб қон оқапти. Юрагим худди товошимга доғур тушиб кетди-ю!.. Орқа олдимга қарамай, ҳув ўшанча масофа нарида ура қочаётган Пирриевнинг ортидан қўвдим. «Ай, аблаҳ, жилла бўлмаса бармоғимни ташлаб кет-ей!» дейман ўпкам тўлиб. У мени етиб олади гумон қилиб, талвасага тушди, бармоғим оғзига экан, капалаги учиб асфальт йўлга тупурди-ю, ўзи жон ҳолатда бекатдан кўзга-лай деб турган троллейбуснинг орқа эшигидан ичкарига кириб улгурди. Мен эса, оёқ-қўлим дир-дир титраб, унинг тупуриги орасида ётган бир парча этни ердан кўтардим. Нима қилаётганимни ҳам идрок этилмай, ўз кўнгида уни ўрнига қўндириб, устидан рўмолчам билан маҳкам боғладим-да, шу яқин-атрофдаги дўхтирхонага қараб югурдим. Бариб уринишим зое кетди — бармоғим бўғинини ўз жойига ямаш дўхтирларнинг ҳам қўлидан келмади. Мана шундай тўмтоқлигича битди. Ҳа, айтгандай, қил-ғиликни қилган Пирриев ўша воқеадан сўнг шаҳардан қўйиб бўлди. Орқаворотдан эшитишимга қараганда, оливалый шароитини рўқач қилиб ўқишини сиртқига ўтказдирибди-да, қишлоғига жўнаб қўлибди. Йўқ, икки-уч йил ўтиб, унга нисбатан хусуматим зойил топлаб, университетни битиришимиз арафасида яна пайдо бўлди-ю... Ай, илоннинг ёғини ялаган эди бу уккагар!

Анвар бундай ачинарли ва айни пайтда кишининг қўлгисини кўзгатадиган воқеани Ҳаким Мансур ўзига ярашган оҳангда эркаланиб ҳикоя қилишидан таъсирланди:

— Ўзини жудаям ожиз, касалманд санаб юради-ку, наҳотки шу Пирриевнинг қўлидан шундай ишлар келса?..

Ўз навбатида Ҳаким Мансур ҳам Анварнинг соддалигига қўлиб қўйиб:

— Э-э, ўзининг жонини сақлаб қолиш йўлида бундан беш баттар пасткашликларга боришдан ҳам ҳазар қилмайди бу нусха, — деди.

— Бу киши яна қайси бўлимини бошқарадилар денг: коммунистик ахлоқ бўлимини-я!..

— Ҳаммаси ана шу «фаришталар»дан чиқади-да, — овозини бир парда баландлиқ билан сўзлади Ҳаким Мансур. Унинг юз-кўзларида ҳам истеҳзоланиш ифодасини ўқиш мумкин эди: — Шунинг учун бўшаб кетганингизга ҳечам ўпқанманг. У ернинг муҳитини бир тозаламаса бўлмайди чоғи.

— Ҳа, ҳов ҳали Маҳмуд Пулат иккимиз ҳам шу ҳақда гаплашганим, — унинг фикрини қўвватлади Анвар.

— Ҳа, дарвоқе, утган ойда «Адабиёт ва санъат»да чиққан ҳикоянгизни ўқидим. Яхши ёзибсиз.

Анвар, Ҳаким Мансур фақат табиатида ёққан одам билан суҳбат қилишини, фақат дидига ўтиришган асарни тилга олишини — мақтовга андак хасисроқ эканини яхши билгани боис ҳам хийла қизарди, ўзини нуқолай вазиятда қолган ҳис этиб:

— Узингизнинг ишларингиз дурусти, Ҳаким ака? — дея тилинқиради, суҳбатдошининг ҳол-аҳволини суриштириш энди эсига тушганидан истиҳола торти. Хаёлан эса: «Унинг қиёфаси узингизкидан аъло эмаслигига ҳув боя — бу ерга келишинг заҳоти амин бўлгандингиз-ку?! У, Анвар қўриб-билиб туриб мени мазах қилмапти, деган мулоҳазага бормайдими? Ё сенинг феъл-атворингга ҳам маккорликка мойил узғариш ниш ура бошладими?!» деб ўзини сўроққа тутди.

— Бинойиман, — Ҳаким Мансур бош иргаш ҳамда бошмалдо-

¹ Кураш назарда тўтиляпти.

гини тик қилиб кўрсатиш билан кайфияти чакки эмаслигига ишора қилди. — Самарқанд дарвозадаги бир кампирниқиди яшайман. Қодирий домланинг боғ ҳовлиларидан икки-уч куча наридаги хонадонда. Айтмоқчи, биласиз шекилли, бир марта боргандингиз-ку тутхурликка, Уктам икковинглар... Мана ҳозир ишнинг гаплашиб келяпман. Нашриётда корректорлик ўрни бўш экан, кирмоқчиман. Икки-уч йил ҳеч қаерда ишламаганим важи, бирикки нарса ёзаётгандим, йўқ, худога шукр, шу юмушим поёнига етди ҳисоб...

Анвар, Ҳақим Мансур хулқидаги бир жиҳатга ҳавас қиларди. У қанчалик оғир шароитда қолмасин, зинҳор тушкунликка тушмас, ё тушса-да, ўзгага сир бой бермас, келажакка мумкин қадар умид билан қарар, шу хислати туфайли ҳам бошқа тенгқурларидан ажралиб турарди.

— Қани, бўлмаса олиб юборайлик. Томоқ жониворам тақилаб кетди, — у шундай деб стаканига қўл чўзди. — Муҳими, ҳар ким ўйлаган ниятига етсин, — дея ичкиликни лабига олиб борди, кейин ҳардам-хаёлликка берилаётган Анварнинг елкасига қокди: — Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ, йигит. Ҳали бари яхши бўп кетади.

Анвар ҳеч қачон вино ичмаганди. Лекин шу паллада — кузига бутун олам тор кўринаётганида аламинни шундан олсам ҳоврим пича пасаяр, деган ўйда уни қўлига олди, Ҳақим Мансурга илҳақлик билан боқди. Унинг қарашида «қани, бўлақолинг» илфотини кўргач, стаканга бир кўз югуртирди-ю, уни сипқорди, шоша-пиша ликопчадаги сосиска бўлақларидан бирини санчқига илди, ханталга ботириш ҳам эсига келмай газак мазмунида оғзига солди.

— Нордон-а? — Ҳақим Мансур унинг қисилиб кетаёзган кўзларидан нигоҳ узмай кулимсиради.

— Нордонам гапми, бай-бай-бай-ов, — бошини лиқиллатди Анвар. — Шунга краска қўшадилар, дейишади, шу гап ростмикин?

— Эб-ей, ундай эмасдир-ов!

— Мана, қовун-тарвузга селитра қўшадилар-ку?!

— У бўлак гап. Полиз экинларини тезроқ етилтириш мақсадида ана шундай қилишади.

— Буниям бир бало қиладилар-да, ишқилиб. Кимдандир эшитганим учун айтяпман, — деди Анвар, вино ичимлиги иштаҳасини қитқилади чамаси, яна санчқига бўлақланган сосискадан илди, шу ҳолича ханталга ботириб олиб, бамайлнхотир тамадди қилишга киришди. — Барибир «оқ»ига етмайди-я!..

Оғзидаги сосисканин ютоқиб чайнаётган Ҳақим Мансур унинг сузларидан завқи ошиб:

— Аҳа, секинроқ айтасизми, у энди бошқача-ку! — деб жавоб қайтарди, ортидан қўшиб қўйди: — Бир ҳисобда ўшани камайтириб туғри иш қилди...

Анвар узининг ва Ҳақим Мансурнинг стаканини рўпарасига қўйиб, ҳар икковига вино тўлдирар экан:

— Манавиданам олсангиз бўларди, — деди.

Ҳақим Мансур, бир оғиз сўзингиз-да, деб одатдагидан ҳажман кичикроқ бўлган шишаларнинг ёпқичини чўқиштириб, улардан бирини очди, оғзидан «виж» этиб отилиб, билагига қадар оқиб тушаёзган кўпигини қўл силкитиб ерга туширди, ачимаганмикин деган мазмунида Анварга қараб олиб, қолдиқ ширасини кир, гижимланган шоҳи даструмолида артди, сўнг шу ичимлик-

ларга мўлжалланган бўш стаканларга ярим-ярим қўйди. Ликопчаги сосискаларни бўлақлаб, оғзига солиш учун қўлай ҳолга келтирди.

Анвар виноли стаканини унинг ёнига сурди, ўзиникини эса қўлига олиб, сузланди:

— Қани, бўлмаса ичайлик...

— Аҳай, мана ҳозир-да! — Ҳақим Мансур стол устида йиғилиб кетган шишаларни завқи ошиб кузатар экан, кўтаринки кайфиятда кафталарини бир-бирига ишқади, стаканини Анварниқига уриштирди-да: — Ҳалиги ишларингиз амалга ошиши учун оламингиз-да, а тосдош? — деди.

— Майли.

Унинг «тосдош» дейиши Анварга маълум маънода ғалати ва эриш туолса-да, билдирган самимий тилаги далда бўлди: сига-ретали қўлини тўгарак стол бетига тираб, стакандаги винони бир кўтаришда ичиб юборди, лекин бу сафар газакка қарамади; ичкиликнинг нордон таъми кўнглига ўтиришганданми ёхуд чекаётган сигаретаси иштаҳасини улдиргани сабабми, ҳар қалай, кафтини бурнига яқинлаштириб ҳидлаш билан қаноатланди, холос.

— Сосискадан олинг-да, — манзират қилди Ҳақим Мансур, нега мазангиз йўқ, дегандай шеригига таажжубланиб нигоҳ қадади, ўзи ҳам санчқиси ёрдамида бир-икки бўлагини ханталга ботириб, оғзига тикди.

— Сиз бемалол олаверинг, негадир менинг егим йўқ, — жавоб берди Анвар, шу пайт уни ҳиқичоқ тутиб қолди. У: «Манави ярамас сабаб бўлди-ёв», — дея ярмига довор чекиб тугатган сигаретасига айб йўйиб, уни кулдон-ликопга эзгилади.

— Ичимликдан ичинг — босилади, — деб маслаҳат солди Ҳақим Мансур.

Анвар ҳам ўзича шундай йўл тутмоқни мўлжаллаб турганидан, ичимликни хўплади, хўпладию афтини буриштириб уни стаканга қайта пуркаб юборди.

— Э, ҳа, — унинг авзойига қараб гайришуурий кулимсиради Ҳақим Мансур. — Кўпиги тошиб чиққанидан билиб эдим-а! Ачиган эканми?..

— Шунақага ухшайди, — деди Анвар, лаб-лунжини рўмолчаси билан артди, уни яна ҳиқичоқ тутди. — Шу ҳафтада опкелинган деган гапига ишониб олувдим.

— Эса мановидан тагин бир олайлик-а, — Ҳақим Мансур унинг майли билан қизиқиб ўтирмай ҳар икки стаканга вино қўйди. Қани, ичинг, деб Анварни ошиқтирди. У сипқориб бўлгач, ўзи ҳам ярмини бўшатди, кетидан муҳим янгликни дараклаш иштиёқида унга юзланиб: — Аммо-лекин вино сизга ёқар экан-е, — деди, Анварнинг ташқи қиёфасида нимага асосланиб бундай деяпсиз ифодасини кўргач эса: — Юзингиз Кува аноридайин қизаргани боис айтяпман. Вино ёққанига шундай бўлган. Ҳамма-гаям ёқавермайди бу кургур, — дея қулида тутиб турган қолдиқ ичкилигини охиригача кўтарди.

— Унчалик эмасдир, — хижолатланди Анвар, вино таъсирида фақат юзи эмас, ичи ҳам қизий бошлаганини ҳис этди. Биш хийёл айланиб, руҳиятидаги бояги тушкунлик ўрнини киши дафъатан ўқиб олиши мушкул бўлган нашъами ёинки айни палладаги маишатдан қаноатланишгами ухшаш ҳолат эгаллаб бораётганини туйди. Туйди-ю, нима учундир Ҳақим Мансурга яхшилик қилмоқни истаб қолди ва бу яхшилик нимадан иборат бўли-

ши даркорлигини уйлаб пировардида ушбу тўхтамага келди: унга ёрдам тариқасида ўттиз-қирқ сўм бериб туриш зарур! Ҳалиги олган юз сўм пули барибир бу яқин-орада узига керак бўлмайди! Нега керак бўлмас экан? Бундан буёқ ишсиз бўлса, мана энди керак бўлади-да! Йўқ, у энди, қачонгачалигини яхши билмайди-ку, Хончорбоғдан ташқарига чиқмайди, аксар вақтини ҳаёлини кўпдан бери чулғаб келаётган ишини амалга ошириш учун сарфлайди. Нафсиларини айтганда, у пайтда ҳамёнидаги ортиқча пул эмас, ортиқча қалам, қоғоз ва ортиқ даражада сабр-тоқатгина унга қўл келиши мумкин. Лекин айни чоғда Ҳаким Мансур шу нарсага муҳтожлик сезяпти. Кўчага чиққандан кейин, ута тежамкор бўлган тақдирда ҳам, ҳечқурса овқатнинг узига камида бир сўм кетади; кўчанинг овқати эса маълум. Ундан ташқари, йўлкира, майда-чуйда сарф-харажатлар... Хулласи калом, унга сенинг кумагинг айни муддао бўлар эди.

Анвар ҳиммат камарини боғлаб, киссасига қўл суқди-да, қатма-қат тахланган икки буклам пуллар орасидан учта ўн сўмлик ва иккита беш сўмликни суғурди, Ҳаким Мансурга илтифотан тутиб:

— Ишни гаплашиб келялман деялсиз, маош беришгунича сизга асқотиб қолар, — деди, кўнглидан: «Тўғри қиялпсан, одам-одамни шундай кўнларда қўллаб-қувватламаса қачон қўллайди. Жуда тўғри иш қиялпсан», деган ўй кечди.

Ҳаким Мансурнинг шунча вино ичиб ўзгармаган ранги Анварнинг мурувватидан сўнг дам гезарди, дам қизарди. У ўзини маълум маънода камситилган ҳисоблаб, сўл қулоғи солинчагини бош ҳамда шаҳодат бармоқларида пайпаслар экан, Анварга диққат билан разм солди, бироқ унинг юз-кўзларига нафсониятини ерга ургувчи ҳеч қандай аломат кўрмагач:

— Узингизга керак бўлмасмикин? — деб пулни олишини ҳам, олмасини ҳам билмай хийла боши ганг туриб қолди.

Анвар унинг иккиланаётганини дилдан ҳис этиб:

— Мени қўяверинг, мени «қора куним»га манави қолганиям етади. Ҳали кўчага қачон чиқаман-у, қачон буларни ишлатаман, — деди, хаёлан: «Бояги вино ҳиқичоқ тутишини тўхтатди чоғи, ҳа, шундайга ухшайди», дея мулоҳазаланаётгани ҳамки, қўққис яна устма-уст ҳиқиллашга тушди. У ўнғайсизланди, Ҳаким Мансурнинг пулни олмай тортиниб туриши эса унинг аҳволини янада мураккаблаштирди, шу сабаб овозини бир баҳя баландлатиб ҳамсоясини огоҳлантирди: — Пайсалга солаверманг-да энди, акс ҳолда айниб қолишим ҳам ҳеч гап эмас!..

Анварнинг утингандай оҳангдаги пўписасидан таъсирланган Ҳаким Мансурнинг чехраси хиёл ёришди. Не ҳасратда харид қилиб, фақат бир марта кийиш шарафига муяссар бўлган шевиот костюм-шимини зарурат орқасида уч ой бурун олтмиш сўм бадалига гаровга қўйганини эслади. Эслади-ю, бир тарафдан бўсағада туриб эшик қоқаётган кузни, иккинчи тарафдан эса уни гаровхонадан қайтариб олиш муддати ҳам етганини ўйлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, қутилмаганда Анварнинг саховат дарвозасини очини мақсадга мувофиқ эдики, бу тарзда мижговланаверса ҳақиқатан ҳам насибасидан маҳрум бўлиши мумкинлигига фаҳми ожизи етиб, унинг қўлидан пулни олди-да, дазмоли бўзилган, ранги буғиқ катак қўлагининг кўкрак чўнтагига солди, сўнгра ўртада боз ноқулай вазият вужудга келмаслиги учун дарров гапни ҳазилга буришга тутинди:

— Тушунган йигитнинг садағаси кетсанг арзийди-да! Шу пул бир юмуш учун зарур эди! — деди у костюм-шимини гаровга

қўйганини билдиришга ийманиб. — Мени жудаям қўллаб юбордингиз-е!.. Албатта бирор ойлларда қайтариб беришга ҳаракат қиламан!..

Анвар унга, еб кетмаслигингизга имоним комил мазмунида боқар экан, баайни уйку хумори тутгандай кўзларини қисиб:

— Майли, берганингизда берарсиз, — деди, масъул қотибига топширишни унутган гувоҳномасининг орқасига «қора кунимга» деб билган сармоясини жойлаётган эди, у ердаги таклифномага кузи тушидю хушёр тортиди. Гуласал тўйига тайинлаб айтиб кетганини хотирлади. Анвар ташвишли нигоҳда Ҳаким Мансурга қараб: — Бугун ўттизинчи август-а? — деб сўради.

— Ҳа, нима эди? — ажабсинди Ҳаким Мансур.

— Ҳайтовур-э, — Анварнинг кўнгли пича урнига тушди. — Одам уз ёйига ўзи қовурилса, бўлак ҳамма нарсани унутиб юбораркан. Буни қаранг, Гуласалнинг тўйи бугунлиги бутундай хаёлимдан кўтарилган экан. Утган ҳафта ишхонага кеб айтиб кетувди... Фрунзе савдо марказининг чап биқинида «Дилором» кафе си борми? Тўйи ўша ерда бўлади.

— Анави, шоира қиз эмасмиди? — уйламсираган куйи бош қашиди Ҳаким Мансур. — Шеърлари «Ёшлик»да босилган!..

— Уша, — тасдиқ маъносидан бош тебратди Анвар. — Гуласал билан корректорлик азоб-уқубатларини бирга тортганмиз, икки-уч йил. Унияма редакцияда чиқиштиришмовди, Тўқимачилик комбинатининг кўпнұсхали газетасига кетиб кутулди. «Тўқимачилар овози»га. Эшитишимча, куёви ўша ерда ишлар экан. Иннайкейин, комбинат уй ҳам беради деган гапни қилувди. Ҳа, дарвоқе, у сизнинг ҳамюртингиз эди шекилли.

— Шурчиданми?

— Йўқ, йўқ, менимча Сариосиёдан эди-ёв!

— Ҳимм, шундай денг, куёви-чи?

Анвар қўл соатига куз югуртириб туриб:

— Унисини билмадим, — деб елка қисди, гарчи ичида: «Худога шуқр-э, энди чинданам ҳиқичоқ тутиши тўхтаган кўринади», дея сўзланса-да, назарида худди ҳозир тагин ҳиқиллаб қолади-гандай туюлаверди. Шу вайдан ортиқ бу ҳақда уйламасликка тиришиб: — Соат ҳам олтига яқинлашиб қопти. Бормаймизми тўйга? Лекин жудаям суюнарди-да! Азза-базза кеп айтиб кетмаганида бўлак гап эди! — деди.

Ҳаким Мансур унинг куйиниб сўзлашини рағбатсизланибгина эшитди, эринчаклик билан ўзининг у ёқ-буёйига куз ташлаб қуйиб:

— Эбей, шу аҳволда-я! Соч-соқолга қаранг! — дея юзини тириштирди.

Анвар мийиғида кулди.

— Ахир, соқол қуйиш модада деб ўзингиз гапирувдингиз-ку, — дейиш билан чегараланди, холос.

Вазият тақозоси туфайли айтиб юборган номатлуб сўзлари орадан ҳеч қанча вақт ўтмай уз бошига таъна-дашном олиб келиши мумкинлигини мутлақо хаёлига келтирмаган Ҳаким Мансур изза тортган куйи лаб тишлади-да:

— Шундайликка шундайку-я!.. Ҳарқалай, бориладиган бўлинса, тартиблироқ борилгани дурустми, дейман-да! — дея мужмал жавоб қайтарди.

— Бупти, уялаётган экансиз, йўл-йўлакай сартарошхонага кйриб утармиз.

Ҳаким Мансур, ҳақиқатда, тўйга бориш истаги йўқлигини

руй-рост айтишга ботинолмади, андишага борди. Шунинг учун ҳам мана бу мазмундаги баҳонани рўқач қилди:

— Нимагадир оёгим тортмаяпти-да! Узимизнинг шу гурунг тузукмасмиди?!

Анварнинг кўз ўнгида Гуласалнинг кўп ҳолларда бедил, хоксор қиёфаси гавдаланди. Гуё шу бугун қизнинг никоҳ кечасига бормаса, унинг қувончига шерик бўлмаса, кечирилмас хатога йўл қўядигандай ва бу айби учун анчагача азият чекадигандай бир қайфиятни дилида туйди-ю:

— Кунгли шикаста қиз-да, хафаланадими дейман, — деди зорланган оҳангда.

— Жудаям ошириб юбормадингизми, Анваржон, — ишонқирамай кулимсиради Ҳаким Мансур. — Яқинлари бордир, сиз айтганчалик аҳволи тангмасдир. Ундан кейин, кўевиям ёлғиз бўлмаса керак.

— Бундай дейишимнинг боиси, бирда ўзи ёрилиб қолганди: отаси ким биландир гаров боғлашиб, маст ҳолда трактор рулига ўтирган, охир-пировардида уни бошқаришга кучи етмай катта бир жарликка қулатиб юбориб, тагида қолиб ҳалок бўлган экан... Қайсидир дарёнинг номини айтганди-я! — сабрсизланиб бармоқлари билан чаккасини қашиди Анвар. — Тилимнинг учуда турибди-ку, ҳечам ёдимга келмаяпти! Бизнинг Қичқирққа ухшаш эди-я, оти қургур!..

— Тўпаланг дарёси бўлиши керак? А, шунақами?

— Э-э, яшанг, биларкансиз-ку! Тўполон дарёси!.. Ана ўша хунук воқеадан уч-тўрт йил ўтиб, онасиям вафот этибди, бечора, жигари қуриб қолиб... Ҳали мактаб ёшига етиб улгурмаган Гуласал билан синглисини ўғай амакиси ўз қарамоғига олибди. Ҳа, дарвоқе, кейинчалик амакиси унга отасининг ўлиmidан манфаатдор шахслар бўлганини маълум қилди. Уни атайин ичирганлар ҳам, ўртада келишмовчилик чиқаришига об-ҳаво яратганлар ҳам ўшаларнинг одамлари экан...

Ҳаким Мансурга унинг сузлари ўз таъсирини утказмай қолмади: қошларини чимириб, пешонасини тириштирди; тўғарак столнинг бир нуқтасига тикилган кўйи пича ўй сурди, сўнг суҳбатдошига шу гапларни бурунроқ айтмайсизми дегандай юзланди.

— Эб-эй, жуда чатоқ иш бўлган экан-да, а?! Ундай бўлса, боришимиз лозим. Ҳа, бормаса бўлмайди, — деди жиддий оҳангда, бошини у ён-бу ён тебратиб.

— Шунга айтман-да, — унинг гапини маъқуллади Анвар. — Бормаса бўлмайди.

Ҳаким Мансур шиша тагида қолган винога ишора қилди:

— Шу уккагарни тугатайлик, кетин йўлга тушамиз.

— Менга қўйманг. Узингиз олиб қўя қолинг. — Анвар шундай деб стаканнинг устини қафти билан тўсди.

Ҳаким Мансур унинг хоҳиши билан ҳисоблашгиси келмай, шиша оғзини стаканга тўғирлаб:

— Йўқ, бунақаси кетмайди. Қани, дарров қўлингизни олингчи, — дея қистайверди.

Анвар чор-ночор қўлини стакандан тортди. Ҳаким Мансур ҳар икки стаканга расамади билан вино тақсимлади.

Анвар безовталаниб қайта соатига қаради-да:

— Шошилмасак бўлмайди, — деди. «Ҳали сартарошга кириб ўтиш керак бўлади. Уям анча вақтни ушлайди», деган ўй кунглидан кечиби, ичини мушук тирнай бошлади. Иссиқ ўрнидан қўзғалишга ошиқмаётган шеригидан ранжиётганини дараклаш мақса-

дида, узининг тегишини бир кўтаришда ичиб тугатиб, стаканни дўқ этиб столга қўйди. Бу қилигим унга таъсир утказмадимикан, йўсинида Ҳаким Мансурга кўз қирини ташлади; унинг ҳам пайта-васига қурт тушиб, стаканини қўлга олганини қургач эса, хотири жам бўлиб, газак ўрнида муштини бурнига тутди.

8

Анвар бу ерда Тўхфани кўраман деб уйламаган эди. Тўхфани қўриш-ку майли-я, ammo Садриддинни учратиш сира ҳам хаёлига келмаган эди. Унга кўзи тушдию: «Гуласалга нисбатан шунчалик ноҳақлик қилиб, яна уялмай-нетмай туйига келганини-чи!..» деди ичида, сўнг эса рўпарасидаги ҳалиги ёшгина аёл тагин унга синовчан қараётганини туйгани боис:

— Бир нима демоқчисиз шекилли менга? — деб суради.

Аёл ҳақиқатан ҳам ундан бир нимани сўраш истагида эканини тасдиқлаб бош тебратди-да:

— Ҳа, сизни қаерда кўрганимни эслашга уринаяпман, — деди, ортидан, қошиққа ухшаб ўсиб кетган тирноғи устига лак суртилган бармоғини юпқа, ялтироқ лабига олиб борди-да: — Бўлди, бўлди, эсладим, сиз... сиз газетада ишлайсиз, худди хув анави биз томонга қараб-қараб қўяётган йигит каби, — дея, Садриддинга ишора қилди, кейин сўзида давом этди: — У йигит бизнинг домда туради, бир ўзи, тўрт хонали уйда...

Анвар Садриддиннинг ёнида ўтирган, устига юпқа ҳаворанг гипёр кўйлак кийиб олган, бўйнидаги Миср дурию оғзидаги тилла тишлари шу ердан ҳам ялтираб қуринаётган, ўзи ҳам қадаҳидаги шампан виноси таъсирида қувончини ичига сигдирилмаётган, бир гапириб, ўз гапидан қаж-қаж отиб кулаётган ёшгина жувон — Тўхфага энсаси қотиб боқаркан:

— Сиз айтаётган йигит бир ўзи эмас, унинг хотини, иккита ўғли ҳам бор, — деди, кейин қўшиб қўйди: — Улар қишлоқда яшашади, камдан-кам шаҳарга тушишади, шунинг учун кўрмаган бўлишингиз керак.

— Ҳарқалай, бир ўзини кўраман-да, кўпинча, — деди аёл, шунинг баробарида бировнинг иғвосини қилаётгандай кўрингани туфайли узининг гапидан пича уялди ҳам, ана шу дилидан ўтган ҳисни Анвар сезиб қолишини истамагани учун тезда уни саволга тутди: — Боя айтганим ростдир, газетада ишлашингиз?..

Анвар Тўхфанининг ўзини тутишидан ижирганди ва бунга сезсин учун ўша ёққа заҳарини сочиб тураверди.

Унинг қараши мазмунини Садриддин ёнидаги шеригига етказди чоғи, Тўхфа шу ёққа аланг-жаланг боқиб, Анварни қидирган бўлди.

Анвар дарров нигоҳини бўлак тарафга олиб қочди, хаёлидан шу лаҳзада Шариф Юнусовнинг тунов кунги гапи ўтди. «Сен ёнини олмоқчи бўлганинг ўша аблаҳ гулдай хотини бўлатуриб бошқалар билан юраркан! Устига-устак, улфатлари билан гап ўйнаб келиб, гирт маст ҳолда Тўхфани урар экан, мен сал попуғини пасайтириб қўймоқчи эдим...» Анвар собиқ муҳаррирининг ўша кунги жон куйдириб гапирган гапларини шу дамда эслаганидан ҳайрон бўлди. У дарров ўзини чалғитишга тутинди-да, ҳалидан буёқ унинг оғзига қараб ўтирган аёлга истеҳзолангандай тарзда кулимсираб:

— Ҳимм, ишлардим... — деб қисқа жавоб қайтарди, ўзи сез-

маган ҳолда тагин Шариф Юнусов ҳақида ўйлади, хаёлидан яна унинг сўнги гапи утди: «Мен сал попугини пасайтириб қўймоқчи эдим». У муҳаррирининг гапига ушанда ишонмагани каби ҳозир ҳам ишонмади, сўнг эса умуман ўша нарсаларни, тўғрироғи, муҳаррири билан ораларида бўлиб ўтган можарони унутишга тутинди, аммо шунда ҳам унинг дарғазаб, қонталаш юзи, ҳадеганда чимираверадиган қуюқ қошларию хунук боқиб турувчи чағир кўзлари куз унгида тажассумланишда давом этаверди. У ўзини нечанчи бор чалғитишга уриниб, Ҳақим Мансурни ахтарди. Ҳақим Мансур тўғридаги стол бурчагида — ҳали сўрашган аёл билан қизиқ сўхбатга берилиб кетганди. Уям Анварнинг утирган-утирмаганини билиш мақсадида шу ёққа кўз қирини ташлади-да, нигоҳлари тўқингач, «ҳаммаси жойида» деган мазмунда қўл ишорасини қилди. Анварнинг ундан хотири жам бўлди, лекин кўзи яна Садриддинга тушдию қони қайнаб кетди. Ўзи сезмаган ҳолда рупарасидаги аёлга зарда аралаш ҳалиги жавобини қайтарди: — Тўғри топдингиз, газетада ишлардим...

— Менам қурувчилар газетасида ишлагандим, — деди аёл, сўнг эса ўзини таништиришга кўчди. — Исми Алфия!

Анвар уни таниганди. Анвар қурувчилар газетасига ишга келганида Алфия ишдан бўшаб кетаётганди, шундан бўлса керак, уни яхши эслаб қолганди.

— Анвар, — ўзини таништиради у. — Менам сизни эслаб қолгандим. Сиз ўша пайтдаги газета муҳаррири Раҳмон Ҳотамовга котиба эдингиз, тўғрими?..

— Тўғри, хотирангиз яхши экан. Раҳмон Ҳотамович тўсатдан... ўзингизга маълум-ку... тўсатдан ўлиб қолганлари. Йўқса, ҳалиям ишлаётган бўлармидим, худо билади. У кишидан кейин замлари бор эди-ку, Акбар Исломов, шу редактор бўлдию мени ишлашга қўймади-да. Кетишга мажбур бўлдим.

Анвар у айтаётган Акбар Исломовни яхши билади. Содда, ўз ишининг билимдони, газетанинг заҳматкаши эди. Яна у худди ана шу одамнинг қатъий эътироз билдиришига қарамасдан газетани тарк этганди.

У ҳозир ана ўша одамни, тўғрироғи, унинг яхши фазилатларини эсладию кайфияти хийла бўлса-да, кўтарилди.

— Ҳа, Акбар акани яхши биламан, — деди у. — Яхши одам у. Алфияга унинг «яхши одам» дейиши ёқмади, ундан норозиланди. Бу ҳолатини қош чимириш ва кўзини ғилайлантириш орқали сездирди.

— Ҳе-е, аммамнинг бузоғига ўшаб шалпаймай ўлсин, — деди у, ўзининг ўхшатишига ўзи маҳлиё бўлгандай бир тусда Анварга тикилди. — Раҳмон Ҳотамович раҳматлининг бир тукига олмайман у қурумсоқни!..

Анвар:

— Раҳмон Ҳотамовичингиз аёлларни яхши кўрарди-да, ёнини олягсиз, а? — деб қулимсиради, бу қулгиси орқали Раҳмон Ҳотамовга ўзининг баҳосини берган бўлди ҳам.

— Албатта аёлларни эъзозларди-да! Унақа мард одам битта эди, — деди Алфия, бу сўзларни у ҳазил оҳангида эмас, жиддий тарзда айтди. — Ҳақиқий женьтелмен эди у киши...

— Унақадан яна биттаси бор, — киноямуз илжайди Анвар. — Бизнинг Шариф Юнусов ҳам сиз айтган женьтелменлардан!..

— Унингизни танимамайман, — дея бошини чайқатди Алфия, шунинг баробарида кўзларини пирпиратди, ортидан қўшимча

қилди: — Қўйинг энди, утиб кетганларни тинч қўяйлик. Бор одамлар ҳақида сўзлашайлик.

Анварга бу гап маъқул тушса-да, ўзи сезмаган тарзда:

— Масалан? — деб юборди.

— Масалан, сиз ҳақингизда! — Алфия эркакона бир шиддат билан шундай деди-да, қадаҳга қўйиб қўйилган арақни Анвар томон сурди.

— Мен ҳақда?! Мен ҳақда?! Қизиқ-ку... — Анвар шу гапни гапираркан, ён-атрофига нигоҳ қадаб, кутилмаганда кўзи шу томонга ер остидан ўқрайиб қараб турган Садриддинга тушди. Садриддин ана шу қарашини Анвар кўриб қолгани учун ҳеч нарса билмагандай қиёфада Тўхфага бир нимани тушунтиришга киришди. Ўз навбатида Тўхфаям Анвар ва Алфия томонга таажжуб аралаш боқди.

Анвар, Тўхфа атайдан жигига тегишни мўлжаллаб, ўзини, у билан Алфияни кузатаётгандай қилиб кўрсатаётганини фаҳмлагани учун ҳам уларни тонг қолдириш мақсадида ёнидаги Алфияга ўзини яқин қилиб тутмоқчи бўлди. Шунинг баробарида хаёлидан: «Мени бу ерда қўраман деб ўйламаган шекилли булар!..» деган ўй ўтди, шундай ўй хаёлидан ўтиши ҳамона: «Йўқ, нега ахир?! Гуласалминан яқинлигимизни, Гуласал мени тўйига айтган бўлиши кераклигини ҳар иккиси билади, ҳарқалай билган, ҳа, ҳа, Тўхфа билган. Лекин нима қилиб у бу тўйга Садриддин билан келганикин? У бундай маросимларга одатда муҳаррир, ҳеч бўлмаганда масъул котиб, ё бўлмаса ўзининг бўлим бошлиғи билан келарди-ку?! Бу сафар Садриддин билан келиши, сира ақлга сигмайди-да! Садриддин ўзини худди мушук бола сидек тутяпти. У тунов кунги воқеадан кўрқяпти чоғи! Анвар, мени айтди деб ўйлаяпти, деб мулоҳазаланяпти, шунинг учун ҳам гарчи ёнида Тўхфа бўлса-да, ўзини қўярга жой тополмаяпти! Ё ёнида худди ана шу Тўхфанинг бўлгани учун ҳам унғайсизланаяптимикин? Ҳа, ҳа, шу томони ҳам унга халал бераётганга ўхшайди...» дея ўзича сўзланди.

— Қани, олинг! — деди Алфия хаёл суриб қолган Анварга қараб, ўзи ҳам қўлига жажжи қадаҳни олиб, ҳовода тутиб турди. — Кейин ўзингиз ҳақингизда сўзлаб берарсиз...

— Бўлмаса бир таклиф бор, — қадаҳни қўлига олди Анвар.

— Қани, эшитайлик. Қандай таклиф экан?

— Бўлмаса бу қадаҳни Гуласалнинг бахти учун олайлик.

— Бу таклифингиз ажойиб бўлди. Бўлмаса Гуласалнинг бахти учун, — деб қадаҳини Анварнинг қадаҳи билан уриштириб қўйди Алфия, кейин унинг ичишини кутиб турди.

Анвар қадаҳидаги ичкиликни бир кўтариб ичиб тугатди, сўнг-ра газак мазмунида дастурхондаги гулли ликопчага терилган бодрингдан тановул қилди...

Кўп ўтмай, Анвар, «п» ҳарфи шаклида тузатилган давранинг турида савлат тўқиб утирган келин-куёвлардан куз узолмай қолган, у ҳам ўзининг нигоҳ тўйини хотирлаган ва ушандаги ўзининг ҳолатини эслашга уринаётганди. Алфиянинг «Гуласалнинг бахти учун» дегани ёдига тушди, ёдига тушдию: «Бахт дегани нима ўзи?! Наҳотки бахт дегани бор бўлса?! Йў-ўқ, йў-ўқ, менинча, бахт деган тушунчанинг ўзи аҳмоқонадек кўринади! Бахт шунчаки одамларни алдаш, ҳа, ҳа, одамларни чалғитиш учун ўйлаб топилган бўлса керак!..» дея мулоҳазаланди, мулоҳазаланиши замони унга қарама-қарши ўлароқ ўй ҳам кўнглидан ўтди: «Сен ўзинг, сен ўзинг уйлариб бахтли бўлолмаганинг учун

ҳам шунадӣ деясан! Мабодо хотинингни қуйиб юбормаганинг-да, уни севганингда ва у билан ширин турмушда яшаётган бўлганингда, албатта, ўзингни бахтли санаган бўлардинг!.. Нега энди бахт йу-уқ деб айюҳаннос солмоқчи бўляпсан?! Ана, бахтли икки ёш давранинг турида савлат туқиб утиришибди! Ҳозир дунёда, шу дамда улардан бахтли одам йуқ бўлса керак! Сен бўлсанг «бахтнинг ўзи бормикин» деб унинг борлигига шубҳаланааяпсан! Толстойдамиди... ҳа, ҳа, «Анна Каренина»да эди! «Ҳамма бахтли оилалар бир-бирига ўхшайди, ҳар бир бахтсиз оила ўзича бахтсиздир...» деб бошланарди! Толстойки, бахт ҳақида, бахтсизлик ҳақида ёзган экан, демак у бор экан-да! Толстойки, бахт ва бахтсизликни ёнма-ён қўйган экан, демак улар ҳаммиша ёнма-ён юраркан-да! Бахтли оилалар ҳаммиша бир-бирига ўхшар, бахтсизлари эса ўзича бахтсиз экан-да! Бундан чиқди, Гуласал ва унинг қаллигига ўхшаганларнинг бахти бир-бирига ўхшаркан ва бундай бахтлиларнинг турмуши ҳам, турмуш мазмуни ҳам бир-бирига ҳамоҳанг-у, сенингдек бахтсизларнинг бахтсизлиги турлича экан-да! Майли, майли, сен ҳозир келгусидаги ҳаёти бахтли кечадиган ёшларнинг, тенгдошларингнинг кечасида ўтирар экансан, ўзингнинг бахтсизлигингни эслама, қара, уларнинг бир-бирига тўймаслигини, бир-бирига талпинишини — ана шуларнинг бахтлигидан қувонгин! Узгаларниг қувончига шерик бўлиш ҳам бахтлиликнинг нишонаси бўлса ажаб эмас!..» Шу пайт даврада келин-куёв шаънига илиқ гаплар айтилди. Анвар ана шу самимий тилакларнинг барчасига қўшилганини исботлаш мақсадига арақ шишани қидириб қолди. Уни Альфиянинг ёнидан ўзи томон сурди-да, қадаҳини тўлдириб, қўлига олди. Альфияга ҳам қўймоқчи бўлган эди, у унамади, кейинги сафар сизга қўшиларман, ҳозир бир ўзингиз олаверинг, дегач, бир ўзи қадаҳдаги арақни ичиб юборди. Арақ ўз таъсирини кўрсатиб, унинг бошини хиёл айлантира бошлаган, кайфияти ҳам хийла кўтарилганди. Ичиндаги иссиқлик юзига ҳам қалқиб чиққач, руҳиятидаги кўтаринкилик ташқи кўринишида ҳам яққол кўзга ташланмай турарди. Бу пайтда даврада навбат қўшиққа берилиб, дилоро бир куй янграй бошлаганди. Анвар бу куйни диққат билан эшитарди. Қуйга қўшиқ уланди, ўртага йигит-қизлар тушиб ўйнай бошлашди. Альфия дам даврада рақс тушаётган йигит-қизларга, дам эса Анварга кўз қирини югуртираётганини, у шу дамда Анварга нимадир демоқчи бўлаётганини йигит сездди. Анвар унинг рақс тушиш истаги бор эканини кўзларидан ҳам, ҳадеганда ўша ёққа ҳавас билан тикилаётганидан ҳам фаҳмлаб олди. «Рақс тушгиси келяпти! Ҳа, ҳа, мен билан рақсга тушгиси келяпти-ю, аммо ана шу истагини қандай қилиб билдиришни билмаляпти, ана шу истагини билдиришдан уяляпти чоғи», деб мулоҳазаланди. У арақ шишасини қўлига олиб, ўзининг ва ёнидагиларнинг қадаҳларига қуйиб чиқди, сўнг эса Альфияга қараб:

— Ана шу даврада рақс тушаётганлар учун ҳам ичайлик,— деди.

Альфия унинг гапидан шарақлаб кулиб юборди. Кейин қадаҳини қўлига олиб:

— Сиз ҳам ҳув анави йигитларга ухшаб ўйнай оласизми?— деб, даврада чунон эҳтирос билан рақсга тушаётганларга ишора қилди.

— Агар сиз билан бўлса ўйнайвераман! — Анвар бир томондан Альфиянинг дилидагини туйгани учун, иккинчи томондан ичган арағи ўз таъсирини кўрсатиб, вужудда ёқимли ҳисларни кўзгаганлиги учун ҳам ана шу жавобни қилганди.

Альфия «бўлганча-бўлди-да» қабилида қўл силтади-да, у ер-бу ерини тузатган бўлиб урнидан кўзгалди. Анвар ён-атрофига қаради: ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Уям Альфияга эргашиб давра ўртасида рақсга тушаётганлар томон юрди.

— Қани, бошладик, — деди Альфия ва пахтадек оппоқ, нозик қулларини юқорига кўтариб рақсга туша кетди.

Анвар ҳам тўғридаги столда у томон назар солиб турган Ҳаким Мансурнинг «Ҳа, куёв, бўшашманг»идан кейин Альфияга қўшилиб ўйнай бошлади.

Пича бирга ўйнаганларидан сўнг Альфия ундан сўради:

— Ўйланганмисиз?..

Анвар шу дамда Альфия ундан: «Ўйланмаган бўлсангиз керак, шундайми?» деб сўрамоқчи бўлганини туйгани учун ҳам:

— Ўйлангандим... — деб жавоб қайтарди.

Альфия эҳтиросини сездирди, шу билан бирга, Анварга янаям яқинлашиб, тўғрироғи, унга суйқалиб рақсга тушишда давом этди-да:

— Нега ўйлангандим деясиз? — деб сўради.

Анвар шу он Альфиядан анқиётган фаранги атридан, ҳадеганда тегишаётган юмшоқ жойларидан янаям бошқача бўлиб кетаётган эди.

— Нега деганда, қуйиб юбордим-да, — деди Анвар, ортидан Альфия нима учун қуйиб юборганини ҳам сўраб қолишининг олдини олиб: — Гапимиз гапимизга тўғри келмади. Ҳар хил одамлар эканмиз, — деб индаллосини айтиб қўя қолди.

— Сиз эркакларга тушуниб бўлмайдик, — норозилангандай бош тебратди Альфия, Анварнинг жавоби қаноатланганданми ёки Анварнинг боши очиқлигини, «эгаси йўқлиги»ни билганиданми, хурсанд бўлиб, чехраси янаям гулгун очилиб кетди. — Мен сени севаман, ўламан саттор сендан бошқасини олмайман, дейсизлар-да, бир йил ўтар-ўтмас гапимиз-гапимизга тўғри келмади, характеримиз бир-биримизга тушмади, деб қуйиб юбораверасизлар! Аслида... аслини олганда кўнглингиз бошқасини тусаб қолади... Умр савдоси, сиз эркаклар учун, бир уйинчоқ мисоли.

— Худди ана шу севмаганим учун ҳам қуйиб юбордим. Мана бу ер бум-бўш эди, — деб юрагига ишора қилди Анвар, шундай бир фараҳбахш кечада яна кўнгли ярасини эслаётганига, шуни эслашга мажбур этаётганларига ижирганди.

Альфия унинг дилидан ўтаётган ўйларни уққандек, унга ён босгандек бир оҳангда:

— Ўша сиз айтаётган севгининг ўзи бормикин?! Ҳеч кўрмадим-да ушани... кўнгил ўйинига ўхшайди, холос!.. — деди.

Бу пайтда ҳар икковининг вужудда кўпириб ётган ёшлик жўшқинлиги сўниб улгурган, уларнинг рақс тушишлари ҳам эҳтироссиз кўрина бошлаганди. Яхшики шу дамда қўшиқ тугаб қолди, йўқса ҳар икковлари ҳам бўлак рақс тушишни истамай жойларига бориб утиришган бўлишарди.

Анвар Альфияга қараб:

— Мен чекиб келаман, — деди-да, қаҳвахонанинг айвонига томон юрди.

У айвон панжарасига суяган куйи сигарета буруқсатиб турганида кутилмаганда даврани олиб борувчи сўзни Садриддин Қурбонқуловга берди.

Анвар ундан жимжимадор, баландпарвоз сўзларни кутганди, йўқ, нима учундир у жуда камтар, ҳокисор бир одамдек юмшоқ оҳангда Гуласал шаънига илиқ гаплар айтди. Анвар сездди: Сад-

риддин ундан чўчигани учун ҳам юмшоқ супургидек сузлаяпти, йўқса-ку бундай маросимларда ўзини қандай тутиши, ўзининг ким эканини кўрсатиб қўйиш одати бор эканини у яхши билади-ку-я!..

У шу дам Садриддиннинг овозини эшитишни истамади. Шунинг учун ҳам айвоннинг эшигини ёпиб қўйди-да, панжара ёнига қайтиб, неон чироқлари нурида ўзгача бир манзара кашф этиб турган шаҳар кўчаларини, «ғиз» этиб у томонга, «ғиз» этиб бу томонга учиб ўтаётган машиналарни суқланиб томоша қилди.

Бир маҳал ҳали ёпиб қўйгани айвон эшиги очилди. У эшикни ким очганини билишга қизиқиб орқасига ўгирилди, ўгирилдию Садриддиннинг совуқ сумбатига қўзи тушди. У сохта табасум билан Анварнинг ёнига юриб келди-да:

— Ахир, огайниларам шунақа бўладими, Анвар? — деди.

Анварнинг энсаси қотганидан юзлари тиришиб кетди. «Мен сенга огайни эканманми?!» демоқликка ҳам тараддулданди-ю, аммо айтмади, ана шундай дейишликни ўзига лозим топмади, фақатгина унинг сўзлари ўзининг гижинини келтирганини сездириб, истеҳзоли қулди.

Садриддин ўзининг бу ерга ташрифи ҳам, манави ҳозирги жумласи ҳам Анварга ёқмаганини ич-ичдан ҳис этса-да, буни ташқи кўринишида ошкор этмади, мумкин қадар сир бой бермасликка интилиб:

— Яхши бўлмади-да! Чакки иш қилдингиз!.. — дея унинг ариза ёзиб ишдан кетганига шаъма қилди.

Анвар Қурбонқулов бу сўзларни шунчаки, унинг кўнглини кўтариш учун айтаётганини фаҳмлагани учун ҳам дарғазаб бўлди.

— Нега яхши бўлмади?! — деди у Садриддинга истеҳзоли жилмайиб. — Кимлар учундир адабиёт бўлимига ўтишга имконият туғилди-ку ахир!..

Қурбонқуловнинг рангидан қон қочди. Бунга сабаб Анварнинг аччиқ кинояси эди. Анвар унинг нозик жойидан «хиппа бўлгани»га дил-дилдан иқрор бўлса-да, буни тан олишни истамади.

— Сиз... сиз мени ўтади деб ўйлайсизми?! — у бўлак нима дейишини билмасди. — Мен... мен... ҳалиям кеч эмас... ҳалиям бўлса, сиздан нима кетди, Шариф акадан узр сўранг-да, ишга қайтинг, демоқчи эдим.

Анвар унга гапириб қўйиб, юқоридаги сўзлари учун маълум маънода ичдан эзилаётгани, аммо унинг мана бу ҳозирги гапларини эшитдию тепа сочлари тикка бўлиб кетаёзди.

— Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз, Қурбонқулов! Сиз мени шунчалик паст кетади деб ўйлайсизми?! — У шундай дея газаб билан қўлидаги сигаретани сўнгги бор узоқ ичига торти-да, кейин пастга чертиб юборди, ортидан Қурбонқуловнинг эътиборини ерга қаратиб, айвоннинг полига тупурди. — Мен тупурган тупугимни қайтиб оладиганлардан эмасман! — У шундай деди-да, тагин Қурбонқуловга еб қўйгудек бўлиб тикилди. — Бошқа гапингиз йўқми, менда? — деб сўради, ваҳоланки у бу гапи орқали «Сенда бўлак гапим йўқ!» деган ишорани қилди-да, чурқ этмай яна шўх қўшиқ янграй бошлаган тўйхонага кириб кетди.

Қурбонқуловга Анварнинг уни менсимагандай тарзда терс жавоб қилиши ҳам, мана бундай «сенам одамми» қабилида миқ этмай ичкарига кириб кетиши ҳам салбий таъсир этиб, нафсониятини кўзғаса-да, бир ҳисобда унинг дилидагини билиб олганидан севинди. «Сендай кўзга куканак, бетга тиканаклардан қутулганимиз ҳам дуруст. Ўзингни ким деб ўйлайсан? Ҳали шун-

дай мишигингни оқижиб юргинки, ўшанда ёмон Қурбонқулов жонингга оро киришини билгин», деди-да, барибир, ўзи сезмаган тарзда ичдан Анварга тан бериб, у ҳам ичкарига кирди.

9

Анвар тўрдаги столнинг қаршисига келиб, келинчаклик либосида янаям гўзаллашиб кетган Гуласал ва унинг кўёвини бундай қутлуг кўнлари билан табриклади, сўнг эса кўёв тутган қадаҳдаги шампан виносини бир-икки хўплаб, унинг қўлига қайтариб берди-да, улардан узр сўраб, бошқаларнинг диққатини ўзига жалб этгандай туюлгани важи хийла хижолатланиб, ўзи утирган стол томон одимлаган эди, ён томонидан уни Ҳаким Мансур йўқлаб қолди:

— Ай кўёв, ай Анвар, бир минутга қараб кетинг!..

У шундай деди-да, ёнидаги аёлга ўгирилиб, Анвар ҳақида бир нималар деди.

Уни Альфия интиқиб кутиб турганини юз-кўзларидан ҳам сезиш мумкин эди.

— Анча қолиб кетдингиз? — деди Альфия унга қадаҳ тутар экан. — Кетиб қолдингизми деган хаёлга ҳам бордим...

— Сизни ташлаб-а!.. — ҳазиллашгандай йўсинда сўзлади Анвар, ҳақиқатан ҳам уни ташлаб кетгиси келмади. Альфиянинг қўлидаги қадаҳни оларкан: — Бунисини нима учун ичамиз! — деди.

— Қайдам, — елка қисди Альфия. — Балки, ана шундай яхши кунда танишганимиз учун ичақолайлик, нима дейсиз?

Улар шу тарзда анчагача ундан-бундан суҳбат қуриб утирдилар. Бир маҳал, меҳмонлар бирин-сирин тарқай бошлаганларида, Альфия Анварга юзланиб:

— Ҳалиги сўзингизда турасизми? Мени кузатиб қўясизми? — деди.

— «Ми»сини олиб ташланг! Турганда қандоқки!.. Фақат ҳозир, мен ҳув анави бирга келган шеригимга бир оғиз айтиб қўяй кетаётганимни, — деди-да, оғзини салфеткага артар-артмас ўр-нидан қўзгалди.

— Бўлмаса мен сизни пастда кутиб тураман!.. — Альфия шундай деди-да, ёнидаги бўш стулга қўйиб қўйгани кичиккина қора сумкасини қўлига суқиб олиб, ёнидагиларга хайр-маъзурини айтиб, баланд пошнали қора туфлисини дўкиллаётган кўйи келин-кўёв утирган тўрдаги стол томон юрди.

Анвар у Гуласал билан хайрлашиш учун кетганини сезиб, ўзи ҳам ҳамроҳи — Ҳаким Мансур томон юрди. Кетатуриб кўзи тагин ўша жойида мушук боласидай шумшайиб утирган Садриддинга тушди. У зимдан Анварни кузатиб утирарди. Анвар ичида унга сўзланиб: «Айғоқчилигинг қолмади-қолмади-да, Қурбонқулов! Ҳа, мен ўша сенинг қўшнингни опкетяпман! Эпласанг сен ҳам Тўхфани кузатиб қўй! Нега энди мени зимдан кузатиб утирибсан?!» деди-да, Ҳаким Мансурнинг тепасига келди. У ва унинг суҳбатдоши Фариди опа бўлак хаёлларга бориб утиришмасин дегани учун ҳам:

— Мен кетяпман, Ҳаким ака. Бир пайтлар бирга ишлаган танишим эди мен билан утирган аёл. Шу кишини кузатиб қўяман, — деди, пича тек тургач, қўшимча қилди: — Узингиз кетаверасизми, Ҳаким ака?..

— Эбей, қизиқ гапларни қиласиз-да, Анваржон, — ундан нозиланди Ҳаким Мансур, — Нима, мени маст бўп қолди деб уйлаяпсизми?

Анвар шундан кейингина хотиржам тортди-да, хайр-хушлашиб ташқарига йўналди. Зинадан тушиб кетаётганида пастдан кутарилаётган Тухфага йўлиқди. Уни курмаган бўлиб утиб кетмоққа чоғлангани, Тухфа йўл кўймади, уни тўхтатди-да:

— Ҳа, Анвар, курмагандай утиб кетаяпсиз? Сиз, ахир, мен билан урушмовдингиз-ку! — деб кўлини у томон чўзди.

Анвар аёл кишининг кўлини олишни ёқтирмасди, айниқса, Тухфа билан кўл беришиб кўришганда зулукдай совуқ, шилимшиқ бир нарса кафтига ёпишиб олгандай бўларди. Ҳозир ҳам у билан куришаркан, ана шу ҳолатдан сесканиб кетаёзди. Унинг кўлини тезда кўйиб оборди-да:

— Ҳа, яхшимисиз? Бир танишим кутаётувди, шунинг учун шошилганимдан кўрмабман, — дея ёлғон сўзланди.

Тухфа унга қараб муғомбирона кулган бўлди-да:

— Биляпман, қандай танишингиз кутаётганини! — деди, кейин курсаткич бармоғини «мендан курасиз» қабилади тебратди.

Анварнинг хаёлидан бир сонияда «хаммани ўзидай уйлайди-я!» деган ўй ўтди, ана шундай мулоҳазага борар экан:

— Ҳа, ҳа, эски танишим! Бир пайтлар бирга ишлаганмиз?! — деди, шу гапни гапириб бўлиб, Тухфанинг ёнидан шамолдай учиб ўтди-да, кўчага отилди, ана шу дақиқада ҳам: «Нега энди мен унга ҳисобот бериб ўтирибман!» дея ўзини-ўзи саволга тутди, саволга тутдию: «Ана шу ҳолатингнинг ўзиёқ ундан чўчиб кетганингдан далолат беради», дея хулоса чиқарди, кейин ундан чўчиб кетишига нима сабаб бўлганини англаб етишга уриниб: «Ҳа, ҳа, унинг: «Мени курмагандай утиб кетаяпсиз? Сиз, ахир, мен билан урушмовдингиз-ку!» дегани сабаб бўлди! У шу гапни айтгандан сўнг мен дарров «Шариф Юнусов билан менинг орамда бўлиб ўтган можарони ҳамма билиб бўлти-да! Ҳа, ҳа, нега энди билмасин? Бир идорада бошлиқ билан ходим ўртасида бўлиб ўтган машмашани албатта ҳамма билади-да!» деган хаёлга бордим, ана шу хаёл маълум маънода менинг чўчишимга сабаб бўлди», дея сўнгги тўхтамга келгачгина сал ўзини кўлга олди.

Қаҳвахона рўпарасида уни Альфия кутиб турганига кўзи тушиши ҳамано ҳозир уйлаганларининг барчасини унутди, энди унинг хаёлини уни зориқиб кутиб турган аёл банд этганди...

10

Турт қаватли бинонинг қаршисига келганда, Альфия уни уйга таклиф қилди-да:

— Мехмонлар келса очаман деган ниятда битта коньяк опкеб кўйгандим, шуни бирга ичамиз, — деди.

Анвар коньяк бир баҳона эканини, ҳақиқатда Альфиянинг нияти бошқа эканини яхши туйгани учун ҳам унинг таклифига дарров кўнақолди.

Улар олдинма-кетин иккинчи қаватга кутарилишди. Унг тарафдаги, устига қора дермантин қопланган эшик қаршисида Альфия тўхтади. Шоша-пиша сумкасида калитини олди-да, уни очиб аввал ўзи, кейин эса Анварни ичкарига киритди. Анвар шу дамда Альфиядан анқийётган фаранги атри хидидан маст эди.

Шуни шу дамда шайтон йўлдан оздириб, аёлнинг яланғоч елкаларидан кучиб олмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ қандайдир куч ана шу ишни қилишига халал берди.

Альфия уни залига бошлаб кирди. Шоша-пиша хона ўртасидаги тўгарак стол устида ёйилиб ётган кийим-кечагини дарров йиғиштирди-да, кўшни хонага ташлаб қайтди. Кейин турдаги стулни нарироқ суриб Анварни ўтиришликка таклиф қилди. Хонага узгача бир файз киритиб турган олмони сервантнинг пастки тортмасини очиб, у ердан боя ваъда қилгани арман коньягини олиб Анварга узатди, тепадаги тортмадан эса иккита қадах, «оқ олтин» шоколади тўлғазилган биллур ликопчани олиб, стол устига қўяркан:

— Камбағал дастурхонимиз шу булади, Анвар. Ё арақ ичар-мидингиз? — деб сўради.

Анвар ундан «арақ» сўзини эшитдию кўнгли беҳузур бўлиб кетаёзди. Альфиянинг чакнаб турган мовий кўзларига суқланиб нигоҳ ташларкан:

— Ўзи мана бу коньякни ҳам очмасак бўларди, — деди.

— Йўқ, йўқ, очаси-из, — дея юмшоқ, ялинганнамо бир оҳангда унга буюрди Альфия. — Ҳа, ҳа, озгина коньяк ичсамиз ёмон бўлмайди!..

У бу сўнгги гапи орқали бир нарсаларга ишора қилаётганини Анвар сезди. Буни Альфиянинг Анвар ҳозиргина суқланиб боққан мовий кўзларидаги беҳаё бир аломат ҳам ифшо этарди. Анвар унинг хипча белига, чаққон ҳаракатларию оёқларига суқланиб боқди. Альфия ҳам Анварни ўзига ром этолганини жуда яхши туйгани учун ҳам ўзини бозорга солишини кўймади. У эшикни қия очик қолдирган ҳолда кўшни хонага чиқди-да, кўйлагини алмаштиришга киришди. Анвар унинг яланғоч танасини гира-шира куриб қолдию кўнгли тагин ҳам алғов-далғов бўлиб, оёқ-қули титраб кетди.

Альфия энгсиз ялтироқ хитойи шойи халатини кийиб чиқди. Анвар унга агарайиб қараб қолди. У Анварни лол қолдирганини сезгани учун ҳам кулиб кўйди-да:

— Сиз... сизга Демис Руссосни кўйиб берайми ёки «Ялла»нинг кўшиқлариними? — деб сўради.

Шу дамда Анвар учун барибир эди. Зеро шу лаҳзада унинг фикри-ўйини кўшиқдан ҳам бурун Альфия ром этган, на Руссосу ва на «Ялла»ни эшитадиган аҳволда эмасди.

У ўрнидан турди-да, хонанинг бу бурчидаги кичиккина китоб жавони ёнига келиб, бир қатор қилиб батартиб терилган китобларни кўздан кечириб чиқди. Туйқус кўзи Шарлотта Бронтенинг «Жен Эйр» рўмонига тушди. Шайхонтоҳурдаги эски китоблар билан савдо қилувчи дўконда танишиб қолган маънос қиёфадаги чиройли қиз — Осиёга ана шу китобни топиб беришга ваъда қилганини эслади. Яна, унга ўзининг маънослигию юмшоқ муомаласи билан ёқиб қолган ўша қизни ҳозир эслаб қолганига, Шариф Юнусов билан бўлиб ўтган можародан бери у эсига келмаганига, уни унутиб юбораёзганига хайрон бўлди. Яна хаёлидан: «У мени мана бундай даврада, мана бундай хонадонда ўтирганимни курса борми?» деган ўй ўтди, ўтдию: «Ахир у менга ҳали ҳеч ким эмас-ку! Шунинг учун нега манави ҳолатимдан уялишим керак экан? Йигитчиликда бўлади-да бундай воқеалар!» деб ўзига-ўзи тасалли берди.

Унинг китобларга диққат билан разм солаётганини курган Альфия:

— Китоб мутолаасига жуда қизиқадиган кўринасиз, а, Анвар?— деб қолди.

— Ҳа, ҳа, ўзим излаб юрганим бир китоб сизда бор экан, — деди у, лекин нега бу китоб унга керак бўлиб қолганини яширди.

— Қайси китобни ахтариб юрувдингиз? — деб сўради Альфия.

Анвар қайтиб келиб жойига утирди. Қўлига коньякнинг шишасини олиб, унинг тиқинини очишга киришаркан:

— «Жен Эйр»ни, — деб жавоб қилди, сўнг эса ичкиликдан қадаҳларга тўлдирди.

Бу пайтда Альфия сервантнинг ўнг ёнида турган радиолога Демис Руссоснинг қушиқлари ёзилган катта пластинкани қўйиб қайтганди.

— Шу рўмонни қидириб юрган бўлсангиз, опкетақолинг, сизга шу китоб, — деб хотамтойлик қилди Альфия.

— Йўқ-йўқ, ўқиб беришга бериб турсангиз бўлгани. Кейин қайтариб олқиб бераман, — шошиб қилиб жавоб қайтарди Анвар, у маълум маънода Альфиянинг тантилиги сабабини тушунган эди.

— Сизга тортиқ қилдим деяпман-ку ўша китобни! — сузида катъий турди Альфия. — Нима қиласиз энди йўқ деб!..

— Раҳмат сизга, — миннатдорчилик билдирди Анвар, сўнг қадаҳлардан бирини унга тутди.

Альфия коньякни қўлига оларкан:

— Кимнинг соғлиги учун оламиз? — деб сўради.

— Сизнинг-да! — деди Анвар.

— Бўлмаса ҳар икковимиз учун олайлик!

Улар қадаҳларини уриштириб коньякни ичишди. Анвар газак ўрнида Альфияга шоколадлардан бирини очиб берди.

Альфия у очиб берган шоколаддан тишлади, қолганини қозонинг устига қўйди. Кейин Анварга юзланди:

— Сиз қўшиқ эшитиб туринг, Анвар. Мен ҳозир... қўшненикидан қизимни олиб чиқай, кейин бемалол ўтирамин, — деди.

Унинг «қизимни олиб чиқай»идан Анвар галати аҳволга тушди. «Наҳотки қизини қўшненикида қолдириб, ўзи шунча тўйда юрса?» хаёл қилди.

— Ҳа, ҳа, олиб чиқинг албатта! — деди у, ҳозирги юрагида жуш урган эҳтирослар кутилмаганда қайгадир ғойиб бўлди-ю, ўша ерида ўзига нисбатан тушуниб бўлмас бир норозилик ҳисси уйғонди.

Альфия тўрт-беш ёшлар атрофидаги оқ-сарикдан келган, ёқимтой қизчасини бошлаб кирганида Анварни ҳали ҳам ўзидан норозиланиш тўйғуси тарк этмаганди.

— Танишинглар, бу Анвар амакин! — деди Альфия қизалогини кўтариб кириб.

— Менинг отим Ильмира! — қизча шундай деди-ю, ярим мудраган кўйи кўзларини ишқалади.

Анвар қизчанинг қўлига ликопчадаги шоколадлардан бирини олиб берди-да:

— Ильмира жуда ширин қиз экан-да! Ширин қизларга ширин шакалат бериш керак-а? — деди.

Қизча «ҳа» ишорасини қилиб бошини тебратди.

— Қани, қизим, амакига нима дейиш керак?..

— Раҳмат дейиш керак! — деди у зўр-базур, инжиқ бир овозда.

— Сен раҳмат демадинг-ку, — кулди Альфия.

— Раҳмат, — деди Ильмира, онасининг елкасига бош қўйди. Уйқуси келганидан уни эсноқ босди.

— Мен буну ухлаб қолган десам, ҳалиям ўйнаб утирган экан. Мен ҳозир, ётқизиб чиқай, — деди Альфия, қизини кўтариб нариги хонага ўтди.

Уша ердан Ильмиранинг онасига ёзғириги эшитилди:

— Сиз менга дадамни олиб келишга ваъда бергандингиз. Бошқа амакини олиб келибсиз-ку!..

— Учир овозингни! Ёт, ухла! — деб уни уришиб берди онаси.

Анварга қизчанинг бу гапи наъша қилиб, уша ёққа анграйиб қараб қолди. Нима қилишини билмади. Узидан ўзи нафратланиб кетди. Ёлғиз нафсини қондириш учун ўзига ғирт бегона бўлган аёлниқига келганидан ҳам, уни қизидан ажратиб олиб, ўзи билан дон олишишга мажбур қилгандай бир тўйғу кўнглидан кечдию янаям кўнгли ғашланди. Ўрнидан туриб, секингина жуфтакни ростлаб ҳам қолмоқчи бўлди-ю, аммо «Альфия нима деб ўйлайди? Ҳеч бўлмаса қайтиб чиқсин-чи, бир гап бўлар!» деган уйга бориб, яна ўрнига чўкди. Юраги сиқила бошлади. Сигарет хумори тутди. Чўнтак титкилашга тутинди-ю, аммо бировнинг ўйида, тагин, ёш болали хонадонда чекишга кўнгли бўлмади, шишага қўл узатиб, ёнидаги қадаҳига коньяк қўйди-да, бир «куҳ» деб уни ичиб юборди. Ичкилик ичагини қиздириб ўтганини ҳис этди. Шоколадлардан бирини очиб, истаб-истамай тишлади. Сервант тепасидаги Альфия ва унинг ёнидаги эркакнинг суратига тикилган кўйи: «Тўйларидан кейинги суратлари бўлса керак?» деган хаёлга бориб турган эди, қўшни хонанинг эшиги оҳиста очилганини ва Альфия чиқиб келганини кўрди.

— Ҳа, зерикмадингми? — деди Альфия. — Кечирасан, сизсирасам сендан узоқлашиб кетаяпман. Шунинг учун сенам мени сенсирайқол...

Анвар янаям ўнғайсиз аҳволга тушди.

— Мен... мен кетмоқчи эдим, — деди у, бу ерда қолгиси келмаганини айтмаса-да, юз ифодасида сездириб.

— Нега ахир?! — таажжубланда Альфия. — Мени ташлаб-а!.. — У шундай дея қадаҳларни тўлдирди, кейин ўрнидан қўзғалиб, пластинканинг орқа тарафини қўйиб қайтди. Демис Руссос ингичка, ёқимли товушда муҳаббат ҳақида қўшиқ айта бошлади.

— Менинг энг яхши кўрган қўшигим шу, — деди у Руссос қўшиғидаги майин оҳангга ҳамоҳанг тарзда бошини чайқатиб, кейин тезда қўшиқни унутди-да, ўзининг ҳозирги саволига жавоб бермай, индамай утирган Анварга қараб: — Биляпман, нега кетгинг келиб қолганини? — деди.

— Нега деб ўйлайсан?!

— Ильмиранинг гапи таъсир қилди шекилли? Ўшани эшитдингми?!

— ...

— Кел, ичайлик, — Альфия қадаҳлардан бирини Анварга узатди. — Қани, ол!..

Анвар унинг қистови билан қадаҳидаги коньякни қўлига олди, истаб-истамай уни ичди. Альфия уни кузатиб турди-да, ортидан у ҳам ичди.

— Ростдан ҳам унга дадасини топиб кебер-да! — Анвар шу гапни гапираркан, суратга қараб олди.

— Унга бола керакмиди? Унга винодан бўлак ҳеч нарса керак эмас!.. — дея эридан нолиди.

— Биз ҳам ичаяпмиз-ку!..

— Сен билан мен Гуласалнинг туйи муносабати билан ичдик. Иннайкейин... — у столдаги коньякка қараб олди. — Иннайкейин, танишганимиз шарофатига олди. У пияниста худонинг берган кунни ичиб келарди. Кийим-бошини қуриб бўлмасди. Шунинг учун ҳам қувиб юбордим-да у алкашни!..

Анварнинг хаёлидан шу чоғ: «Ана шундай бир пиянистанинг уйида, унинг хотини билан ўтирган экансан-да!..» деган ўй ўтди, ўтдию ўзидан ҳам, уни шу куйга солган ичкиликдан ҳам нафратланиб кетди. Бу ердан тезроқ чиқиб кетгиси келди. Уридан қўзгалди.

— Майли, мен борай...

Сизларга ҳайронман, — деб қолди бирдан Альфия унга. Чиқиб кетишини ҳам, чиқиб кетмасини ҳам билмай қараб қолгандай бўлиб қўринаётган Анварнинг юз-қўзлариди «нега?» деган ишора зоҳир бўлганини кургач эса: — Ҳаддан ташқари, уятчан-сизлар-да! — деди, кейин ундан сўраб ҳам ўтирмай қўлларидан тутиб рақсга туша кетди. Анварнинг елкасига қўлларини ташлаб олиб, унга ёпишиб рақсга тушаркан, қўзларини беҳаёларча сўзиб ва бу беҳаёликка овозида ҳам ургу бериб, қўшимча қилди: — Бу кеча сен меникисан... тушуняпсанми, сен бугун менга кераксан!.. Сени бугун ҳеч қаёққа қўйиб юбормайман! Тушуняпсанми, жоним, менам аёлман-ку, мениям нафсим бор!..

Альфиянинг буйнидан таралаётган фаранги атрининг буйи ва баданининг иссиқ ҳарорати, ҳозирги мана бу сўнгги ошқора гаплари Анварнинг вужудида ёқимли ҳисларни уйғотиб, тагин эҳтиросларини қўзғаб юборди. У аёлнинг ўзмига буйсунишга мажбур бўлди. Ортиқ чидаб туролмай, уни очиқчасига қучоқлашга тушиб, юзларидан, лабидан бўса ола кетди ва ана шу олаётган бўсалари лаззати туфайлими ёхуд бўлак сабабдан бутун жисмида мислсиз бир куч пайдо бўлганини ва у тобора Альфияга маҳкамроқ жипслаштираётганини туйди. Кўп ўтмай эса, худди ана шу куч унда ҳайвоний бир ҳирсни қўзғаб, у Альфияни кўтариб олди ва шу куйи у курсатган ётоқхона томон одимлади...

11

Қанча ухлаганини билмайди, бир пайт пастда чалинган машина сигналдан чўчиб уйғониб кетди. Ёнига қаради: ташқаридан тушиб турган неон чироғи нурида Альфия қўлларини икки томонга ташлаб, жангу жадалда ғолиб чиқиб, муддаосига эришган қўмондондай мамнун бир қиёфада талтайганча чалқанчасига ухлаб ётарди. Анвар унинг устига оёқ томонидаги оқ чойшабни тортди-да, ўридан қўзгалди. Эшик ёнида турган стулни тимирскилаб кийимини топди, кейин хонадан чиқди. Ҳаммомга кириб апир-шапир ювиниб чиқди, бу ювинишидан қаноат ҳосил қилмади, бутун танасига, наинки танасига, бутун борлигига зулуқдайин шилимшиқ нарса ёпишиб олгандай бўлиб туюлавергани боис: «Ҳозир бораман-да, албатта Қичқирққа калла ташлаб чиқаман! Ҳа, ҳа, уйга кирмасдан аввал анҳорда чўмилиб оламан», деб кунглига тугди. Мазкур ўйи ғашланиб ётган юрагига хиёл таскин берди. У залга қайтиб кирди, куйлак-шимини кийди, пайпоғини ахтариб топиб оёғига илди, ётоқхонага муралаб «Мен

кетяпман, Альфия» демоқликка тараддудланганди, унинг кириб-чиқиб юрганидан Альфия уйғонган экан, тунги чирокни ёқиб ўзи гапириб қолди:

— Ярим кечада қаёққа кетяпсан?! — у шундай дедию анчадан буёқ ният қилгану ана шу ниятига ниҳоят энди эришган ва бу эришувидан ўзида йўқ хурсанд бўлган одамдай узоқ, иштаҳа билан керишди.

— Қаёққа бўларди, уйга-да!.. — деди Анвар, ўрнида ётган беҳаё аёлга ўз измини тўтқазиб қўйгандек ҳис этгани учун униям, ўзиниям ниҳоятда ёмон кўриб кетди..

— Эрталаб кетардинг-да! Намунча шошмасанг! Ҳозир такси тутишинг ҳам амримаҳол-ов!..

Анвар бу ерда ортиқ қолишни истамади. Соатига қараб қўйди-да:

— Йўқ-йўқ, кетмасам бўлмайди! Соат энди икки бўпти! Шаҳар тула машина!.. — деди, кейин кўйлагининг киссасидан тароғини олиб, сочини тараган бўлди.

Альфия ҳам ўридан қўзгалди. Унинг ҳув боя диркиллаб тургандай туюлган булик кўкраклари икки ёнига шалпиллаб тушганига кўзи тушиб қолган Анварнинг янаям ўзидан норозиланиши ортди. Ана шу сийналарни суйиб-суйиб, алқаб-алқаб эзганини эслаб кунгли беҳузур бўлиб кетди: «Аҳмоқсан, Анвар, аҳмоқсан! Ана шунинг учун ҳам ишинг орқага кетиб шу кўйларга тушиб юрибсан!..» дея ўзига лаънат-маломат тошларини отди, барибир бу билан ҳам дили ёзилмади, хуфтонлашгандан-хуфтонлашаверди.

Альфия халатининг тугмаларини қадаб бўлгач, йулакнинг чироғини ёқди. Анвар ўша ёққа юрди. Ортидан ёв қувлаётгандай бир тарзда бўсағадаги туфлисини оёғига кийди-да, эшикнинг ичкаридан бурнига суқиб қўйилган калитини бураб, зулфини юқорига кўтарди, энди эшикни очишга тутинганди, Альфия уни тўхтатди:

— Ҳа, айтгандай, китоб эсингдан чиқай дебди-ку! — деди-да, югуриб залга кириб кетди, хиёл ўтмай Шарлотта Бронтенинг «Жен Эйр»ини кўтариб келиб, Анварга тутқазди.

— Китоб учун раҳмат, — деди Анвар, кейин эшикни очиб, ташқарига ўзини урди. — Ҳўп, хайр! — у остонада туриб кулимсираётган Альфия билан хайрлашди.

— Эҳтиёт бўлиб кет!.. — дея насиҳат қилган бўлди Альфия, қора туши қовоғига дову суркалиб кетган қўзларини ишқалади, уйқуси чала бўлганиданми ёхуд уйку элтганиданми, икки-уч бор хомуза тортди. — Келиб тур!.. Уйни қуриб олдинг-ку!.. Ёлғизликдан жудаям кўрқаман!..

«Ёлкамнинг чуқури курсин бу ерни!» Анварнинг дилидан ана шу ўй ўтди, ўтдию бу хулосасини унга айтиб юборишига оз қолди. Йўқ, йўқ, у бу гапни айтишга кўрққани йўқ, унга Альфиянинг «ёлғизликдан кўрқаман» дейиши маълум маънода таъсир этганди, ана шу гапни айтиб турган аёлга ҳалиги дилидан ўтган гапни айтиш одобдан эмаслигини билгани учун ҳам чўчиди, холос. У Альфияга бўлак бир оғиз сўз демай, ҳовлиққанча зиналардан пастга тушиб кетди.

У ташқарига чиқиб, неон нури ёритиб турган йўл билан Қатортол кўчасига етиб олиш учун одимлаган эди, беридаги подъезд олдида турган оқ «Жигули»га кўзи тушди. «Боя сигнал чалган ана шу машинанинг эгаси бўлса керак?» дея мулоҳазаланди, мулоҳазаси ортиди: «Бирортасини кутаётганга ўхшайди», деб хулосаланди, машина эшигини очиб қўйиб, кўча

тарафга қараб чекиб утирган йигитнинг ёнидан утиб кета туриб:

— Мабодо бўш эмасмисиз? — деб сўради, ундан терс овозда «йўқ» деган жавобни олгач, кўзига иссиқ кўринган бу мўйловли йигитнинг ким эканини эслашга тутинганда, уй томонда эркак ва аёлнинг ҳаҳолаб кулгани эшитилди. Анвар ўзи сезмаган ҳолда диққатини уша ёққа қаратгани, подьезд эшигидан Шариф Юнусов ва Тўхфанинг олдинма-кейин чиқиб келишаётганига кўзи тушдию шартта бурилди ва бурилаётганда Шариф Юнусов уни таниб қолиб, кулгидан таққа тўхтаганини ва узини ичкарига олиб, орқасидаги Тўхфага бир нарса деб шивирлаганини Анвар чала ярим кўришга улгурди. Юраги темирчининг босқони каби уриб кетди, қадамини илдамлатиб, бу ердан узоклашди. Қатор-толнинг йўлига чиқиб олгач, ортига қараб кўйди. Ҳаёлидан шу он: «Ҳа, ҳа, энди билдим, боя Садриддиннинг нега Тўхфа билан тўйга бирга борганини! У ярамас буларга уйнинг калитини берган экан-да!.. Ҳа, ҳа, боя Шариф Юнусовнинг машинаси қаҳвахона олдида турган эди! Бундан чиқди, У Садриддинни Пискентга олиб кетган бўлса керак!.. Шариф Юнусов бўлса, Тўхфани олиб бу ерга келган!.. Ҳа, ҳа, худди шундай қилган! Бўлди, бўлди, ҳалиги йигитни танидим!.. У, ахир, бўзчининг мокисидай Шариф Юнусовнинг ёнига келиб юрвчи Жамшид-ку, тахтапуллик Ботир зўрнинг ўғли!.. Шариф Юнусов бирда ана уша Ботир зўр билан ёшлигида ошна бўлганини айтиб берганди. У ҳақда қандайдир фахр, ифтихор билан сўзлаганди. Жамшид унинг олдига кўп бор келар, лекин у нима мақсадда келаверишини Анвар билмасди. Ҳарҳолда Анвар уни ишининг тайини йўқ эканини билар, яна у ва унга ўхшаш йигитлар Ўрдадаги ресторон атрофида изгиб юриб кунларини кеч қилишларини курган ва ўзи катори бўлган ана шу йигитлардан нафратланарди... Демак, бундан чиқди, Жамшид унинг ишонган одами, йўқса, Шариф Юнусов уни ўзи билан олиб юрмасди!.. Уни бундай ишларга аралаштирмасди!.. Сен уйлагандай бўлмас-чи? Шариф Юнусов билан Тўхфа Садриддинникида меҳмон булиб кетишаётган бўлишса-чи?! Йўғ-э! Шариф Юнусов-а?! Шариф Юнусов Садриддин билан... Садриддинникида меҳмон бўлиши — ҳеч ақлга тўғри келмайди-да!.. Бояги хулосам тўғри! Садриддинни, хойнаҳой, Асқар ака, ҳали у рудда утиривди, Пискентга қараб олиб кетган, буни унга Шариф Юнусов буюрган, ўзи бўлса Жамшиднинг машинасида унинг уйига келган, Тўхфани қаҳвахонадан олган-да, бу ерга келган!.. Ҳа, ҳа, улар Садриддинникида дон олишиб кетишяпти! Оббо ус-томон-е!.. Узининг машинасида келмай, бегона машинада келганини-чи!.. Бу хуфия учрашувларини ўзию Садриддин билса керак!.. Ҳа, ҳа, у ярамас шундай ишга йўл қўйиб, ўз уйининг калитини берганини-чи? Оббо палид-э!..» дея ҳозирги курганлари ҳақида турли ўй-фикрларга бориб турган эди, ёнидан «ғиз» этиб ҳалиги «Жигули» утиб кетди. Шунда у: «Сенинг ўзинг ҳам Шариф акангдан қолишмайсан!.. Сенинг ўзинг ҳам шайтоннинг измига юриб, бегона аёлнинг кўйнида ётиб келяпсан-ку?! Шунинг учун улар ҳақида, уларнинг палидликлари ҳақида хулоса чиқаришга сенга ким ҳуқуқ берди?!» деб ўзини-ўзи тергаб келаётган эди, орқасидан бир машина келиб унга сигнал берди. Анвар уша ёққа қараган эди, кечалари шаҳар кўчаларига сув сепаб юрвчи юк машинасига кўзи тушди. Машинанинг шофери эшигини очди-да:

— Ҳой, ука, қаёққа кетяпсиз, обориб қуяйми?— деб ундан сўради.

Анвар мушкули осон кўчганидан, машина ўз оёғи билан келиб қолганидан севиниб кетди. Шофер утирган томонга ўтди-да:

— Тахтапулга ташлаб кўйинг, — деди.

— Нечпул берасиз? — деди шофер, у тўладан келган, тўғарак юзли, қирғий бурун, қўнғиз мўйлов бир киши эди, боз устига, ана шу гавдасига мувофиқ тушмаган ингичка овозли эди.

— Нечпул буларди — уч сум-да! — кулди Анвар.

— Утиринг! — деб ёнига ишора қилди шофер.

Анвар айланаб ўтди-да, шоферга ён томондан машинага чиқиб ўтирди. Шофер машинасини ҳайдаб кетди.

* * *

У шаршара буйидаги сайхонликда ечинди-да, анҳор буйига келиб, баданини кўниктириш учун узига сув сепди, кейин аста-секин анҳорга тушиб борди-да, сувга калла ташлади. Бошида анча свқотди ҳам, дийдиради, аммо кейин кўникди, энди сувдан чиқишни истамай ҳам қолди. Сув илик эса-да, кўзнинг нусхи уриб қолгани сезилиб турарди. Сал этлари жунжикаётганини ҳисобламаса, бундай ойдин кечада анҳорда чўмилиш Анварга маълум бир ҳузур бахш этарди. У дилидаги бор губор аримагунча сувдан чиқмади. Ана шундан фориг бўлгачина қирғоққа кўтарилди-да, дилдираб-дилдираб кийинишга киришди. Кийим-бошини кийиб бўлгач, елкасидан тоғ ағдарилгандай ҳорғин «уҳ» тортди-да, тунги салқинда анҳор этагидаги ёлғизоёқ, бурилиши кўп бўлган торгина жин-куча билан ҳовлисига қараб кетди...

12

Шариф Юнусов уйига одатдагидан эрта қайтди. Унга бириктирилган «Волга»нинг орқа эшигини ёпаркан, «Эртага унларга келарсан, Асқар, стационарга ётаман», деди. Қирқларни қоралаб қолган, қотмагина, чўзиқ юз, кўк кўз, малла соч, малла қош шофери «хўп» ишорасида бош қайқатди-да, машинасини физиллатиб ҳайдаб кетди. Шариф Юнусов машина ортидан кўтарилган чангга қараркан: «Неча марта айтаман-а, бу упкаси йўққа: катта кучага чиқиб олгунча секинроқ ҳайда, деб, йўқ, ўз айтганидан қолмайди! Шу кўчанинг чангини осмонга кўтариш унга ҳавас шекилли...», мазмунида шофери Асқарнинг орқасидан койиган бўлди, сўнг одати буйича ён-атрофида бир қараб олди, икки-уч қадам юриб пастки қаватда яшайдиган қўшнисига тегишли бўлган гулзор ёнида тўхтади. Чап қўлидаги бир даста газеталарни ўнг қўлига олиб, юраги атрофини уқалаб қўяркан: «Ҳаммасига уша ярамас сабабчи! Ҳа, ҳа, ушанинг гапидан кейин юрак хуружини бошлади, йўқса, анчадан буён жим турувдику-я!..» деди ичида, ўзи сезмаган тарзда яна Анвар ҳақида уйлай бошлади. Ҳаёлини тунов кунги воқеа банд этди. Гарчи, Тўхфадан, Анвар Гуласалнинг тўйидан бир аёл билан чиқиб кетганини ва ана шу аёл Садриддиннинг қўшниси эканини эшитса-да, унинг кўнглини ўзи тушиниб етмаган бир хавотир чулғаб олишини қўймади. «Барибир у падарлаънатининг кургани яхши бўлмади-да! Бошимга шунча таъна-маломат тошларини ёғдиргани етмагандай, ҳали бу воқеани ҳам битта-яримтага етказмаса гўрга эди!..» дея хавотирлангандан-хавотирланаверди, кейин яна узини тинчлантиришга тушди: «Уша сен назарда тутаятган битта-яримтага шундай дейдиган бўлса, «Ишдан бўшатиб юборгани учун ҳам хужайи-

нинг ҳақида шундай бўхтонлар тарқатиб юргандирсан-да!» деб оғзига урадилар-ку!..» У ана шундай уйга борганидан сўнггина хийла тинчланди. «Ҳали шошмай турсин, олдимга мулла минган эшак сингари мишигини оқизиб келмасами? Кимнинг бу қаш-шанг, узбошимчага қузи учиб турибди экан, кўрармиз!..» дея сўзланди-да, учинчи қават айвонига кўз ташлаб қўйиб, подьезддан ичкарига кирди. Юқорига кутарилди-да, темир эшиги ёнидаги кўнгиракни босди.

Хиёл ўтмай хотини эшикни очди. Эрининг қўлидан газета-ларни олар экан:

— Мунира опам келдилар, — деди-да, қизи Гулноранинг хонасига ишора қилди, бу билан у «қизингизнинг иши бўйича» деган киши бўлди.

Шариф Юнусов хотини Барнонинг серажин юзига, гапираётганида оғзидан чиқиб турадиган сўйлоқ тишларига гижиниб қараб қўя туриб, кўз олдидан Тухфа ўзди, унинг дўмбоқ, қип-қизил юзи, садафдек текис тишларини кўз олдига келтирдию хотинини унга қиёслаб бошлади. Қиёсларкан: «Хотиннинг ҳам сал ёшроғи дуруст экан! Ҳали элликка кирмасидан кампирдай бўлиб қолганини-чи?! Узимдан ун-ун беш ёш кичигини олсам бўлмасми-ди-я!..» деб узининг танлаб-танлаб тозисига йўлиққанидан ўпкalandи. Ана шулар ҳақида ўйлагани учун ҳам опасининг келганлиги ҳақидаги хабарни ута бепарволик билан қабул этди. Шу ваздан ҳам у утирган залга ўтмади, аввал ўз хонасига кириб ечиниб, кийимини алмаштириб чиқишни маъқул топди.

— Шарифжон келди шекилли? — келинига мурожаат этди залда ўтирган Мунира опа. — А, Барнохон, шундайми?..

— Ҳа, келдилар, ҳозир кирадилар, — деди Барно, у эрининг авзойи яхши эмасини тўйди, тўйдю унинг ортидан ичкари уйга йўналаркан, қизи Гулнора дарс тайёрлаб ўтирган хонага мўралаб: — Гули, аммангнинг чойларини янгилаб бергин, бор қизим, — деди.

Бунга жавобан ичкари уйдан қизининг, ингичка, айна дамда эрқароқ қизларга хос бўлган овози эшитилди:

— Ҳозир, ма-аам!..

Шариф Юнусов анчадан кейин хонасидан чиқди. Ундан «валерьянка» ҳиди анқиб турарди. У опаси ўтирган залга йўналди. Йулакни ҳам худди ана шу ҳид тутиб кетди.

Олтмишларни қоралаб қолган, тўлагина, юзи чўзиқ, сийрак қош, укасига ўхшаган рангпар аёл — Мунира опа унинг саломига алик олиш баробарида ўрнидан туриб кетди-да, унинг елкасига қоқиб кўришаркан:

— Эсонмисан, Шарифжон, ишлар билан чарчамай юрибсанми? — деб унинг ҳол-аҳволини сўради.

— Раҳмат, раҳмат! Ўзингиз яхшимисиз, жиянлар яхшими? — деб қисқагина жавоб қайтарди Шариф Юнусов, унинг бу ҳолатидан опасидан бир поғона баландда эканини намойиш қилаётганини сезиш мумкин эди. — Қани, утиринг-чи, опа, — деб тўрга ишора қилди у, опаси у кўрсатган ерга ўтиргач, ўзи унинг унги ёнига ўтирди.

— Поччанг ҳам сени сўраб юбордилар, — деди опаси «поччанг» сўзига алоҳида урғу бериб.

Шариф Юнусов опасидан «поччанг ҳам сени сўраб юбордилар», деган сўзни эшитиши ҳамона қонталаш юзи бужмайиб, энсаси қотиб кетди. У поччаси Нормат ака билан жияни Шавкатнинг тўйдан сўнг сан-манга бориб қолганди. Бунга сабаб, у ана

шу тўйга Раҳим Жабборов бошлиқ ашулачиларни олиб борган ва уларнинг ҳар тўрттовига пул бермаса ҳам биттадан беқасам тўн кийдиришни поччасининг зиммасига юклаганди. Поччаси ҳам Шариф Юнусовнинг тўйдан эрта кетганидан фойдаланиб, тўртта эмас, фақат битта тўнни Раҳим Жабборовнинг қўлтиғи қистириб юбораверганди. Тўй эгасининг бу ишини унга орқаворотдан етказишган, Шариф Юнусов ана шу сабаб ҳам поччаси Норматдан қаттиқ ранжиган, бирда опасига унинг устидан шикоятланиб: «Бу қурумсоқ эрингизни беқорга халқ «шайтон» демайди! Иккита тўн қаёқларда қолиб кетмайди! Обруйимни уч пул қилибди-да!..» мазмунида гина кудурат қилганди. Ҳозир ҳам опасидан «поччанг» деган сўзни эшитдию яна қони қайнаб кетаёзди...

Мунира опа ҳам укаси «тўн» воқеасини эслаётганини тахмин қилгани учун:

— Энди, Шарифжон, уша воқеани унут, ука, — дейиш билан кифояланди.

Шу пайтда қизи Гулнора чойнақда чой кўтариб келди-да, отасига салом бериб, унинг юзидан ўпиб қўйди.

— Сенга ойинг хув боя айтувди шекилли: аммангнинг чойларини янгилаб бер, деб... сен энди олиб келяпсанми, қизим?..

— Дарси купга ўхшайди, майли, қуявер, — деб жиянининг ёнини олди Мунира опа.

— Ҳа, аммаси, эрта баҳорда бетоб бўлдию, хабарингиз бор, бир иккита қарзи қолиб кетган экан, шуларни эртароқ топширайин деб уриниб ётибди-да ишқилиб, қизим боёқиш, — дея астойдил Гулноранинг ёнини олди онаси. — Мана шулардан кутулсин, аммаси келганларида бир чиройли-чиройли сомсалар, пироглар пишириб берсинки, а Гули?..

Гулнора онаси унинг сомса, пирог пиширшга уста эканини аммасига билдираётганидан уялди чоғи, қизаринқираб хонадан чиқди.

— Гулини биламан-ку, қўлидан ҳар иш келишини, яхши пандалигини биламан-ку, — дея келинининг гапида жон бор эканини тасдиқлади Мунира опа, иккинчи томондан «Шунинг учун ҳам унинг ўртасига тушяпман-да!» ишорасини қилган бўлди.

Шариф Юнусов хотини оҳангига олиб, Гулнорани мақтаётганга опаси беқорга келганини, қизи билан боғлиқ иш бўйича келганини фаҳмлади. Шу боисдан ҳам хотинининг қаримсиқ юзига, дўрдоқ лаблари орасидан элас-элас кўринаётган кемшик, сўйлоқ тишларига яна энсаси қотиб боқаркан, «ҳа» деган киши бўлди.

— Энди, ука, эртароқ келганинг яхши бўлди, — гапни олисдан бошлади Мунира опа, — энди мен хув ушандаги иш билан келдим...

— Қайси иш билан? — деди Шариф Юнусов, хотинига ҳам усмоқчилаб боқди, тўғрироғи ўзини ҳеч нарса сезмаганга олиб, савол назарида боқди.

— Хув баҳорда келишувди-ку! — деди хотини. — Баҳорда Мунира опамлар билан бирга совчи бўп келишувди-ку, Асқар суд деган одамнинг хотини, ўшалар ҳеч қўйишмаяпти эмиш...

— Энди Шарифжон, қиз бола бировнинг хасми дейишади. Шунинг учун, жойи чиққанда узатиб юбориш керак, деб уйлайман. Иккинчи томондан, Асқар ўзининг оғайнинг эди шекилли, ёшлиқда қалин ошна эдинглар чамамда?..

— Ҳозир ҳам алоқамиз ёмонмас. Шаҳар прокуратурасида ишлайди шекилли?.. — деди Шариф Юнусов, шунинг баробари-

да ҳаёлан: «Нега опам ўлиб-тирилиб шуларнинг орасига тушяпти?! Ё Асқардан бирор манфаат курган жойи борми? Ё ўгли Шавкат унинг қўлида ишлайдими?! Ҳа, ҳа, Шавкатни Асқар ишга олиб кирган бўлиши керак!.. Иннайкейин, иннайкейин, Асқар мен билан куда бўлса, ҳарқалай опамниям маҳалла-қўйда обруси ошади-да! Шўёқлариниям уйлаётган!.. Бу томонини опамдан ҳам бурун поччам Нормат кўпроқ уйлаётгандир! Ҳа, ҳа, ўша уйлаётган! Ўша опамни қистовга олиб, бундай нозик ишга бош қушишга ундаган бўлиши керак!..» дея муҳокама юритди.

— Ҳа, прокурор, прокурор, — дея укасининг сўзини маъқуллади Мунира опа, унга, гуё, укаси Шарифнинг ана шуларга қизини узатишга майли бордай туюлди. — Тунов куни эр-хотин икков яна бизничиқа чиқишди. Укангизнинг, келинингизнинг олдиларидан яна бир ўтинг, йўқ дейишмасин, агар лозим бўлса Шарифжоннинг ўзи Одил билан сўхбатлашсин, деди. Углини назарда тутяпти-да!..

Шариф Юнусов уйга толди. У «умр савдоси жиддий масала» дегандай чуқур уйга толди. Асқар суд шунчаки оддий одам эмас, узига тўқ, таг-тугли одамлардан эканини, уни шаҳарнинг казозоларидан ошна-оғайнилари борлигини у яхши биларди, яна у билан куда бўлса, дўст-душман ўртасида ҳам уялиб қолмасини, ундан сўнг, қизи Гулнора ҳам узига тўқ хонадонга келин бўлишини тахмин қилгани учун ҳам анчагина уйга чўмиб ўтирди. Охири хотини Барнога юзланиб:

— Гули нима деркин? — деди.

— Ўқишни тугатай, деяпти. Қизингизни биласиз-ку!..

Мунира опанинг юзи ёришди.

— Ҳа, майли, узатинглар, эрга тегаман, дермиди, — дея кулди у. — Баҳорда ҳам унинг шу гапини рўқач қилган эдинглар. Шу қизингга меҳрим узгача бўлгани учун ҳам яхши жойга тушсин дейман-да, Шарифжон. Ўқишини бўлса давом эттираверади. Узингларга ўхшаган илмли одамлар, улар ҳам...

Шариф Юнусов юқоридаги ўйи тўғри эканини, опаси унинг Асқар суд билан куда бўлишидан манфаатдор эканини, ҳечқурса маҳалла-қўйда «Укам Асқар судга куда» деб бошини юқори кўтариб юришни истаётганини туйди.

Хотини Барно қайнагачисининг гапидан шошиб қолиб:

— Ҳа-да, тўғри айтаётдилар! — деб унинг гапини маъқуллади.

— Бўлмаса гап бундай, опа, — Шариф Юнусов одати бўйича юраги атрофига қўлини олиб борди. — Мен эртадан стационарга ётмоқчиман!

— Ҳа, тинчликми?

Шариф Юнусов опасини тинчлантирган бўлди:

— Ҳа, шундай. Юрак пича безовталантиряпти.

— Худо сақласин-а!.. — ҳали ҳам хавотир аралаш кўшиб қўйди Мунира опа. — Худо сақласин, ука!..

— Хали, ўзбекда бир мақол бор эдию... ҳалиги... «қизли уй...»

— Қизли уй сарой, — деб унинг гапини тўлдирди опаси.

— Ҳа, шуни айтаман. Шунинг учун яна бир-икки келишсин, иннайкейин, маъқул бўлса қизинг билан йигит кўришсин, ҳали Гулига ёқадими-йўқми... Ана унча менам стационардан чиқиб қоларман. Дарвоқе, Гулининг битта-яримта севгани йўқми, иш-қилиб...

Хотини унинг сўнги гапидан уялиб кетди. «Нега ундай дейсиз?!» дегандай бир мазмунда эрига норозиланиб боқди.

— Йўқ, ундай бўлса айтарди. Гулнорангиз урисчароқ бўлсаям бунақа ишларда хушёр. Китобдан бўлак нарсани билмайди. Йигитлар билан юриш... йу-ууқ...

Хотинининг ана шу сўзларидан сўнг Шариф Юнусов опасининг ёнида кўрагини ғоз кериб қўйди. У бу билан «Менинг қизим оиламиз шаънига доғ туширмайди» дегандай бўлганди.

— Тўғри айтасиз, — келинининг сўзларини маъқуллади Мунира опа. — Бўлмаса Шарифжон айтгандай қиламиз.

Шариф Юнусов «ҳа, шундай бўлсин» қабилида бош тербатди, сўнг эса хотинига юзланиб:

— Овқат-повқат қиялсанми? — деб сўради.

— Мастава қилаётгудим, сал пишсин, сузаман, — деб жавоб қилди хотини, кейин эса қайнагачисига сўзланди: — Опа, ҳув анави мошиначингиз ҳалиям қўйлак тикадими? Бирда оборувдингиз-ку?! Ўзбекча қўйлагимни яхшилаб тикиб берувди.

— Шарифжоннинг қўлида ишлайдиган боланинг ойиси-да! Шавкат билан бирга ўқиғач Анварнинг!.. Собирани айтаёқсиз...

— Ҳа, ўша хотинини айтапман. Бирда иккита қўйлак тиктирдим-ку, ўзбекча қўйлақлар, чокини икки марта юргизиб берганди. Шу хотиннинг тиккани дидимга сал утирувди-да!..

— Бояги айтганингиздай, чокини биттадан эмас, иккитадан қилиб тикади-да, барака топкур, — деди Мунира опа, шунинг баробарида келини нима учун ўша тикувчини танлаганини фаҳмлади: илгари Собирага қўйлак тиктирганида у Барнодан пул олмаганди, тўғрироғи, ўгли Шарифжоннинг қўл остида ишлагани учун ҳам ана шундай қилишга журъат этмаган, кейинча Мунира опага бу ишини айтганди; ҳозир ҳам келини қўйлагини текинга тиктириш мақсадида ўша тикувчини эслаб қолганини Мунира опа жуда яхши англаса-да, бу ҳолатини сездирмади, билмаган киши бўлди-қолди.

Шариф Юнусов опасининг оғзидан Анварнинг исмини эшитдию тепа сочи тикка бўлиб кетаёзди. Газаби қайнаган бир кўйи:

— Ҳе, у ярамасни!.. — деб юборди, унинг бундай деб юборишига асосий сабаб Анвар билан келишолмай ишдан бўшатиб юбориши эмас, балки Анвар Тўхфа икковини Садриддинниқидан чиқиб келишаётганида кўриб қолгани туфайли ҳам унга нисбатан дилида сақлаб юрган нафратини ошкор этиб юборганди ва ана шу нафрати ўша воқеа туфайли эканини опаси билан хотини сезиб қолгандай туюлгани учун ҳам узини улар олдида қандайдир ноқулай ҳис этди.

Мунира опа укаси у боланинг устидан шикоятланаётганига таажжубланди. Негаки ўгли қатори келадиган ёшгина бир йигит Шарифжондай халқ ўртасида баобру саналган бир одамга бас келишига, тўғрироғи, укасидай қўли истаган ерга етадиган одамни ранжитадиган иш қилиши мумкинлигини тасаввурига сиғдиролмасди. Шу боис ҳам ундан сўради:

— Ҳа, тинчликми?!

— Бу падарингга лаънат яхшилиқни билмайдиган зот экан, — дея астойдил ранжиган ва газабга минган кўйи жавоб қилди Шариф Юнусов. Қурувчилар газетасида юрувди Халокунинг итидай юғуриб. Курьер эдими, корректор эдими... Шоқир акани, отасини, амакиларини таниганим учун ўзимга ишга олдим. Кел, нима қилсаям юртдошим-ку, бир кун қайтарар яхшилигимни, деган уйда. Энг яхши бўлимга ўтказдим, қўлидан ёзиш-чизиш келиб қолди-ку ахир, деб. Йў-уқ, бу сурбет тузимни еб, тузлигимга тупирди-да! Бўлмаган бўхтон гапларни тарқатиб юрган экан мен

ҳақимда... Ҳе, падарингга қусур сенинг! — У опасининг олдида атайин ҳам Анварни кўпиртириб қойиди, атайин «бўхтон» сўзига ургу берди, зеро Анвар маҳалла-қуйда Тўхфа билан бўлиб ўтган воқеасини оғзи бўшлиқ қилиб айтиб юргудек бўлса, ўша воқеа опасининг ёхуд унинг оиласидагилардан бирортасининг қулгоғига етгудай бўлса, уни Анварнинг одатдаги тўхмати сифатида қабул қилсинлар учун ҳам Шариф Юнусов собиқ ходимининг салбий хусусиятларига ургу бераётгани ва унинг бу гаплари опасига ўз таъсирини ўтказмай қолмаганини унинг ранги узгарганидан ва асабийлашгани тўфайли қош-кўзи учаётганидан ҳам сезиш қийин эмасди.

— Қуй, Шарифжон, ўзингни сиқма! — дея укасини тинчлан-тирган бўлди Мунира опа. — У бола яхши бўлса гулдай хотинини қўйиб юборармиди? Ана шу қилмиши билан ота-онасининг юзини чунонам ерга қаратдики, қўяверасан энди...

— Хабарим бор. Утган йили, кеч куз эди шекилли, қайнатаси унинг устидан шикоят қилиб келувди.

— Шавкат айтувди бу болани, ўзбилармон, ўзига ортиқча бино қўйганлардан, деб... — гарчи ўгли шундай демаган эса-да, унинг номини қўшиб шу гапни тўқиди Мунира опа, бу билан у укаси Шарифжоннинг кўнглида жиянига нисбатан меҳр туйғусини уйғотмоқчи ният қилганди ва яна шунга эришганини мазкур гапидан сўнг укасининг юзида ҳосил бўлган белгилардан ҳам ўқиб олди.

— Ана энди кўрамиз қаердан иш топаркин. Кимнинг кўзи учиб турган экан бу қашшангга! Ҳе, яхшиликни билмаган нодон!.. — у ана шундай деб Анварнинг устидан кулган бўлса ҳам, уни ўзича койиса ҳам, ҳақиқатда уни кечирिशга тайёр эди. Фақат эвазига Анвар ўша кунни уни Тўхфа билан қурганини ҳеч кимга айтмаса, тўғрироғи, ўша воқеани унутса бўлди. Шунинг учун ҳам у шу дамда яхши аҳволда эмаслигини дилдан чуқур англаб етди.

— Узи шуларнинг хонадонидан қут-барака учди, Шарифжон. Хабаринг борми-йўқми, Рашид деган амакиси бор мунинг...

— Ҳа, ҳа, биламан!... — опасининг сузларини охиригача тингламай оғзидан юлиб олди Шариф Юнусов, кейин худди шундай шоша-пиша қўшиб қўйди: — Ҳўш, ҳўш?..

— Ана шу Рашид дегани мошинида ўзимизнинг чувалачилик Норхол кампирни уриб юборди. Биласан-а, у ким эканини? Шокир отанинг биринчи хотини эди. Норхол кампир ўлди чоғи. Ҳозир Рашид қамоқда экан. Поччангнинг айтишича, Шокир ака, уни халқда Шокир баззоз дейишади, ўглининг бу иши тўфайли юртга кўпам аралашмайдиган одат чиқарганмиш. Одамовироқ бўлиб қолганмиш...

— Узи шунақа бўлади. Ҳар ким қилмишига ярашасини кўради! — деди Шариф Юнусов, унинг қонталаш, рангпар юзида бу хонадонга, қария Шокир баззозга нисбатан ачиниш ҳисси пайдо бўлган эса-да, у Анвар тўфайли ҳам бу хонадон устидан кулаётган, тўғрироғи, бу хонадон соҳиблари бошига тушган мусибат гўё унинг учун Анварнинг унга нисбатан қилган адолатсизлиги тўфайли ҳам юз бергандай тутаётгани узини.

— Э, унда чакки бўпти-ку! — орага суқилди косаларда суқоқ оши кўтариб келган Барно, улардан бирини эрининг, иккинчисини эса қайнагачисининг олдига қўйди, ортидан эса: — Қўйлагимни тикмас экан-да у боланинг ойиси, — деди.

— Нега энди?

— Бу киши ўглини ишдан бушатиб юборган бўлсалар...

— Ҳе, калтафаҳм, — жон-пони чиқиб кетди Шариф Юнусовнинг, — Тошкентда ана шу сурбетнинг онасидан бошқа тикувчи йўқ эканми? А, қуриб кетган эканми?!

Мунира опа келини ўлиб-тирилиб Собирага ёпишиб олганининг сабабини билгани учун ҳам мийиғида кулиб қўйди-да, мана шу гапни қилди:

— Барнохон, қизиқ гапларни гапирасиз-а! Нима, эрингиз ўғлимни ишдан кетказибди, деб қўйлагингизни қайтариб берармиди? Иннайкейин, сиз текинга тиктирармингиз, пулини берарсиз ахир?!

Барно ҳам қайнагачисининг коса тағида нимкоса гапини ба-лодай сезса-да, сезмаган киши бўлиб:

— Ҳа-да, албатта, — деса-да, аммо хатти-ҳаракати орқали аслида моҳиятан масаланинг шу томони уни қийнаётганини қайнагачисига билдирди.

— Бўпти-да энди...

Косадаги маставага қатиқ солаётган Шариф Юнусов одати бўйича юраги атрофини уқалаб қўяркан, уларнинг уртасига ара-лашиб:

— Жуда ошириб юборма, Барно. Уни ишдан мен ҳайдаганим йўқ, ўзи кетаман деб туриб олди. Нима, ушлаб турайми энди?! — деди, кейин опасига юзланди: — Қани овқатдан олинг. Ушандан бўлак ташвишимиз йўқми энди!

Ҳаммалари овқатланишга киришдилар. Овқатдан сўнг чой ичдилар, яна ундан-бундан суҳбатлашиб ўтирдилар. Бир маҳал Мунира опа тўрдаги олмони сервант устида турган соатга қараб қўйиб:

— Энди мен турай, Шарифжон, — деб укасига нигоҳ қадади.

— Бугун энди қолақолинг, — у қадар қистамай, шунчаки манзират қилди Шариф Юнусов. — Эртага ўзим уйингизга таш-лаб утаман.

— Ҳа, қолинг опа, Гулига атаб йиққан сарпаларимни кўрсата-ман, — деди Барно, унинг хаёлини фақат қизининг ташвиши эгаллаб олганини шундан ҳам сезиш мумкин эди.

— Худо хоҳласа тўй ҳаракатларини бошлаб юборайлик, кейин ётиб қолиб хизматларингни қиламан, опанг айлангур, — ба-ҳона қилди Мунира опа, сўнг эса қўлларини жуфтлаб юзига торт-ди-да, ўрнидан кўзгалди.

Қўшни хонада дарс тайёрлаётган Гулнора йулакка чиқди-да:

— Бунча тез, аммажон, бунча тез кетяписиз, — деб ундан гиналанган бўлди.

Мунира опа жиянининг елкасига қоқаркан, ҳазиллашди:

— Қачон сизларникига келмай, сен мук тушиб дарс тайёр-лаётган буласан. Аммам келди-ку, шунинг кўнгли яримта-ку, шу билан бирпас ўтирай, демайсан. Шунинг учун хафа бўлиб ке-таянман! — Мунира опа ана шу мазмунда гинахонлик қиларкан, укаси ва келинига кўзини қисиб қўйди: — А, шундайми, Шариф-жон? — деди, укаси билан қучоқлашиб хайрлашди: — Бўпти, ука, илоҳим соғайиб кетгин...

— Хўп, опа, уйдагиларни сураб қўйинг, — деди Шариф Юну-сов хокисор, касалманд бир оҳангда, сўнг ҳаммадан кейин зина-дан пастга тушаётган қизи Гулнорага қараб: — Мошинага чиқа-риб қайтинглар-а аммангни, Гули қизим, — деб тайинлади.

— Ҳа, хўп, бошқа ишим ҳам бор эди опамларда, — қизининг ўрнига жавоб берди Барно, қайнагачисининг қўлтиғидан олиб

бирин-сирин зинадан пастга тушиб бораркан, орқасида уларга эргашган қизига йўл бушатиб: — Сен олдинга ўтиб ол, — деди.

Шариф Юнусов хотинининг фикри-зикри кўйлак тиктиришда эканини туйди. Туйдию бир тарафдан унинг Анварларникига боришидан хавфсираса, иккинчи тарафдан кўнглига тўйқус шум фикр ҳам келди: «Бу кўйлак тиктиришга борса, албатта, онаси ялинади. Ҳа, ҳа, унинг онаси Барнога ялинади! Боя айтганимдай, бу қашшанга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди. Қайга бормасин, аввал қаерда ишлардинг, нега у ердан бўшадинг, деб сўрайди. Ҳеч бўлмаса, менга кўнгироқ қилиб, унинг нега бушаганини, қандай одам эканини суриштиришлари аниқ. Барибир бошқа соҳага утмайди, шу газета ё журналлар атрофида айланиб юради-ку! Шунинг учун ҳали у билан юз кўришимиз турган гап!». Ана шундай уйга бордию дилини бошида чулғаб олган хавотир батамом тарк этиб, қувониб кетди. Унинг қувончида қаҳр ҳукмрон эди, шу сабабдан важоҳати ҳам ўзгарди: анчайин ажин оралаган юзи тиришди. У энди тишини-тишига кўйди-да, дарғазаб бир оҳангда: «Қурамиз Шариф Юнусов билан уйнашиш қандай бўлишини, қурамиз», деди, ана шу паллада унинг кўзи косасидан чиқиб кетгудай бир ҳолатга келди.

13

Собира кечаси билан мижжа қоқмади. Бир томондан ўғлининг келавермаганидан хавотирланса, иккинчи томондан Ҳакима опоки топиб чиққан хабарни унутолмади. Угли кўйиб юборган Сожиданинг узатилиб кетаётгани уни тагин ҳам ташвишга кўйганди. «Энди қандай қилиб бўлмасин Анварни шу йилдан қолдирмай уйлантириш керак! Ҳа, ҳа, бу йилдан қолса бўлмайди. Элда ҳар турли огзига кучи етмайдиганлар бор. Ҳакима опокига ё бўлмаса Мастура сақичга ўхшаганлари яна бошқа аҳмоқона гапларни тарқатишдан ҳам тоймайди», дея ўзига ўзи гапирди. Кейин эса: «Қандай бўлмасин Сабоҳатнинг ишхонасидаги қизни кўриш керак», дея тўнгич қизи акасига мўлжаллаган қизни эслади-да, «Ана ўшандан қолиш керакмас, босиб-босиб совчи бўлиб боравериш керак, зора хотин кўйган экан демаса», деб фикр қилди. Ана шу йўсин уйқуга кетди.

Собира эрталаб барвақт урнидан турди. Анвар ётадиган хонага ўтди. Угли устига аёёл ташлаб олиб ухлаб ётарди. Собиранинг кўнгли ўрнига тушди. Хонадан чиқди. Ховлида эри ҳам майда-чуйда ишларга уриниб юрар, унинг ортидан эса мушукча миёвлашини қўймай эргашарди.

— Ҳа, ордона-я! эгангни билмай кет! — енгилгина койинди Собира, сунг эрига юзланди. — Ҳой, Анвар, юринг, чой тайёрлайман. Кейин мен Сабоҳатни кўриб келаман... — у ана шунга маълум қилди, Сабоҳатникига бориши сабабини эса, ҳозирча эрига билдирмасликка қарор қилди.

Расул ака хотини каллаи саҳарлаб қизиникига отланганидан ҳайрон бўлди. Шунинг учун ҳам:

— Ҳа, тинчликми? — деб суриштирди.

— Тинчлик. Ҳа-ҳу деб кўрмаганимга икки ҳафтадан ошибди. Давронниям соғиндим.

Хотинининг пайтавасига қурт тушиб, Сабоҳатникига отланиши сабаби набирасини кўриб келишда эмас, балки ўгли Анварга

қиз қидиришда эканини Расул ака яхши билди, аммо билмаганга йўйди.

— Майли бориб кел, менинг узимам Давронни жуда соғинувдим. Иложини топсанг олиб келарсан уни, — деди, кейин но-нушта қилиш учун қаравотга кўтарилди.

Собира ошхонага бориб, нон, сарёғ, мураббо кўтариб келди. Кейин чойнақда чой дамлади. Пиёлаларни ариқ сувида чайиб келди-да, чойни қайтарди. Эрига кўйиб узатаркан:

— Анвар қачон келди? — деб сўради.

Расул ака унга «сенам кутиб ётдингми? Менам тоза хавотир олдим» йўсинида нигоҳ қадади.

— Ярим кеча эди шекилли...

— Ҳа, дарвоқе, Акбарга посилка жўнатдингиз-а? — сўради Собира, эридан «ҳа» деган жавобни олгач: — Аскардан хат келувди-я! Хатида сиз билан менга жемпер юборганини ёзибди. Бир парча қоғоз келди почтадан. Уни Анвар бориб опкелақолсин, — деди.

— Майли, айтаман, бориб опкелади.

— Ҳалиги айтганим қоғози мошинанинг устида турибди. Шундоқ қайчининг тагида.

— Ширчай пишираётганингни кўргандим. На менга опкелдинг, на ўзингга? — сўради Расул ака.

— Сут озроқ экан. Анвар турса ичар деб пишириб қўювдим. Ҳозир ярим коса олиб келиб бераман сизга, жа ширчайсиз туролмаётган бўлсангиз, — истаб-истамай ўрнидан қўзғалди Собира. Ошхонага бориб декчадаги ширчайдан лаби учган оқ косага солди-да, эрига олиб келиб берди.

— Узинг ичмайсанми?

— Сизга айтяпман-ку, ўзи озгина эди деб. Анвар турганида ичади.

— Анвар ширчайни хушламайди.

— Жуда хушлайди-да! — жавоб қилди Собира, эрининг ютоқиб ширчай ичишидан жаҳли чиқди. «Унга овқатдан бошқа нарса керак эмас. Ўғли-қизининг ташвиши билан сариқ чақалик иши йўқ! Биргина мен ўйлашим керак улар ҳақида!..» деб эрини қаргаб кўйди. Кейин унга буйруқ берди: — Ширчайни ичиб бўлиб, менга озроқ олма, шафтоли териб беринг!..

Ўз навбатида Расул аканинг ҳам қоғоги уйилди. У шафтоли ва олманинг пеш пишганини пеш сотиб келаётганди. Мабодо қизига шафтоли билан олма териб берса, сотишига ҳеч нарса қолмайдигандай туюлди. «Қизиникига ана шуларни олиб бормаса нима экан? Ўзи олма ҳам, шафтоли ҳам бир сотиб келишли қолувди ҳисоб», мазмунида уйлагани учун ҳам хотинининг буйруғидан жаҳли чиққан, шунинг учун ҳам қоғоғини уйиб олган эди. Аммо бу ҳолатини ошкор этгудай бўлса, Собира шамол теккан олов мисоли «пов» этиб ёниб кетиши мумкинлигини кўз олдига келтиргани, «Қизингдан тўртта олма билан тўртта шафтолини аяйсанми?!» деб унга таъна-дашномлар ёғдириши мумкинлигини тасаввур қилгани учун ҳам даммини ичига ютди. Хотини ундан жавоб кутиб турганини кўргач:

— Хўп, ҳозир териб бераман, — дейиш билан кифояланди.

Собира юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан қўзғалди. Ошхонадан иккита елим челақ кўтариб келди.

— Мана шуларга териб берарсиз. Мен унғача кийиниб чиқаман...

У кийиниб чиққанида, эри шафтолини териб бўлиб, олма

тагига нарвон қўяётган эди. Бирор ярим соатлар ичида у идишни олмага тўлатиб берди.

Собира бир қўлида олма, иккинчисида шафтолини кўтарганча ҳовлидан чиқди.

14

У кириб борганда қизи Сабоҳат ҳовлида кир ёяётган эди. Онасини кўрдию қўлларини шоша-пиша кўйлагининг этагига артган бўлди-да, унинг истиқболига ошиқди.

— Ассалому алайкум, опа!..

— Ваалайкум ассалом, — қизи билан кўришаркан. Собира, узун арқонга ёйилган бир талай ювилган кирга қаради, қарадию қизига ичи ачишиб кетди-да: — Намунча ўзингни аямай шунча кир ювдинг?! Озгина-озгинадан ювмайсанми? Ҳали кучинг ўзингга керак бўлади! — деб уни койиди.

— Йиғилиб кетган экан-да, опа... — Сабоҳат шундай деб онасининг қўлидаги нарсаларни олди. — Нима қилиб мана буларни кўтариб юрибсиз? — дея ундан норозиланган бўлди, кейин уйга бошлади.

Айвонга кирганларида Собира қизига юзланиб:

— Менга қара, Сабоҳат. Уйингга кирмайман, мана бу ерга жой солгин, — дея айвон тўридаги кичик хонадоннинг рўзгорбоп хонтахтасига ишора қилди.

Сабоҳат у айтган ерга жой ҳозирлашга киришди. Чаққонлик билан ичкаридан кўрпача олиб чиқди, дастурхон тузади. Онаси қанча эътироз билдирса ҳам у олиб келган шафтоли-олмалардан ликопчаларга солиб дастурхонга қўйди.

— Буларни мен Давронжонга опкелувдим, кўринмайдими?!

— Боғчага бердик.

— Ҳа, яхши қипсизлар. Тартибли бола бўлиб ўсади. Ин-найкейин, сениям қийнамайди, ишларингням вақтида қилиб оласан. Унга андармон бўлавермайсан. — Собира шундай деди-да, юзига фотиҳа тортди, сўнг қизининг уй-ичини сўраган бўлди: — Даданг, ойинг яхши юришибдими ўзи? Нега улар кўринишмайди?..

— Даданг йўлдалар. Ойим бувимни кўргани Қоратошга кетувдилар.

— Эринг яхши юрибдими? Ишдадир, ҳойнаҳой, Нодир?

— Иуқ, бугун уйда кунлари эди. Мошиналарини тузатишга бергандилар, шундан хабар олгани кетдилар.

— Овсининг кўринмайдими? — ҳовлининг адоғидаги иморатга кўз югуртириб олди Собира. — Ҳовлида тумшайиб юргувчи эди, димогинга сариғча чиққур! Шуну димогини курсам... Шуну тумшайиб юришини курсам раҳматли Раёно амманг эсимга тушиб кетаверади. Уям келин бўлиб тушганимда ҳовлида мени кўрди дегунча димогини осилтириб оларди, худди акасини мендан қизгангандай, худди мен еб у қуруқ қолгандай! Ўтирсам упоқ, турсам сўпоқ эдим унингча! Ҳечам кун бермасди менга амманг... ўшанга ўхшаб... сенам хў-ўп овсинга йўлиққансан-да!..

Сабоҳат унинг ўхшатишидан кулди.

— Улар муллакам билан бирга Оқтошга дам олгани кетишди.

— Болаларини нима қилишди?

— Каттасини онасиникига олиб бориб берди, кичигини ўзлари билан опкетишди.

Собиранинг энсаси қотди.

— Бу дам олишни ким чиқарди ўзи, — деди у зарда аралаш.— Саодатнинг қайнанасиям дам олишга кетибди. Уйда огироёқ келиним бор-ку, шуну ёлғиз ташлаб кетаманми деб уйламабди ҳам... Ҳе, дам олишни чиқарганини оти ўчсин!..

— Қўяверинг, сал тинчидим. Болалари ҳовлида тўполон қилишини қўймас, бунга сари овсиним уларга жаврайвериб қулоқ-миямни қоқиб қўлимга берарди! Баъзи пайтларда додлаб юборай дердим!..

— Тўғри айтасан. Бир ҳисобда дам олишга даф бўлгани ҳам тузуқ бўпти, — унинг фикрига қўшилди Собира. — Фақат уй юмуши бир ўзингга қопти-да, шуниси сал чатоқ!..

— Қайтанга у бўлмаса ўзим ҳаммаёқни хотиржам тозалайвераман. Унинг ақл ургатишига, ойимнинг ўрнига қайнаналик қилишига ҳечам тобим йўқ-да!..

— Ҳе, оти ўчсин сенга қайнаналик қилмай! Битта қайнана етмас эканми сенга? Уям қайнаналик қиладими?!

— Нима дейсиз энди?..

— Сеннинг пешонанг ҳам меникига ухшаган экан! Менам умр бўйи қайната-қайнананинг, тили заҳардай-заҳардай қайин-бўйнилариинг истибдодидеда ўтувдим, энди менинг кўним сен шўрликларнинг ҳам бошингга тушди! Ҳа, майли, қандоқ қиласан энди қизим, жой олиб чиқиб кетганича чидайсан-да!..

— Шу-да, нимаям қилардим, — бошини тебратиб онасининг гапини тасдиқлади Сабоҳат, сўнгра, — мен ҳозир, — деб ўрнидан кўзгалди.

Анча утмай у атлас гулли чойнақда чой кўтариб келди. Кейин айбли иш қилиб қўйган одам қиёфасида узр сўради-да:

— Соғлиқларингиз яхшими, опа? Даданг яхшимилар, Анвар акам... — дея ҳол-аҳвол сўрашга тушди. — Асқар, Акбарлардан хат келиб турибдими? Уёқда Саодат яхшими?..

— Худого шукр, — деди Собира, қизи ҳаммадан олдин отасининг соғлиқларини суриштирганига маълум маънода жаҳли чиқса-да, буни унга сездиришни лозим топмади, фақат ичида ижирганиб қўйди, холос. Кейин ҳайрон бўлган қиёфада ундан сўради: — Нима, сенга хат ёзишмайдими укаларинг?..

— Йў-уқ, ёзишди. Менам ёзиб турибман. Энди айтаман-да! Шу ойнинг бошларида Асқарни туғилган куну билан табриклардан откритка жўнатиб юбордик, Нодир акам икковимиз.

— Ҳа, ундай демайсанми? Ҳайрон буддим. Кеча Асқардан хат келди. Хатидеда мен билан дадангга иккита жемпер жўнатганини ёзибди. Қоғози ҳам кеча келди ўша нарсаларнинг. Нима қиларди-я болам шўрлик ўзини уринтириб бизга жепмер юбориб! Мен у юборган жемперга зоримидим! Ўзи омон-эсон юрса бўлди эди-да!.. Менга -ку майли, онам деган, аммо-лекин дадангга юбориб нима қиларди?! — шу ерга келганда ўглидан пича ранжиган бўлди Собира.

Сабоҳат онаси билан отаси кўп уришаверишини, шунинг учун ҳам оралари сал бузилганини яхши билар, лекин эр-хотиннинг жанжали кўпинча турмуш етишмовчилигидан чиқишини, уларни, яъни бола-чақани деб эр-хотин ўртасида гап қоцаверишини яхши сезгани учун отасига ҳам, ўз навбатида онасига ҳам ичи ачишар, уларнинг ҳар икковини тушунишга ҳаракат қиларди. Шунинг учун ҳам ҳозир онаси «Дадангга юбориб нима қиларди?» деганида унга қараб, кинояли қулиб қўйди. Лекин унинг кунглига тегмайдиган бир тарзда:

— Сизларни хурсанд қилмоқчи бўлган-да, Асқар, — деди Сабоҳат, кейин онасининг диққатини бўлак тарафга тортиш мақсадида синглиси Саодатдан сўз очди: — Саодатниям кўрмаганимга ун кунлар бўлди-ёв! Уша қайнасан курортга кетаётган куни бориб қопман. Бирам уялиб кетдим денг...

— Нега уяласан? Сендан у сатанг уялмайдами?! Оғироеқ келинини ёлғиз узини ташлаб кетаётганидан сенинг олдингда уялмайдами?!

— Шуни айтаман-да!

— Ҳе, оти ўчин! Қандай қилиб бундай одамларга гулдай қизимни бериб қўйдим экан, ҳечам ақлим етмаяпти-да!..

— Ҳа-аа, шуни айтинг-а, — онасини сўзларини маъқуллади Сабоҳат, сўнг унинг чойини янгилаб бераркан: — Мана булардан олинг, — деб дастурхондаги ноз-неъматларга ишора қилди, сўзида давом этди. — Қанча-қанча яхши жойлардан чиқувди, а, Саодатга?..

— Гапирма. — Собира чойни ҳўплади, кейин ушатиғлиқ нондан бир бурда олди-да, уни мураббога ботирди, оғзига солди.

— Анув кўшнимизаям ҳечам қўймовди. Ҳакима опоқимиди оти?..

Ҳакима опоқининг исмини эшитиши ҳамона Собиранинг сочи тикка бўлиб кетаёзди. Чап юзи асабий тарзда учди. Кўлидаги пиёла ҳам тушиб кетишига оз қолди.

— Мана бу гапни эшит, — деди у қизига, пиёласидаги чойни охиригача ичиб тугатди — Сожида эрга тегаётганмиш...

Сабоҳат онасининг ҳолатини кўриб ғалати бўлиб кетди. Тез-да узини қўлга олди-да, уни юпатишга ўтди.

— Кўйинг, опа, кўйинг, — деди у, онасининг пиёласига яна чой қўйиб берди. — Ҳали бор гапми бу йўқ гапми?!

— Бор гап, қизим, бор гап! — кўзёшларини рўмолчасига артди Собира. — Дастурхончиси йўқ экан дегин, ўзимизнинг Ароппага одам ҳам юбортиришганмиш. Эшитяпсанми, Ароп дастурхончига... Опоқи буни менга хушхабардай етказди деяпман-ку, атайин материал кўтариб чиқибди. У материалдан давангирга кўйлак чиқмайди. Кўйлак баҳона — дийдор ганимат деганларда, ана шу янгиликни менга айтиб суюнчи олмоқчи бўлди.

— Узатилса-узатилар, шунгаям сиқиласизми? — дея унинг кўнглини кўтаришга тиришди Сабоҳат.

— Сен элни билмайсан-да, Сабоҳат, эл ёмон! Ҳа, ёмон!..

— Ким нима деса деяверсин! Акамга ҳам насиб қилгани бордир!..

— Ҳа, баракалла, ана энди ўзингга келдинг. Менам бу ерга ана шунинг учун келдим. Анварга қиз қидиришимиз керак. Хўв бирда ишхонамда бир қиз бор деган гапни қилувдинг. Уша қиз узатилиб кетмаганмиди?..

Сабоҳат ўйланиб қолди. Анча ўйланди. Охири онасига қараб:

— Кўз остиларига олиб юрганлари бўлмасин тагин, — деди.

— Сенам дадангнинг гапини қилдинг. Уям, ўзига қўйиб бер, узи топсин, дейди. Кўзининг остига олиб юргани бўлганда шунча пайтдан бери айтмасмиди?!

— Дарвоқе, уёғиям бор, — Сабоҳат онасини ранжитганини сезиб, узини ноқулай ҳис этди, ундан узр сўрагандай кўзларини пирпиратди.

— Ана шунинг учунам сенинг олдинга келдим, — унинг ҳолатини сезди онаси. — Нима дейсан?!

— Ҳайронман.

— Ҳайрон бўлма, — деди Собира, қизининг ҳадеб иккилана-вериши уни тутақтирди. — Анварни менинг ўзимга қўйиб бер! У билан менинг ўзим галлашаман!..

— Бўлмаса мен у қизнинг адресини олай, бир куни келишайлик-да, бориб келайлик.

— Бугун қайси кун?

— Бугун чоршанба.

— Бўлмаса, шанбага мўлжаллайвер.

— Яхши, шанбагача ишхонага ўтиб у қизнинг адресини оламан.

— Шундай қил, қизим. Шу ишга ўзинг бош қўшгин. Нима қилсаям жигарсанлар, бир-бирингга меҳрибон бўлинглар!

Шундан сўнг она-бола уёқ-буёқдан галлашиб ўтиришди. Қизи пишириб келган маставани ичиб бўлгач, Собира кетиш тарадудига тушиб қолди.

— Сени курганим яхши бўлди. Анча дардлашиб, ёзилиб олдим. Энди бирров Саодатникига ҳам утаман. Ҳолидан хабар олайчи?!

Сабоҳатнинг шу дамда онасига ичи ачишди. Унинг ажин босган сарғиш юзига, қўй кўзларига ўрнашиб олган ташвишли бир ифодага маҳзун боқаркан: «Опам шурлик бизларни деб ўлиб бўлдилар-а!.. Мана энди акамнинг ташвиши уларни эзиб юборибди! Бу ердан чиқиб Саодатникига бормоқчилар! Шулар ҳам дунёга фақат азоб учун келган эканлар-да!.. Ҳали акамни ўйлантиришлари керак, улардан қутулмасларидан Асқар турибди, кетидан Акбар... Эҳ-ҳе, ҳали олдиларида қанча ташвишлар бор-а!» деб кўнглидан кечирди.

— Менданам каттадан-катта салом айтинг, — деди у. — Ўзимдан ортиб бориб хабар ололмапман!..

— Бориб кепсан-ку энди, сендан гина қилармиди?!

— Шундай бўлса ҳам-да!

Собира қизини дуо қилиб, юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан кўзгалди.

Сабоҳат дастурхондаги ҳўл меваларни идишга солиб, онасига тутқазмоқчи эди, у кўнмади:

15

Анвар бугун анча кеч ўрнидан турди. Кечаги, Альфия билан бўлиб ўтган воқеани эсладио дилида хижиллик туйди. Ҳовлига чиқди. Сури тагида миёвлаб юрган мушукча қолиб ёнига келди. Думини юқорига кўтариб, Анварнинг оёқларига суйкалди.

— Қоч-э! — деди Анвар, яна Альфия ёдига тушиб кетди. Уям Анварга мушукча сингари суйкалганди. — Пишт деяпман ҳароми!.. Пишт-э! — дея ёнида куймаланишини қўймаётган мушукчани нари тепиб юборди.

Шу маҳал йулақда отасининг томоқ қириб қўйгани эшитилди.

Расул ака халта кўтариб, ҳовлига кирганида ўғлига кўзи тушди.

— Ҳа, Анвар, бугун дамми? — деб сўради, кейин кеча кечкурун ундан хавотирланганини эслагани боис, қўшиб қўйди: — Дарвоқе, кеча кеч келдинг, нима, навбатчимидинг?..

Отасининг сўрогидан сўнг Анварнинг кўз ўнгида тагин Альфия тажассумланди. Отаси воқеадан воқиф бўлмаса-да, нима

учундир унинг олдида нокулай аҳволга тушди. Гарангсиради. Унгайсизланган бир қиёфада:

— Ҳа, ҳа, навбатчи эдим, — дея ёлгон сўзланди.

Расул ака оёгининг тагига келиб суйкала бошлаган мушукчани эркалашга тушди.

Анвар отасининг бу иши эриш туюлди. Шунинг учун ҳам уни чалғитишга тутинди:

— Дада, опам кўринмайдиларми?

— Опанг Сабоҳатникига кетди, — жавоб қилди Расул ака, у ҳали ҳам мушукчани уйнатишини куймаётганди.

— Ҳа, тинчликми?!

— Узи, шундай, кўргиси келгандир-да, синглингни!.. — деди Расул ака, аммо хотинининг қизиникига кетишдан асосий мақсадини яширди, туғрироғи, ўзи ҳам тахмин қилгани учун ана шу тахминини ўғлига айтишни лозим деб билмади.

— Сиз қаердан келяпсиз, исменданми? — суради Анвар.

— Йўқ, эртага бораман исменга. Дўконга чиқувдим, — Расул ака шундай деди-да, ёнидаги эски коптокни нарига тепиб юборганди, мушукча ана шу коптокнинг кетидан югуриб кетди.

— Акбарга посилка юбораман девдингиз, юбордингизми?

— Юбордим. Дарвоқе, Асқар ойинг икковимизга жемпер юборган экан...

— Жемпер?!

— Нима қиларди-я шу ишни қилиб?! Ўзи соғ-омон юрса бўлди эди! Биз унинг юборган жемперига зор эдикми?!

— Сизам қизиқсиз-а!.. — жаҳли чиқди Анварнинг. — Ўғлингиз узоқ жойдан сизларга атаб жемпер юборса-да, сиз «нима қиларди юбориб?» деб турсангиз!..

— Йўқ, узини уринтирганини айтаман-да!..

— У опам ва дадамга шу нарсаларни юборсам хурсанд бўлишар, мени дуо қилиб кийишар деган-да!..

— Қоғози уч-тўрт кун бурун келганда-ку, Акбарга посилкани жўнатган куним уни опкелган бўлардим. Аттанг-а! Икки-уч кун кечикиб келти-да қоғози! Шуни энди ўзинг бориб опкеласан, Анвар, почтадан...

— Бўпти, бориб опкеб бераман. Қоғози қани? — деди Анвар.

— Опанг айтувди: мошинасининг устида бўлса керак.

— Бир пиёла чой ичиб олай, кейин жўнайман, — деди Анвар, у шу дамда оёқ-қўли дармонсизланиб, қалтирай бошлаганини ҳис этган, шунинг учун ҳам: «Ичкинга иссиқ кирса бу қалтироқлардан қутуламан», деб ўйлаган эди.

— Опанг боя ширчой пишириб кетганди, сен ичасан деб...

— Ширчой ичгим йўқ. Ҳозир чой дамлайман.

Расул ака қўлидаги халтага ишора қилиб:

— Тухум опкелдим. Иккитасини ёққа қовурасанми, — деди.

Анвар отасидан «тухум» сўзини эшитдию кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Кеча ичган ичкиликлари таъсирида боши қаттиқ оғриётган, фақат нажотни у шу дамда аччиқ чой деб билгани учун ҳам тезроқ газга сув кўйишга ошиқди. У отасининг қўлидан халтани олди-да, тухумларни бирорта идишга бушатиш учун ошхонага йўл олди.

У нонуштага фақат чой ичди. Бошқа ҳеч нарса томоғидан ўтмади. Босиб-босиб аччиқ чой ичгач, сал ўзига келди. Оёқ-қўлидаги титроқ ҳам ғойиб бўлгандек эди. У ўрнидан турди-да, ноҳия алоқа бўлимига боришни кўнглига тугиб, кийиниш учун ичкари уйга кириб кетди.

Анвар кириб борганида алоқа бўлимида одам гавжум эди.

У юзи сепкилли пакана аёлдан кейин навбат олди. Навбатим келгунча чекиб олай, деди-да, ташқарига чиқди. Сигарет чекаркан, «қаёқданам уша Альфияникига бордим! Бормасам уша иш ҳам йўқ эди, иннайкейин, анови ярамасларни ҳам кўрмасдим, бунчалик хуноб бўлиш ҳам йўқ эди», дея мулоҳазаланди, ана шу мулоҳазаси таъсирида теварак-атрофни кузатган бўлди. Сигаретини чекиб тугатгач, уни ерга ташлаб, туфлиси билан эзди-да, қайтиб алоқа бўлимига кирди. Пакана эёлга навбат етганди. Ундан сўнг Анвар қўлидаги хабарномани ёшгина хизматчи қизга узатди. Қиз унинг хабарномасини қўлига олиб, ичкарига кириб кетди. Анчагача йўқ бўлиб кетди. Бир пайт унча катта бўлмаган жўнатиш қўтисини олиб чиқиб, Анварнинг қўлига тутқазаркан:

— Мана посилкангиз, — деди.

— Раҳмат, — миннатдорчилик билдирди Анвар. — Очиб кўрсам булаверадими?

— Очаверинг. Лекин бунинг бизга аҳамияти йўқ.

Анвар қизнинг ҳақимлилиги ва овозидаги ширани сезгани учун ҳам уни гапга тутгиси келди:

— Нега аҳамияти йўқ экан? Мабодо бунинг ичида ҳеч нима бўлмаса-чи?!

Қиз унга «Мени ишдан қўяяпсиз» дегандай бир мазмунда қош чимириб қўйди-да:

— Буни сизга ким юборди? — деб суради.

— Укам.

— Агар ичида ҳеч нарса бўлмаса, укангиз жўнатган почтасидан даъво қилсин. Бизнинг вазифамиз сизнинг қўлингизга тутқазиш. Ичида нима бор-йўқлиги бизни қизиқтирмайди. Сизга тушунтиролдими? — деб кўрс жавоб қилди қиз.

Анвар ундан норозилангандай бир тарзда қисқа илжайди-да:

— Сиздай қизга бундай купол муомала ярашмас экан, — деди, кейин жўнатиш қўтисини очиб ҳам кўрмай, қўлтиғига суқди-да, қиз билан хайрлашиб ҳам утирмай ташқарига йўналди. Унинг гапи таъсир этдими, қиз алланечук хижолатланган бир қиёфада унга қараб қолганини эшикдан чиқиб кетаётганда кўришга улгурди.

Уйга келиб, жўнатиш қўтисини очса, қай кўз билан кўрсинки, ичида биргина жемпер бўлиб, ёнида яна бир парча бўз ётарди. Иккинчи жемпер йўқ. Укаси эса хатида иккита жемпер юборганини ёзган эди. Анварнинг жон-пони чиқиб кетди. Алоқа бўлимида хизматчи қизга қилган ҳазили ёдига тушди. У ерга қайтиб бормоқчи ҳам бўлди-ю, аммо хизматчи қизнинг жавоби ёдига тушди. «Укангиз юборган почтасидан даъво қилсин!..» «Аслида ўша ерда очишим керак эди», деб хаёлланиб турган ҳам эди, отаси келиб қолиб, фикри-хаёли бўлинди. Унинг хаёллар оғушига берилиб ўтирганини кўрган Расул ака суради:

— Ҳа, тинчликми Анвар?..

— Мана буни қаранг, дада, — деб бир парча бўзни кўрсатди

Анвар.

— Посилканинг ичидан чиқдими? — таажжубланди Расул ака.

— Ҳа-да! — хуноби ошди ўғлининг.

— Опанг кўрса борми?!

— Шунақам аҳмоқгарчилик бўладими?

— Асқар бечора опам билан дадам кийишсин деб юборган-ку энди, уни алдаганларини қара!..

— Буни уша ерда қилганлар, — ҳали ҳам жаҳлдан тушмади Анвар. — Бу ерда очмайди, тўғрироғи очолмайди...

— Ким билади дейсан энди, — елка қисди Расул ака. — Ҳали Акбарга жунатганим кутининг ичини ҳам очмасалар энди. Коньяк билан пичоқни олиб қолишлари турган гап-да!..

— Коньяк билан пичоқ? — ажабсинди Анвар. — Коньяк билан пичоқ унга нима учун керак бўп қопти?!

— Командири сўраптиммиш.

Анвар укасидан қаттиқ хафа бўлди. Ана шу хафалигини албатта унга ёзиб юборишни кунглига туггани учун ҳам:

— Оббо аҳмоғ-э, шунақа иш қиладимиз?! — деди.

Расул ака унга насихат қилди:

— Сен армиянинг ҳаётини кўрмагансан-да, шунинг учун уни койияпсан! Уша ернинг шароитидан келиб чиқиб шу ишни қилаётгандир-да!

— Қандай шароитга тушганда ҳам, уйга хат ёзиб, коньяк билан пичоқ сўраши... ҳечам Акбарга хос қилиқ эмас-да!..

Расул акага Анварнинг бу гаплари эриш туюлди, эриш туюлишдан ҳам бурун энсасини қотирди. Шунинг учун ҳам тезда унга жавоб қайтарди:

— Сен ёзувчиларнинг бунақа чиройли, олифта гапларинг у ернинг туриш-турмушига мос тушмайди деяпман-ку! Шунинг учун ҳам бу масалада укангни айбиситма...

Собира қизлариникидан булакча бир кайфиятда қайтган энди, ана шу кайфиятини ота-боланинг утириш авзойи бузди-қўйди.

— Ҳа, жуда хуноб бўлиб утирибсизлар? — ҳайрон бўлиб сўради у, сўнг айвон ўртасидаги жунатиш қутисига кўз қирини югуртирди. — Нима, Асқар хатида ёзган нарсаларни опкелдингларми?..

Расул ака «Сен узинг опанга айтгин» йўсинида ўғлига қаради.

Анвар унинг қараши мазмунини туйгани учун:

— Ҳа, опкелдим. Фақат кутининг ичида битта жемпер чиқди, — деб ёнида ётган буз парчасини кўрсатди.

— Ахир, Асқар хатида сиз билан дадамга иккита жемпер юбордим, деган эди-ку!.. Вой шури-им... — дея бузни қулига олди Собира. — Энди нима қиламан-а!..

— Ҳеч нима қилмайсиз.

— Почтага қайтиб бормадингми? — у ўғлига қаради, Анвар жаҳли чиққандай тескари ўгирилган энди, эрига хўмрайиб бокди-да: — Сиз бориб суриштирмадингизми? Шу биттасининг ичига буз солиб юборибди деб утиравердингларми?!

— Узи Анвар яқинда келди-ку! — деди Расул ака, у хотинининг авзойини куриб кўрқиб кетганини юз-кўзларидан ҳам би-лиш мумкин энди.

— Мен почтадагилардан сўраган эдим. Мабодо ичида ҳеч нарса бўлмас нима қиламиз деб...

— Ҳуш, улар нима дейишди? — ҳали ҳам тутқишини қўймади Собира.

— Улар биз бунга жавоб бермаймиз. Уша юборган ердагилардан суриштирасизлар, — деб жавоб қайтаришди.

— Э-э, ишониб булмас экан одамларга! Михлаб бекитганингизниям очишдан тоймасакан яшшамагурлар, — деди Собира, кичик ўғли Акбар унга йўллаган хатида «...ана шу нарсаларни

сўратганимни Анвар акам билмасин», деган гапни қилган энди, холбуки у жаҳл устида ана шу сирни ошкор этганини сезиб қолиб, тилини тишлади-да, Анвар тушуниб етмадимикин деган тарзда унга ер остидан ўгринча қараб олди.

— Менга хат ёзмабди-да, ана шу нарсаларни сўраб! Узим боглаб унга жавоб ёзиб юборардим!..

Расул ака булак мавзуга кўчишни маъқул топиб, хотинини саволга тутди:

— Сабоҳат яхши эканми?

— Ҳа, яхши, сўраб юборди сизларни, — деди Собира, унинг авзойидан ҳали ҳам жемперга ачинаётганини сезиш қийин эмасди. Буни у сўзларида ҳам ошкор этиб қолди: — Эсизгина-е!..

Анвар оёқ-қулининг увушиши тўхтамаётгани учун қўллари билан елкаларини, оёғининг тиззаларини уқалаган бўлди. Кейин укаси юборган нарсага унинг ҳам ичи ачишаётгани учун онасини чалғитишга тутинди:

— Давронни опкемабсиз-да, опа.

— Давронни боғчага беришибди, — деди Собира, кейин урнидан аранг кўзгалди-да, палоснинг устида ёйилиб ётган қоғозни тартибга келтириб, жемперни унга ўради-да, қутисига солиб, уни тоқчага олиб бориб қўйди. Ҳозирги гапни қайта такрорлади: — Боғчага бораётганмиш Даврон.

— Бир ҳисобда яхши бупти. Уйда зерикмайдиган бупти. Опасиниям тинч қўяди, — деди Расул ака, сўнг хотинига мўғомбирона кулиб қаради-да: — Яна нима гап топиб келдинг? — деб сўради.

Собира эрининг нимага шаъма қилаётганини сезгани учун ҳам ундан энсаси қотганини сездириб лабини бурди. «Ҳозир шу гапнинг мавриди эканми?» деган ишорада унга қош чимириб қаради:

— Нима гап топиб келардим, Сабоҳатникидан чиқиб Саодатдан хабар олиб келдим!..

— Яхши юрган эканми, Саодат? — дўпписини палоснинг устига қўйиб бош қашишга тушди Расул ака. — Ҳали кўзи ёришига бор шекилли, а?..

— Ҳа, ҳали икки ой бор. Ноябрьнинг охирида кўзи ёриши керак.

— Ўтган ҳафтада менам бирров кириб чиққан эдим.

— Ҳа, Саодат айтди. Жуда хурсанд бупти сенинг хабар олганингдан. Яхши, сен борганингда Ботир ҳам бор экан, қайнатаси ҳам... Уйдагиларининг олдида ҳеч кими хабар олмаяпти дегандан ёмони йўқ-да! Барака топ, Анвар, — деб уни дуо қилди Собира, ортидан эса ҳадеб қўл-оёқларини ушлайверишини қўймаётгани, юзидан қон қочиб, тиришиб кетаётганини куриб сўради: — Сенинг бир еринг огрияптимиз, ҳадеб қўл-оёғингни ушлашингни қўймайсан?..

Анвар ҳадеганда қўл-оёғини уқалайвериши Расул аканинг ҳам гашига тегаётган эди-ю, аммо у буни ўғлининг юзига айтолмаётганди. Шунинг учун хотинининг ёнига у ҳам қўшилди.

— Менам ҳалидан буён кузатаман: нуқул қўл-оёғингни уқалашингни қўймайсан. У ер-бу еринг огрийётган кўринадиди, а, Анвар?

— Ростдан ҳам шамоллаганга ўхшайман. Этим увушиб, бугимларим огриб кетяпти, — юзини бужмайтириб, ота-онасига тик қаролмай жавоб қилди Анвар. — Мен бирпас уйга кириб ётаман!

— Дори-пори ич агар шамоллаган бўлсанг, — деди Расул ака.

Собира эрига юзланиб:

— Мели даллолникдан сут опкеб беринг, пишириб бераман Анварга, — деди.

Анвар отасини овора қилишни истамагани учун ҳам эътироз билдириб: — Керакмас, сут ичмайман, опа, — деди-да, ичкари уйга кириб кетди.

— Ичмайман деяверади-да! Сарёғ солиб ичса, сал терлайди, кейин огриқлариям тарқайди.

— Бу пайтда булармикин сут?

— Кечкисини соғиши керак-ку, булар. Мабодо соғмаган бўлса, идиш билан пулни ташлаб келаверинг, болаларидан чиқариб юборар ҳали.

Расул ака бола-чақанинг ташвиши ҳеч ҳам тугамас экан-да, қабилида бош тебратди, ёғи чиққан дўпписини бошига кийиб, истаб-истамай ўрнидан қўзғалди.

17

Анвар бобосини боғдан топди.

Шокир баззоз беш-олти кун бурун набираси иккови юқоридан пастга туширган тупроқни ёйиб текислаётган эди. У Анварни кўрдию хурсанд бўлиб кетди.

— Кел, Анвар, ҳозир сени эслаб турувдим, — деди унга қараб. — Анвар кўринмайди, тинчликмикан деб...

Анвар бобосига салом берди. Кейинг кўринмаганининг сабабини айтди:

— Кеча олдингизга тушмоқчи эдим, сал мазам бўлмади. Оёқ-қўл қақшаб тургани учун уйга кириб ётиб ухлаб қопман.

— Нега ундай бўлди? — кетмонининг учига тирсагини тираган куйи набирасига синовчан термулди у. — Ҳа, ҳақиқатан ҳам рангинг анча кетган кўринади. Нима, шамолладингми?..

— Ҳа, шундай бўлса керак, — деди Анвар, бобосининг қўлидан кетмонни олишга тутинган эди, Шокир баззоз унамади:

— Куй энди, бетоб экансан-ку! Узим секин эрмак қиларман!..

Анварнинг қараб туришга виждони ҳам, йигитлик ғурури ҳам йўл қўймади. Бобосининг тиришиб-тортишиб қаршилиқ билдиришига қарамай унинг қўлидан кетмонини олди-да, енг шимариб ишга киришди.

— Ҳа, баракалла! — деди Шокир баззоз, кўйлагининг этагига юзининг терини артди. Сўнг анҳор устидаги чорпойда турган чойнақдан чети чатнаган сидирга оқ пиёлага чой куйиб ичди. Неварасининг ишини кузатар экан, кузатиш баробарида, унинг саргайган, айни пайтда ҳазин чеҳрасига тикилиб қолди. Шу дамда унинг хаёлига қаёқдандир: «Анварни шамоллашдан ҳам бурун бошқа нарса қийнаётганга ухшайди. Ҳа, ҳа, у бир нарсадан қаттиқ ранжиган, деган уй келди, келдию аввалги сафар боққа тушганида ҳам у кўзига нимадандир қаттиқ хафалангандай кўринганини ва ўшанда ҳам: «Анварга нимадир бўлган, бўлмаса ундан қувноғи, ундан одам билан киришиб кетадигани йўқ эди-ку! Бир нарсадан қаттиқ ранжиган кўринади у!..» деган мазмунда фикр юритгани ёдига тушдию, ўшанда журъат қилмагани, журъат қилишдан ҳам бурун ботинолмаган саволини берди: — Анвар, сен яна бир нарсадан қаттиқ сиқилгандайсан?.. Тунов куниям нимадандир қаттиқ хафа бўлган бир одам аҳволида эдинг, углим?..

Анвар бобосининг синчковлигига яна бир бор тан берди.

Тан беришга берди-ку, аммо унга нима дейишини билмади — чайналди.

— Сизга шундай туюлгандир.

Шокир баззоз неварасининг жавобидан қаноатланмагани боис, яна суриштиришни қўймади:

— Уша кун мен сенга кўплардан яширган сиримни айтиб бердим-а! Сени энг яқиним деб билганим, сенга ишонганим учун ёрилгандим... Сен эса буваңгни узингга эл билмайсан!

Анвар бобоси ундан астойдил ранжиётганини туйди. Шу сабабдан ҳам ота ва онасига айтмагани, айтолмаётгани — бошлиғи билан орасида булиб ўтган воқеани унга ёрилмоққа ният қилди.

— Каттамиз билан чиқишолмадим, бува.

— Каттамиз билан дейсанми?

— Ҳа, редакторимиз билан...

— Нега чиқишолмадинг? — таажжубланди Шокир баззоз.

Анвар батафсил сўзлаб утиришни истамагани учун:

— Шундай бўп қолди-да! — дейиш билан кифояланди.

Шокир баззоз неварасини юпатишга тушди:

— Ҳечқиси йўқ, ярашиб кетасизлар.

— Ярашиш нимаси, бува, у одам билан ярашиб бўладими, — деди Анвар, Шариф Юнусовни «одам дегани учун ўзидан-ўзи ўпқаланди, кўз олдида шу он у билан Тўхфанинг подъезддан чиқиб келишлари жонланди, жонландию: «Тагин сен у аблаҳни «одам» дейсан-а! Бировнинг хотинини, қизи тенги келадиган аёлни йўлдан уриб утирсин-да, сен уни «одам» дегин-а! О-одам эмишлар!..» дея ўз гапидан кинояланди, кейин эса ўзининг сал қизишганини туйдию ҳовридан тушди, анча совғач, бобосининг ўзи томон «бўлмаса нима қилдинг?» дегандай қараб турганини кўриб, ҳазин бир овозда қушиб куйди: — Ишдан бўшаб бўлдим, бува...

— Э, чакки қипсан-да, болам, — астойдил ачиниб бош тебратди Шокир баззоз. — Чакки иш бўпти...

— Ундай иблиснинг қўл остида ишлагандан кўра далада мана бунақа кетмон чопган афзал, бува, — зорлангандай оҳангда ёзғирди Анвар, хаёлидан шу дам: «Уни аблаҳ деяпсан, палид деяпсан, бировнинг хотинини, қизи тенги жувонни йўлдан урди, деяпсан, хўш узинг-чи? Узинг ундан ортимисан? Узинг ҳам у қилган ифлосликни қилиб келдинг-ку!.. Сенинг гуноҳинг уникидан кам эмас-ку, ахир! Ювуқсиз бир аёлникида ётиб келиб, жисмингни ҳам, руҳингни ҳам наҳс бостириб, тагин тепангда онанг шўрлик сут пишириб ичириб утирибди! Шу ҳам инсофданми, шу ҳам одамнинг ишимми?!» деган уй-мулоҳазалар утиб, ўзини ҳам тергагандан-тергади, аммо охир-пировардида тарозининг икки палласига ўзининг ва Шариф Юнусовнинг гуноҳини қуйиб қурганда собиқ муҳарририники собиқ тушавергани учун ҳам ўзини тинчлантирди, уша кунги Альфия билан булиб ўтган ҳодисага табиий бир нарса сифатида қаради.

— Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирибсан-да!

— Шариф Юнусов бургамас, бува, бургадан баттари.

— Каттангнинг исми Шарифми?

— Ҳа, таги ўзимизнинг хончорбоғлик.

— Хончорбоғлик дейсанми? — ажабсинди Шокир баззоз, ажабсиниш баробарида «Ким экан у?» мазмунидан нигоҳ қадади.

— Дарвоқе, бирда айтвудингиз-ку, бирда Юнус ака ҳақида

айтиб берувдингиз-ку, ушанинг угли-да! Сизни яхши танир экан у!...

Шокир базознинг манглайдаги тарам-тарам ажинлари куюклашди. Уша ерини сертомир бамоқлари билан қашиди-да, уйга чумди.

— Тухта, тухта-чи, — деди хиёл ўтмай. — Норматнинг қайни-си эмасми? Нормат шайтоннинг?!

— Уша!

— Ҳали ушанинг қўлида ишлармидинг?

«Ҳа» мазмунда бош лиқиллатди Анвар, сўнг эса ишга киришиш мақсадида иккала қўлини ҳовуч қилиб ичига тупуриб қўйди-да, яна кетмонни олиб, уйиб қўйилган тупроқни пастга тортишга тушди.

— Ҳай, майли, хафа бўлма, — унинг кўнглини кўтарди Шокир базоз, — узингга мос ишни топиб оласан. Майли, кўп сиқилма.

— Сиқилаётганим йўқ, — кулимсиради Анвар, аммо уша кундан бери яқин бир нарсасидан айрилган одамдай юрганига дилдидан иқрор бўлди.

Шокир базознинг оёғи увушиб қолди. У оёғининг чигалини ёзган бўлиб, икки-уч карра уни олдинга-орқага узатди.

— Бир пайтлар ҳеч ким назарига илмас йигит эди, — анчадан кейин сўз бошлади у. — Норматнинг қайси бир тўйида, ҳа, ўглини уйлантирганда эди шекилли, кўзим тушувди, жуда димоғидан эшак қурти ёғилиб турувди. Одамга амал берса шу экан-да, дедим ўзимга-ўзим... — Шокир базоз яна тек қолди, анҳорга тикилган кўйи уйга толди, йўқ, невараси унинг гапларига диққатини қаратаётганини куриб, тезда сўзида давом этди: — Чувалачида эди буларнинг эски ҳовлиси, кичкинагина бола эди, отаси елкасида сават кўтарганча бозорга йўл оларди, кетидан ана шу Шариф бўлса керак, қўйнидаги ёнғоқларни санаб судралиб кетарди... энди бўлса... ҳув анув кунни сенга айтганим бор-ку, биринчи оилам, Рашид амакинг босиб олган Норҳолни айтаман, ана шуларга орқа қўшни эди-да! Шундан мен буларни яхши биламан...

Гап мавзуи бобосининг биринчи оиласига бориб тақалганидан Анвар бир ҳисобда севинди. Негаки бобосидан у худди ана уша кампир ҳақида сўрамоқчи буларди-ю, аммо журъат қилолмаётганди. Шокир базознинг ўзи шу кампирдан оғиз очгани Анвар учун айна муддао булганди. Ўз навбатида у ҳам бобосини сўроққа тутди.

— Бува, неча йил яшагансиз биринчи оилангиз билан?..

Шокир базоз ўзи сезмаган тарзда Норҳол кампирдан сўз очиб қўйганини ҳис этди, энди неварасига жавоб бермаса бўлмаслигини пайқаб:

— Норҳол билан ун йилча бирга яшаганмиз, ундан ортиқ эмас, — деди.

— Нега қўйиб юборгансиз? — сўради Анвар, кейин эса ана шундай деб сўраганидан хижолат чекди.

Шокир базоз невараси жуда мураккаб савол берганини, мураккабдан ҳам кўра шикаста, нозик бир савол билан муружаат этганини туйди. Аммо, начора, мана бир неча ойдан бери хотирасидан ўтмиши ҳеч кетмаётган, Норҳол кампирнинг ўлимидан буён ўтмиши билан яшаётганди, аччиқ бўлса ҳам ҳозир яна бир карра уша кўнларини эслаб олди, чуқур хурсинди-да, деди:

— Нега қўйиб юборгансиз дейсанми? Қўйиб юборишимнинг боиси сенга ухшаб севмаганимдан эмас, қўйиб юборишимнинг

боиси унинг тугмаганида. Биз бир-биримизни жуда яхши кўрардик, ёлғиз фарзандсизлик балоси оиламизнинг бузилишига сабаб бўлди. Турмушимизнинг унинчи йилидан кейин унинг ўзи бош бўлиб менга мана шу бувингни топиб берди. Ана шундан сўнг Рихсига уйландим...

Анвар бир-икки кунлик шамоллаш туфайли анча кучдан қолганди, бироз ишлагач унинг кучдан қолгани анча сезилди, ана шу сабаб ва бобосининг ҳикоясига қизиқгани туфайли кетмонни шу ерда қолдириб, ўзи унинг ёнига бориб ўтирди.

— Кейин ҳам кўрармидингиз у аёлни?

Шокир базоз чуқур «уф» тортди. Томирлари бўртиб кетган қўли билан серажин чаккасини қашиди-да:

— Ҳали-ҳалигача ҳолидан хабар олиб турардим, — деди.

— У киши сиздан кейин булак оила қурганмиди? — деб суриштиришда давом этди Анвар.

— Йўқ, бир ўғил асраб олганди. У ўғли уйли-жойли, ўзи билан ўзи овора бўп кетганди... Ҳаётнинг мана бунақа ўйинини қара. Келиб-келиб Рашид мана бунақа иш қилиб ўтирса-я! — Шокир базоз пиёласидаги чойини ичиб бўлди-да, ўрнидан қузгалди.

Анвар бобосига қаттиқ ачинди. Буни унинг юз кўринишидан ҳам яққол сезиш мумкин эди.

— Сиз қўяверинг бува, менинг ўзим тэжислайман.

— Йўқ, тутнинг тагини ўзим текислаб берай, ундан-уёғини ўзинг текислайверасан, — деди Шокир базоз, кейин муҳим бир нарса ёдига тушгандай қўшиб қўйди: — Бугун Рашид акагни туш курибман. Жума хомуш кўрдим-да! Утган ҳафтада кенноинг Боҳодирларни олиб учрашувга бориб келишганди. Фақат уларни қўйганди, мени қиритмаганди...

— Ҳалиям Тоштурмадалар шекилли? Судлари ўтганига анча бўп қолди-ю, нега у ерда ушлаб турибди экан?!

— Ҳа, уша ерда болам бояқчи. Ҳайронман, нега у ерда тутиб турганига, — деди Шокир базоз, яна бир нарса айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, аммо қандайдир мулоҳазага бориб тек қолди.

Анвар сезгир эмасми, бобоси бир нарса демоқчи бўлганини ва нима сабабдандир ўйланиб қолганини фаҳмлагани важи ундан сўради:

— Бува, бир нима демоқчи эдингиз чамамда? Бирор нимада ёрдамим керакмасми?

Шокир базоз шохлари ҳар тарафга тарвақайлаган марвартак тут тағидаги тупроқни шошилмасдан пастга қараб сурди.

— Йўқ, йўқ, ҳеч нарса демоқчи эмасдим, — деди у шошиб қолиб, ортидан қўшиб қўйди: — Фақат, фақат унда-бунда шу ерга ёрдамга тушиб турсанг булгани. Ҳа, деган, туяга мадор дейдилар-ку!..

Анвар бобоси бир нарса айтмоқчи бўлиб айтмаганини сезса-да, ортиқ унга тикилинч қилмади.

— Бундан-буён бушман-ку, сизга ёрдам бераман, иккаламиз шу ерни обод қиламиз, — деди.

— Барака топ, ўғлим, — деди Шокир базоз, унинг юзи ҳали ҳам ёришаганди, — ҳалигача хафа бўлма. Ҳали яхши иш топиб оласан...

— Бир ҳисобда яхши бўлди. Ўзимизнинг хончорбоғлиқлар ҳақида китоб ёзаман, — маълум қилди Анвар, аммо шунда ҳам ишдан бўшагани учун ичининг бир ери тирналиб тураверди.

— Ҳа, шундай қил, — севинди Шокир баззоз, невараси савоб ишнинг кетини тутмоқчи бўлаётганидан ич-ичдан севинди.

Бугун ҳам улар қош қорайгунга қадар шу ерда тупроқни пастга — сув устидаги чорпоёга довур суриш билан машғул бўлдилар. Кеч киргач, Шокир баззознинг қистови билан Анвар ишни тўхтатди, кетмонни елкасига ташлаб, бобосининг ортидан юқорига кўтарилди.



Асқар Маҳкам

НАҚШБАНДИЯ

*Султон Баҳоуддин Нақшбанд
ҳаётлари ва ул зоти шариф
яшаган даврга бағишланган*

МАНЗУМА

*Нурлар — ҳидоятга чорловчи нурлар
тириклик заминин гудриш тошида
ва зулол баҳрида қирмиз қонида
чатнаган чайқалган самум саболар
Жон бўлиб чиққанда юлдуз осмоннинг
қоп-қора сиртлонга монанд танидан
ва сиртлон булутлар турига тушиб
урганда қонталош бошин уфққа
«Ҳув-в-в» дея айқирган қонли тошларда
чирсиллаб ёрилди сиртлон товуши
«Ҳув-в-в»*

*Жалла жалалуҳу-у-у-у
Жалла жалалуҳу-у-у-у
Жалла жалалуҳу-у-у-у
Тириклик
ай банда тириклиги ай
Ай Раҳмон раҳмати
шайтон фитнаси
Ай ғаффор миллати
шайтон улфати
Тириклик — ай қотил
ай бандапарвар*

Тириклик ай одил
ай одамийкуш
Хирқада танимас султонлар сени
суфада танимас султонлар сени
жандада танимас султонлар сени
Тириклик ай бева
ай бевапарвар
Тириклик ай шева
ай шевапарвар
Тукилар Масихо захмидан қондек
осмон сиртлонининг тишларидан қон
сочилар гурубга сиртлон тишлари
ва пора айлайди уз жисмин тамом

Куз кўзага тушди қани бу кўзада кўзлар
Бўз ичра бу аъробий нечук бўзлару бўзлар
Куффору мусулмон эди ё муслиму куффор
Улди неча ўлди неча ўлди бу улуслар
Мен қон ичаман ҳар кеча ишқингда нигорим
Заҳрингни ичиб эрдим насиб айлади тузлар
Ой «дод» деди юзида онинг кўриб ўзни
Невчун бу қаро гур каби бўлди қаро юзлар
Бир телба деса бандага бўзина¹ отанг деб
Ортида думу чаккасидан чиқди мугузлар

Қоҳин тоғлар
сирли тилда сирлашадир
ғорлар илон жарлар илон тошлар илон
қоҳин тили
тушуниксиз қоҳин тили —
сен оёғин изларини кўрдинг унинг
у товонин
сутдек тоза товонларин
қуйди озор етказмайин тошларингга
Хув-хувалло-о-о-о-ҳ
Хув-хувалло-о-о-о-ҳ
Хув-хувалло-о-о-о-ҳ
Кунгул титрар
Биби Марям кўз ёганда
ёнбағирда жунжиккан ул Пайгамбарнинг
оёғидек
Кунгул титрар
руҳ торлари тебранганда
ой нуридек
байзо фалак қатларида
Кунгул титрар —
суфийларнинг сунгагидек
Хув-хувалло-о-о-о-ҳ
Дарбадарлик суфрасини қоқиб-қоқиб
тирикликнинг элагидан ўтказганлар
дарбадарлар

¹Бўзина — маймун (форсча)

Инсдан утадир жинлар не ҳол Баҳоуддин
Ҳаддин утадир кинлар не фол Баҳоуддин
Бир чеҳраи гулфом у элни қиладир ғорат
Сим-сим симу, сим-симлар не фол Баҳоуддин
Бош уз деса кунгулга санчар дағи шамширин
Тийгини тилур қинлар не ҳол Баҳоуддин
Унсурни қуйинг ёқди олти жиҳатимдан ул
Бадбинлару бадбинлар не фол Баҳоуддин
Эй «нун» неча айландинг бир нуқтайи холидан
Сидирди сени «син»лар не ҳол Баҳоуддин
Бағдод кетай девдим нақши мани қилди банд
Келди чину мочинлар не фол Баҳоуддин
Кафтар келади сўфий бошинда бу кун келмиш
Бойқуш била лочинлар не ҳол Баҳоуддин
Мавлоно Жалолиддин Балхий қани бир Одам
Сон ўлди-ку хоинлар не фол Баҳоуддин
Эй ойюзим чеҳранг хор ўлди хароботда
Қотил эса ботинлар не ҳол Баҳоуддин
Ердан яралиб Одам сувдан яралиб Одам
Кукдан келади динлар не фол Баҳоуддин
Тонг отсаю маҳшаргоҳ саҳнида ғалағувлар
Йуқ эрса муаззинлар не ҳол Баҳоуддин
Бир халқ кечиб хатдин рукач қилибон ҳайҳот
Ташдид ила танвинлар не фол Баҳоуддин

Осмоннинг ислимий тоқлари бўйлаб
жаҳр садолари урлаганда тик
тоғлар зикр тушар тошлари билан
қарс-қарсиллаб
ғарч-ғарчиллаб
Ернинг томирлари жаранглаб кетар
тупроқларин туфлаб ташлаб оғзидан
зилол сувларини шарақлатганча
тупроқ зикр тушар
Дарахт япроқлари бутхона бўйлаб
садо берган оғир қўнғироқлардек
кўм-кўк тилларини елга тегизиб
зикр айтар
Қумлоқ саҳроларда
самум тўзони
теваларни элтар манзил-баманзил
дарбадар тевалар
дайди тевалар
қаландар тевалар
қари тевалар
зикр айтар
Сарбон тўпиқларидан
сачраётган қўмнинг садоларидан...
Ғуруб базмгоҳин олтин жомлари
чирсиллаб-чирсиллаб синар тоғларда
дарадарда зулмат пардасин йиртиб
зикр тушар моҳтоб шаъшаалари
Булут тобутида қалқиб бораркан
ун беш кунлик тулин ойнинг ёнғини
тоб ташлаган темир янглиғ совийди

ва жон чиқар маҳал
 одам танаси
 совугандек совиб борар оҳиста
 Зикр тушар унинг маънос нурлари
 осилганча тобут ҳалқаларига
 Зикр тушар ойнанинг хирмонларида
 унинг юзларидан тўкилган губор
 Дарёларда мавжлар маликалардек
 қалқиб борар экан олис ёқларга
 мовий пешонасин соҳилга чақиб
 зикр айтар
 Жалла-жалалуху-у-у-у
 зикр айтар
 Жалла-жалалуху-у-у-у
 Дунё ҳалқасида
 зикр айтар дунё
 Мажнунтол баргида ботиб шабнамга
 зикр айтар инжа қора чумоли
 Жалла-жалалуху-у-у-у
 Жалла-жалалуху-у-у-у
 Жалла-жалалуху-у-у-у

Култепада гуллар бор ҳазрат Баҳоуддин
 Гулларда кўнгуллар бор ҳазрат Баҳоуддин
 Қалбида сафо улган иймони хароб булган
 Ҳам карлару гунглар бор ҳазрат Баҳоуддин
 Тобуткашимиз йиғлаб келмоқда нечун билмас
 Йўл сунгида йўллар бор ҳазрат Баҳоуддин
 То мулки жаҳон бордир бордир ани султони
 Мендек дағи қуллар бор ҳазрат Баҳоуддин

«КўНГУЛ ҚАТРАЛАРИ»
 ТУРКУМИДАН

ТОЗА БЎЛСИН

Тоза бўлсин, энг аввало, эй дўст, лойинг,
 Эъозлангай шунда элда қадр жойинг.
 Зарра бўлса тубанликдан лойингда гар,
 Маломатдир ҳатто қолган хоки пойинг.

БУ ДУНЁ ИШИНИ

Бу дунё ишини минг рангда кўрдим,
 Гоҳ олий мақомда, гоҳ чангда кўрдим.
 Барининг бақосиз, ёлғонлигини
 Сунгги нафасдаги «Аттанг...» да кўрдим.

ЁЗУҒНИ КЎРИНГ

Дунёга не учун келади одам,
 Не учун келганин билади одам.
 Билатуриб, аммо, ёзуғни қаранг,
 Билмаснинг қилмишин қилади одам.

УШАНДАН ГАПИР

У дунё хусусда, эй дўст, қил сабр,
 Ҳар бошда бор ўлим ва совуқ қабр.



Таниқли шоир Раззоқ Абдурашиднинг биринчи шеъри матбуотда қирқ йил муқаддам эълон қилинган. Шундан буён ўтган йиллар мобайнида, ижодкорнинг йиғирмага яқин шеърый тўпламлари нашр этилди. «Йўл бошида», «Қафтдаги олам», «Сукунат», «Кайфият», «Ёруғлик» сингари китоблари шулар сирасидан.

Раззоқ Абдурашиднинг кўпгина шеърлари дostonлари бошқа тилларга ҳам ўтирилган. Айни пайтда, ўқувчилар унинг таржимасида қардош ва хориж адабиёти вакиллариининг бир қатор асарлари билан танишганлар.

Раззоқ Абдурашид бу йил олтинчи ёшга тўлди. Биз, шоирни журналхонлар номидан қутлаш баробарида, янги ёзилган «Кўнгул қатралари» туркумидан намуналар бераймиз.

Ғаҳририят

*Хуш, бундан не топдинг, савобми, гуноҳ,
Не олиб кетурсан? Ушандан гапир.*

МИНГ БИТТА ЖУМБОҚ ЭКАН

*Минг битта жумбоқ экан, бу қисматнинг тизими,
Авлодлар такрорлагай аждодларнинг узини,—
Деган гапда кўп ҳикмат борлигига ишондим,
Набирамда қуриб ман онамнинг юз-кузини.*

ДАРДИНГ ОЛАРУ

*Бу совуқ симларга қулоқ сол, сан, бир,
Ҳар бир ноласидан сесканар тан, бир.
Дилга таскин бериб, дардинг олару
Сенинг ўрнингда ҳам йиғлайди танбур.*

БУ ЁРУҒ ДУНЁГА ШАЙДОМАН

*Тириклик бор кучу фурсатни олгай,
У бизни ҳам ўтга, ҳам сувга солгай.
Бу ёруғ дунёга шайдоман, нетай,
Гар улсам суврати кўзимда қолгай.*

ШУНЧАЛАР ҚИСҚАМИ?

*Бир кун симёғочда қўшша қуш кўрдим,
Уларни кўп иноқ, кўп сархуш кўрдим.
Шунчалар қисқами васлнинг умри,
Бирининг ўрнини зумда буш кўрдим?!*

МЕҲРДАН СЎЗ ОЧМА

*Меҳрни бозорга солиб бўлмагай,
Ҳам уни бозордан олиб бўлмагай.
Меҳрдан сўз очма меҳрсизга сен,
Бу бобда у сенга толиб бўлмагай.*

ГОҲ УНУТИБ ҚҮЯМИЗ

*Севамиз гузалликни, хушбуй таратганни биз,
Назаримиз узига барча қаратганни биз.
Бу дунё неъматларин суямизу аммоки,
Гоҳ унутиб қўямиз уни Яратганни биз.*

ЎЗГАЧА ЯШАГАН ЭМАС

*Кишининг умрини дерлар бир нафас,
Бир нафасга шунча азият, ҳавас.*

*Бундоқ уйлаб кўрсанг дўппини олиб,
Инсон шу... ўзгача яшаган эмас.*

ҲАЁТ ЎХШАР ЭКАН

*Ҳаёт ўхшар экан жанггоҳ — майдонга,
Одамлар боқмасдан ўнг-сўл томонга,
Маррага чопарлар... йиқилган эса...
Қолаверар экан беланиб қонга.*

ИККИ МАНЗИЛ

*Бир манзилдан чиқдим ўзгаси сари,
Иулдаман. Минг шукр, йулдаман ҳали.
Бу умр сўқмоғи битгани бўлгай —
Иккинчи манзилга етган маҳалим.*

КЕЛМАСДИ МАЛОЛ

*Тақдир бермиш менга қилиб бисот-мол,
Қарангки, поёнсиз орзую хаёл.
Булмасайди агар тириклик гами,
Хаёл суриш сира келмасди малол.*

ҲАТТОКИ БИР ҚУШГА

*Ҳаттоки бир қушга бериш ҳам увоқ,
Баъзилар қўлидан келмайди мутлоқ.
Яна саховатдан кўпириб сўзлар,
Етим боққандан ҳам минг бора кўпроқ.*

ҲИСОБ-КИТОБ

*Етимнинг бошини силасанг агар,
Унинг ризқини ҳам Ҳақ қўшиб берар.
Бировнинг нонини тўя қилса ким,
Унинг ҳақини ҳам юлғич топилар.*

БИР ШИРИН СЎЗГА ЗОР

*Не қилай, дунёдан дил узолмасам,
Ҳажр арқоғидан қил узолмасам.
Бир ширин сўзга зор ўтиб кетгайман,
Кўнглунгдан илтифот, бил, узолмасам.*

БИТТА ШИРИН СЎЗИНГ

*Битта ширин сўзинг, эй ёр, болга тенг,
Бол, ахир, не бўпти, йўғу борга тенг.*

Айниқса, ҳажрда жонин тикканга,
Жон қайтиб бергувчи бир висолга тенг.

КЕТМАСМИ ЭДИМ

Бу ёруғ дунёга келибманки ёр,
Кўнглумга бир ажиб армон эрур ёр.
Шу армон изидан кетмасми эдим,
Узимда бўлса гар инон-ихтиёр.

МЕН НЕТАЙ?

Мен нетай, дарёдай меҳрим оқмаса,
Кўзларим гулзорга боқса, боқмаса?
Мен, ахир, гуноҳкор эмасман, эй ёр,
Гап-сузим бировга ёқса, ёқмаса.

ТҮРТ ФАСЛ

Очди кўз уйнаб-кулиб, кўклам кезида лолалар,
Ёзда бўлди жизганақ, кўнгулда доғ-фарголалар.
Кулмади бахт кўзда, қиш ҳам тинмади оҳ-нолалар,
Воҳ, яна кўкламга етди, кўз ёшидир жолалар.

МЕҲРИМ ТУШГАН

Кичикликдан меҳрим тушган сузга, нетай,
Булак ҳамдам топмадим мен ўзга, нетай?!
Суз утида ёниб-учиб утмақдаман,
Овутмайди кўнглумни ҳеч ўзга, нетай?!

БИР АРМОН ЖОНИМГА

Юрак хасталанди, дармондан кетди,
Гуё тан путури ҳар ёндан кетди.
Бир армон жонимга қоришиқ эди,
Улсам, дегайларки, армондан кетди.

БЎЛГАНДАЙДИ БИЗДА ИХТИЁР

Юрармидик бир-бирова зор.
Кўзларда мунг, кўнгулларда зор.
Тортмасмидик ҳажр танобин
Бўлгандайди бизда ихтиёр?!

НЕТАЙ?

Феълу атворимда кўп қусур — камим,
Эҳтимол шундандир ҳар мушкул, гамим.

Мен бунёд бўлишдан аввалроқ, нетай,
Режаланган бўлса ҳар бир қадамим.

ЭЙ ДҮСТ

Эй дўст, ўз сўзингдан ҳеч қачон тонма,
Мақтов, койишлардан қийналма, ёнма.
Ҳақ йўлу, Ҳақ ишга доимо ишон,
Ҳақдан тойдиргувчи элга ишонма.

БИР СОВУҚ СҮЗ

Кўзингда меҳр кўрдим, изтироб кўрдим,
Ҳам соғинч ҳиссини ўша тоб кўрдим.
Бир совуқ сўз сабаб йўқолди бари —
Наҳотки, саҳрода мен сароб кўрдим?!

АЖАБ

Ажаб, ҳайратомуз бу дунё иши,
Ақлингни лол қилар баъзи қилмиши.
Кечаги дўст бугун душман бўлсаю
Дустингга айланса бегона киши.

Замира Эшамбердиева

ХОТИРАЛАР ГУЛГА КИРАДИ

Дардлари ҳам улкан бўларкан, Сиз тупроққа қорган дамларда,
мақсадлари улғу одамнинг. юлдузларга қараб юпандим.
Нур ва соя бирга юраркан, Ҳаммага ҳам бермайди далда —
жавоби бор озурда дамнинг. осмон менинг эрка фарзандим.

Сиз истаган пайтингиз мени Адаштира са гуллар нигоҳи —
йиглатмоққа қодирсиз-қодир. йўлни топдим кўкка тикилиб.
Озор чеккан ҳар битта туним — Мен қаддимни тикладим чоғи —
сиз бой берган Лайлатул-қадр! баланддаги шохга интилиб.

Бу дунёда қолмади чоғи
менинг бошим тегмаган устун.
Ёнаётган ишқининг учоғи —
кўнглум ўртаб юборди бутун.

Гоҳ дарё кўнглунга қил сиғмай,
бир қатим нур тушса ўт кетар.
Кичраяр ҳеч кимга билдирмай
кўюндай ёприлса хавф-хатар.

Мен қоғозга жойлаб қадримни
шеър шаклида сизга узатдим.
Қалам билан уйиб бағримни,
сўнг ўзимни алдаб юпатдим.

Бировнинг қаддини тиклаш-чун
йиқилган кўнларим эртақмас.
Ололсам, оламан бус-бутун,
менга ҳам ярим дил керақмас.

Йиғламадим ортга тисланиб,
туйғуларнинг қўлини тутдим.
Мен ўзимни сиздан қизганиб
ютқазмадим, нимадир ютдим.

Йўлингда камондай эгилган
ғамларни ичинга ютмагин.
Ўзини ардоқлай билмаган
кўнгулдан рушнолик кутмагин.

Бу дунёга устун шарт эмас,
дарёларга кўприк керақдир.
Сиз учун ҳам муҳаббат эмас,
умрингизга шерик керақдир.

Йўлин йўқотган сойдаи
чор тарафга чоғландим.
Кўкдаги ёлғиз ойдай
сизга ипсиз боғландим.

Ёлғон сўзга гувоҳ бўлгунча,
гулга тикан — паноҳ бўлайми?
Ишқ йўлида гумроҳ бўлгунча,
ишқсизларга ҳамроҳ бўлайми?

Дунё кенгдир, тор эмас,
гуруллаган гулхандир.
Менинг кўнглум гор эмас,
муҳаббатга ватандир.

Кўнгул қўрғур қолганда тилдан,
хотиралар гулга киради.
Ҳеч ижозат сурамай мёндан
юрагимга ишқ беркинади.

Сизсиз утган ҳар дамда
хаёлларга ёр бўлдим.
Тўнлардан топдим далда,
тонглардан қарздор бўлдим.

Дарёларнинг тубсиз жарлари
соғинч сели билан тўлгандир.
Ҳаётимнинг бор устунлари
йўлингизга кўприк бўлгандир.

Бошим узра ҳур осмон
пойимда ер айланар.
Тутмангиз менга осон —
руҳимда шеър айланар.

Бировнинг қаддини тиклаш-чун
ўз қадринг тупроққа тенглама.
Кўнглунгни асрагин бус-бутун,
сен уни осмондай кенг дёма.

Тун айланар, кун айланар,
ер айланар, шеър айланар.
Гир айланар, зир айланар —
қалбимда бир сир айланар.

Ёғдулар сочилар тинимсиз
очилса муҳаббат дафтари.
Кўкдаги бир гарддай кўримсиз
тўюлар дунёнинг дардлари.

Айтишга кўзим қиймай
юрагимга яширдим.
Мен ўзимни бутунлай
муҳаббатга топширдим.

Ғайрат Нек Мурод

Собиқ совет даври ўзбек адабиётида Амир Темурига муносабат

Амир Темури сиёсат ва давлат арбоби сифатида жумла жаҳонга, барча инсониятга мансуб. Шу билан бирга, энг аввало, ўз мамлакатининг (Турон, Туркистон, Мовароуннаҳр, Ўзбекистон), ўзбек халқининг фарзанди ва вакилидир.

Собиқ совет даври ўзбек адабиёти вакилларининг соҳибқирон шахси ва тарихий хизматларига муносабатини аниқлаш шунинг учун ҳам муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Йигирманчи асргача Амир Темури таржимаи ҳоли, тарихий фаолияти Шарқда, шу жумладан, Туркистонда асосан тарихий-илмий манбалар, хотиралару «Темуринома»ларда ифода топган.

Шунингдек, соҳибқироннинг тимсоли халқ бадиий ижоди намуналарида, хусусан, Алишер Навоий ижодида ҳам бадиий тажассумини топган.

Мовароуннаҳрдаги қудратли давлатнинг Темури вафотидан кейин бўлиниб кетиши, заифлашиши, темурийлар орасидаги ихтилофлар, кейинги асрлардаги сиёсий вазият каби сабаблар ўзбек сўз санъатида соҳибқирон тимсолининг кенг тасвир этилишига имкон бермади.

Йигирманчи асрнинг дастлабки ўн йилликларига келиб, ўзбек сўз санъатида Туркистон мозийси, улкан тарихий ҳодисалар ва катта тарихий шахслар тимсолини бадиий тажассум эттириш учун ижтимоий ва адабий-маънавий замин юзага келди.

Миллий-маънавий уйғониш оқими (жадидчилик), миллий озодлик ҳаракати (1916 йилги қўзғолон) каби ҳодисалар адабиётда янги бадиий шаклларнинг (драма, фоғиа, роман, повест) вужудга келишига ва бу шакллар ёрдамида мозийни кўп қиррали, чуқур бадиий инъикос эттиришга имкон яратди. Мана шу ижтимоий, адабий замин маҳсули ўлароқ ўзбек адабиётида «Темури сағанаси» (1918), «Уткан кўнлар» (1922) каби жаҳоншумул аҳамиятга эга асарлар пайдо бўлди.

Аммо вулгар-сотсиологизмга асосланган собиқ совет адабий сиёсати, тарих ва адабий меросга нописанд муносабат, умуман олганда, тарихий адабиёт ривожига, хоссатан олганда

эса, Амир Темур, Бобур каби тарихий шахсларнинг серкулам, кўп қиррали бадий тимсолини гавдалантиришга монелик қилди.

Шунга қарамай, собиқ совет даври сўз санъатида соҳибқирон Темур Кўрагон шахсига муносабат билдириш, адабий манзу-маларда унинг тимсолини яратиш ҳаракати давом этди. Лирика, эпос ва драманинг айрим жанрларида жаҳонгирга бадий муносабатнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Бадий (тарихий) асарнинг фалсафий-бадий ғоясида соҳибқирон шахсининг оламшумуллигини таъкидлаш («Ўткан кунлар», «Навоий» романлари).

2. Муаллиф баёни, қиёси орқали Темур номи ва хизматларини эслаш («Навоий» романи).

3. Адабий қахрамон, адабий шахс нутқида жаҳонгирга баҳо бериш («Ўткан кунлар» — Юсуфбек Ҳожи. «Навоий» — Мумин Мирзо).

4. Қахрамон хотираси, тушида Темур сиймосининг зоҳир бўлиши («Улуғбек хазинаси»).

5. Лиро-эпик («Темур» достони) ва лирик асарларда (А. Орипов, Э. Воҳидов, И. Субҳоний) бу улуг шахс тимсолининг бевосита тасвир этилиши.

Оқорида санаб утилган асарларда Темурга муносабат ва унинг образи талқини асосан умуминсоний қарашлар ва тарихийлик негизида юзага келган. Шунинг учун ҳам уларни собиқ совет дунёқараши доирасида эмас, жаҳон сўз санъатининг умуминсоний бадий-поэтик тамойиллари ҳудудида таҳлил этиш тўғри бўлади.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг фақат бир ўрнида Темур номи тилга олинган. Юсуфбек Ҳожи ўгли Отабекка «уз наслини уз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширгувчи» «мансабпараст ва шухратпараст муттаҳамлар» (283-саҳ.) ҳақида гапира туриб, дейди: «Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир улкани ҳалокат чуқурига қараб судрагучи, албатта, Тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим!» (283-саҳ.)

Асар қахрамони тилга олган улуг тарихий шахслар орасида фақат Амир Темур доҳий сифатида таърифланган. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да (1-жилд, 1981) бу сўз шундай изоҳланади: «Доҳий (арабча) фавқулодда ақл-заковатга эга бўлган доно, оқил йулбошчи» (237-саҳ.). Собиқ совет даврида мазкур калима деярли атамага айланиб, аксар ҳолда ва фақат «пролетар етакчиси» В. И. Ленинга нисбатан қўлланилар эди.

Юсуфбек Ҳожи (аслида муаллифнинг ўзи) соҳибқиронни шунчаки, тасодифан доҳий деб ажратиб кўрсатмаган. Бу сўз Амир Темур шахсини тулиқ баҳолашга қодир, мозий ҳақида, улуг тарихий шахс ҳақида ёзувчининг фалсафий-бадий ғоясини очибди калит бўла оладиган калимадир.

Мозий, «яқин ўткан кунлар»ни, «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари» — «кейинги хон замонлари»ни тасвирлаган адиб утимишнинг саодатли, устивор саҳифаларини эслайди, асар ғоявий қурилмасидаги тазод (қарши қўйиш) орқали Туркистоннинг шукуҳли тарихий қиёфасини очади.

Романда Шарқ Уйғониши — Темур даври билан XIX-асрдаги «қора кунлар»гина зид қўйилган эмас. «Ўткан кунлар» бадий тағматнида мустабид ўрис мустамлакасига миллий истиқлол ор-

зуи, Амир Темур каби доҳийлари бор буюк мозий қарама-қарши берилган.

Абдулла Қодирий миллий мустақиллик қадрини жуда чуқур тушунган ва бу мустақилликка Темур Кўрагон каби жасур жангчи-саркарда, мутафаккирлар саъй-ҳаракати, заковати билан эришиш мумкинлигини фаҳмлаган адиб эди. Шу боисдан ҳам унинг қаҳрамонлари — Темурга хос фаҳм-фаросатга, баҳодирлик журъати-га эга кишилар.

Юсуфбек Ҳожи — мамлакат, давлат, инсоният кўламида фикрлайдиган донишманд ва ҳокимият асосига адолатни қўйишга саъй этган давлат арбоби. Шарият ва тариқат аҳкомларини ва амалларини ўз шахсида мужассамлаштирган шахс. Унинг саҳияси ва тийнатида Амир Темурнинг маънавий устози — пири Саид Баракани эслатувчи бир талай фазилатларни кўрсатилди.

Отабек — ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук, баркамол шахс тимсоли. Халқ, миллат ғамини ейдиган, Ватан манфаати учун жангларга киришга ҳозир қахрамон. «Ўткан кунлар» қахрамонларидан бири Пирназар ака тили билан айтганда, «амири лашкар бўла оладир»ган (282-саҳ.) паҳлавон. Соҳибқирон рутбасини эслатувчи «амири лашкар» иборасигина эмас, қахрамоннинг шахс сифатида хусусиятлари, хусусан, ўрис босқинчиларига қарши дини Ислому учун, Туркистон бедахллиги йулида жиҳод этиши, мардона шахид бўлиши унинг Амир Темур сирасидаги инсон эканига далолат беради.

Йигирманчи аср ўзбек адабиётининг улкан вакили Ойбекнинг бадий оламида, ғоявий дунёсида Темур шахси ва хизматлари муайян бир даражада ўрин ишғол этган.

Ойбекнинг «Навоий» романи ва бошқа баъзи бир асарларини ўқиб, у ҳаёти мобайнида икки буюк шахсга улкан ҳурмат билан қараб келганини пайқаш мумкин. Бу зотлардан бири улкан шоир, мутафаккир Алишер Навоий экани ҳар бир бадийят муҳибига маълум. Ойбек Алишер Навоий шахси ва ижодиёти ҳақида қатор тадқиқотлар, бадий асарлар яратган.

Иккинчиси — Ойбек Амир Темур номини ҳам бутун ҳаёти давомида эъзозлаб келган. Алишер Навоий даврини урганган чоғларидаёқ унга бу нодир истеъдодли давлат арбобининг оламшумул тарихий хизматлари маълум булган эди. Ойбекнинг шарқлик жаҳонгирга муҳаббати пинҳона кечган. Зеро, мустамлака даврида бу улкан тарихий шахс ҳақида ошқора сўзлаш мушкул эди.

Адиб «Навоий» романининг баъзи ўринларида Темур салтанатининг шукуҳи, улугворлиги ҳақида жуда нозик ишоралар қилиб ўтган.

Адиб Ҳусайн Бойқаро саройидаги базм манзарасини чиза туриб, шундай ёзади: «Ҳусайн Бойқаро давлат ишларида Темурнинг «Тузуқот»ини оз эсласа ҳам, лекин бундай ўлтиришларда улуг бобосининг анъанасига содиқ эди. Аммо тақдидга қанча уринмасин, замон ва муҳит бу бобда ҳам катта ўзгаришлар киритган эди. Оқсоқ жаҳонгирнинг саройидаги ўлтиришларда саҳроий соддалик билан фавқулодда ҳашамат ва дабдаба бирлашган эди. У вақтларда шоввозлар бутун-бутун пиширилган семиз отларни катта суфраларга солиб, уртага тоғдек қалаштириб ташларди» (185-саҳ.)

Ойбек Шарқ тарихи, маданияти ва адабиётига оид тадқиқотлари ва бадий асарлари устида ишлар экан, бир қанча тарихий, илмий асарларни ургангани ва шулар асосида қайдлар ҳам ёзиб

қўяди. Жумладан, у де Клавихонинг «Кундалиги», Восифийнинг «Бадоеул-вақое», Мирхонднинг «Равзатус-сафо» каби асарлари билан танишган. Романда юқорида келтирилган парча Клавихонинг «Кундалиги» асосида юзага келганини ҳам адиб қайдларидан билиш мумкин.

Муаллиф «Навоий» романининг бир жойида Темурга бўлган эътиромини ишораларсиз, очиқ билдирган.

Музаффар Мирзонинг йигитлари Астрободни забт этиш учун шаҳарга от сурадилар. Бу пайтда Бадиуззамоннинг ўгли Мумин Мирзо бу ерда эди. Кучлар тенг бўлмаганидан ёш шахзода енгиллиб, душман қўлига тушади.

«Тўғонбек ёш асирни тўппа-тўғри Музаффар Мирзо қошига келтириб, гурур билан топширди. Салқин дарахтзорда, гилам устида гердаийб утирган сап-сарик Музаффар Мирзога чанг-тўзон билан қопланган асир қовоқларини солиб дадил қаради. Музаффар Мирзо хитоб билан сўради:

— Оқибат не бўлди?

— Айб сизда. Мен ёлғуз фармонга буйсундим, — жавоб берди Мумин Мирзо чанқовдан қуриган лаблари билан. — Агар сиз бир оз бардош қилсангиз эди, мен отам ёки бобом подшоҳ ҳазратлари билан хабарлашиб, шаҳарни топшира эдим.

— Бошқа йул ҳам бор эди, — деди Музаффар Мирзо худди гўдаклар билан ҳазиллашган бир тур билан, — агар сен қилич-садогингни буйнингга осиб қошимга ўзинг келсанг эди, у чоғ мендан марҳамат кўра эдинг.

— Мен — улуғ Темур набираси! — деди бола аччиқланиб. — Қилич-садоқни буйнига осиб, душманга тиз чуқмоқ улуғ бобонинг руҳига зўр ҳақорат бўлар эди.

— Кимга айтасан бу гапни?

— Сизга! Агар сиз эмас, Рустам келса, Чингиз келса ҳам, шу сўзни айтар эдим! — деди-да, Мумин Мирзо аламдан, укинчдан титраб, ерга қаради» (185-саҳ.)

Мумин Мирзонинг «улуғ бобо»си хусусидаги қараши тарихий роман ижодкорига ҳам тегишли экани бизда шубҳа уйғотмайди. Эҳтимол, замон йул берганида, Ойбек Темур даври ва унинг музаффар юришлари ҳақида «Навоий» романи каби дилбар, бадиий етук бир эпопея яратган бўлармиди. Аммо давр бундай ишни амалга оширишга имкон бермади.

Шунга қарамай, ижодкор барибир Темур мавзуига мурожаат этади. Умрининг сўнги йилларида соҳибқирони акбар ҳақида йирик ҳажмдаги лиро-эпик асар (достон) ёзишга киришди. Бу достон тугалланмаган бўлса-да, унда шоирнинг улуғ тарихий шахс хусусидаги хос қарашлари, гоёвий-бадиий концепсиясини аниқ ҳис этса бўлади.

«Темур» достони маснавий шаклида ёзилган. Ойбек узининг тарихий мавзудаги шеърий асарлари — «Навоий», «Навоий ва Гули»ни ҳам худди шу йўлда ёзган. Гарчи бу достонлар бармоқ вазнида битилган бўлса-да, улар маром ва оҳангдорлигига кўра аруз вазнини, аниқроғи, унинг мутақориб баҳрини эслатади. Маълумки, бу баҳрда одатда қаҳрамонлик достонлари иншо этилган.

«Темур» достонига ўзига хос шиддат, босиқ тантанаворлик хос. Машҳур «Навоий» достонидаги оҳанг «Темур» асарида ҳам истифода этилганини, шубҳасиз, муаллифнинг соҳибқирон шахсига бўлган ҳурматининг бир ифодаси деб тушуниш мумкин.

Ойбек тасвирида Темур «Шаҳрисабздан чиққан саркарда,

Қудрати қуёшга солади парда... Туркистон қавмидан бир ўғлон-дир у, Юришлар, қасрига узра тикди тув... Расталари рат-рат Темур ижоди, уй ёлғиз Харб эмас, зар ва тижори...»

Шоир бадиий сўз ёрдамида соҳибқироннинг аниқ тарихий сувратини муқаммал қизишга муваффақ бўлган: «Манглай кенг, каттадир унда ўйхона, Коинотни қамрар ҳар кун бир гоё. Унинг қурки деса булар соқолин, Қомати наф чинор, кенгдир ёғирин».

Шу тариқа достон қаҳрамонининг тимсоли бадиий сувратдаёқ ижобийлаштирилади, улкан тарихий шахснинг коинот, инсоният, жаҳон миқёсида фикрлайдиган мутафаккир инсон эканлиги мухтастар, шу билан бирга, бадиий қуюқ чизгилардан маълум бўлиб туради.

Шоир Темурнинг кўп қиррали, тарихийлик талабларига мувофиқ келадиган тимсолини юзага келтириш учун жаҳон эпик, лиро-эпик адабиётининг ютуқлари, аънаналаридан унумли фойдаланган, миллат ва халқнинг қаҳрамонона руҳини уз шахсида мужассам этган бу қаҳрамон сиймосини адабиётларо жаъраёнинг кўп асрлик илғор тажрибалари асосида бунёд этган.

Достоннавис асар қаҳрамонининг руҳий-маънавий қиёфасини теранроқ очиш, сиёсий, ҳарбий фаолиятининг илдизларини аниқроқ кўрсатиш мақсадида мамлакат, давр ва тарихий муҳит манзараларини ўзига хос маҳорат ила қизишга муваффақ бўлган.

Асарнинг битган қисмида «мустаҳкам саройлар, энг гўзал осмон туташ боғ-бўстон» Самарқанд, Темур саройидаги машварат, Улуғбек ва соҳибқирон мударрис мулоқоти, тўй-базм, соҳибқирон ва Халил Султон суҳбати тасвири ифода толган. Муаллиф асарнинг дастлабки бобларидан бундай кенг ва батафсил манзаларни қизиши достоннинг катта ҳажмда бўлиши, афтидан, шеърий роман тусини олишидан дарақ беради.

Достон чизгилари шундан далолат берадики, Ойбек Темур даври ва қиёфасини қизишда маълум даражада синфийлик назариясига суянган. Асарда йиртиқ ковушдаги толиби илмлар ҳам, «тулпорлар минган, сувсардан телпақлар» кийган бекзодаларнинг қиёфаси ҳам чизилган.

Достон қаҳрамонининг сажияси, маънавий қиёфаси, аҳволи-руҳияси тарихий ва миллий заминда юксалган бўлиб, С. Бородин, И. Гусейнов романларида нотўғри ифода толган зolim, айёр жаҳонгир образларидан кескин фарқ қилади.

«Темур» достони тугалланмаган, бунинг устига, Ойбек тиркилигида ҳам, вафотидан кейинги 22 йил ичида матбуотда, ҳатто адибнинг «Муқаммал асарлар тўплами»да ҳам эълон этилмаган. Бунинг асосий сабаби асарнинг шоир вафоти туфайли чала қолиб кетганлиги эмас, кечаги ўтмишда Темур шахсига тарихан ҳолис ва адолатли ёндашилмаганлигидадир.

Ўзбек адабиётида 70-йилларга келиб тарихни ёритишда маълум жонланиш содир бўлди. Адабий-бадиий жараён имкониятларидан келиб чиқиб, ижодкорлар мозий қаҳрамонлари ҳақида йирик шаклдаги бадиий асар яратишга эҳтиёж сеза бошладилар. Мана шу эҳтиёжнинг маҳсули сифатида Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Мирмуҳсиннинг «Меъмор» каби қамровли асарлари вужудга келди. Учала роман ҳам темурийлар даврининг мураккаб манзараларини акс эттирган.

«Улуғбек хазинаси»да Амир Темурнинг сеvimли набираси, Хурсон подшоҳи Шоҳруҳ Мирзонинг ўгли, улкан олим Улуғбекнинг тарихий фожиаси илдизлари бадиий ифода этилган. Шоҳ-

руҳ вафотидан кейин мамлакатда юз бераётган бесаранжомлик ва парокандаликлар донишманд ҳукмдор қалбини эзади, у ўз жигарбанди Абдуллатифнинг бебурдлиги ва ҳокимиятпарастлигидан қаттиқ изтиробда. Романнинг бошланишидаёқ биз кексайиб қолган алломанинг азобли ўйларидан воқиф бўла бошлаймиз. Адиб қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари тасвирига кенг ўрин берган. Умри поёнига етаётганини қандайдир бир савки табиий билан англаган Улуғбек қизининг мураккаб ҳаёти йўлига назар солади, умри давомида қилган хато ва ютуқларини сарҳисоб этмоқчи бўлади. Улуғ соҳибқирон Амир Темури ҳақидаги хотиралар ҳам унинг ҳаёлини банд этган. У темурий подшоҳ сифатида бобоси тузиб кетган улкан салтанат инқирозидан ўқинади, қариндош-уруғ шахзолаларнинг ихтилофларидан жаҳонгирнинг руҳи безовта эканини юрак-юрақдан ҳис этади.

«Нечукдур бундан чорак аср муқаддам қипчоқ хони Бароқхон унга қарши бош кўтариб чиққанда кўрган ёмон туши ёдига тушди...»

Тушида соҳибқирон унга «дарғазаб... қовоғи ёзилмай», га-забнок хитоб қилади: «Мовароуннаҳр ўт ичида қолди! Билиб кўй: бошинга бу тожни мен кўндирган эдим, мен олиб ташлайман!.. Ё бу бадҳоқларни сарҳадимдан даф этасан, ё тожимни қайтариб берасан!»

Амир Темури қаҳр билан унга томон юрармиш. Мирзо Улуғбек даҳшатга тушиб орқага тисарилармиш... Лекин ўшанда уни бу мудҳиш тушдан ҳам кўра кўпроқ ҳайратга солган нарса шу бўлдики, тонг пайтида олис Яссидан унинг ҳузурига ўн нафар йигит арз қилиб келди: «Сайхун соҳилида кучманчилик қилиб юрган Бароқбек ботир Ясси ва Сигноқ шаҳарларини забт этиб, шаҳар теварагидаги гулдай қишлоқларни талон-тарож қилиб юрган эмиш» (47-48).

Романда бош қаҳрамоннинг хотиралари, руҳий кечинмалари тасвири орқали Темурнинг улкан хизматлари — Самарқанд, Кеш каби шаҳарларни обод этгани, «одам кирса адашиб кетадиган «Боғи беҳишт»ни барпо қилгани таъкидланади.

Шу билан бирга, адиб соҳибқирон шахсига ва фаолиятига бошқача нуқтаи назардан ҳам разм солган:

«Еши эллик бешдан ошган, салкам қирқ йил соҳиб тож бўлган Улуғбек ўтган умрини, қилган ишларини сарҳисоб этаркан, «нечукдур яна бобоси эсига тушарди. Ҳа, алқасосул-миналҳақ! Тожу тахт учун темурийлар орасида бошланган бу қиймат-қойим, бу шафқатсиз хунрезлик... бобоси... руҳи равзайи фирдавсда масрур бўлган! Бобоси Амир Темурнинг бошқа эл, бошқа улусларда қилган қатлу қиргинлари учун кук борган жазо эмасму? Бобоси тўккан дарё-дарё қон, у етим қилган норасидалар кўзёши, фарзандларидан айрилган волидалар фарёди учун қайтган бир қасос эмасму бу!..»

Ўз бобоси ҳақида бу каби фикрга борган Мирзонинг руҳий ҳолатлари адиб тарихга совет ва коммунистик қараш муносабати таъсирида бўлганини кўрсатади.

Александр Македонский, Чингизхон, Темур, Наполеон каби жаҳонгирларнинг ҳарбий юришлари, урушлари ҳақида тарихий манбалар, бадиий асарларда бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрлар мавжуд. Масалан, академик Тарле Наполеон фаолияти тарихий жараёни тезлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилганини ёзган. Лев Толстой эса, «Уруш ва тинчлик» романида Бонапарт шахсига нохуш қарайди, франсуз жаҳонгири шахсининг ҳам ҳар-

бий фаолиятининг чигаллиги, зиддиятларга бойлиги бир-бирига зид бўлган бундай баҳоларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Лев Толстой инсонпарвар, мутафаккир сифатида урушларга, қон тукишга қарши эди. Шу сабабдан у ҳарбий ҳаракатларнинг раҳнамоси Наполеонга салбий — инкор назари билан қарайди, муаррих Тарле эса, ўз баҳосида саркарда, императорнинг тарих майдонида киришдан кейин умрини тугаётган, тараққиётга тўсқинлик қилаётган феодал тузумларининг қулганидан, бу эса, умумжаҳон миқёсида, айниқса, Оврупода иқтисодий, ижтимоий тараққиёт тезлаштириганидан келиб чиққан.

Амир Темури нисбатан зиддиятли муносабат «Улуғбек хазинаси» бадиий оламида ҳам акс этган. Бунини эпизодик қаҳрамон Темур Самарқандий ҳикоясида кўрсатилади. Бу ҳунарманд соҳибқирон учун «сопи олтиндан, ўзи пўлатдан» бўлган қилич ёсаб беради, бу қурол «Амир Темури қулида тунжадай тошни ёсдек кесди». Кейинроқ мана шу яроқ устанинг сарбадор оғаси ва яна ўттиз икки исёнчи йигитнинг бошини қирқади.

Қуролсиз мўйсафиднинг Темурга баҳоси хийла мураккаб: уни дам «соҳибқирон» деса, дам «бераҳм шох» деб атади. Унда ватандоши баҳодир Темур билан фахрланиш ҳисси ҳам йўқ эмас. Қаландар Қарноқий ва Босқонбеклар Мавлоно Али Қўшчинини қўтқариш учун зиндонга ҳужум қилмоқчи бўлганликларини эшитиб, шундай дейди:

«— Ҳе хом сут эмган бандалар!.. Бу сарой, бу зиндонларни ким қурганини билмайсиз. Бу зиндон, бу саройларни оламни зерзабун қилган кимсан Амир Темури қурдиргандур!»

Бизнингча, «Улуғбек хазинаси» романида Амир Темури шахсига бўлган бундай мураккаб муносабатнинг илдизи икки асосга бориб тақалиши мумкин: адиб ё адабиётнинг инсонпарварлик гоёларига асосланиб, умуман урушларга, хусусан, шундай урушларнинг бошида турган раҳнамоларга салбий муносабат руҳида тарбияланган, ёки унинг ижоди, собиқ совет тузумининг дунёқарашини, мафкурасининг таъсиридадир. Натижада бу қарашлар силсиласининг нуқси маълум даражада унинг романида аксини топган. Бунини Темур, Хўжа Аҳрор сингари тарихий шахсларга муносабатда, уларнинг талқинида кўрсатилади.

Масалан, юқорида қайд қилинган эпизодда соҳибқироннинг сарбадорларни қатл эттириши айтиб ўтилган. Бундай қараш тарих ҳақиқатига мувофиқ эмас. Аслида, Темур сарбадорларга маълум даражада хайрхоҳлик билан қараган, уларнинг раҳнамоси Мавлонозадани улимдан асраб қолган.

Сосиалистик реализмнинг синфийлик, партиявийлик йуриқлари, вулгар сосиологизм, нописандлик (тарихини инкор) ақидалари мавжуд бўлган асримизнинг 30—80-йилларида ўзбек эпик адабиётида Амир Темури тимсоли кам ишланган, аксар ҳолларда эпизодик тасвирланган, шахсиятига рамзий асосда баҳо берилган.

Аммо ана шу муносабат, баҳо, талқинларнинг ўзиёқ Темур шахси йигирманчи аср миллий адабиётимизнинг эътиборидан бутунлай четда бўлмаганини, унинг тимсолини яратиш бўйича хийла тажриба тўпланганини кўрсатиб турибди. Бундай бадиий тажриба миллий истиқлол даврида мозийни тарихийлик йуриқлари асосида бадиий тадқиқ этиш ва Амир Темури тимсолини кенг қамровда яратиш ишига замин яратиш беради.

Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти жаҳон тарихчилари талқинида

Урта Осиёда марказлашган қудратли давлатга асос солган даҳо ланқарбоши, доно ва моҳир давлат арбоби Амир Темурдек машҳур шахслар инсониятнинг қўл асрлик тарихида кам учрайди.

Табиийки, Темурнинг ҳаёти ва ишлари ҳақида у тириклигидаёқ ёзилган, у вафот этганидан сўнг утган юз йиллар мобайнида эса қўлаб манбалар ва адабиётлар юзага келди. Жумладан, бунга тасаввуфчи олим Ғиёсиддин Али соҳибқирон ҳаётига ёзган «Рузномаи газавоти Ҳиндистон» («Ҳиндистон юриши рузномаси»), Низомиддин Шомийнинг «Зафарномаи Теури», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб алмақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари»), Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ёзиб қолдирган қўлдалик ва бошқа асарларни мисол келтириш мумкин.

Темур ҳаёти ва фаолиятини урганишга Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги қўшгина тарихчилар қатори Россия тарихчилари ҳам катта ҳисса қўшишди. Айниқса, бутун дунёга таниқли шарқшунос олим, академик В. В. Бартольднинг мукамал асарларини таъкидлаб ўтиш керак. У Темур сиймосида туғма, юксак истеъдодли инсонни, «мамлакат фаровонлиги учун зарур бўлган, лекин бир-бирларига душман майда ҳукмронлар мавжудлигида амалга ошириб бўлмайдиган давлат тартиби гоёси»ни турмушга жорий этиш учун курашчини кўрди.

Бартольд Темурни фақат босқинчилик юришлари олиб борган шахс сифатида баҳоламай, балки унинг яратувчанлик фаолиятини ҳам, «уз салтанати қурқи ортишига» интиланглигини ҳам таъкидлайди. «Темур муҳташам бинолар қурдирган эди... бунда узининг юксак дид эгаси эканлигини курсатди... шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сўғориш тармоқлари қурдирди ва уларни тартибга келтирди... экин ерлари буш етишига йўл қўймади». Темур томонидан улкан қурилиш ишлари (унинг замондошлари шоҳидлик беришича) фақат Мовароуннаҳрда ва қўшни Хуросондагина эмас, балки Мурғоб чули ва Қобул ҳавзаси каби оқис жойларда ҳам амалга оширилди». Тўғри, Бартольд бунда қудратли ва чекланмаган подшоҳлик ҳукмронлиги Оллоҳ томонидан берилиши гоёсига қўшилгани ҳолда Темурнинг ички ва ташқи сиёсатда «босқинчи сифатидаги шуҳратпарастлиги»ни ва «уз ҳаракатларининг беқисслиги билан дунёни лол қолдириш»га интилишининг аҳамиятини ошириб юборди.

Бартольднинг шоғирди, таниқли шарқшунос олим А.Ю. Якубовскийнинг Темур ва унинг даври ҳақидаги илмий ишлари ҳам қимматлидир. У Темурнинг мард, сахий, одамлар билан ишлаш оладиган, узидла моҳир йўлбоши, қурашувчанлик фазилатларини мужассамлаштирган ажойиб инсон сифатида одилона ва юқори баҳолайди. Айни пайтда Якубовский Темурнинг жуда ҳам зиддиятли шахс эканлигини, гарчи соҳибқирон фаолиятининг Марказий Осиё учун талай ижобий томонлари бўлган бўлса ҳам, «жаҳон тарихига у шафқатсиз ҳукмронлардан бири сифатида кирганлиги»ни таъкидлайди.

Айниқса, олимларнинг ҳужжатли манбалар асосида Темурнинг чет эл мамлакатлари бошлиқлари билан ёзишмаларига таъриф берилган мақолаларини алоҳида таъкидлаш керак. Улар Темурнинг ажойиб дипломатик қобилиятдан, ташқи сиёсатда узоқни қўра билганлигидан гувоҳлик беради. Бу масаланинг ёритилишига Ўзбекистон олимлари (И. И. Умняков, А. А. Ҳасанов ва бошқалар) муносиб ҳисса қўшишди. Улар Темурнинг Миср, Византия, Франция каби давлатлар бошлиқлари билан ёзишмаларининг мазмунини ёритиб беришди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Бартольд ва Якубовскийдан сўнг Темурнинг ҳаёти ва фаолияти тадқиқотчиларнинг доимий эътиборида бўлмади. Фақат бундан археологлар, санъатшуносларнинг Темур ва теурийлар даври тарихий-мъёморчилик, тасвирий санъат меросини урганишга бағишланган қўлаб қимматли ишлари мустаснодир. Бунда мамлакатнинг коммунистик раҳбарлиги юқоридан зўрлаб ўтказиб келинган ижтимоий фанларни «марксизм-ленинизм» руҳида гоёлаштириш сиёсати уз натижасини курсатди. Темур сингари тарихий шахслар илмий адабиётда, жумладан, урта асрлардаги феодал тузуми тарихи ёритилганда фақат салбий қаҳрамон (мустабил, эолим, меҳнаткашларни эзувчи ҳукмрон) сифатидагина курсатилиши мумкин эди.

Фақат секин-аста, шахсга сиғиниш оқибатлари бартараф қилина бошлаганидан кейингина, бу борада яхшилик томон силжиш рўй бера бошлади, бу иш ҳам бирдан эмас, балки қийинчилик билан узига йўл очди. Ун йиллар давомида зўрлик ва қатъият билан жорий этиб келинган коммунистик ақидалар яна узоқ вақт уз кўчини курсатиб келди. Шу муносабат билан «ярим таъқиқланган» мавзуга қўл урган Иброҳим Муминович Муминовнинг Темур ҳақидаги илмий иши, тақдир, тарихшунослик жиҳатидан махсус урганишга арзийдиган мисол бўла олади. Бу уринда биз И. М. Муминовнинг 1968 йилда Тошкентда нашр этилган «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли ёзма манбалар маълумоти асосида» илмий рисоласини назарда тутяпмиз.

Кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортган Темур туғрисидаги илмий ишни айнан Иброҳим Муминов ёзганлиги тасодифий эмас. Айнан Муминовнинг ташаббуси билан 1968 йилда «Тузики Теури» («Темур тузуклари») А. П. Остроумовнинг 1894 йилдаги наппри буйича қайта дунё юзини қўрганлиги учун фанимиз бу инсон олдида бурчлидир.

Иброҳим Муминов Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат педагогика академиясида билим олган. У илмий соҳада аспирантликдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президентлигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Муминовда талабалик йилларидаёқ Урта Осиёдаги ижтимоий-фалсафий фикр тарихига, унинг халқлари ва Шарқдаги қўшни халқларнинг буюк ажлодлари — мутафаккирлар, олимлар, давлат арбоблари, ёзувчилар ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодий меросини ёритиш ва оммалаштиришга катта қизиқиш пайдо бўлган эди. Унинг Форобий, ибн Сино, Беруний, Али Қўшчи, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Абдулқодир Бедил ва ҳатто XVIII—XX асрлардаги фан ва маданият намоёндалари (Машраб, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ва бошқалар) туғрисидаги илмий рисоалари фалсафа фани тараққиётига қўшилган катта ҳиссалар.

Муминов илмий-тадқиқотчилик фаолиятини фандаги юксак даражадаги ташкилотчилик ишлари билан қўшиб олиб борар эди. Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти, фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбек совет қўмоси, «Ўзбекистоннинг ижтимоий фанлари» журналининг ташкил этилиши ва яна бошқа бир қатор ишлар

унинг номи билан боғлиқ. Муминовнинг яна бир катта хизмати шундаки, у вице-президент лавозимида ишлаб туриб, Марказий Осиёда урта асрда яшаб ўтган йирик мутафаккирларнинг илмий меросини урганиш ва нашр этишни кенгайтириш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилди. У бу асарларни, шунингдек, тўрт жилди «Ўзбекистон ССР тарихи», «Самарқанд тарихи», «Бухоро тарихи», «Хоразм тарихи» каби, илмий жамоалар меҳнатининг маҳсули бўлган асарларни нашр этиришнинг ташаббускори, муҳаррири еки муҳаррирлари-дан бири бўлди.

Табийки, Урта асрдаги нафақат Шарқ, балки бутун инсоният тарихига янги ва муҳим саҳифалар ёзган Темур сингари машҳур шахс Муминовнинг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди.

Муминов Темур ҳақида илмий рисола ёзишдан аввал у ҳақдаги манбалар ва адабиётларни узоқ вақт урганди. Рисола эса ЮНЕСКО режасига биноан 1969 йилда утказилиши белгиланган ва уша йили сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган Теурийлар даври санъати бўйича халқаро симпозиум арасида нашр этилди. Симпозиумни тайёрлашда Муминовнинг хизмати катта бўлди. У симпозиум очилишида «Теурийлар даврида Урта Осиёда санъатнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихий илдилари тўғрисида» маъруза қилди, шунингдек, «Самарқанд — Теурийлар пойтахти» илмий очеркини эълон қилди.

Олимларнинг тарих фанининг муҳим муаммолари бўйича илмий ишлари муҳокамага кенг илмий жамоатчилик вакиллари жаб қилиш Муминовга хос фазилат эди. У Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни тўғрисидаги маърузаси матнини ҳам ана шундай муҳокамага қуйган. 1968 йил 5 июнда республика Фанлар академияси Раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Кенгаш қатнашчилари орасида 9 академик, 7 мухбир аъзо, 13 фан доктори ва 20 фан номзоди бор эди. Кенгаш қатнашчилари уз нутқларида (улар орасида ушбу мақола муаллифи ҳам бор эди) Муминов маърузаси бўйича бир қатор маслаҳатлар ва исхакларини изҳор қилди. Нотиқларнинг фикрича, маъруза шунинг учун ҳам сўзсиз нашр этилиши керак эдики, унда «муғул хонлигидан мустақил, марказланган давлат ташкил этган, Урта Осиёнинг иқтисодий ва маданияти ривожланиши учун қўлай имконият яратган» Темурнинг урни ва хизматлари манбалар асосида ёрқин ва ишонарли ёритилган.

Муминовнинг Темур тўғрисидаги рисолати жами 13.000 нусхада (8 минг нусхаси ўзбек тилида ва 5 минг нусхаси рус тилида) нашр этилиб, китоб дуконлари жовонида кўп турмай, тезда уз ўқувчисини топди.

Лекин, шундан сўнг муаллиф учун қайгули ва оғир воқеалар юз берди.

Марксизм-ленинизм деб аталмиш мустаҳкам ва асосий таълимот тамойилларига оғишмай амал қилиб келаётганлар аниқроғи уни жун ва сталинча биртомонлама тушунадиган ва талқин қиладиганлар ҳаракатга келди. «Тарихий материализм» қоилаларига биноан «шоҳлар, императорлар, хонлар, амирлар» ва ўтмишнинг бошқа ҳукмдорлари ҳақида қандайдир мақтов сузлар айтиш қораланадиган ва йул қуйиб бўлмайдиган иш ҳисобланарди. Мамлакатда ушанда «тарихий ўтмишнинг идеаллаштириш»га қарши компания олиб борилган.

Бундай шароитда И. М. Муминовнинг иши «Темур сингари мустабидини алқаган», дарҳол қораланишга лойиқ бўлган, «зарарли» ишлар тоифасига тушиб қолди. Марказий матбуот саҳифаларида («Коммунист», «Литературная газета» ва бошқа нашрларда) Муминов рисолатига нисбатан салбий фикрлар билдирилди. Уша пайтдаги куз-

га қуринган партия ва жамоат арбоблари П. Н. Федосеев, А. Н. Яковлев ва бошқалар тўғридан-тўғри еки ишора билан (баъзида муаллифнинг номини тилга олмай) рисола эълон қилинганлигидан норози эканликларини изҳор қилдилар. «Вопросы истории» (Москва) журналы тарихчи А. П. Новосельцевнинг катта мақоласини чоп этди. Унинг «Темурни идеаллаштиришга қарши» руқни остида нашр этилишининг узи мақола «тиги» кимга қаратилганлигини билдириб турарди.

Тошкент олимлари орасидаги имони суст муаллифлар ҳам ҳаракатга келишди. Бунга тарихчи М. А. Абдураимовнинг мақоласи мисол була олади. Яқингинада Темурни мақтаб ёзган бу муаллиф, эндиликда И. М. Муминовнинг иши тўғрисида «фош этувчи» мақола билан чиқди («История СССР» журналы, Москва, 1973 й. №5). Афсуски, М. Ф. Ваҳобов сингари кўзга қуринган тарихчи ҳам четда қолмади. У Муминовнинг рисолати чиққач, бир неча йиллар ўтганидан кейин ҳам унинг «марксизмга зид ва зарарли» эканлигини, «омани коммунистик руҳда тарбиялашга катта зарар етказиши»ни (М. Ф. Ваҳобовнинг «Ҳақиқат тўғрисида — фақат ҳақиқат» мақоласидан олинди. «Правда Востока», 27 июнь 1988 йил) ошқора айтишни лозим қурди.

И. М. Муминовнинг рисолати эълон қилинганидан кейин юзага келган вазиятни ёрқин тасаввур этиш учун юқорида айтиб ўтганларимиз етарли. Рисолага қарши танқидий чиқишларнинг бир томонламалиги шунда эдики, уларнинг муаллифлари Муминов асаридagi Темур даврининг қора томонлари ҳақидаги жойларини четлаб ўтдилар. Бу уринда фанни хароб қиладиган, жамият ҳаёти воқеалари ва ҳодисаларини фақат бир хил рангда: оқ ёки қора рангда тасвирлаш, ижобий еки салбий «ёрлик» ёпиштириш тамойили ишга солинган эди.

1973 йил март ойида Москвада қақирилган тарихчиларнинг Буниттифоқ кенгашининг резолюцияси Муминовнинг Темур тўғрисидаги рисоласидан сўнгги «эпопея»нинг хотимаси бўлди. Унда шундай сузларни ўқиш мумкин эди: «Айрим асарлардаги тарихий жараёнларга ленинча қарашнинг «янгича талқини» ва уларда йул қуйлаётган «ўтмишнинг идеаллаштириши, айрим ҳодисалар ва Темур сингари шахсларни баҳолашда синфийликдан чекиниш ҳоллари қораланиши» («Вопросы истории» журналы, 1975 йил №8, 150-бет).

Ўзбекистон Фанлар академиясида ишлаган пайтларида И. М. Муминов билан яқин алоқада бўлганман ва у билан деярли ҳар куни учрашиб турганмиз. Юз берган воқеа Иброҳим Муминовни чуқур изтиробга солган эди. Лекин у, одатдагидек, ташқи жиҳатдан хотиржам қуринарди, ҳиссиётларига эрк бермай, ишга кумилиб меҳнат қилишда давом этди...

...Табийки, Муминовнинг иши салбий баҳо олганидан кейин, собиқ Совет Иттифоқининг илмий адабиетида Темур ҳақида ортиқ бирон-бир асар еки мақола эълон қилинмади. Темур ва унинг даври ярим таъқиқланган мавзуга айланди.

Лекин тун кетидан ёруғ кун келади, деганларидек, мана, яхши замонлар ҳам келди. Бутунги кунда Муминовнинг Темур ҳақидаги рисолати турли журналлар саҳифаларида ва алоҳида китоб ҳолида қайта-қайта нашр қилинмоқда. Бу унинг вақт синовидан ўтганлигининг ёрқин далилдилар.

Шуниси ибратлики, собиқ Совет Иттифоқидаги ишнинг аҳолидан фарқли равишда, Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида бутун дунёда кенг миқёсдаги илмий адабиёт юзага келиши давом этди. Булар орасида айрим мақолалар, очерклар, қайдлар, ҳужжатларнинг нашрлари билан бир қаторда, монография шаклидаги тушамлар ҳам бор

эди. Шуни мисол тариқасида курсатиш етарлики, фақат бир неча ун йиллар мобайнида Темур ҳақидаги қуйидаги асарлар дунё юзини курди: Х. Лашбининг «Темурланг» (Лондон, 1929 й.) ва «Темурланг ҳаёти» (Париж, 1931 й.), М. Правдиннинг «Муғуллар империяси ва Темурланг» (Париж, 1937 й.), Р. Груссеннинг «Сахро империяси» (Париж, 1939 й.), Марсел Брионнинг «Темурланг» (Париж, 1942 й.), М. А. Боккуртнинг «Темурнинг давлат сиёсати» (Стамбул, 1945 й.), Вальтер Фашелнинг «Ибн Халдуун ва Темурланг» (Лос-Анжелос, 1952 й.), Заки Валидийнинг «Амир Темур» (Лахор, 1955 й.), А. Хашплорнинг «Темурланг» (Париж, 1957 й.), Р. Коивестинг «Буюк империя» (Лондон, 1977 й.), М. М. Александр-Дарсхнинг «Темурнинг Анатолига юриши» (Лондон, 1977 й.), Л. Кехренинг «Темурланг» (Нейшотдт, 1978 й.), Р. Ремернинг «Темур ва Эрон» (Кембридж, 1986 й.), Беатриса Манннинг «Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳукмронлиги» (Кембридж, 1989 й.), Жан-Поль Рунинг «Темурланг. Ҳаёти, даври, ишлари» (Москва, 1992 й.) китоблари ва бошқа асарлар пайдо бўлди.

1969 йилда Лондонда Хилла Кухямнинг Темур ҳақидаги китоби нашр этилди. Бу асарни Г. А. Ҳилоятов рус тилига таржима қилиб, 1995 йилда Тошкентда «Властитель семи созвездий» сарлавҳаси остида 50.000 нусхада нашр эттирди.

Бу китоблар муаллифлариинг нуқтаи назарлари ва қарашлари турлича эди. Лекин жаҳон тарихининг кузга қуриган арбобларидан бири сифатида Темурнинг улугвор образини тан олишда, уларнинг ҳаммаси, асосан яқдил эдилар.

...Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганидан кейинги даврда жамоатчилик кенг доираларининг Ўзбекистоннинг кўп асрилик ўтмиши тарихини, ўзбек халқи ва аждодаларининг бой меросини урганишга қизиқиши ортмоқда. Дуненинг энг машҳур ва кузга қуриган лашкарбошиси, сиёсий ва давлат арбобларидан бири сифатида Темур ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш тобора кучаймоқда. Халқ узининг буюк бобоси хотирасини авайлаб-асрамоқда. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда Темур даврида қурилган бинолар таъмирланмоқда, бир қатор илмий-оммабоп мақолалар ва очерклар эълон қилинмоқда, ўзбек, инглиз ва рус тилларида Темур ва унинг даври тўғрисида расмларга бой, жуда яхши безалган китоб-альбом нашр этилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти илмий ходимлари ўзбек ва рус тилларида «Темур ва Улугбек даври. Тарих ва шахс. Жамият ва маданият» монографиясини нашрга тайёрляпти.

Тошкентнинг асосий кучаларидан бирига ва шаҳар марказидаги хиебонга Темур номи берилди. Соҳибқирон номи билан аталаётган хиебон марказида ҳайкалгарош Илҳом Жабборов ва меъморлар Феруз Ашрафий, Ботир Усмонов лойиҳаси буйича Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳайкал очилиши пайтида нутқ сузлаб, ўзбек халқи бу ҳайкал билан узининг машҳур бобоси — Ватанин муғул босқинчиларидан озод этган халоскор, даҳо лашкарбоши, жаҳонда буюк империя бунёд этган ва ўзбек миллий давлатчилигига асос солган инсон хотирасига уз ҳурмат-эҳтиромини билдиришини таъкидлади...

Темур туғилган кундан бери олти ярим асрдан кўпроқ вақт утди. Бу оз муддат эмас. Лекин қудратли ва доно, «бахт юлдузи чарақлаган кунда туғилган» Темур номи эса ҳамон тарих зарварақларига ёзилганча турибди. Унинг ҳаёти ва фаолияти дунёдаги миллионлаб кишиларнинг ақли ва қалбини ҳаяжонга солмоқда.



ҲАР БИР ЛАҲЗА ЎЗГАДИР МЕНДА

Ойгул Суюндиқова

*Кук булутли, ёмғир ёғар-ёғмас бўлди,
Кетаётган куз ҳидига боғлар тўлди.
Бум-бўш юрак, шамолларни қучган хаёл,
Учаётган хазонларга чоғлар тўлди.*

*Чоғларимни қучоғимга босай, дедим,
Чоғларим дор бўлиб мени осай, деди.
Рози бўлдим хилқатларнинг чорловига,
Бу чорловлар кўзимдаги мунг — ой, дедим.*

*Ойларимнинг сийловида умр оқди,
Бу умрнинг қат-қатидан бир сир оқди.
Ёруғликнинг тантанаси олтин куз-ла,
Мен хушлашган ўшал тунда сирли боқди...*

*Сирли боқиш — қулагандай тошли тоғлар,
Юрагимнинг сарчашмаси — кўзим боғлар.
Ёмғир бўлиб кўзим очсам ёнгинангда,
Тақдиримни изларингга изим боғлар...*

*Муҳаббатнинг азоби-ла тирилдимми,
Ёрилтошнинг қушигида ёрилдимми?!
Лаҳзаларга муҳрланган сўздай кузда
Ёмғирлари бахт келтирган ишқ бўлдимми?!*

*Овозимда салгина титроқ,
Салгина ғам бахтга қуйилди.
Шунданмикан, ҳисларим узоқ
Тунни ёрган саҳарда қулди.*

Тонгларимнинг тиниқ нигоҳи,
Йилларимни бир-бир санади.
Уфқларни уйғотган оҳим —
Кузги йулда сим-сим қонади.

Бу рангларнинг сирли мавжида,
Шабнам — қалқиб турган дилбар оҳ.
Умрим оқар айни авжида,
Бағримда — куз. Сочларим оппоқ.

* * *

Тиним билмай учган шамолнинг
қанотида хаёл сурганлар айтсин,
осмоннинг дардини ёйган ёмғирнинг
қадамида кузни кўрганлар айтсин, —
дунёнинг кузларин тўлдирган мунгми?!

Баҳорнинг сирини билган турналар
овози тебратган дарахтлар айтсин,
зулмат қаърида ҳам, тонг ёғдусини
кўксига жойлаган тоқатлар айтсин, —
дунёнинг кучоғи шунчалар кенгми?!

Пойариқ

Ўлмубек Абдулваҳоб

* * *

Ҳар бир лаҳза ўзгадир менда,
мен ҳам ҳар лаҳзада янгиман,
ким-кимники, билмоқлик қайда?!

Қадрдон дўст, севганман сени,
энди эса қалбим шамолдек
учирмоқда, қайгадир мени!

Излаганим — бахтмас, қайғумас,
излаб жинниманми? Бор-йўғи
кўнглум илиб юрса, етар, бас!

* * *

Кутаман,
ҳаяжон босар дилимни.
Кутаман,
исмингга ростлаб тилимни.
Кутаман,

сен — мен томон учётган қуш.
Кутаман,
мен — тубсизлик,
мен — хаёл,
мен — туш...

* * *

Бу — уша гам, уйчан ва маъюс,
оҳанг бўлиб яшагай мангу.
Нечун ҳануз севолмайман, мен,
вафодор-ку, ахир, бу қайғу?!

Юрагимни қийнар юрагим,
мен шодликдан кечишим керак,
мен кимнидир севишим керак,
қайдасан, эй энг гўзал улим?!

Қани кимга берай дунёни,
ким қувончини олаётир ёд?
Қани ким, у, юраги ҳануз,
орзуларга тўлаётган зот?!

Тошкент

Бахтмисер Сайини

* * *

Ҳар куни онамнинг тушига кирар:
тахмонда тахланган кўрпалар,
бум-буш уйнинг тўрида турган
сандиқ ичида ҳали кийилмаган
кийимлар: дўппи, қарс, куёв тўнлари.
Сулув келин...

Сочлари қоп-қора ҳам узун,
ийманиб онамга узатади чой.
Юлдузлар юзидан нур томар беун,
осмонлар кўксини қитиқлайди ой.
Отам ҳориб ишидан қайтар,
таъзим ила чиққан келинидан
жилмайиб сўрайди —
Тошкентга кетган ўғлини...
Сунгра, румол учидаги ҳўлини сезиб,
юпатади.

Келин тагин, баттар йиғлайди.
Тахмонда тахланган кўрпалар,
тўнда тушиб бағир очади...
Ёлғиз қолган келин йиғисидан,
онамнинг кўзидан уйқу қоचाди...

Тахмонда тахланган кўрпалар,
онамнинг тушини уғирлаб бўлди.
Энди, онам узатади чой,
отам кулди —
элликка тўлди!..

* * *

Судралиб-судралиб шамол кезади,
маъсума чечаклар юзини силаб.
Бир тошдай ўкинч бағрим эзади,
эзар бешикдаги болангдай йиглаб.
Сен уни овутма,
ўз холига қўй,
юзини пардадан дунёга қарат.
Дунемизни курсин,
ахир, дунё — туй...
Она меҳри ҳаққи,
овутма фақат.
Йигласин, овутма, йигласин тўлиб,
мен унинг беғубор ёшига шайдо.
Назар сол, эй она,
беозор кулиб,
жимгина қулогин тутмоқда дунё...

Шохрисабз

Мўмин Абаз

* * *

Порлоқ манглайида порлайди офтоб,
кенгликларда енгил тортади руҳи.
Шоир табиат халқ серзавқ, сершитоб,
ҳис этар юракдан юртнинг шуқуҳин.

Жаннат маконида ширин тушлари,
мурғак болакайни эта олар ром.
Бир-бирига овоз берган қушларнинг
куйларини англаб топади ором.

Бегона юртларга на ҳавас, на кин,
олам гузал, ҳаёл нафис ва теран.
Жонни фидо этиб олсанг сўнгги тин —
иссиқ киндик қони тукилган ерда.

Болакай боғларга ошиқар илдам,
ишқин сардафтарин битган имондан.
Барча улугворлик ва кўрки билан
Дунёни кўраман Ўзбекистонда.

* * *

Балким йиглаётган, ҳув, ёлғиз ойдир,
сутга чайиб олган юз тарам-тарам.
Лек, уни ким суяр, уни ким койир,
күзёшларин артиб, айлайди карам.

Оташ муҳаббатда шамс хотамтойдир,
қизариб-бузарар, тонглар боши ҳам.
Ёлғиз излагани беркинган ойдир,
уфқни қонларга буюр сералам.

Маконимиз — қулба, кўшк ё саройдир,
хонамда ёқар шам, кўнгул хотиржам.
Мен учун кўёшдир, мен учун ойдир,
мен биландир яхши-ёмон бўлса ҳам.

* * *

Икки томон ғиз-ғиз автолар оқар,
уйғоқ ва сеҳрли, сирли кўчалар.
Юрганда ёқилган сариқ чироқлар,
ҳайдовчи оқ нурни тараб учирар.

Йўл четида соқчи толлар шип-шийдам,
совуқдан дилдираб ҳаёлга чўмган.
Далалар оппоқ пўстинин кийган,
атрофингда қуюқ, сурма ранг туман.

Нурни қайтаради тўсиқ — кўрғошин
қамашиб толиқар ҳайдовчи кўзи.
Чайқалиб тўхтар хавф туғилса кескин,
буйсунмай олдинга силкиниб, юзиб...

Гирдоб ҳосил этиб, сузиб ортидан
туман қува-қува кетар ёйилиб.
Қор тўзонин илиб қанотларига
автолар кўзингдан бўлади ғойиб.

Сирдарё

Сулаймон Шодиев

* * *

Бугун ҳам келмадинг.
Яна интизор
йўлларингга қараб кўзларим толди.
Юрак сенга маҳтал, кўнгул сенга зор,
унинг ҳам ороми буткул йўқолди.

Очилик-ёпилик кургур эшик ҳам,
мендан безор бўлган, безиб кетгандир.
Не қилай, ҳижрон деб аталган бир гам,
мени шу кунларга маҳкум этгандир.

Яна ой балқиди, сендан дарак йўқ,
яна ой ботмоқда, сендан йўқ хабар.
Ушбу дам, мен каби бир жонсарақ йўқ
ва бир илтифотсиз йўқдир сен қадар.

Яна гичиллайди эшик безиллаб,
йўлингга қарайман, зимистон бутун.
Ҳадемай қуёш ҳам қолар мўралаб
ва менинг бағримга беркинади... тун.

* * *

Созимиз бошқа эрур, йўқ, ул садо биздан эмас,
Нагмамиз бордир ва лекин, ул наво биздан эмас.

Авжимизда ҳеч қачон сиздан шикоят қилмадик,
Янглишурсиз, ул алам, ул муддао биздан эмас.

Билмасак сизнинг самода ушбу дам не ҳол кечар,
Айласин сизга насиб, арзу-само биздан эмас.

Биз фақирмиз, аҳлимиз аъмоли ҳам шундай турур,
Зебу-зар, фитна-фасодга мубтало биздан эмас.

Кўнглумиз не истаса, биз куйлағайдирмиз ани,
Сизга мақбул мутрибу ҳам шуаро биздан эмас.

Хомани тангри берибдур, олса ҳам тангри олур,
Саҳви бўлса номамизда, ул хато биздан эмас.

Ҳеч замон қилманг фаромуш, янграса сизга сано,
Биз мурувват истамаймиз, ул сано биздан эмас.

Когон

Ўзбек Нусратулло

* * *

Зайифгина «чирт» этди товуш,
узиларкан япроқнинг жони.
Бу товушни эшитиб ногоҳ,
«жиз» этди-ку, ернинг чап ёни.

Жудоликка чидолмай дарахт
аза очди, кузин ёшлади.
Бундан таъсирланган қаргалар
қишни чақира бошлади.

* * *

Кундуз музлатади вужудим,
унга нуқта қўйиб, кун ботар.
Тунда эса эрий бошлар муз,
кипригим — сумалак,
томчилар
савалар ёстиқни тонготар.

Чилонзор

Абдумин Саъдуллаев

* * *

Юлдузлар жилваси бағрим ёқадир —
келдим ҳайратларим тошиб ҳойнаҳой.
Кўнглума бир маънос нурлар оқадир —
мени мафтун этар соҳибжамол ой!

Адирлар уйларга чўмиб ётадир,
ким билан сирлашар япроқлар тўймай?
Учган само тошлар завқ уйғотадир —
мени мафтун этар соҳибжамол ой!

Тун ила ёнма-ён кезаман шундоқ,
тинмай энтикади бу дарё, бу сой.
Ой бўлса... хўрсиниб кўрмаган, э воҳ —
мени мафтун этар соҳибжамол ой!

Менинг изимда-ку, армонлар қолди,
қолди ўкинч ила боқиб бир чирой.
Йўлларга қайрилиб, уйларга толдим —
мени мафтун этар соҳибжамол ой!

Умрим ўтмоқдадир ўтлар сачратиб —
ўзимни кўярга тополмасман жой.
Бир кун ой сингари кетаман ботиб —
мени мафтун этар соҳибжамол ой!

Ҳар ҳолда зиёлар тараб турсин ул,
паст-баланд йўлларга қараб турсин ул,
беш кунлик дунёга яраб турсин ул...
мени мафтун этар соҳибжамол ой!

* * *

Қамар ботар тилла балдоқ сингари,
тун ютар бир зумда унинг нурларин,
тушларимга кирган кимнинг рухсори —
мен сени унутдим, сени унутдим!

Ул олис осмонда юлдузлар унди,
маъюс шуълаларга боқиб овиндим,
юрагимнинг бўлса мавжлари сўнди —
мен сени унутдим, сени унутдим!

Сени-ку бахтим деб, билардим бир пайт,
кечалар номингга битар эдим байт,
бу кун суратингга боқаман лоқайд —
мен сени унутдим, сени унутдим!

Кечир, уйларимдан чиқиб бўлдинг, сен,
аччиқ оҳларимни чекиб бўлдинг, сен,
кўзимнинг ёшларин тўкиб бўлдинг, сен —
мен сени унутдим, сени унутдим!

Йиллар қилмишини қилиб қўйдилар,
қалбимни қонатиб тилиб қўйдилар,
қисмат қайсимизга кулиб қўйди, ёр,
мен сени унутдим, сени унутдим!..

Деҳқонобод

Раҳим Отаҳон

Вақт

Вақт — тоғ.
Неча-неча миллион йиллар
қотиб тошга айланган бунда.
Унинг қаттиқ, интиқ бағрида,
ётар диллар армони — ёнғоқ магзидай.
Тошқотган армонларни
қайта тирилтирмак, гуллатмак
истаги кўкариб, гуркирар дилда.
Шу эътиқод кўли билан,
бағримга суйкаялман
бужир тошларни.

Шовот



Аҳмад Лутфиёв

ОЙДИНЛИКЛАР САРИ

Наргиза РАҲМАТ қизи
таржимаси

...

Уша куниеқ туш пайти Ахнас Абу Сўфённинг ҳузурига йул олди. Бориб эшигини тақиллатди. Абу Сўфён уни худди кутиб утиргандай эди.

— Хуш келибсан, ё Ахнас... — деб ичкарига таклиф этди.

Ахнас ҳассасини бир чеккага қўйиб, утирди.

— Мана, Муҳаммаднинг каломини ҳам эшитдинг, эй Абу Хандала, булар ҳақида нима дейсан?

Абу Сўфён бошини эгди.

— Эй Абу Саълаба, сенга нима десам экан-а? Биласанми, мен унинг баъзи бир сўзларининг маъносини тушуңдим, ниятини ҳам англадим, аммо баъзиларининг на маъносини, на мақсадини илгадим.

Ахнас:

— Мен ҳам худди шундай аҳволдаман, эй Абу Сўфён, — деди-да, ҳассасига таяниб чиқиб кетди.

Сунгра Амр ибн Ҳишомнинг уйига борди.

— Эй Абул Ҳаким, — деди, — Муҳаммаднинг каломи ҳақида қандай фикрдасан?

Амр бирданига портлаб кетди:

— Нима ҳам дердим? Биз Абдуменоф ўғиллари билан ша- раф мусобақасига чиққанмиз. Улар мусофирларга иззат-икром кўрсатадилар. Биз ҳам меҳмондўстлик қиламиз. Фақирларга қу- мак берадилар. Биз ҳам уларнинг оғирини енгил қиламиз. Улар эҳсон этадилар, биз ҳам эҳсон қиламиз. Ҳар жиҳатдан улар билан тенг бўлиб турганимизда, энди улар, бизнинг пайгамбари-

Давоми. Бошланиши утган сонларда.

миз бор, унга кукдан ваҳий келмоқда, дея бошладилар. Бу даъво билан биз асло келиша олмаймиз. Қасам ичаманки, унга қулоқ ҳам солмаймиз, тасдиқ ҳам этмаймиз. Бугун ҳам, эртага ҳам, умуман ҳеч қачон!..

Ахнас бу ердан ҳам ноаниқ бир кайфиятда чиқиб кетди.

* * *

Орадан бир неча кун ўтди. Муғйра ибн Шуоба Амр ибн Ҳишом билан биргаликда Маккада айланиб юришган эди. Муғйра Расулуллоҳни (с.а.в.) танимас эди. Бир пайт қаршиларидан нур юзли бир киши чиқиб қолди.

— Эй Абул Ҳаким, сени Оллоҳ ва Расулига даъват этаман. Кел, бу даъватни қабул эт, — деди у.

Амр ибн Ҳишомнинг қовоқ-гумшуги осилиб кетди.

— Ё Муҳаммад, сен бизнинг илоҳларимизга тил теккизишдан воз кечасанми ёки йўқми? Сен бу вазифани адо этаётганингни тасдиқловчи шоҳидларни қидиряпсанми? Мана, биз шоҳидмиз. Булди, етар энди. Қасам ичаманки, агар сенинг сўзларинг ҳақ ва тўғри эканлигига ишонганимда, бир дақиқа ҳам иккиланиб утирмай, даъватингни қабул этардим, — деди.

Расулуллоҳ уларни холи қолдириб, йулларида давом этдилар. Амр ибн Ҳишом Муғйрага утирилди:

— Аслида, унинг сўзлари ҳақ ва тўғри эканлигини биламан. Аммо менинг олдимда битта катта тўсиқ бор, — деди.

— Қанақа тўсиқ экан у, эй Абул Ҳаким?

— Қусайб ўғиллари Каъбанинг ҳижобат (устини ёпиш) хизмати бизга оиддир, дедилар. Хўп, дедик. Икоя (ибодат) хизмати бизники, дедилар. Қаршилик курсатмадик. Нодва бизнинг қўл остимизда бўлади, дедилар. Қабул этдик. Янво (байроқ) бизникидир, дейишди. Бунга ҳам кўндик. Улар етим-есирларга зиёфат беришди. Биз ҳам уларни тўйдирдик. Энди бўлса, бизнинг бир пайгамбаримиз ҳам бор, дейишмоқда. Мана шунисига асло чидаёлмайман, рози ҳам бўлолмайман. Гурурим йул қўймайди.

* * *

Ҳазрати Абу Бакр сотиб олиб озодликка чиқарган қўллар, расман азоб-уқубатлардан халос бўлган бўлсалар ҳам, дуч келинган жойда ҳақорат этилиш хавфидан ёки мушрикларнинг кутилмаган ҳужумларидан батамом қутулмаган эдилар.

Айни чоқда мусулмонлар сафига энди қўшилаётганиларга ҳам мушриклар азоб-уқубат бераётган эдилар. Масалан, Умар ибн Хаттоб билан Амр ибн Ҳишом Зиннура исми бир чўрини гоҳ биргаллашиб, гоҳо эса, галма-гал қийнашар, чарчагунларича калтаклашар эди. Шунингдек, Умму Убайс исми бир аёл ва унинг чўри қизи ҳам мана шунақа мусибатларга маъруз қилинган эдилар.

Умму Убайсни оч ва сувсиз қолдириб, бутунлай силласи

қуриганида калтаклай бошлар эдилар. Ниҳоят, бир куни Умму Убайс бу жабру ситамларга ортиқ бардош беролмади ва:

— Лот ва Уззо тангрими? — деб сураганларида:

— Ҳа, — деб жавоб қилди.

Унга ўша атрофда турган бир исқирт бутни кўрсатиб:

— Бу ҳам тангрими? — дедилар.

— Ҳа.

— Офарин, мана энди ақлинг кирибди.

Гумроҳлар муродига етган эдилар. Оллоҳга иймон келтиришдан булак ҳеч қандай айби йўқ бегуноҳ аёлни қўлларидан келганича азоблаб, унинг оғзидан ношаръий сўзларни эшитиш бахтига муяссар бўдилар.

Умму Убайс эҳтимол Амморга берилган рухсатни эшитиб, ҳаёт билан ўлим бир-бирига жуда яқинлашган бир дамда ушбу рухсатдан фойдалангандир. Эҳтимол бир инсон бардоши сўнгги нуқтага етгач «Оллоҳим, ўзинг кечир», дея қалби иймондан ором олгани ҳолда шу сўзларни мажбуран сўзлагандир. Чунки унинг қалби мустақкам иймон нури билан сугорилган эди. Акс ҳолда, оч, чанқоқ қолса ҳам, қамчи остида, ураётган киши чарчагунга қадар кунлаб калтак ейишига ҳожат қолмасди, талаб этилган куфрона сўзларни ўша заҳоти айтиб, азоб-уқубатлардан қутулиб қўяқоларди.

Умму Убайс билан қизи ҳам буюк Абу Бакрнинг олийжаноблиги туфайли сотиб олиндилар ва озодликка эришдилар.

* * *

Кунлардан бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) Масжиди Ҳарамда намоз ўқиб утирганларида, қўшнилари ва ашаддий душманлари бўлган Укба ибн Абу Муойт келиб қолди ва эғнидаги пешбандини (қийиқчасини) ечиб, туйқус Набийи Акрамнинг (с.а.в.) буйниларига солди ва бор кучи билан буға бошлади. Шунинг устига Ҳазрати Абу Бакр келиб қолди ва ўша заҳоти Укбага ёпишди. Уни Пайгамбар (а.с.) устларидан нари итариб юборди-да:

— Роббим Оллоҳдир дегани учунгина бир бегуноҳ одамни ўлдирмоқчимисан?! — деб ҳайқирди.

Аммо бу билан жанжал тўхтамади, аксинча баттар авж олди. Бу ур-тўполон чоғи Абу Бакр бир неча энгил жароҳат олди.

Орадан кунлар ўтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна Масжиди Ҳарамга келдилар. Роббининг ҳузурини турдилар. У зотнинг бу ерда намоз ўқийётганларидан аввал ҳам даргазаб бўлган бир гуруҳ мушриклар олдинига ўзаро маъноли-маъноли қараб олишди. Мунча ҳам ўжар бўлмаса, деган маънодаги бу қарашлар уларнинг Расулуллоҳдан гоят норози эканликларини билдирар эди.

— Бу риекорни қаранглр!.. Қани, орангизда мард борми? Ким фалон куни сўйилган туянинг қорнини олиб келиб унинг устига ёпа олади? — деди кимдир.

Эҳтимол бу сўзларни Амр ибн Ҳишом айтгандир. Нима бўл-

ганда ҳам бадбахт ва гумроҳ биттаси урнидан сапчиб туриб, дарров туянинг қорнини олиб келди. Бу одам Расулуллоҳнинг қўшнилари Укба ибн Абу Муойт эди. Шу онда Расули Муҳтарам (с.а.в.) сажда ҳолатида эдилар. Укба қоринни олиб келиб, у зотнинг устларига ташлади.

Шундай бир қаҳқаҳа кутарилдики, Масжиди Ҳарамнинг деворлари ларзага келди. «Биз голиб бўлдик», деганлари эди бу.

Расулуллоҳ (с.а.в.) сажда ҳолатида узоқ қолдилар, бирон кишининг келиб қоринни устларидан олиб ташлашни кутдилар. Аммо ҳеч ким журъат этиб келиб у кишини бу ҳолатдан қутқазолмади.

Мусулмонлардан бири чопиб Набийи Акрамнинг (с.а.в.) уйларига борди ва юз берган воқеани баён қилди. Кичкина Фотима бунини эшитган заҳоти Масжиди Ҳарам томонга югурди. Отасининг қошига етиб келганида қорин ҳамон у кишининг устларида эди. Либослари ифлос бўлиб, батамом расвоси чиқибди. Мушриклар қаҳқаҳа отиб кулишар бир-бирлари билан ҳазиллашиб, Расулуллоҳни мазаҳ қилишар эди. Фотима уларни қаргай-қаргай қоринни олиб ташлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) уринларидан турдилар. Қабиҳона завқ-шавқ билан томоша қилаётган бадбахтларга тикилдилар. Сўнгра Катбага ўтирилиб, қўлларини кўтардилар:

— Оллоҳим, қурайшларни сенга ҳавола этаман. Оллоҳим, қурайшларни сенга ҳавола этаман. Оллоҳим, қурайшларни сенга ҳавола этаман. Оллоҳим, Абу Жаҳл Амр ибн Ҳишомни, Утба ибн Робияни, Шайба ибн Робияни, Валид ибн Утбани, Умаййа ибн Халафни, Укба ибн Абу Муойтни, Умора ибн Валидни сенга ҳавола этаман! — дедилар.

Қаҳқаҳалар бирдан тинди. Ёниқ бир юракдан юксалган бу дуонинг қаерларгача етиб боришини бу гумроҳлар ҳам савҳи табиий ила сездилар.

Расулуллоҳнинг диллари огритилган, зулм этилган ва ҳақорат қилинган эдилар. Шундай аҳволда у зотнинг муборақ ва мунаввар қалбларидан отилиб чиққан мазкур дуоибад Даргоҳи Иззатга юксалиб, орқага қуруқ қайтарилиши мумкинмиди?! Буюк Оллоҳнинг ҳузурини у кишининг тилаги қабул этилмаса, кимники қабул этилади? Қолаверса, Оллоҳ Таоло зулм кўрган кишининг, агарки у кофир бўлса ҳам, дуосини қайтармайдиган Зотдир. Ҳолбуки, мушриклар безовта қилишга уринган бу қалб эгаси Раббул Оламин учун бутун коинотдан ҳам қимматлироқдир. Коинотни ҳам ушбу қалб эгасининг ҳурмати учун яратган. Анча йиллар олдин Жаброил ва Микоил сингари икки улут фаришта юборилиб, бу қалб соҳиби илоҳий бир амалиёт сари йўналтирилган эди. Сарвари Коинот бўлиб етишиши учун маҳсус тарзда тарбия этилган, ҳозирланган эди. Бу қалбга буюк Оллоҳ ўзига номаъқул биронта ҳам тушунчани, ҳис-туйғунини сингдирмаган. Оллоҳнинг оламларга бўлган раҳмати ушбу қалбдан таралар эди. Шундай экан, бу дуо орқага қуруқ қайтарилиши ҳам мумкин эмасди. Чунончи, «Албатта, Оллоҳга ва Унинг

пайгамбарига озор берадиган кимсаларни Оллоҳ дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатлагандир ва улар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйгандир»¹ ҳукми қабоҳатга берилган мана шу кимсаларнинг бўйнига абадий осиб қўйилган эди. Расулини ҳар қандай қадр-қимматдан ҳам устун қўядиган Мавлонинг ўзгармас ва узил-кесил ҳукми эди бу.

Набийи Акрам (с.а.в.) дарҳол у ердан узоқлашдилар. Ваҳийнинг илк кунларидаёқ Мавлонинг «Либосингни пок тут!» деб берган амрини бажаришга шошидилар.

Қачонки бир мўмин банданинг оёғига тикан кирса, битта гуноҳидан фориғ этилар экан, бу ҳодисадан сўнг Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қай даражада эъозланишлари ва юксакларга кутарилишларини тасаввур этиш унчалик қийин бўлмаса керак.

Ҳар куни бирон-бир ярамас қилиқ курсатиб, пайгамбаримизнинг (с.а.в.) қалбларига озор етказишга уринадиган ёки бошқаларни шунга ташвиқ этадиган Маҳзум қабиласидан бўлмиш Амр ибн Ҳишом шу тариқа абадул-абад лаънатланишга лойиқ лақаб олди: Абу Жаҳл...

Бу сўзнинг маъноси ута даражада ахлоқи бузуқ, беодоб дегани эди. Одобсизлик, ахлоқсизликнинг асл ўзак меваси бўлган «бадбахт» маъносига ҳам тўғри келар эди.

Бу даврнинг номи «жоҳилия даври» эди. Абу Жаҳл эса, ушбу даврнинг энг мукаммал вакили, том маънода ута даражада орсиз, жоҳил, нодон ва бадбахт бир одами эди. У бундан кейин ҳам ўзининг ушбу лақабга ҳар жиҳатдан лойиқ эканини кўрсатди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга «Абу Жаҳл» деб лақаб қўйганларида нақадар ҳақли бўлганларини у зотнинг феъли билан исботлади.

Бундан олдин, намоз ўқиётганларида Абу Жаҳл у кишини безовта қилмоқчи бўлганида, унинг қаршисида оловдан бир жарликни пайдо қилган ва уни кўрқувга солган Буюк Оллоҳ нима учун бу чиркин хатти-ҳаракатнинг олдини олмади — буни си фақат Унинг Ўзигагина аёндыр.

* * *

Яна бир кун Расулуллоҳ (с.а.в.) Катъанин соясида ўтирган чоқларида ёнларига динга киргани учун ёниб турган гулхан устига ётқизилган Хаббоб ибн Аратт яқин келди. Умму Анмор берган бу азобдан ҳоли жуда паришон эди. Бир неча кишининг даврасида ўтирган Расулуллоҳнинг рўбарўларига ўтди. Кимдир:

— Ё Набийаллоҳ, биз учун ёрдам сўраб дуо қилмайсизми? — деди.

Расулуллоҳ дедилар:

— Сизлардан аввалгиларни чуқур қазиб ичига туширар, сўнгра арра билан уни тириклайин иккига бўлиб ташлар эдилар, шундай қийноқлар ҳам уни диндан қайтара олмасди. Темир тарақ олиб, суякларигача ботириб тарашлашарди, аммо, уни дини-

¹ Аҳзоб сураси, 57.

дан воз кечира олишмасди. Қасам ичаманки, Оллоҳ Таолонинг ўзи бу ишларнинг якунини хайрли қилади. Иншаоллоҳ, шундай кун келадики, агар бир йўловчи Санъодан чиқиб Хадрамултга бормоқчи бўлса, бутун сафар давомида фақат Оллоҳдан ва қўйларига ҳужум қилиши мумкин бўлган бўйлардангина қўрқади. Аммо сизлар бир оз шошқалоқлик қиляпсизлар, азизларим, — дедилар.

— Ё Набийаллоҳ, бўлмаса, ўзимизга ўлим тилаб ётаверарканмиз-да?.. Замона зўрники, деб Умму Анморга ўхшаганлар, Хабболга ўхшаганларни шундай кўйга солса ҳам, индамай кетаверайликми?

— Йўқ!.. — дедилар Расулуллоҳ қатъий оҳангда.

— Аянчли аҳволга тушиб қоляпмиз, ахир. Сабр-тоқатимиз тугаяпти.

— Биронтангиз ҳам бошингизга мусибат тушса, ўзингизга ўлимни тиламанг. Агар шундай бир аҳволга тушиб қолсаларингиз, жуда бўлмаса: «Оллоҳим, ҳаётда қолиш мен учун хайрли бўлган муддат давомида ўзинг паноҳингда асра, ўлиш мен учун хайрлироқ бўлган дамда ўлдирсанг ҳам розиман», денглар.

Хаббоб ва унинг яқин биродарлари бу Ҳадиси шарифни ўзларига тамойил қилиб олдилар. Сабрларининг сўнгги даражасигача чидашга, бардошлари сўнгги нуқтага етгундан кейин ҳам сабр-тоқат этишга, аммо асло ўлимни танламасликка қарор қилдилар.

Тоққа чиқиб бораётган одам бир чўққига тирмашиб юқорига интилар экан, «Мана шуниси сўнггиси бўлса керак», деб ўйлайди. Бу чўққини забт этиб, иккинчисига дуч келганида, яна айни фикр ўтади ҳаёлидан. Аммо уни ошиб ўтиш учун ҳам ўзида куч топади. Сўнгга учинчи чўққи келади ва ҳоказо...

Ҳақиқатга эришиш машаққати ҳам шунга ўхшайди. Буни билганлар олдиндан тайёргарлик кўриб қўядилар. Хаббоб ва унинг дўстларига ҳам ушбу йўл кўрсатилган эди. Яъни, бу азиятларнинг орқасида ҳали яна баттар азоблар ҳам борлигини ва улар ҳали охирги эмаслигини ўйлаб сабр этиш кераклиги ёдга солинган эди. Аммо бу азоб-ўқубатлар вақти-соати келиб ниҳоясига етиши, тўкилмаган терлар, чекилмаган меҳнатлардан сўнг осойишта ва ҳузур-ҳаловатли кунлар келиши ҳам муқаррар эди.

Тишлар яна гижирлади, билаклар яна куч-қувватга тўлди. Ҳар қандай зулмга нисбатан: «Бундан ҳам даҳшатлироқ бўлиши мумкин эди», деган тушунча остига ва: «Ҳали Оллоҳ мени бу тортган жабру ситамларим учун албатта муносиб тарзда мукофотлайди», деган ишонч билан кўкраклар керилди.

Бинобарин орадан кўп йиллар ўтиб, Хаббобнинг ҳаёлига ҳам келмаган саодатли дамлар бошланганида, зулм учун эмас, балки шифо учун, яъни оғир касалини даволатиш учун қорнини етти марта кўйдирганларида Хаббоб сабр-тоқатнинг ажойиб намунасини яна бир бор намоиш этди ва Расулуллоҳга бўлган садоқатини қуйидаги жумлаларда ифода қилди: «Агар Расулуллоҳ (с. а. в.) ўшанда ўлимни танлашни тақиқламаганларида, ал-

батта у зулмларга дош беролмай ўлимни афзал кўрган бўлардим...»

... Ниҳоят Умму Анмор Хаббобга ортиқ зулм қилишнинг бефойда эканлигига кўзи етди ва хоҳлаган динида қолишига рози бўлиб, уни қўйиб юборди.

Хаббоб туширилган Қуръон оятларини зўр ихлос билан ёд олар, бошқа мўъминларга ҳам ўргатишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблар эди. Шу жиҳатдан у илк Қуръон ўргатувчилар қаторидан ўрин олди.

* * *

Набийи Акрам (с. а. в.) хонадонларида яна бир бахтиёр оила қурилди. Кунлардан бир куни Расулуллоҳ (с. а. в.):

— Жаннати аёл билан турмуш қуришни истаган мард бўлса, Умму Айманга уйлансин, — деб марҳамат қилдилар.

Умму Айманни оналаридек яхши кўрардилар. Кичик ёшдан бошлаб ундан кўпгина яхшиликлар кўрган, онасиз қолган кунларнинг аламини унинг қучоғида унутган эдилар.

Бу ишга иккинчи бир яхши кўрганлари, асранди фарзандлари Зайд хоҳиш билдирди.

— Мен унга уйланаман, ё Расулуллоҳ.

Бу пайтларда у йигирма ёшли қирчиллама йигит бўлган эди.

Шундай қилиб, Зайд билан Умму Айман Фахрул мурсалин (с. а. в.) томонидан ўқилган никоҳдан сўнг эр-хотин бўлдилар. Бу пайтда Умму Айман элик ёшлардан ошган эди.

Ҳар иккаласи ҳам Расулуллоҳнинг (с. а. в.) яқин кишилари эдилар.

Расулуллоҳнинг икки балоғатта етган қизлари — Руқайя билан Умму Гулсум Абу Лаҳабнинг икки ўгли томонидан рад этилган эдилар. Яна ҳам тўғрироғи — Буюк Оллоҳ пайгамбарининг икки суюкли қизини дўзахилар оиласига келин бўлишдан халос этган эди. Руқайяни илк мусулмонлардан бўлган Усмон ибн Аффонга никоҳлаб бердилар. Шу йўсинда Усмон мусулмонлик билан бирга, Расулуллоҳнинг (с. а. в.) куёви бўлишдек, ҳаёлига ҳам келтирмаган шарафга муяссар бўлди. Шу жиҳатдан унга «Зин-Нур» (Нур соҳиби) лақаби жуда ҳам ярашиб тушди. Уни шундай атай бошладилар.

Пайгамбаримиз олдинроқ қизлари Зайнабни холаларининг ўғли Абул Оса берган эдилар. Абул Оса ҳазрати Хадичанинг синглисининг жигарбанди эди. Мусулмонликка кирмаган эди. Аммо Зайнабга нисбатан доимо ҳурматда бўлди, асло дилини оғритмади.

Ҳазрати Хадича тўй хотираси сифатида қизига анча-мунча совга-салом, сарполар жўнатган эди.

* * *

«Эскилардан қолган бир эртак»

Мўминларга қарши жабру ситамлар билан бир қаторда

истеҳзою киноялар ҳам кенг урин ола бошлади. Иймон келтирганларнинг асосий купчилиги заиф, фақир ва қуллар табақасига мансуб кишилар бўлгани боис, дуч келган жойда мазаҳ қилишар, алоҳида бир киноя ва кесатикқа мавзу булар эдилар.

Иймон келтирганларнинг жаннатга, гумроҳларнинг эса, жаҳаннамга доҳил бўлишлари ҳақидаги ҳукм уларни айниқса ажаблантирди. Қанақасига қуллар жаннатга кирар эмиш-у, уларнинг хўжайинлари бўлиш бу аслзодалар жаҳаннамда шатир-шутир ёнармиш... Бу ҳукм қуруқ сафсатадек туюларди кофирларга. Уларнинг фикрича, бунақа бўлишига ақл бовар қилмас эмиш...

Доруннадвада йигилган мажлис аҳллари ушбу мавзудан гап бошлади:

— Муҳаммадга ишонганлар охиратда роҳат-фарогатда бўлармиш. Билол, Аммор, Ёсир кабилар жаннатга кириши муқаррармиш.

Укба ибн Абу Муойт гапга аралашди:

— Муҳтарам амакига ҳам икки таклифнома чиқарилди, хабарларинг борми?

— Қанақа таклифнома экан у?

— Жаҳаннамга — оловлар ичида кабоб бўлишга чақиришяпти. Абу Лаҳабни у ерда сихга тортиб, кабоб қилар эмишлар. — Сунгра Абу Суфёнга утириди: — Қара, Абу Суфён, қандай вафодор поччанг бор-а? Жаҳаннамга ҳам хотинисиз кетмас эмиш бу одам.

Абу Суфён лабларини буриштирди:

— Эй азиз биродарлар, ахир жаннат ҳам, жаҳаннам ҳам шунчаки бир афсона-ку.

— Нималар деясан? Ҳеч ҳам афсона эмас-да, қолаверса, Умму Жамилнинг бўйнига арқон ҳам осилган бўлармиш.

Абу Жаҳл илиб кетди:

— Абу Лаҳаб гирт тўнғиз экан, билмай юрганаканмиз. У ерда ҳам озми-кўпми даромад келтирадиган бир иш топган эмиш, хотинига утин ташитиб, рўзгорини бутлар эмиш, — деди ва кўз қирини Абу Лаҳабга ташлаб давом этди: — Бизнинг жиянимиз ҳам пайгамбар бўлганида, биз ҳам бир гулханга ташланармидик. Афсуски, бизга толеъ ёр бўлмади-да.

Абу Лаҳаб ортиқ чидай олмади:

— Толеъимизнинг баланд бўлгани қаергача борди? Қуриб турганингиздек, жиянимиз бизни оловга ташламоқчи. — Шундан кейин кулимсираб давом этди: — Бизга ҳамроҳ бўладиган мард бордир ичларингда? Бизни у ерда соғинтириб қўйсаларинг, инсофдан бўладими? Сизларсиз биз нима қиламиз жаҳаннамда?..

— Сен менга ҳам ёнингдан жой ажратиб қўй. Бу кетишда у ёқда бошпанасиз қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Укба яна илиб кетди:

— Менга қара, ҳой Амр, янги исмингни биласанми ўзинг?

— Йўғ-а, ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

— Сенинг янги отинг «Абу Жаҳл» бўлган. Ҳа, ҳа «Абу Жаҳл».

Нодир ибн Ҳорис қаҳқаҳа отиб кулиб юборди:

— Ота-онангга қирқ йил ёлворсанг ҳам, сенга бундай лақаб бериши хаёлларига келтира олмасдилар. Ҳа-ҳа-ҳа...

Абу Суфён унинг сўзини кесди:

— Азизлар, қўйинглар энди бу ҳазилларни. Буладиган гаплардан гаплашайлик.

— Бу дин ҳақида «буладиган гаплар»нинг узи шу-да, — деди Абу Жаҳл. — Тўғри, дуруст, хайрли бир дин бўлса, бу қуллар биздан олдин ҳаракатга тушармидилар? Демак, энди Хабоб жаннатга кирарди. Мозорда аллақачон ўлиги чириб бўлган Ёсир билан Сумайя жаннатга кирармиш-да, ушандай қуллардан қирқтасини сотиб олишга қурби етадиган Укба жаҳаннамга кирармиш. «Пайгамбар»нинг муҳтарам амакиси оловлар ичида жизганак бўлармиш... Йўқ, бунақаси кетмайди!.. — Сунгра атрофдагиларни бир-бир кўздан кечирди-да: — Балки орангларда уни қабул этганлар бордир? — деб сўради.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Хўш, унинг гаройиб каломига нима дейсан, Абул Ҳаким?

— Нима дердим, эй Укба, нодонларнинг саволини беряпсан. Ҳаммаси эскилардан қолган бир эртақ-да.

Нодир ибн Ҳорис қўшимча қилди:

— Мен сизларга ундан ҳам қизиқроқ эртақларни айтиб беришим мумкин.

* * *

Айни шу дамда Жаброили Амин гадаги ваҳийни келтириб, Расулulloҳнинг (с. а. в.) қалбларига синдирилаётган эди: «Кифир бўлган кимсалар иймон келтирган зотлар ҳақида: «Агар (бу Қуръон) яхши бўлганида (анави ялангоёқлар) унга бизлардан илгари бормаган бўлур эдилар», дедилар. Улар узлари у (Қуръон) билан ҳидоят топишмагач: «Бу эски уйдирмадир», дедилар. У (Қуръон)дан илгари Мусонинг пешво ва раҳмати бўлган Китоби (Таврот) бор эди. Бу (Қуръон) арабий лисондаги, (ўзидан аввал нозил бўлган барча илоҳий Китобларни) тасдиқлагувчи бир Китобдир. У золим-кофир бўлган кимсаларни (эхират азобидан) огоҳлантириш учун ва чиройли амал қилгувчиларга (жаннат ҳақида) хушхабар бўлиш учун (нозил қилингандир). Албатта «Парвардигоримиз Олоҳдир» деган, сунгра (Тўғри йўлда) устивор бўлган зотлар учун хавфу хатар йўқдир ва улар гамгин бўлмаслар. Ана ушалар жаннат эгалари бўлиб у жойда мангу қолурлар. (Бу) улар қилиб ўтган амалларининг мукофотидир»¹.

Ҳожиларга нима деймиз?

Ҳаж мавсуми яқин қолди. Бу пайтда ҳар томондан ҳаж зиёратини адо этиш учун кўплаб инсонлар Маккага оқиб келади.

¹ Аҳқоф сураси 11-14.

Қуйиб берса, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (с.а.в.) уларни ҳам ўз динига даъват қилиши турган гап. Бунинг олдини олиш ҳар нарсадан ҳам зарур. Бепарво бўлиш — кейин пушаймон қилдирадиган бир қатор воқеалар оқимиға ҳозирданоқ таслим бўлиш демак эди. Бугунги кунгача қурайшларнинг орасида мартабаси улут, сўзи утадиган кўпгина кишиларнинг обрўйи бир пул бўлиши мумкин эди.

Бу муаммони атрофлича муҳокама этиш ва бир қарорға келиш учун мушрикларнинг улуғлари Доруннадавада йигилиб, машварат ўтказди.

Тўрда Валид ўтирибди. Унинг икки ёнидан Абу Жаҳл ва Нодир ўрин олишди. Абу Суфён, Абу Лаҳаб, Укба, Мунаббих, Набих, Умар, машҳур полвон Рукна, Ос, Умаййа, укаси Убайй, Асвад, Утба, Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа, Шайба, Абу Ухайҳа... каби қавмларининг оқсоқоллари мажлисни эгалладилар. Ҳошимийлардан бирортаси бу мажлисга чақирилмади. Гарчи Абу Лаҳаб ҳошимийлардан бўлса ҳам, унинг эътиқоди ва дунёқарашини бу ердагиларга кундек равшан эди.

Мажлисни Валид ибн Муғийра очди.

Ҳаж мавсумининг яқинлашгани ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳга қарши бошланиши керак бўлган кураш бугунги мажлиснинг бош масаласи эканлигини маълум қилгач, сўзини шундай давом эттирди:

— Мукамал бир ташвиқот юритишимиз даркор, бу масалада бир ёқадан бош чиқармасак, мағлубиятга учрашимиз муқаррардир. Ҳар ким ўзбошимчалик қилиб, биримиз иккинчимизнинг сўзимизни тингламасак, мусофирлар биздан шубҳаланадилар. Энди ҳар ким ўз фикрини билдирсин, Муҳаммадни ким деб, қанақа қилиб таништиришимиз маъқулроқ бўлади? Уни шундай тасвирлайликки, келган ҳожилар ундан ўзларини олиб қочсинлар.

— Қулогимиз сенда, эй Абдушшамс!..

— Қайси йўлдан юришни маъқул десанг, ҳаммамиз шунга рози бўламиз.

— Мен олдин сизларнинг фикрингизни билмоқчиман. Ўз фикримни ҳаммангиздан кейин айтаман. Балки меникидан ҳам кўра маъқулроқ фикр чиқиб қолар.

— Ҳақлисан, эй Валид.

Биринчи таклиф билдирилди:

— Уни ёлгончи деб танитайлик.

Валид бошини чайқади.

— Орамизда қирқ йилдан бери яшаб келаётган бу одамнинг бирон марта бўлса ҳам ёлгон гапирганини эшитган киши борми? Бу сўзга ҳеч ким ишонмайди, ҳатто ўзимиз ҳам.

— Телба десак, қандай бўларкан?

— Қанақасига жинни бўлсин? Ҳеч телбаларни кўрмаганмисизлар ўзи? Муҳаммаднинг гап-сўзи, хатти-ҳаракати телбаларникига ўхшайдими? Телбаларда кузатиладиган чираниш, депсишиш, васвасалар, тутруқсиз гап-сўз ва ҳаракатлар борми унда?

Биз шундай чора топишимиз керакки, унга нафақат бегоналар, балки ўзимиз ҳам ишонайлик.

— Фолбин дейлик, мана шу нарса унга ярашади.

— Биз бугунгача кўпгина фолбинларни кўрдик, уларнинг бемаъни гапларини эшитдик. Аммо унинг сўзлари билан фолбинлик орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Қолаверса, Муҳаммадни кўпдан бери танийсизлар, унинг ҳеч фолбинларга иши тушганини кўрганмисизлар?

— Энг тўғриси — уни шоир деб танитайлик, — деди яна бири.

— Азизим, биз шеърни ҳис этмайдиган, шеър ўқимайдиган одамлар бўлсак ҳам, бошқа гап эди. Шеърнинг ҳамма турини биламиз. Қасам ичаманки, бу утирганлар ичида шеърятни менадан яхшироқ биладиган киши йўқ. Аммо унинг каломи шеър эмас. Бундай десак, бизга ҳеч ким ишонмайди.

— Жодутар дейлик бўлмаса.

— Ҳечам-да. Унинг жодуга алоқадор иши йўқ. Куф-суф қилмаса, ичида бир нималарни бидирламаса, қанақасига жодутар бўлсин?

Валид таклифларни шу тариқа рад этди. Бирон кимса: «Ахир, ҳақиқатни кўра-билатуриб инкор этишдан нима фойда?» деёлмас эди.

— У ҳолда энди гап яна ўзингга қолди, эй Абдушшамс. Бизнинг ҳамма таклифларимизни рад этдинг. Сен нима деб ўйлайсан. Нима дейишимизни истайсан, қани, гапир.

Валид боши эгик ҳолда бирмунча жим бўлиб қолди. Қайси томонга юрса ҳам, охири берк кучага бориб тақалиши аён эди. Ё тухмат қилиш, ё мағлубиятга рози бўлиш керак. Учинчи йўл ҳам бор эди: Оллоҳ Расулнинг байроғи остига тўпланиш, абдий саодат тожини кийиш. Аммо...

Бошлар эгилган, миялар гувиллар эди. Валиднинг башараси дамба-дам бужмая бошлади. Ишонтирса бўладиган чора топишга уринарди у. Лекин нимани ўйласа, барибир тўтри келтира олмади. Ниҳоят, бошини кўтарди.

— Худо ҳаққи, унинг сўзларида ўзгача бир жозоба, ўзгача бир софлик ва таъсирчанлик бор. Меваси сархил бир дарахт гўёки... Худо ҳаққи, унга қарши айтиладиган ҳар қандай гап бемаъни бўлиб чиқиши аниқдир.

Бирон кимсадан садо чиқмасди. Абу Жаҳл ҳам уйга толди: «Бўлмаса, ҳой қария, сен бизни айланиб-ўргилиб мағлубият сари етакламоқчимисан?!» дейишдан ўзини зўрга тийди.

Сукунат узоқ давом этмади. Абу Жаҳл энди сўз бошлай деб турганида, яна Валид гапириб кетди:

— Энг яхшиси — уни сеҳргар деймиз. Ахир, у беғуноҳ одамларни динидан қайтармоқда, отасидан, хотинидан, укасидан, қабиласидан кўнглини совутмоқда.

Ниҳоят масала ҳал бўлди. Мақсадлари Муҳаммад алайҳиссаломга бир лақаб бериш, ҳамма жойда уни шу лақаб билан аташ эди, шунга эришдилар. Энди Расулуллоҳни (с.а.в.) ҳожиларга сеҳргар деб таништиришга, «Зинҳор унга яқинлашманглар, акс

ҳолда, кейин ҳеч ҳам ўзларингга келолмайсизлар», деб тухмат қилишга келишиб олдилар.

* * *

ЖАҲАННАМНИ ҚҶРИҚЛАЙДИГАН ҲН ТҶҚҚИЗ МАЛАК

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу бўлиб ўтган мажлис ҳақида бошқа тарафдан хабардор қилиндилар. Ҳамма нарсани куриб-билиб турадиган Буюк Оллоҳ ваҳий фариштасини жўнатиб, Доруннадвада тўпланган иттифоқчиларга алоқадор ушбу оятларни туширди: «Чунки қачон (қиймат қойим бўлгани ҳақида хабар бериб) бургу чалинганида, ана ўша кун қийин кундир! Кофирларга осон бўлмаган (кундир)! Мен сўққабош ҳолида яратган кимсани ўзимга қўйиб беринг! Мен унга кенг-мул мол-давлат ва ҳозир у нозир уғилларни (ато) қилдим. Яна унга (ҳаётнинг барча неъматларини) қулай-осон қилиб қўйдим. Сўнгра у яна зиёда қилишимни тама қилур. Йўқ (унинг тамаси беҳудадир)! Чунки у бизнинг оятларимизга қаршилиқ қилувчидир. Яқинда Мен уни бир харсангтошга дучор қиламан. Чунки у (Қуръонни эшитгач, бу илоҳий Китобга қандай тухмат қилиш тўғрисида) ўйлади, режа тузди. Ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! Яна ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! Сўнгра у (ўйлаган режаларига) қаради. Сўнгра (Қуръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини) тириштирди ва (афтини) буриштирди. Сўнгра (Ҳақдан) юз утирди ва кибр-ҳаво қилди. Бас, у: «Бу (Қуръон Оллоҳнинг сўзи эмас, балки) фақат (аввалгилардан) нақл қилинаётган бир сеҳрдир. Бу фақат башарнинг сўзидир», деди. Яқинда мен уни Сақарга (жаҳаннамга) киритажакман. Сақарнинг нима эканлигини сиз қаердан ҳам билар эдингиз. У (бирон кофирни) қолдирмас-қўймас. (У беш юз йиллик масофадан) инсонларга яққол кўриниб тургувчидир. Унинг устида (ўн тўққиз фаришта қўриқчилик — эғалик қилур).¹

Қавми орасида битта деб ҳисобланадиган, тенги ва тимсоли йўқ улуг зот сифатида танилган Валид учун беқийс бир таҳдид, улкан бир азоб хабари эди бу. Мазкур оятларни мўминлар бир-бирларига ўқиб бердилар. Хотини мусулмон бўлганлар уйларида ҳам бу оятларни такрорладилар. Ниҳоят, бир кун бу оятлар мушрикларнинг ҳам қулоқларига етиб борди.

— Бу диннинг сафсата эканлиги мана энди аниқ бўлди, — деди Укба. — Шухрати Шомдан Яманга қадар тарқалган Валиддек бир одам жаҳаннамга тушармиш-у, қаёқдаги ялангоёқлар жаннатга киритилармиш... Мен бунга қойил эмасман.

— Хуш, унда «ўн тўққизта» деган рақамга нима дейсиз? Муҳаммад ўқирган жаҳаннамда ўн тўққизта азоб фариштаси бор эмиш.

— У ҳолда дузах унчалик катта жой эмас эканда.

Абу Жаҳл бировнинг сўзини эшитадиган ҳолатда эмас эди.

¹Мудассир сураси, 8-30.

— Агар ўртага чиқиб жар солсам, ундай ўн тўққизлардан қанча-қанчасини атрофимга тўплаймаман. Қаранг, Ибн Абу Кабша сизларни ўн тўққиз киши билан қўрқитмоқчи. Сизлар эса, улкан бир жамоасиз. Унта-унта бўлиб бирлашганда ҳам бир кишига бас келолмайсизларми?

Абу Асвад Жумоҳий қаҳқаҳа отди:

— Ташвишланманглар, мен ўнг елкамга ўнтасини, чап елкамга қолган тўққизтасини олиб авраб тураман, сизлар соллана-соллана жаннатга кириб оласизлар.

Сўхбат ана шундай ҳажв оҳангида давом этар экан, Валиднинг кўнгли ҳеч тинчланмас эди. Юрак-юрагидан чиқаётган бир нидо унинг бутун вужудини титратар, «Сен Муҳаммаднинг беҳуда, ёлгон бапирганини ҳеч эшитганмисан? Вақти-соатинг яқин энди, тайёргарлигингни куравер, эй Валид!» дея ҳайқиравер эди.

— Нималарни ўйлаб қолдинг, амаки?

Валид дудуқланиб:

— Узим... шундай... ҳеч нима, — деди.

— Жуда ўйчан бўлиб қолдинг, очигини гапиравер.

— Шу, Муҳаммаднинг сўнги каломи бор-ку...

Абу Жаҳл кулди:

— Қўй-э, амаки, дунёга қуруқ сафсатанинг устида бош қо-тиришга келибмизми биз?! — деди хоҳоларкан.

* * *

Мушрикларга янги мавзу топилган эди. Дуч келган жойда мусулмонларни мазах қила бошлашди.

— Ўн тўққиз киши бор эмиш-а? Ҳар бирини жаҳаннамнинг бир бурчагига боғлаб чиқамиз. Сўнгра у ерда ҳам ҳокимият бизники бўлади...

Куч ишлатишга тўғри келадиган бўлса, паҳлавон Рукона ўзини курсата бошларди. Дуч келган мусулмонни туртиб-суриб:

— Нима гаплар бор сизларнинг ўн тўққиз фариштангиз томонларда? Худо ҳаққи, ҳаммасининг адабини, мана, ўзим бераман! — дер, сўнгра қаршисидаги мусулмон билан енгил синов намоийишига киришар эди.

Ҳамма ерда ўн тўққиз фариштанинг жаҳаннамдан вазифа олиши ҳақидаги гап!

Шу аснода Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қалблари ушбу мавзунини ёритиб берадиган оятлар билан йўтрлид:

«... ва биз фақат кофир бўлган кимсаларни синаш учун у (фаришта)ларнинг саногини (ўн тўққизта) қилдик. Токи китоб берилган кимсалар (яъни, яҳудий ва насронийлар ўзларининг илоҳий китоблари бўлмиш Таврот ва Инжилда ҳам дузах қўриқчилари бўлган фаришталарнинг саногини ўн тўққизта эканлигини айтилганини куриб, Қуръоннинг Оллоҳ томонидан нозил қилинган Ҳақ Китоб эканлигини) аниқ билгайлар ва иймон келтирган зотларнинг иймони янада зиёда бўлмай ва Китоб берилган кимсалар ҳам, мўминлар ҳам (дузах қўриқчиларининг саногини тўғрисида) шак-шубҳа қилмайдилар. Ва токи дилларида мараз бўлган

кимсалар ва кофирлар: «Буни мисол қилиш билан Оллоҳ нима димоқчи?» дегайлар. Оллоҳ Ҷизи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўюр ва Ҷизи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Парвардигорингизнинг қўшинларини (яъни, фаришталарнинг қанча адади ва қандай сифатда эканликларини) Ёлғиз Унинг Ҷизигина биур. У (ушбу оятларда таърифланган жаҳаннам) фақат инсонлар учун эслатмадир».¹

* * *

Ўлимдан кейинга доир

Жаннат ва жаҳаннам дунё ҳаёти тутагандан сўнг бошланган абадий ҳаёт билан боғлиқ манзиллардир. Ҳолбуки, арабларнинг баъзилари улгандан сўнг қайта тирилишига ишонса ҳам, куплари ҳамма нарса фақат бу дунёдаги ҳаётдан иборат, деб ишонар эди.

Абу Жаҳл Пайгамбарга (а.с.) туширилган сўнги оятлар таъсирида ларзага келган Валид ибн Мугийрага тасалли берар экан, бўлмайдиган қуруқ сафсатадан иборат у дунё учун қайғуриш бемаъниликдир, деб уқтирмоқчи буларди.

Нақадар беҳуда, асоссиз гап... Инсон ўлади, тупроқ остида чирийди, юзларча, мингларча инсонларнинг ўлик вужуди, чириган суяклари тупроқнинг остида бир-бирига қўшилиб-аралашиб кетади. Шамоллар уларни ҳар томонга учуриб кетади, оқар сувлар бу тупроқларни қаерларгадир оқизиб кетади, денгиз тўлқинлари эса, денгизларга чуқиб улганларнинг жасадини ҳар томонга сочиб юборади; балиқларга, йиртқич ҳайвонларга ем бўлганлар, ёнгинларда жон бериб куллари кукка созурилганлар, қуруқ чулларнинг қумлари орасида йўқ бўлиб кетганлар...

Демак, улар бир кун келиб қайта тирилар экан-да... Эртактлар ҳам бунчалик уйдирма бўлмас! Бундан мингларча йил олдин яшаганлар, мингларча йил кейин яшайдиганлар... ҳа, ҳа, уларнинг ҳаммаси қайта ва янги ҳаётга қовушадилар эмиш.

Бу тупроқлар яна гўшт ва суяк бўлади, уларга яна қайта жон бахш этилади ва у беҳисоб инсонлар ҳисоб-китоб қилинади, ажр-мукофот олади ёки азобга учратилади... Бўлиши мумкинми шунақаси?..

Оллоҳнинг чексиз қудратига ишонмаган инсон қиёматда содир бўладиган ҳодисаларга қайдан ҳам ишонарди? Иккита туя сўйилиб, суяклари бир-бирига аралаштирилса, энг ақли расо инсон ҳам бу суякларни ажрата олмайди. Ҳолбуки, ер юзида катта-кичик мингларча тур жонивор бор эди. Уларнинг ҳар бир навидан неча-неча миллион-миллардари яшаб, ўлиб кетган. Шу дамда оёқлари остидаги тупроқ, ким билади, қанча ҳайвонлар, қанча инсонларнинг гўшти ва суякларидан ҳосил бўлган экан?

Ким буни билиб беради?! Хуллас, бундай бўлиши асло мумкин эмас!

Дарҳақиқат, инсоннинг қўлидан бу иш келмайди. Инсон онги шу ерга келганда таққа тўхтайдди, бундан ортигини тасаввур ҳам қила олмайди. Икки туянинг суякларини бир-биридан ажрата олмаган инсон ақли икки юз туя, икки юз от, икки юз инсоннинг суякларини қандай қилиб ҳам ажратади?

Доруннадвада «ақл уйини» қилаётганлар шундай қарорга келдилар: улгандан кейин қайта тирилиш йўқдир, чунки бу имконсиздир, дедилар.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қўшниларида Одий ибн Робиа у кишининг ёнларига келиб:

— Қани, гапир, сен қиёмат деб атаётган кунинг қачон келади, қанақа бўлади, нималар бўлади? — деб сўради.

Пайгамбар (с.а.в.) тушунтирдилар, у тинглади. Шундан кейин Одий бундай деди:

— Ё Муҳаммад, сенинг бу гапларинг гирт уйдирмадир. Сен гапиратган нарсаларни ўз кўзларим билан кўрсам ҳам, ишонмайман, тасдиқламайман. Демак, Оллоҳ бу тарқалиб кетган суякларни бир жойга йигади, шундайми?! Бу ақлга сигмайдиган нарса, ахир...

Расулуллоҳ (с.а.в.) уни ташлаб чиқиб кетдилар.

— Оллоҳим, бу нодон қўшнилари Одий ибн Робиа ва Ахнас ибн Шарикқа қарши мени кучли, сабрли қил, — дея дуо ўқий бошладилар.

Набийи Акрам (с.а.в.) қайтиб уйларига келганларида ваҳийнинг иси у зотнинг вужудларини қамраб ола бошлади. Қиёмат сурасининг илк оятлари покиза қалбларига ёзилар эди:

«Мен қиёмат кунига қасам ичурмаён. Ва мен маломатгўй нафсга қасам ичурманки, (ҳеч шак-шубҳасиз, қайта тирилиб ҳисоб-китоб қилинурсизлар)! Инсон Бизни унинг (чириб, тупроққа айланиб кетган) суякларини ҳаргиз тўплай олмас, деб гумон қилурми?! Йўқ. Биз унинг бармоқларини (ҳам) тиклаб жойига келтиришга қодир бўлган зотдирмиз! Балки инсон келгуси ҳаётида (ҳам) фисқ-фужур (гуноҳ амалларни) қилоқни истаб: «Қиёмат кунига қачон ўзи?» деб сўрар?! Бас, (кўрган даҳшатларидан) кўз қамашиб, (осмондаги) ой ҳам тутилган ҳолда, кўёш ва ой бирлаштирилган вақтда — ана ўша Кунда у инсон: «(Бу боло-офатлардан) қаерга қочиб қутулиш мумкин?» деб қолур. Йўқ! (Эй инсон, Оллоҳнинг газабидан қочиб қутуладиган) бирон бошпана йўқдир! У Кунда ёлғиз Парвардигоринг (ҳукм қилган жой)га қарор топишгина бордир. У Кунда инсонга (ҳаёти дунёдалик чоғида) қилиб ўтган ва (ўзидан кейин) қолдирган (барча) нарсаларнинг (яъни, яхши-ёмон амалларнинг) хабари бе-рилуур. Балки (у Кунда) инсон — гарчи ўз узр-баҳоналарини (ўртага) ташласа-келтирса-да — (унинг барча аъзолари) ўзининг зиёнига гувоҳлик бергувчидир!»¹

¹ Муддассир сураси, 31.

¹ Қиёмат сураси, 1-15.

Бу оятлар мушрикларга ўқиб берилганида, улар бу теран маъноли, сермазмун каломни тушунишни, ҳатто бу ҳақда бош қотиришни ҳам истамадилар. Чунки бу тўғрида қанчалик кўп ўйласалар, шунчалик таъсирланар, ақллари қабул этаётган ҳақиқатдан қочиб қутулишга жой тополмай қолар эдилар.

Энг осони — мутлақо эътибор бермаслик, тингламаслик, «Э, бор-э», деб қўл силтаб кетиш эди.

Аммо суюқларнинг йигилиши у ёқда турсин, бармоқ учларининг ҳам тасдиқ этилишига нима дейсиз? Юз йиллар ўтиб, инсонларнинг бармоқ учларидаги ақл бовар қилмас сирлар юзага чиққанида, ҳайратдан бармоқларини тишлайдиган кунлар келиши муқаррар. Бир инсоннинг бармоғи учларидаги изларнинг бошқа бир инсонда бўлмаслиги... буни инсоният тарихи давомида ҳар бир инсон учун алоҳида-алоҳида тасдиқ этган Буюк Қудрат, бутун оламларни йўқдан бор қилган Қудрат, албатта, уларни иккинчи марта қайта яратиши, қайта ҳаёт бериши муқаррардир.

Аммо буни тушунишни истамаган кишига ўқтиришдан, ишонмасликка олдиндан қарор қилиб қўйган кишини ишонтиришдан, ёки бўлмаса, ишонмаса ҳам, «ишондим» дейишга мажбур этишдан кимга нима фойда?

Шуниси бешакки, мўминлар ушбу ҳақиқатни тан олганликлари учун эзилар, ҳақоратланар, мазах қилинар эдилар. Ҳузуридан паноҳ топиб, дардини айтиб енгил тортадиган, жиддийлик билан ҳаёт ҳақиқатлари тўғрисида баҳс юритадиган мард кишини тополмай гаранг эдилар.

Иймон келтирганларнинг ичида бойлардан битта Абу Бакр бор эди, холос. Битта Ҳадича бор эди. Қолганлар кўпи фақир, заиф, камбағал-бечоралар...

Ён-атрофда эса, ҳамма кофир, душман, инсофсиз... Ташқарида қуёшнинг ҳароратидан ҳам баледа, ёндириб-қуйдирувчи, қўрқинчли бир муҳит ҳукмрон, шуниси кишининг юрагини сиқар, безовта қилар эди. «Мен мўминман» дейиш хавфли, оламларни яратган Буюк Оллоҳга ибодат қилиш тақиқланган; устига қўнган пашшаларни ҳам қўрий олмайдиган бутларни: «Булар бир тошдир», дейиш айб...

Бундай муҳитдан бўғилган мўминлар ҳузур-ҳаловатни фақат Набийи Акмалнинг (с.а.в.) машваратларида топар, руҳларга ором берувчи, кўнгилларни покловчи суҳбатларидан енгил нафас олар эдилар.

Ун тўрт кунлик тўлин ой чиққан бир кеча эди. Расулуллоҳдан (с.а.в.) қиёмат сурасининг: «У кунда мўминларнинг юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб тургувчидир» (22-23) оятларининг мазмунини изоҳлаб беришни сўрадилар. Шу маънода:

— Ё Набийаллоҳ, биз Қиёматда Роббимизни қураимизми? — дедилар. Фаҳри Олам (с.а.в.) жаноблари кўқдаги ойга қарадилар. Осмонда битта ҳам булут парчаси йўқ эди. Ой худди унга қараганларнинг юзларини нурлантирадигандек ёрқин порлаб турарди.

— Сизлар худди шу ойни кўриб турганингиздек, Роббингизни ҳам тиниқ-равшан кўрасизлар, — дедилар ва қўшимча қилдилар: — Агар қуёш чиқмай туриб ва ботмасдан олдин намоз ўқишга кучингиз етса, зинҳор бунга бепарво бўлмангиз.

Ҳабиби Акмалнинг (с.а.в.) намоз масаласида билдирган фикрлари атрофларини ўраб олган мўминларга янги бир ҳаяжон, янги бир завқ-шавқ берди. Бугун Роббини кўрмаса ҳам, худди кўриб тургандай самимият ва хоксорлик билан намоз ўқиганлар, эртага уни кўриш шарафига муяссар бўладилар! Бугуннинг мукофотини эртага у ерда оладилар!

Ичлари ҳузур-ҳаловатга тўлиқ ҳолда пайгамбаримиз (а.с.) билан хайрлашдилар.

Ваҳийнинг бир муддат тўхтаб қолиши

Тушаётган ҳар янги оят мўминларга қувват бағишлар, мушрикларни эса, қутуртиргандан қутуртирар эди. Рисолат кела бошлаганидан буён салкам беш йил ўтган, унинг уч йилида яширин, кейинги икки йилида очиқ даъват қилина бошлаган эди. Аммо бу йиллар зўр машаққатлар ичида ўтди.

Мушриклар мўминларнинг овозини ўчириш, Ислому тўғилган кунларидаёқ бўғиб ташлаш учун бутун куч-қудратларини ишга соддилар, гайратларини сира ҳам аямадилар, ҳар куни янги бир разиллик, янги бир зулмни тадбиқ этдилар.

Шу кунларгача тез-тез келиб турган Жаброили Аминдан уч-тўрт кун кетма-кет дарак бўлмай қолди. Яна бир неча кун ўтди, Жаброил алайҳиссалом ҳамон келмадилар. Мўминлар ташвишга тушиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) сиқила бошладилар.

Жаброили Аминнинг келиши Набийи Акрамнинг (с.а.в.) енгил тортишлари демак эди. У келди дегунча, қалблари ором ола бошлар, кўзларида табассум яшнар, завқданар, мушрикларнинг қилаётган зулмлари, етказётган озорларига қарши янада сабрлироқ бўлиб қолар эдилар.

Бу узилишнинг уч кун давом этганини нақл қилувчи ривоятлар ҳам бор бўлса-да, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шикоят қилишларига ҳамда ваҳий келмай қолганидан мушриклар ҳам хабардор бўлиши даражасига етганига қараганда, орадан анча-мунча вақт ўтгани муқаррардир. Шунга кўра, бу узилиш уч эмас, ўн уч ёки йигирма уч кун давом этган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки уша кунларда Абу Лаҳабнинг хотини Умму Жалил фурсат топди дегунча Расулуллоҳга учраб:

— Мана энди шайтонни ҳам чарчатибсан. Қара, сени ташлаб кетди, — деб бақирган эди.

Ҳолбуки, бундай бўлиши асло мумкин эмас. Оллоҳ таоло Ҳабиби Адидан безмас, кўнгли қолмас, уни тарк этмас. Тарк

этадиган, безадиган бандасига пайгамбар ўлароқ, Сарвари Анбиё ўлароқ масъулият юклармиди?

Бинобарин, уша куни Набийи Акмал (с.а.в.) чеҳраларида та-бассум пайдо бўлди. Чунки Жаброили Амин бу сафар бутун бир сура билан тушган эдилар.

Муминлар ниҳоят енгил тортдилар. Қогоз, қалам келтирил-ди. Шундан кейин Жаноби Пайгамбаримиз ваҳийни дона-дона қилиб ўқий бошладилар:

«Ваз-зуҳа, вал-лайли иза сажа...»

«Чошгоҳ вақтига қасам. (Ўз зулмати билан чор-атрофни) қоплаб ураб олган кечага қасамки, Парвардигорингиз сизни тарк этгани ҳам, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ. Албатта, охират сиз учун дунёдан яхшироқдир. Яқинда Парвардигорингиз сизга (шундай неъматлар) ато этурки, сиз (у илоҳий марҳаматлардан) рози бўлури-сиз. Сизни етим ҳолда топгач, бошпана бермадимми? У зот сизни гумроҳ-гофил ҳолда топиб, (Ҳақ йулига) ҳидоят қилиб қўйди-ку! У зот сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўйди-ку! Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг! Сўровчи гадо-ни эса, ҳайдаманг! Парвардигорингизнинг (сизга ато этган пайгамбарлик ва бошқа барча) неъматини ҳақида бўлса, сўзланг»¹.

Бу сура Расулуллоҳни (с.а.в.) болалик чоғларидан қолган хо-тиралар сари етаклади. Етим бир гўдак бўлганларини, аввал бо-болари, сунгра амакиларининг қучоғида ота-онасиз кечирган кунларини эсладилар. Рисолатдан аввалги ҳаётлари ҳам покиза эди. Энди эса, энг покиза зотларга ҳам намуна бўлдилар. Ўзлари етимликда усмаган тақдирда ҳам, бир етимни хўрлашлари, қал-бига озор беришлари, ранжитишлари асло мумкин эмас эди.

Аммо шу ўринда нозик бир жиҳат бор. Буюк Оллоҳ етимга шахсан ўзи меҳр-шафқат кўрсатади. Буюклар буюги Расулига ҳам уни хафа қилиш, озор бериш ҳуқуқини бермаслигини очиқ-ойдин баён этади, шу тариқа бирон кимсанинг етимга қарши бўлишини ўйлашига ҳам рози бўлмаслигини уқтиради.

Отаси ёки онаси ажал ўқига нишон бўлган бир гўдакнинг илоҳий тақдир тақозоси билан юраги ёнишининг устига яна мушт туширган кишига илоҳий бир жазо берилиши, маънавий бир мушт туширилиши шу йўсин маълум қилинди.

Хўш, етимнинг бошини силаган, кўз ёшини артган киши-нинг мукофоти қандай бўлади?

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзларига жимгина қараб турган биродар-ларига ўрта бармоқлари билан кўрсаткич бармоқларини ёнма-ён қилиб кўрсатдилар:

— Етимга кафил бўлган киши билан мен жаннатда мана шу икки бармогим сингари баробар бўламиз, — дедилар.

Бундай лўнда, бундай аниқ ифода бўлиши мумкин эмас. Бундай мукофотта сазовор бўлган кишининг «Мен яна бошқа нарса ҳам истайман», дейишига ўрин қолмаган эди.

Набийи Акрам (с.а.в.) ҳузурларидагилар орзиқиб кутилган ваҳийга қовушишдек бахтдан маст ҳолда тарқалдилар...

* * *

Муминлар ҳар куни, имкон топилди дегунча, Расулуллоҳ-нинг (с.а.в.) ёнига тўпланишар, келган оятларни эшитиб ёд олишар, ёд олган оят ва сураларни бир-бирларига ўқиб беришар, оятларнинг мазмуни ҳақида ўзаро баҳс юритишар ёки Расулуллоҳдан уларнинг изоҳини тинглашар эди.

Шундай кунлардан бирида Вал-Фажр сураси туширилди. Су-ранинг бир қисми инсон табиатини таърифлашга бағишланган эди:

«Бас, энди инсон қачон Парвардигори уни имтиҳон қилиб, азиз қилиб қўйса ва унга неъмат ато этса, дарҳол: «Парвардигорим мени азиз қилди», дер. Энди қачон уни имтиҳон қилиб, ризқини танг қилиб қўйса, дарҳол: «Парвардигорим мени хор қилди», дер. Йўқ (сизлар гумон қилганларингиздек, иззат-икром бойлик билан, хор-зор қилиш камбағаллик билан бўлмас)! Йўқ, сизлар етимни иззат-икром қилмассизлар! Мискин-бечораларга таом беришга ҳам бир-бирларингизни тарғиб қилмассизлар. Ме-росни эса, (ўз улушларингизга ўзгаларникини ҳам) қўшиб ейиш билан еяверурсизлар! Яна, мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан яхши кўрурсизлар!» (15-20).

Инсонга Робби хиёнат қиладимми?

Инсонни инсон қилиб яратган Робби ҳақида бу сузларни инсонлигини унутганларгина айтиши мумкин.

Бу ерда Рисолат тахтининг султони ушбу муборак сузларни баён эдилар:

«Мусулмонларнинг ичида энг хайрли уй — ичида етим па-ноҳ топган уйдир. Мусулмонларнинг энг ёмон уйи эса — ичида бор етимга ёмон муомала қилинган уйдир».

Сунгра муборак бармоқларидан иккитасини жуфтлаб, ёнла-рида ўтирганларга кўрсатдилар ва: «Мен билан етимнинг кафи-ли бўлганлар жаннатда мана шундай бир бўламиз», дедилар.

Вал-Фажр сураси уша куни муминларга ўзгача тарзда қат-тиқ таъсир қилди, борлиқларини эритиб юборди. Қалблари ўз-гаргандай, руҳлари покланиб, қайта туғилгандай бўлдилар.

«Йўқ, (бундай кирдикорларингиздан қайтингиз)! қачон ер (зилзилага тушиб, барча нарса) чилпарчин қилинганда, Парвар-дигорингиз(нинг ҳукми) ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда, уша кунда жаҳаннамни ҳам (яқин) келтириб қўйилганда, ана уша кунда инсон (бу кўрганларидан) эслатма-ибрат олур. (Аммо у Кунда) бу эслатма-ибрат(нинг фойдаси) қаёқдан тегсин?! У: «Эҳ, кошки эди мен ҳаёт вақтимда (солиҳ амаллар) қилиб ўтган бўлсам», деб қолур! У Кундаги (Оллоҳнинг) азоби каби ҳеч ким азоблай олмас, ва у Зотнинг (кишан ва занжирлар билан) боғла-ниши каби кеч ким боғлай олмас. (У Кунда ҳаёти дунёдан Оллоҳ Таолонинг ваъдасига ишониб иймон ва зғу амаллар билан ўтган

¹Ваз-Зуҳа сураси.

муминларга хитоб қилиб, дейилур): «Эй хотиржам, сокин жон, сен (Оллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Оллоҳ Таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинг ҳолда Парвардигоринг (ҳузуринг)га қайт! Бас, (солиҳ) бандаларим қаторига киргин ва менинг жаннатимга киргин!» (21-29 оятлар).

Бу оятлар айниқса Ҳазрати Абу Бакрни маст қилди. Кўзларида шундай оқибатга эришиш, шундай бахт-саодатга етишишнинг умид учқунлари порламаган кимса йўқ эди. Бу саодатга эришиш, бу чексиз маънавий завқни тотиш кимга насиб бўлади? Буни ёлғиз Оллоҳнинг ўзи билади.

— Ё Набийаллоҳ, — деди Абу Бакр, — бу қандай гузал, қандай ажиб бир мукофот.

Расулуллоҳ (с.а.в.) нигоҳларини унга йўладилар:

— Ё Абу Бакр, Буюк Оллоҳ сен улаётганинга худди мана шу сўзларни баён этади, — дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр бу хушхабарни эшитиб, худди ҳозирнинг ўзидаёқ ушбу мукофотга сазовор бўлаётгандай, дунёда яшаётганими ёки охирабдиларми — билмай қолди.

* * *

Виждон азоби ва овчи йигит

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир куни Сафо тепалигида утирган эдилар. Бемисл кофир Абу Жаҳл, ёнида бир-иккита ҳамтовоқлари билан, ўша ердан ўтиб қолди. Расули Зишомни (с.а.в.) кўргани ҳамон тепа сочи тикка бўлди. Ўз-ўзидан сўкиниб кетди. Пайгамбар (с.а.в.) сир бой бермай, жавоб ҳам қилмай ўтиравердилар.

Сўкинишларига ҳеч қандай жавоб бўлмаган сари Абу Жаҳл баттар асабийлашди. Оғзига келганини қайтармай ҳақорат қила бошлади. Устига устак, ҳамтовоқлари билан бир бўлиб, У зотга қарата тош, тезак ҳам отишга тушди.

Пайгамбар жанобимиз яна жавоб қилмадилар. Ўринларидан туриб, индамай у ердан кетиб қолдилар. Қўрққанларидан эмас, у баттолни Оллоҳга ҳавола этганлари учун ҳам лом-мим демаган эдилар.

Абу Жаҳл эса, ҳамон орқадан сўкинарди. Бу жирканч ҳодисага ташқаридан икки зотгина гувоҳ бўлди. Бири — ҳамма нарсани кўриб-билиб турувчи буюк Оллоҳ бўлса, иккинчиси — Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг бир чўриси эди... Бу аёл ушбу дамда бақувват бир эркак бўлишни, сапчиб туриб бориб Амр ибн Ҳишом ва унинг ҳамтовоқларига яхшигина сабоқ бериб қўйишни истар эди...

Ҳолбуки, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (с.а.в.) унинг қариндоши эмасди. Қолаверса, ўзи ҳам мусулмон бўлмаган. Аммо унда инсонийлик, мурувват туйғуси баланд эди. Бегуноҳ бир кишининг ҳақоратланаётганини кура-билатуриб лом-мим демаслик, менга

деса ўлиб кетмайдими қабилада бефарқ бўлиш одамга эмас, ҳайвонга муносиб бир туйғу бўларди. Ҳолбуки, озода аёл ҳам эмас эди. Аммо ҳурфикрли, оқила эди. Унинг ўзига хос бир ҳақ туйғуси, адолат туйғуси, виждони бор эди. Ва шу онда бу виждони ўзининг динида бўлиши Абу Жаҳлни ҳақсиз ва золим деб тошган, айблаётган эди.

Кузи очиқ ва инсоф улчовларини йўқотмаган ҳар бир одам: «Бундай чеҳрали инсон ёмон бўлиши мумкин эмас», дея тан оладиган Инсон шундай ҳақоратланса, шундай хўрланса!.. Боз устига, бу каби ишларни Абу Жаҳлдек бир нурсиз, юзидан ёмонлик ёғилиб турадиган одам қилса, қандай тоқат этиб бўлади?

Бу фикрлар чўрига ҳеч тинчлик бермай қўйди. Шу пайт ёнидан Пайгамбарнинг (а.с.) амакилари Ҳамза ўтиб бораётганини кўриб қолди. Шоша-пиша:

— Ё Ҳамза! Ё Ҳамза! — деб ортидан чақирди.

Ҳамза тухтади. Қараса, бир чўри.

— Нима дейсан, эй чўри? — дея суради.

— Сенга бир дардимни айтмоқчиман. Аммо, аслида, у менинг дардим эмас.

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи.

— Бир икки соат олдин шу ерда бўлганинда, мен айтмоқчи бўлган воқеани ўз кўзинг билан кўрган бўлардинг.

— Яна ҳеч нарсани тушунмадим. Очиқроқ гапир!

Чўри бўлиб ўтган воқеани батафсил айтиб берди. Сўнгра сўзларини шундай давом эттирди:

— Абдулмуттолибнинг мард ўғли Ҳамза ов овлаб юраверсин-да, бу ерда Амр ибн Ҳишом унинг жиёнини тошбўрон қилсин, устига ёмғирдек ҳақорат ёғдирсин!.. Аҳвол шундай бўлса ҳам, сен йўлингдан қолма, эй Ҳамза, овингнинг кетидан қолма. Аммо шуни ҳам яхши билиб қўйгинки, қадри йўқ мендек бир чўрининг ҳам виждони бу воқеани кўриб ларзага тушди, парিশон бўлди. Энди боравер...

Ҳамза ниҳоятда даргазаб бўлди. Иймон келтирмаган эди, аммо суюкли жиёнини Амр ибн Ҳишомнинг ҳақоратлашига ҳам индамай кетолмас эди. Шунингдек, чўрининг наштардек ўткир ва кинояли сўзлари Ҳамзанинг жон-жонидан ўтиб кетди. Каъба томонга шаҳдам йўл олди.

Ҳамза ҳар куни овга чиқар, шу тариқа кўнгилхушлик қилар эди. Овдан қайтаётганда Каъбани тавоф этар, дўстлари билан бир оз сўхбат қуриб, сўнгра уйига қайтар эди.

Масжиди Ҳарамга борганида, бир даврада утирган Абу Жаҳлни кўриб қолди. Тўғри устиларига бостириб бораверди ва ҳеч нарса демай, қўлидаги ёйни отиб, Абу Жаҳлнинг бошини яралади. Абу Жаҳлнинг бошидан қон оқа бошлади. Бу воқеа шу қадар тез рўй бердики, ҳеч ким ҳеч нарсани тушуна олмай қолди. Сўнгра бирдан ҳушларига келиб, сапчиб турдилар ва Ҳамзага ҳужум қилишга шайландилар.

— Нима гап, эй Ҳамза? Ёки даҳрий бўлдингми?

Ҳамза кўзларини Абу Жаҳддан узмас эди.

— Жиянимни бекордан-бекорга ҳақорат қилиш мард йигитнинг иши эмас! — деб ҳайқирди. — Мана, мен ҳам унинг дини-даман, унинг йўлидан юрмоқдаман, мард бўлсанг, майдонга чиқ!

Ҳамзанинг бу гулдурос овози бутун Масжиди Ҳарамдагиларга улкан бир янгиликни баралла эълон этган эди. Бу сўзларга жавобан қандай ҳам йўл тутиб буларди?!

Ён-агрофдагилар мазкур воқеани муҳокама қилишга тушдилар. Абу Жаҳл бир қўли билан бошидаги ярасини силай бошлади. Қон унинг афти-башарасини жирканч бир ҳолга солган эди. Дуслари ҳануз унга қараб туришар, бир ишорасини кутишар эди.

Абу Жаҳл уларга утирилди:

— Абу Умора (Ҳамза) ҳақлидир. Мен бутун унинг жиянини бекорга ранжитдим. Уз навбатида у мендан жиянининг аламини олди, — деди.

Воқеанинг бундай ечим топишини ҳеч ким кутмаган эди. Чунки бунақа адолат, инсонийлик туйғуси Абу Жаҳлга хос эмас эди. Тушда ҳам Абу Жаҳл бу даражада ҳақпарвар була олмасди, ахир. Қолаверса, ёнида дуслари бор, боплаб Ҳамзанинг таъзирини бериши мумкин эди. Бошидан қонлар оқа-оқа, Ҳамзани жазолай олиши мумкинлигини билатуриб, бундай муомала қилиш ҳар қандай мард йигитнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Муқаррар жанжалнинг олди олинди. Абу Жаҳл Ҳамзага қарши лом-мим демади, айбдор эканлигини тан олди. Абу Жаҳлга керакли сабоқни бердим, деган фикр билан Ҳамза у ерни тарк этди.

Унча-мунча одамлар тарқалгандан кейингина Абу Жаҳл ниқобини олиб ташлади:

— Ҳамза жаҳл устида бориб Муҳаммадга қушилмасин тегин, деб қўрқдим. Қўяверинглар, бир марта ургани билан ҳеч нарса бўлиб қолмайди...

Масаланинг асл моҳияти мана шунда эди.

Ҳамза уйига келди. Қалбини қандайдир ажиб бир ҳузур ҳаловат қоплаган. Ҳатто бегона бир чўрининг виждонини азоблаган бу жирканч ҳодисага яхшигина бир жавоб билан барҳам бергани, Абу Жаҳлга жазосини уз қавми ва қабиласининг кўзи унгида бергани айниқса кўнгилдагидай иш бўлди. Аммо жаҳл устида айтиб юборган сўзлари-чи? Нимадан дарак беради у? «Мен ҳам унинг динидаман!» деди. Ҳолбуки, шу бутунга қадар бу ҳақда ҳали ҳеч жиддий бош қотириб кўрмаган.

Жиянига бўлган ишончи чексиз эди. Тутри сўзли, одобли инсон. Модомики, у шундай даъво билан майдонга чиққан экан, албатта, нияти холис бўлади; одамлар айтаётганидек, бир можа-ро чиқариш орзуида бошламаган бу ишларни — Ҳамзанинг қа-ноаги шундай эди.

Бадаҳлоқ акаси Абу Лаҳаб сингари, унга душман ҳам бўлмади, аммо ота-боболаридан мерос бўлиб келаятган динини узгар-

тириш заруратини ҳам ҳозирча ҳис этгани йўқ эди... Шайтон Ҳамзани қитиқлар, Абдулмуттолибнинг динини тарк этишига ҳеч рози бўлмас эди. Мияси худди бир жанг майдонига айланди-қолди.

«Ўлим ҳам инсонга динидан воз кечишдан кўра яхшироқдир. Неча йиллардан бери қошларида бош эгтанинг илоҳлар юзига қандай қарайсан? Хубал, Лот, Уззо, Манот, Исоф, Ноила... булар нима бўлади? Ҳаммаларидан воз кечасанми?»

«Аммо жиянинг инсонларни ёмонликка қақираётгани йўқ. Тошлар ва ёгочларга қул бўлиш жаҳолатидан қутулишга, ёлғиз Ҳаққа қул бўлишга қақирмоқда. Ҳаққа ҳурматда, тоат-ибодатда бўлишга чорламоқда».

Ҳамзанинг зеҳни гоҳо шайтоннинг васвасалари, гоҳо қалбидан, ақлидан юксалаётган фарёдлар мунозарасидан алгов-далгов бўлди. Тонггача мижжа қоқмади. Қуёш чиқа бошлади, аммо Ҳамза ҳали ҳам ухламаган эди. Ҳануз юқоридagi икки қарама-қарши фикрнинг кураши билан банд эди хаёли.

«Тур! Яхшиси жиянингнинг каломини тингла! Дардингни бо-риб унга айт!»

Тусатдан пайдо бўлган бу фикр хаёлидан яшин тезлигида ўтди. Энг мақбул чора шу эди. Дарҳол ўрнидан турди, жиянинг ҳузурига борди. Унга чўри билан учрашган дақиқадан тортиб шу пайтгача бўлган воқеаларни ва хаёлидан ўтган фикрларни баён қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга Ислому дини ҳақида маълумот бердилар. Жаннат ва жаҳаннам, неъмат ва азобни ёдига солдилар. Ниҳоят, Оллоҳ Таолонинг ҳам ёрдами етишди. Васваса булутлари бирин-кетин тарқалиб кетди. Лотлар, уззолар том маънода бир тош сифатида акс эта бошлади. Шаҳодат калималарини келтирди ва мусулмон бўлди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) амакларининг мусулмон бўлгани боис чексиз севиңдилар. Абу Жаҳлнинг ҳақоратлари берган дил оғригининг ўрнини қат-қат мамнуният ҳислари қоплади.

* * *

Абу Жаҳл ҳам ушбу кечани беҳаловат ўтказди. «Ҳамза жоҳиллик қилиб Муҳаммадга эргашиб кетса-я?» деган савол эрта-лабгача унга тинчлик бермади.

«У иймон келтирадиган бўлса, шунча йилдан бери индамай юрармиди?! Жиянини сендан кўра юз чандон, минг чандон яхшироқ билади, сен сира ҳам ташвишланма».

Абу Жаҳл баъзан мана шундай уй-хаёллар огушида енгил тортгандек бўларди. Олдидаги қадаҳни қайта-қайта тўлдириб бу-шатар экан, ичаётган шаробидан ҳам кўнглига бир тасалли ахтарарди. Аммо бундай осойишталик дамлари ўткинчи эди, бир неча дақиқадан сўнг ўтарди-кетарди.

«Одамларга асло ишониб бўлмайди. Эртага Валиднинг, Нодирнинг, Уқбанинг, ҳатта Абу Лаҳабнинг ҳам мусулмон бўлганини эшитасан, ушанда зинҳор ўзингни йўқотиб қўймагин», деган бир шивир-шивирни қалбининг туб-тубидан ҳис этарди.

Абу Жаҳл бир неча марта: «Э бор-э, бир Ҳамзанинг мусулмон бўлгани билан бу иш бошланмайди ҳам, битмайди ҳам. Булар иш булар», дея ўзини юпатишга уринди, бўлмади.

Аммо кўнгил деб қўйибдилар буни: на сўзни тушунади ва на фармонни бажаради! Туриб у ёқ-бу ёққа юрди, бўлмади, утириб шароб ичди, бўлмади. Бориб чўрилари билан кўнгилхушлик қилмоқчи бўлди ҳамки, қалби таскин топмади.

Хуллас; у ҳам Ҳамза каби кечани уйқусиз утказди... Айла-ниб-айланиб хаёли яна боши берк кучага кириб қолаверди. Бир чора топиш керак, Ҳамзанинг кўнглини овлаш, бир амаллаб уни ўз динида қолдириш даркор...

Эрта тонгда тўғри Абу Лаҳабниқига йўл олди. Унга дардини айтмоқчи, укасига панд-насиҳат қилишини сўрамоқчи эди. Ҳая-жон ичида бораркан, бир «совуқ» хабар уни буткул саросимага солиб қўйди. Йўлдаёқ эшитдики, «Ҳамза мусулмон бўлибди!»

Абу Жаҳл янгиликни илк бор маълум қилган одамнинг ёқа-сига ёпишиб, қўйлагини йиртиб юборай дейди:

— Ҳазиллашма мен билан, жиддий гапиряпсанми?! — деди.

— Албатта, жиддий. Салгина олдин ўзидан эшитдим.

Қўлини пешонасига қўйди. Бу хабар унинг кўксига наштар ургандай бўлди. Бир неча сония кўзи юмуқ ҳолда туриб қолди, сўнгра лаблари бужмайиб, худди илон заҳар сочаётгандай вишиллаб шундай деди:

— Шошмай тур, Ҳамза!.. Сени ҳам йўқ қилмасам, отимни бошқа қўяман!

...

Махсус бир дуо

— Оллоҳим, бу динни ё Умар билан, ё Амр билан азиз қил...

Муминлар ора-сира Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шундай дуо қилаётганларини эшитиб қолишар, «Омин» (дуоимизни қабул айла, ё Робб) дейишар эди. Бу дуонинг албатта қабул бўлишини билишар, аммо ҳидоят Роббонийга қайси бири эришиши уларга қоронгу эди.

Қоятошдан ҳам қаттиқ бу юракларнинг юмшаши осон эмасди. Мусулмонларга доимо совуққина тикилишга одатланган бу нигоҳлар, бу дафъа уларга илиққина, марҳамат билан қарай олармикан? Тоғлар ўрнидан қўзғалиб, дунё остин-устин бўлиб кетганда ҳам, бу одамларни ҳидоят йўлида кўришни ҳеч ким тасаввур қила олмасди. Аммо Оллоҳнинг раҳмати, ҳидояти чексиз, чегарасиз эканлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Бу иккисидан бирига илоҳий назар бир йўналса дарҳол ўзгариш юз бериб, музлар эриши, тош юраклар мумдек эриши турган гап.

Ҳа, Умар ибн Хаттоб билан Амр ибн Ҳишом (Абу Жаҳл) Макканинг энг сузи уткир икки одами... Бири билак кучи, жасорати ва довураклиги, мардлиги ва удабуронлиги билан шуҳрат

қозонган, иккинчиси қавми орасидаги куч-қудрати, шайтонларга ҳам панд берадиган ярамаслиги билан шуҳрат топган, ҳар иккаласи ҳам зако зинапоясининг сўнги погонасигача кўтарилган кимсалар эди.

...

Ҳаж мавсуми.

Бу сафарги ҳожилар орасида мусулмонликни қабул этган биронта ҳам киши йўқ. Чунки ҳар томондан иймонга олиб борувчи йўллар тусиб қўйилган, келган ҳар бир карвонга «янги ва уйдирма» бир диннинг уртага чиқарилгани уқтирилган, динни келтирган киши эса, жодугар деб билдирилган эди.

Гўёки «бу сеҳргар юз йиллардан бери ота-боболаридан қолиб келаётган динларини хуш кўрмас» эмиш. Қурайшга кирадиган ҳамма қабиаларни жоҳил ва нодонга чиқариб қўйган, баобрў кишиларни аҳмоқ дер, илоҳларга тил теккизар, одамларни ота-онаси, қариндош-уруғи, қабиласидан совутар, фитна уруғини сочар» эмиш. Энг ёмон томони — «унинг ёнига учрашиш учун бир борган киши ўзини унинг сеҳридан халос эта олмас»миш.

Келганларга, агар ақллари жойида булса, Валид, Утба сингари тажрибали, муҳтарам зотларнинг насиҳатларини тинглаш, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ билан учрашишдан қочиб фикри сингдирилди.

Бу йўлда зўр гайрат билан қилинган ташвиқотлар ўз таъсирини кўрсатди. Бутун Араб ярим оролида донг таратган, ўзини тан олдирган бир қабиланинг каттаю кичиги «бу сеҳргарнинг ёмонлиги» ҳақида гапириб турса, ишонмай бўладими, ахир. Қани, шахсан ўзим бориб қурайин-чи, дейиш бошга бало орттириш демак эди.

Шундай булса-да, Набийи Акрам (с.а.в.) ҳожиларнинг орасида юрардилар, улар билан суҳбатлашишни, Ислом динининг устивор асослари ҳақида сўзлаб беришни истардилар, аммо ким ҳам у кишига кулоқ соларди дейсиз. Устига устак, қизгиш соқолли, қизгиш юзли бир одам орқаларидан соядек эргашиб, қучогига тўлдириб олган тошларни у зотга қарата бир-бир отиб бораркан:

— Зинҳор алданманглар, қурайшларнинг тинчини бузган сеҳргар худди мана шу кишидир. Уни яқиндан танийман, чунки у менинг жиянимдир, — дерди.

Ҳали шаҳарга кирмаслариданоқ «Зинҳор гапларига ишонманглар», деб огоҳантирилган бу нур юзли иңсонни ҳожилар кўрар, покиза қалб эгасига ухшатсалар-да, «зиёни тегмасин яна», деган ўйда ўзларини олиб қочар эдилар.

— Қавминг сени биздан кўра яхшироқ билади. Шунинг учун, кел, бизни ўз ҳолимизга қўй, — дея қайрилиб кетардилар.

Шу тариха бу ҳаж мавсумида мушрикларнинг гайрати узла-ри кутган самарани берди.

Ҳабашистон сари

Дуқ-пуписа, зиён-заҳмат ва зулмларнинг аксариси, одатда, ҳеч кими йўқ, мадад берувчи бир ҳимоячиси ҳам бўлмаган мўминларга нисбатан қилинади. Масалан, Ҳамзага биров бир нарса демасди. Аммо заиф, ожиз, чор-ночор қуллар озодликка эришган бўлсалар-да, мушрикларнинг дағдагау азиятларидан қутулмаган эдилар.

Кундан-кунга авж олаётган бу ҳодисалар мўминларнинг сабр-косасини тўлдирарди. Мусулмонларга қилинаётган бу зулмларни бартараф эта олмаслик Расулulloҳни (с.а.в.) жуда ҳам хафа қилар, аммо ҳеч маъқул бир чора топа олмай, ҳайрон эдилар. Ниҳоят, бир куни уларга:

— Ҳозирча Ҳабашистонга бориб турунлар. У ерда бир ҳукмдор бор, унинг ҳоқимияти остидагиларга асло зулм қилинмайди, унинг паноҳида яшовчилар ҳузур-ҳаловатда, эмин яшайдилар. Умид қиламанки, Жаноби Ҳақ у ерда сизларга осойишталик беради, — дедилар.

Мўминлар бир-бирлари билан шу масалани муҳокама қилиб, бир қарорга келдилар, сўнгра йўлга ҳозирлик кўра бошладилар. Кетишга аҳд қилган кишилар аниқланди, қайси куни йўлга чиқиш белгиланди.

Сафар тадоригини кўраётганлар орасида Расулulloҳнинг (с.а.в.) нуридийдалари — эндигина келин бўлган Руқайя билан унинг умр йўдоши Усмон ибн Аффон ҳам бор эдилар.

Машҳур Утба ибн Робианинг ўгли Абу Ҳузайфа ва унинг хотини Сахло, Абу Салама ибн Абдул Асад ва хотини Умму Салама, Амир ибн Робиа ва рафиқаси Лайло... Булар эр-хотин бўлиб кетаётганлар. Булардан ташқари, яна якка-якка кетаётганлар ҳам анча-мунча эди. Зубайр ибн Аввом, Муъаб ибн Умайр, Абдурахмон ибн Авф, Усмон ибн Мазъун, Сухайл ибн Байда, Абу Сабра ибн Абу Руҳм, Хотиб ибн Амр ва Абдуллоҳ ибн Масъуд ва бошқалар...

Тайёргарлик яширин равишда борди ва қисқа муддат давом этди.

Бир куни тонг саҳарда Набийлар Сарварининг суюкли қизлари Руқайя бир эшакка минган ҳолда, ёнида эри билан, Маккани тарк этдилар. Жуда ҳам гамгин бир айрилик бўлди бу. Балки энди бир неча йилгача ота-онаси, опа-сингилларини кўрмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо бу сафар давомида доимо уларнинг ёди билан яшаши аниқ. Чунки кўнгиллар бир, мақсад бир.

Ота улар борадиган жойда ҳоқимият тепасида адолатли бир ҳукмдор турганини айтган эдилар... Аммо бу ерда қолаётганларнинг ҳоли нима кечади? Бу зулм, жабру ситамлар шу билан

тўхтармикан, ниҳоясига етармикан бу истехзо ва камситишлар?..

* * *

Амир ибн Робианинг хотини Лайло майда-чуйда кийим-кечакларни йигиштириб, эшагига юклар экан, бирдан чучиб тушди.

— Йул булсин, эй Абдуллоҳнинг онаси, бирон сафарга отландинми, дейман-а?

Ким эканлигини билиш учун Лайло бошини ўтиришига ҳожат йўқ, кимлиги маълум эди. Шунинг учун бутун жасоратини йигди-да, хотиржам жавоб қилди:

— Ҳа, ё Умар, Оллоҳнинг даргоҳи кенг, эркин нафас олишимиз мумкин булган бир юрт қидириб йўлга тушмоқчимиз. Ахир, сизлар бизни огир аҳволга солиб қўйдингиз-ку? Аёвсиз эзиб, хўрладиларингиз. Уз ватанимизда осойишта яшашимизга қўймадиларингиз. Умид қиламизки, Оллоҳ бизга ҳам бир бошпана бериб қолар.

— Жуда соз. Оллоҳ йўлдошингиз булсин...

Лайло Умарнинг овозида қандайдир маъюслик, ачиниш оҳангларини сезд. Аслида, у жуда гамгин эди, ичи ёнарди, ҳўнграб йиғлаб юрмаслик учун тўхтовсиз равишда лабларини тишлар эди. Уйини, гушасини, тугилиб усган ватанини тарк этиш осонми?

Балки мана шу гамгилик боис Умарнинг овозида маъюслик бордек туюлгандир. Ёки Умар чиндан ҳам унга ачиндими?

Бир оздан кейин эри Амир келгач, унга бор гапни сўзлаб берди. Амир хотинининг кузатишларига унчалик аҳамият бермади.

— Нима, Умар мусулмон бўлади деб ўйлаясанми?!

— Ҳа, нимагадир кўнглимда шунақа фикр уйғонди. Қилган зулмларига пушаймонлик ҳисси бор эди, назаримда.

— Ақлим бовар қилмайди, — деди Амир. — Хаттобнинг эшаги ҳам мусулмон булмагунча, Умар мусулмон бўлмайди.

Сўхбат асносида тайёргарлик ҳам тугади. Жондан азиз ватанларини тарк этар эканлар, олдиндаги эшакка «Чух!» дедилар.

Бошқа-бошқа вақтларда, гуё бир-бирларидан беҳабар каби йўлга чиққан хотин ва эркаклардан иборат ўн беш кишини Жидда йули бирлаштирди. Ўн биттаси эркак, тўрттаси аёл эдилар. Бирлашганларидан сўнг, мабодо орқамиздан хабар топиб яна таъқиб этиб юрмасинлар, деган ўйда тез-тез юриб кетдилар.

Жиддада энди йўлга отланиб турган бир кеманинг устидан чиқиб қолдилар. Дарҳол йўлқира келишилди. Одам бошига ярим динордан тўтри келди. Кемага ўтирдилар. Вақтни йўқотмай, кема тез йўлга чиқди.

Мушриклар бу сафар тўтрисида кечроқ булса-да, хабар топиб, ўша заҳоти орқаларидан таъқиб эта бошладилар. Жидда соҳилига келдилар, аммо улгурмадилар. Узоқдан қораси тобора кичиклашиб бораётган кемага битта ишора қилиб:

— Ана улар, ҳув анави кемада кетяптилар, — деди.
Кема соҳиддан анча-мунча узоқлашиб кетган эди, орқага қуруқ қайтишдан ўзга чора қолмади уларга.

* * *

Ҳабаш ўлкасининг бағри кенг эди. Кемада келган шунча йўловчини сиздирган, бу ўн беш киши билан торайиб қолмасди. Бориға қаноат қиладиган, аҳволларидан шикоят этмайдиган бу кишилар тезда Ҳабаш юртига урнашиб олдилар.

Улар тинч-хотиржам тоат-ибодат қила бошладилар. Ҳеч ким тазйиқ этмайди. Маккадаги ҳаётнинг буткул акси. Осойишта кунлар бошланди. Абу Жаҳл, Абу Лаҳаб, Умар ибн Хаттоблар бу ерда йўқ. Аммо Макканинг доғи-ҳасрати, Расулуллоҳнинг (с.а.в.), Каъбанинг, у ерда қолган мўминларнинг соғинчи бор эди бу кунгилларда. Бу ердаги одамларни биров танймайди. Ораларида биронта ҳам мусулмон йўқ. Шундай бўлса ҳам, ҳабашистонликлар уларни кучоқ очиб кутиб олдилар, огирларини енгил қилиб, кумакчи бўддилар. Тоат-ибодатларига эса, аралашмас эдилар.

* * *

Макка...

Расулуллоҳни (с.а.в.), жинни бўлиб қолибди, деган миш-мишлар тарқатилди. У ер-бу ерда гап очилса, уни шайтон васвасага солиб қўйган, деб гапиришар эди. Ҳатто ҳузурларига келиб, у кишига очиқ-ойдин:

— Сен жиннисан, — деганлар ҳам бўлди.

— Ахир, гапларинг тўғри булса, бизга далил қилиб фаришталарни кўрсат, — дердилар.

Гап эшитадиган, гап уқадиган аҳволда эмас эди улар. Аслида, гап уқши учун келмаган эдилар.

— Ёнингда фаришталар бўлмаса, биз билан гаплашма, эҳтиёт бул... — дердилар.

Ҳар ким оғзига келганини қайтармас эди. Бу сўзлар гофил бандаларнинг, гумроҳ кимсаларнинг истеҳзо, кинояларидан иборат эди.

Расулуллоҳни (с.а.в.) телба деб миш-миш тарқатганлар ўзлари ҳам телба эмас эди. Ақли жойида, эс-ҳушли одамлар эди.

Тижорат соҳасида илоннинг ёғини ялаган, мугамбир, айёр кишилар бор эди ораларида. Уларни адаб, қўлларидоги молни олиб қўйиш амримаҳол эди. Ҳаж мавсуми яқинлашган сари, бўлгуси ташвиқотларда бир ёқадан бош чиқариб иш тутайлик, акс ҳолда, мусофирлар шу бўҳаланиб қоладилар, деб келишиб олишлари уларнинг етарли даражада ақллари бор эканлигини кўрсатмайдими?!

Расули Акрамнинг (с.а.в.) эс-ҳушлари жойидами-йўқми эканини ажрата оладиган лаёқатли кимсалар эди улар. Неча йиллар у зот билан маслаҳатлашиб, у кишининг ўғитларидан ўрнак олиб иш тутган ва ниҳоят «ал-Амин» деб исм берганлар ҳам ўша гумроҳлардир. Бу сифат инсонларга берилиши мумкин бўлган энг яхши, энг улут бир ном эди. Буюк Оллоҳ ҳам ўз ҳабибини «Амин» деб сифатлаган, ахир.

Улар бу миш-мишлар билан мусофирлар тугул, ўзларини ҳам алдай олмай гаранг бўлиб юрганларида, Расулуллоҳни (с.а.в.) навбатдаги ваҳий иси қамраб олди. Муборак қалбларига илоҳий калом ушбу оятларни ёза бошлади:

«Нун. Вал-каломи ва ма йастурун...»

— Нун... Қалам ва (у билан фаришталар) битадиган битикларга қасамки, сиз — Парвардигорингизнинг марҳамати билан — мажнун эмасдирсиз. Албатта, сиз учун (кофирларнинг бундай озорларига сабр-тоқат қилганингиз сабабли) битмас-туганмас ажр-мукофот бордир. Албатта, сиз улут Хулқ устидадирсиз. Ҳали яқинда қайсиларингиз (яъни, сизми ёки уларми) мажнун эканликларингизни сиз ҳали кўражаксиз, улар ҳам кўражаклар. Албатта, парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йулидан озган кимсаларни жуда яхши билгувчидир ва У ҳидоят толгувчиларни ҳам жуда яхши билгувчидир. Бас, сизнинг ҳақ пайгамбарлигингизни ва Қуръонни «ёлгон» дегувчи кимсаларга итоат этманг! Улар сизнинг кўнгилчанлик — муроса қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам кўнгилчанлик қилурлар. Яна сиз ҳар бир тубан қасам-хўр, гийбатчию гап ташувчи, яхшиликни ман қилгувчи — бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари, бена-саб-ҳароми кимсага итоат этманг! У мол-мулк ва ўғиллар эгаси бўлгани учун (ўзидан кетиб) қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: «Булар аввалгиларнинг афсоналари-ку!» дер. Яқинда биз уни тумшугидан тамгалаб қўяжакмиз!»¹

Бу оятлар мушрикларга ўқиб берилганда, улар портлагудай даргазаб бўддилар.

Телба деб миш-миш тарқатганлари бу одамнинг нимаси телба? Қайси иши, қайси сўзи жиниларнинг сўзи ва ишларига ўшайди?..

Оятларда таъкидланган «Улут бир хулқ устида» эканлиги тўғрисидаги ҳақиқатни қайси виждонли одам инкор эта олади?

Бутун ўжарликларига қарамай, қалбларидан сугура олмаган ҳақиқат — Расулуллоҳнинг (с.а.в.) тўғри сўз, ишончли инсон эканликлари эди. Бу оятларга қарши «Э, бор-э, буларнинг ҳаммаси гирт бўҳтон... Орамизда бу жирканч иллатларни ўзида жамлаган кимса йўқ...» дейишга журъат эта олишмас эди, чунки худди шундай сифатларга эга киши ораларида борлигини ҳеч ким инкор қила олмасди.

Ҳар ким ўзича бу ҳақда бош қотирар, таниқли ва бообрў,

¹ Қалам сураси, 1—16.

мол-дунёси ҳамда утиллари кўп бўлган кишиларни бирма-бир ақл сузгичидан ўтказар эди.

Ахнас ибн Шарик, Валид ибн Мугийра, абу Жаҳл Амр ибн Хишом ва шу кабилар бу оятлар ўзлари ҳақида эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Аммо ҳаммани ўйлатиб ва ажаблантириб қўйган бир сифат бор эдики, бу ҳам бўлса, ҳалиги кишининг «бенасаб-ҳароми» (яъни, зинодан тугилган) фарзанд эканлиги эди...

Ожиз банда ўзининг қандай йўл билан она қорнига тушганини қаердан ҳам билсин?

* * *

— Онажон, Муҳаммад мени бир қатор жирканч иллатлар билан сифатлаб танитди. Ўйлаб-ўйлаб, чиндан ҳам уларнинг баъзилари менда борлигини инкор эта олмадим. Аммо бир жиҳат мени жуда ажаблантириб қўйдик, уни ҳеч миямдан чиқара олмаяман. Бу жиҳатни фақат сен тушунтириб, изоҳлаб беришинг мумкин.

— Хўш, нима гап экан, ўғлим?

— Бенасаб-ҳароми деб таъкидламоқда. Буни сендан бошқа ким ҳам биларди? Энди тўғриси айт, мен зино йўли билан тугилганманми?

Она огир аҳволга тушиб қолган эди. Ўғли ужарлик қилиб туриб олгач, очигини айтишга мажбур бўлди:

— Ўғлим, сенга ҳозир бир ҳақиқатни очик-ойдин сўзлаб бераман. Тўғри ёки нотўғри иш қилганимни яхшилаб ўйлаб кўр. Сўнгра, агар истасанг, мени ўлдириб юборсанг ҳам майли.

Бир-икки сония чуқур нафас олди. Ҳаяжонини босиб олгандан сўнг, ҳақиқатни очиб бошлади:

— Отанг бой, аммо жисмонан заиф, ҳезалак бир одам эди, ҳеч бола бўлмади. Мол-мулки бегоналарга қолмасин, деб бир чўпон билан қўшилдим. Шундан кейин сен тугилдинг...

* * *

Бу суҳбат Валид ибн Мугийра билан онаси орасида бўлиб ўтганлигини тасдиқловчи ривоятлар бор. Аммо бу унчалик аниқ маълумот эмас. Чунки жоҳилия даврида зино жуда кенг тарқалган, шу йўл билан тугилган болалар ҳам оз эмас эди.

* * *

Қалам сурасининг кейинги оятларида эса, маккаликларнинг Ҳаққа бўйин эгмайдиган, уз кучидан бошқа кучни тан олмайдиган тоифасига ибрат бўлсин, деб бир мисол келтирилади: Маккадан унча узоқ бўлмаган Яман диёрида жуда катта мевали боғнинг бир эгаси бўлган экан. Ҳар йили ҳосил пишганида, камбагал-мискинларнинг ҳақ-улушларини ажратиб берар экан. Лекин у киши вафот этгач, мевазор боғга эга бўлиб қолган фар-

зандлари бошқа йўлни тутадилар. Қуйидаги оятларда Оллоҳ Таоло ўша ҳодиса ҳақида ҳикоя қилади:

«...Дарҳақиқат. Биз уларни (Макка аҳлини очарчилик ва қаратчилик билан) балолодик. Биз (илгари) боғ эгаларини ҳам худди шундай (махрумлик билан) балологан эдик. Ушанда улар албатта уни (яъни, боғнинг ҳосилини) эрта-тонгда (камбагал-мискинларга ҳақ-улуш) ажратмаган ҳолларида узиб олишга қасам ичган эдилар. Бас, (тунда) улар уйқуда бўлган чоғларида у (боғ)нинг устида Парвардигорингиз томонидан бўлган айлангувчи (бало-олов) бир айланди-ю, у (боғнинг ҳосили) узилгандек бўлди-қолди. Улар эса, эрта тонгда туришиб, «Агар (ҳосилни) узмоқчи бўлсангизлар, зироатгоҳларингизга юра қолинглар», (деб) бир-бирларини чақирдилар. Сўнг: «Бутун у (боғда ҳосил узаётган вақтда) устларингизга бирон мискин келиб қолмасинда», (дейишиб) бир-бирларига пичирлашган ҳолларида жўнаб кетдилар. Улар тонг-саҳарлаб бордилар. Энди қачонки, уни (яъни, куйиб кулга айланган боғларни) кўришгач, (аввал): «Шакшубҳасиз бизлар йўлдан адашиб қолдик», дедилар, сўнг бу ўзларининг боғлари эканини билишгач: «Йўқ, бизлар (боғимиздан) маҳрум бўлибмиз», дедилар. Уларнинг инсофлилари: «Мен сизларга (Оллоҳга) тасбеҳ айтиб шуқр қилмайсизларми, демаганмидим?» деган эди. Улар (энди вақт ўтгач): «Парвардигоримиз поклаймиз. Дарҳақиқат, бизлар узимизга зулм қилгувчи бўдик», дедилар. Сўнг улар бир-бирларига боқиб, маломат қилиша бошладилар. Улар дедилар: «Эй, улим бўлсин бизларга! Дарҳақиқат, бизлар ҳаддан ошгувчи бўдик. Шоядки Парвардигоримиз бизларга у (боғ)дан ҳам яхшироғига алмаштириб берса. Бизлар албатта ёлғиз Парвардигоримизга интилувчидирмиз». (Оллоҳнинг амридан четта чиққан кимсалар учун) мана шундай азоб бордир. Агар билсалар, охирад азоби, шакшубҳасиз, янада каттароқдир. Албатта, тақводор зотлар учун Парвардигорлари ҳузурда ноз-неъмат боғлари бордир. Ахир, Биз мусулмонларни жиноятчи-кофир кимсаларга баробар қилурмизми?»¹

Ҳақиқий адолат шундай эмасми? Золимга ҳам мукофот, мазлумга ҳам мукофот тамойили татбиқ этилса, тўғри бўладими, ахир?

Меҳнаткаш билан дангаса бир бўлсин, эзгулик қилувчи киши билан гаразгўй, бахил кимсалар тенг бўлсин, бир хил муомага курсин...

Соғлом фикрлайдиган киши асло бунга рози бўлолмасди. Шу сабабдан бўлса керак, Оллоҳ Таоло: «Оллоҳга таслим бўлган итоатгўй муминларни, бош кўтариб инкор этувчи кофирлар билан тенг қўймайман» мазмунида хабар берди.

¹ Қалам сураси, 17—35.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) Жаброилдан олган саломларини эгасига етказдилар:

— Эй Хадича, Жаброил сенга Оллоҳнинг саломини келтирди, — дедилар.

Адаб ва фазилат намунаси бўлган буюк Хадича намли кўзларини артиб, жавоб берди:

— Салом Оллоҳ Таолодир. Ҳар қандай салом ундандир. Жаброилга ҳам салому салавот бўлсин.

* * *

Фавқулодда бир таклиф

Абу Толибга қилинган иккинчи таклиф ҳам беҳуда бўлган, аксинча, жиянини ҳимоя қилишда давом этаётган эди.

Кунлардан бир куни Абу Толибнинг эшигини тақиллатиб, мушрикларнинг оқсоқоллари учинчи ва сўнгги дафъа келдилар.

— Эй Абу Толиб, — дедилар. Биз олдин ҳам сенинг ҳузуриингга бош уриб келдик, аҳволимизни баён этдик. Сен қулоқ солмадинг. Бу кетишда орамизни қилич билан очик қилишга тўғри келадиганга ухшайди. Бу сафар энди сўнгги марта, аммо янги бир таклиф билан келдик.

— Қанақа таклиф экан у?

— Умора ибн Валид ибн Муғийрани сенга таклиф қиламиз.

— Хуш, нима қилибди Уморага?

— Жуда яхши биласанки, эй Абу Толиб, Умора қурайший ёшлар ичида куч-қувват ва ақл жиҳатидан биринчи ўринда туради. Ёшлар ичида ундан ёқимлиги йўқ. Ишбилармон бир йигит. Уни сенга берамиз, эвазига сен Муҳаммадни бизнинг ихтиёри-мизга топширасан. Шу билан муаммо ҳал бўлади.

— Жуда соз. Сизлар менинг жиянимни нима қиласизлар?

— Ўлдирамиз.

Абу Толиб қулоқларига ишонмади.

— Жиддий сўзлаясизларми?

— Албатта.

— Демак, сизлар менинг ўғлимни олиб, ўлдирасизлар, бунинг эвазига мен сизларнинг ўглингизни тарбиялайман, шундайми?! Сизларнинг бу таклифларингизга ҳатто туя ҳам рози бўлмаса керак. Ҳайвонга ҳам тўғри келмайдиган ишга қандай қилиб мени кундирмоқчи бўлдиларингиз-а? Истасаларингиз, олдин ўғилларингизни менга беринглар, мен уни ўлдирайин, шундан кейин ўғлимни сизларга бераман.

— Майли, аммо бизнинг ўғлимиз сенинг ўглинг қилаётган ишларни қилаётгани йўқ. Сенинг ўглинг бизнинг илоҳларимизни ҳақорат қиляпти, бизларни гумроҳликда айбляпти, жамоамизни тарқатяпти, қариндошни қариндошдан совутиб, душманга айлан-тиряпти.

Абу Толиб жавоб берди:

— Худо ҳаққи, менинг ўғлим сизларнинг ўглингиздан хайр-лироқдир. Инсонларни ҳам хайрли ишларга ва фазилатга даъват этапти...

Мунозара бирмунча вақт давом этди. Хайрлашаётган чоқларида мушриклар сўнгги сўзларини ифода этдилар:

— Шуни билгинки, эй Абу Толиб, муаммо очиклигича қолди. Ё жиянингни тийиб қўясан, ё бу масалани ҳал этгунча ва ёхуд икки томондан бири йўқ бўлгунгача сен билан курашамиз! Қайси бирини истасанг, шуни танла, — дедилар ва тез-тез юриб чиқиб кетдилар.

* * *

Бир иш билан Маккадан ташқарида айланиб юрган Нодир «Ҳожун» қабристонининг ёнидаги тепалиқда утирган одамни кўрган заҳоти, қувонганидан ёрилиб кетаёзди. Чунки у ерда Расулуллоҳ утирар эдилар. У кишини бундай ёлғиз ҳолатда ҳеч учратмаган эди.

«Ҳозир уни бир ёқлик қилишнинг айнаи фурсатидир» — буни Нодирнинг ичидаги иккинчи шахс пичирлагандай бўлди гўё. Уни севинчдан узини йўқотар ҳолатга солган мана шу вазият эди.

Нима қилиб бўлмасин, бу яккама-якка олишувда енгмоги даркор эди. Чунки Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳам қараб утирмаслиги аниқ. Узини ўлдириш ниятида орқасидан пусиб келган одамга дарҳол таслим бўлиб, «Марҳамат, азизим, нима қилмоқчи бўлсанг, қилавер. Аммо орқага чекинсанг, сендан кўнглим қолади», демайди, албатта.

Секин-аста яқинлашар экан, мияси ҳамон қулай бир режа тузиш билан банд эди. Пусиб бориб, бирданга устига ташланиш, илк зарбани шу тариқа бериш энг оқилона йул эди. Яна бир неча қадам юрган Нодир бирдан тўхтаб қолди, кўзларини ишқалади, яна синчиклаб қаради. Йўқ, кўраётганлари туш эмас эди. Ажабки, жимгина, овоз чиқармай, сокин утирган Муҳаммаднинг атрофида бир нечта арслон айланиб юрарди.

Нодир қўлини чимчилади. Қўрққанидан шундай кўриндими? Йўқ, у унча-мунчага қўрқмайди. Зеро, қўрққанида эди, ганимини кўрган заҳоти ўлдиришга чоғланармиди, ҳатто ёлғиз учратиб қолганидан қувониб кетармиди? Аммо кўраётганлари чин эди. Яна бир-икки одим ташламоқчи бўлди. Бу дафъа арслонлар ҳам унга қараб юра бошладилар. Оғзиларини даҳшатли равишда очиб келаётган бу арслонларга беҳудага ем бўлишни ким истарди?! Орқага қайтиш ёки уларга ем бўлиш...

Нодир: «Жонимни бозордан сотиб олганим йўқ», деди ўзига ўзи ва фурсат борида жуфтакни ростлаб қолди.

Бу пайтда Марям сураси тушаётган эди.

Бу муборақ сура Закариё, Яҳё, Марям, Исо, Иброҳим, Мусо ва Идрис пайгамбарлар (алайҳиссалом) ҳақидаги қиссаларнинг зикридан иборат эди:

«Ушбу китобда Иброҳим (қиссаси)ни ҳам зикр қилинг! Дарҳақиқат, у жуда росттўй пайгамбар эди. Эсланг, у отасига: «Эй ота, нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирон фойда етказа олмайдиган бутга ибодат қилурсан? Эй ота, дарҳақиқат, сенга келмаган илм-маърифат менга келди. Бас, сен менга эргашгин, сени ҳақ йўлга ҳидоят қилурман. Эй ота, сен шайтонга ибодат — қуллик қилмагин. Чунки шайтон Раҳмонга осий бўлгандир. Эй ота, ҳақиқатан, мен сенга Раҳмон томонидан азоб етиб, (дўзахда) шайтонга дўст-яқин бўлиб қолишингдан қўрқурман», деганида (отаси) айтди: «Сен менинг худоларимдан юз утирувчимисан, эй Иброҳим?! Қасамки, агар сен тўхтамасанг, албатта сени тошбўрон қилурман ва (ёки) мени бутунлай тарк эт!» (Иброҳим) деди: «Омон бўл. Энди Парвардигоримдан сени мағфират қилишини сўрарман. Шак-шубҳасиз, у менга меҳрибон бўлган зотдир. Мен сизлардан ҳам, сизлар Оллоҳни қўйиб, илтижо қилаётган бутларингиздан ҳам четланурман ва (ёлғиз) Парвардигоримга илтижо қилурман. Парвардигоримга илтижо қилганим шарофатидан (сизлар каби) бадбахт бўлиб қолмасман, деб умид қилурман». «Бас, қачонки (Иброҳим) улардан ва улар Оллоҳни қўйиб сигинаётган бутларидан четлангач, биз унга (фарзандлари) Исҳоқ ва Яъқубни ҳада этдик ва барчаларини пайгамбар қилдик. Шунингдек, уларга Ўз фазлу марҳаматимиздан инъом этдик. Ва улар учун рост ва юксак мақтовларни барқарор қилдик» (41—50).

Бир пайтлар буюк Пайгамбар Ҳазрати Иброҳим (с.а.в.) отаси Озарга шу сўзларни айтган ва отаси унга қарши чиққан. Бугун Оллоҳнинг сўнги пайгамбари ҳам қавмини, қабиласини бутлардан узоқ тутиш, бутларга қулликдан қутқариш учун айнаи даъватни қилаётган ва айнаи натижани олаётган эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ушбу оятлар билан боғлиқ равишда шундай маълумот бердилар:

«Қиёмат куни Пайгамбар Иброҳим (с.а.в.) Озар билан учрашади. Озар юз-кўзи чанг-тузонга беланган, паришон бир аҳволда бўлади. Иборҳим (с.а.в.) унга дейдики:

— Мен сенга фоний дунёда «Менга қарши исён қилма, сўзимга кир», демаганмидим? Мана, қандай аҳволга тушганингни энди ўзинг ҳам кўриб турибсан.

Отаси шундай жавоб қилади:

— Бугун ортиқ сенга қаршилиқ кўрсатмайман. Нима десанг, шуни бажо келтираман.

Ҳазрати Иброҳим (с.а.в.) Жаноби Ҳаққа илтижо қилади:

— Ё Робб, сен менга инсонлар қайта тириладиган ушбу кунда мени гамгин қилмасликка ваъда берган эдинг. Сенинг раҳматингдан жудо бўлган отамни паришон бир ҳолатда кўришдан

ортиқ гам-қайгу борми менга?! Лутфан уни менга багишла, Роббим!..

Оллоҳ Таоло шундай буюради:

— Мен жаннатни кофирларга ҳаром қилдим. — Шундан кейин яна Иброҳимга мурожаат этилади: — Эй Иброҳим, бир қара, оёқларингнинг остидаги нарса нима?

Қараса, қонга беланган бир сиртлон ётибди. Шундай аҳволга солинган отаси Озар буюк Пайгамбарнинг кўзлари олдида оёқлари остидан олиниб, жаҳаннамга улоқтирилади.

Бу сўзларни тинглаган мусулмонларнинг бошлари эгилди, кўзлари намланди. Бир пайгамбар, қолаверса, пайгамбарларнинг отаси ҳисобланувчи буюк пайгамбар Иброҳим (с.а.в.) ҳам отасини жаҳаннам азобидан қутқаришга ожиздир, дегани эди бу.

Юраклар қўрқувга тўлди, нафаслар сиқилди. Чехраларни гамгинлик эғаллади. Қиёмат кунининг даҳшатлари кўз олдиларида намоён бўлгандек эди. Қалблар буюк Оллоҳга йўналди. Қиёмат кунининг даҳшатли дақиқаларида Набийий Акрамдан узоқда қолдирмасликка, у зотнинг шарафли байроқлари остидан урин олишга изн беришини сўраб илтижо қилдилар.

* * *

Ос ибн Воил бошини кутариб, қаршисида турган одамга мағрурона қаради:

— Нима истайсан? — деди.

— Ҳақимни, — деди у одам.

— Азизим, ахир, киши ҳақини ҳадеб сўрайверадими?.. Устига-устак, сен мендек бир муътабар одамни шу арзимаган нарсаларни деб безовта қиляпсан, уялмайсанми?!

— Илк келганимдаёқ қарзингни узганингда, иккинчи дафъа ёнингга келмасдим.

Ос қарзини бериш ниятида эмасди.

— Менга қара, Хаббоб, — деди, — сенга қарзимни ҳозироқ тўлашим мумкин. Аммо бир шартим бор.

— Қанақа шарт?

— Муҳаммадни инкор этасан. Ушанда дарҳол пулингни олиб кетаверасан.

Хаббоб бошини чайқади:

— Асло! Сен ўлиб қайта тирилгунингча ҳам қарзингни беришингни кутишга тайёрман, аммо уни инкор этмайман! — деди.

Ос кесатиқ аралаш суради:

— Демак, мен ўлгандан кейин қайта тириламан, шундайми? Сен бунга чиндан ҳам ишонасанми?

— Албатта, чин юракдан ишонаман.

— У ҳолда менинг ёқамни қўйиб юбор, эй Хаббоб. Модомки ўлгандан сўнг қайта тирилсам, ушанда ҳам мол-мулким бўлади, мен сенга қарзингни ортиги билан тўлайман. — Хаббобга қаттиқ тикилиб: — Сўз бераман, Хаббоб, ушанда ортиги билан тўлайман! — деб такрорлади.

Хаббоб қаттиқ хафа бўлди. Энди қарзини бу дунёда олол-маллигига ишонч ҳосил қилган эди.

«Оллоҳим, ҳақимни ўзингга ҳавола этаман», деб Оллоҳга ёлворди. Унинг бу фарёди юрагидан самимий чиқаётган эди.

Куп ўтмай буюк Оллоҳ Расули Акрамининг муборақ қалбига Хаббобнинг мазкур фарёди билан алоқадор ушбу оятларни сингди: «(Эй Муҳаммад) Бизнинг оятларимизга кофир булган ва: «Қасамки, албатта, (охиратда ҳам) менга мол-мулк ва бола-чақа ато этилур», деган кимсани кўрдингизми? У гойибдан хабардор бўлдимкикин ёки Раҳмон даргоҳидан аҳду паймон олдимкикин?! Йўқ! Албатта, Биз унинг айтаётган сўзини ёзиб кўюрмиз ва унинг учун азобни зиёда қилурмиз. У айтаётган (мол-дунё)га Биз меросхўр бўлурмиз ва у ҳузуримизга ёлғиз ҳолда келур»¹.

Расулуллоҳ ушбу оятларни ўқиганларида, Хаббобнинг ёнаётган юрагига муздек сув сепилгандай таъсир этиб, у яна хотиржам бўлди. Бу мавзуда саҳобалар Расулуллоҳнинг ширин суҳанларидан қуйидаги ҳодисани тингладилар:

— Исроил ўғилларидан бир одам бошқа биридан минг динор қарз бериб туришни сўради. У одам пулни шоҳидларнинг ҳузурда бериш истагини билдирганда, қарз сўраган одам:

«Оллоҳ Таоло шоҳиддир, шунинг ўзи кифоя», деди.

«У ҳолда менга кафолат келтир», деб сўради.

«Оллоҳ Таолонинг кафиллиги кифоя қилур», деган жавобни олди.

«Гапинг тўғри. Оллоҳ Таоло ҳам кафил, ҳам шоҳиддир», деди ва минг динорни санаб берди. Қайтариб бериладиган муддат, ой, кун ва вақти, жойи белгиланди.

У одам пулни олгач, денгизда кемага утириб, кетди.

Қарзни тўлаш вақти яқинлашгач, ваъдага биноан соҳилга келди. Бир кемага утириб аҳдлашган жойга етиб бориши керак эди. Аммо ҳали кемадан дарак йўқ. Ҳайлаб-ҳайлаб, қўлига бир ёғоч бўлагини олди. Орасини ўйиб очди, минг динорни жойлаштирди, қисқа қилиб: «Бу фалон одамга тегишлидир», деб ёзди, сўнгра ёрган жойини маҳкамлаб беркитиб, денгизнинг қирғоғига келди:

«Оллоҳим, ўзинг биласанки, мен фалон кишидан минг динор қарз олган эдим. Мендан кафолат сўради. «Оллоҳ Таолонинг кафиллиги етар», деб жавоб қилдим. Шоҳид сўради. «Оллоҳ Таолонинг шоҳидлиги етар», дедим. Сенинг кафиллигингга ва шоҳидлигингга рози бўлди. Аммо, мана бутун — қарзимни тўлашим керак булган кунда денгизнинг у томонида сузиб утишим учун кема топа олмадим. Бу пулларни энди ўзингга омонат қилиб топшираман», деди ва новдани денгизга отиб, қайтиб кетди.

Денгизнинг у томонида қарз берган одам ҳам соҳилга чиққан, бирон кема келиб қолса, мендан қарз олган одам пулимни олиб келар, деб кутар эди. Ҳеч ким келмади. Бирмунча кутди, сўнгра сув юзасида қалқиб турган йўгонгина бир гўлага кузи

тушди. Қизиқсиниб, сувдан олди. Утин қиларман, деган уйда уйига олиб келди. Ёриб кўрса, ичидан пул ва мактуб чиқди...

Орадан бир неча кун ўтиб, қарздор келди, минг динорни чиқариб, қарз берганнинг олдига қўйди.

«Худо ҳаққи, сенга қарзимни ўз вақтида тўлаш учун роса кема пойладим, аммо кема келмади. Қасам ичиб айтаманки, олдинроқ келишга ҳаракат қилдим, лекин урдасидан чиқа олмадим», деб узрини айтди.

«Жуда соз. Сен менга бир нарса жўнатганмидинг?»

«Айтдим-ку, вақтида бу ёққа ўтадиган кема тополмадим...»

«Аммо Оллоҳ Таоло сенинг гўла ичига олиб жўнатган пулларингни менга етказди ва қарзингни тўлади. Энди мана бу пулларингни қайтиб олгин-да, саломат бўл», деди.

* * *

Ҳабашистон сари яна бир сафар

Ҳабаш улқасига илк ҳижрат қилганлар Маккада қолганлар учун яхши бир имконият яратган, ҳалос эшигини очган эдилар. Энди Маккадаги мўминлар уларнинг орқасидан боришлари мумкин эди ёки шу ерда қолиб, узлуксиз-давомли зуравонлик ва ҳўрликларга бардош беришлари лозим эди.

Ҳар кунги ҳақоратлар сабр косаларини тобора тўлдириб борди. Ҳеч қачон ортга қайтмаслик шарти билан куфрдан воз кечган бу инсонларнинг асл мақсадлари — бундан бу ёғига куфроний ҳаётдан абадий узоқ бўлиш ва иймонларини давом эттириш эди.

Ниҳоят, Абу Толибнинг ўғли Жаъфар ҳам кетишга қарор қилди. Хотини Асмо бинти Умайс билан биргаликда йўлга чиқди. Унинг ортидан Ҳабаш сафарига отланганларнинг сони ортди. Иккинчи муҳожирлар қофиласи — саксон икки эркак, ун аёл Маккани тарк этдилар. Бу гал йўлга чиққанлар орасида Жаъфардан ташқари, Амр ибн Саид, Холид ибн Саид ва ҳар иккаласининг хотинлари, Убайдуллоҳ ибн Жаҳш ва унинг хотини Умму Ҳабиба, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Миқдод ибн Амр, Абу Убайда ибн Жарроҳ каби таниқли инсонлар бор эди.

* * *

Абу Ухайфа ўша кунларда огир дардга чалинган эди. Беҳол эди, ўрнидан туришга ҳам мажоли йўқ эди. Аммо ҳанузгача ўгли Холид, келини Умайна ва иккинчи ўгли Амрдан даргазаб эди, уларни ҳеч кечира олмас эди.

— Худо хоҳласа, касалликдан туриб яна дармонга кирсам, Ибнул-Қабшанинг (Расулуллоҳнинг) таъзирини ўзим бераман. Маккада унинг Тангрисига ибодат қилинмайди! — дер эди. Ичидан сўнмас бир қасос ўти бор эди. Тобора алаангаланаётган, тобора кучаяётган бир олов...

¹ Марям сураси, 77—80.

Холид ибн Саид Маккани тарк этиш арафасида отасининг қандай қасам ичганини эшитиб қолди ва қўлларини кўтариб:

— Оллоҳим, уни бу касалликдан қутқарма! — деб дуоибад қилди.

Шундан кейин хотини билан йўлга тушди.

* * *

Маккада мўминларнинг сони тобора камаяр эди. Биттадан, иккитадан бўлиб шаҳарни тарк этаётганлар ҳатто ҳеч ким билан хайрлашмадилар. Чунки уларнинг йўлга отланаётганликларини мушриклар эшитиб қолгудай бўлса, тўсқинлик қилишга уришлари муқаррар эди.

Кейингилар оддин борган биродарларини топдилар. Уларнинг ёнига ўрнашдилар. Шу йўсинда Ҳабашистонда мусулмонларнинг маҳалласи вужудга келди. Аҳолиси аёл-эркак ҳаммаси бўлиб юз кишидан кўпроқ бўлган кичик бир маҳалла...

Бу ерда осойишта турмуш кечира бошладилар. Ҳеч ким улардан нима учун «Ёлғиз Оллоҳга» ибодат қиляпсизлар, деб суриштирмас эди. Улар ҳам, ўз навбатида, маҳаллий халқнинг динига аралашмадилар.

Ҳабашликларга даъват қилингани ё улардан бирон-бир кишининг бу даъват ва тушунтиришлар туфайли мусулмон бўлгани тўғрисида маълумот йўқ.

Эҳтимол, «Бегона юртдан келиб бизни динимиздан қайтардилар», деган маънода фитна кўзгалишидан, ўрталаридаги муносабат бузилиб қолишидан, натижада Маккадаги каби оғир аҳвол юзага келишидан андиша қилган бўлсалар, ажаб эмас. Ахир, ҳабашликлар ҳам уларга душман бўлиб қолсалар, бутунлай охириги бошпана ҳам қўлдан кетиши турган гап эди. Қолаверса, илк муҳожирлар орасида Макка ҳасратида ёниб адоий тамом бўлаётганлар ҳам йўқ эмас эди.

* * *

Жаъфар ибн Абу Толиб ва унинг биродарлари Ҳабашистонга кучиб келгандан бери Маккадан илк хабар келди. «У ёқда аҳвол қандай экан?» деб илҳақ эдилар, ҳаммани қизиқтириб турган савол жавобини топди. Абу Жаҳлнинг ҳамон «Абу Жаҳл», Абу Лаҳабнинг «Абу Лаҳаб» бўлиб қолгани англашилди. «Демак, ҳануз эски ҳаммом, эски тос экан-да», деб ўйладилар.

Расулуллоҳдан (с.а.в.) келган салом кўнгилларга ҳузур бағишлади. Мижжалар намланди, кўзлар ёшга тўлди. Буюклар буюгининг саломини олиб йиғлаб юборганлар орасида кўзларидан нур доналарини оқизган Руқайя ҳам бор эди. Айниқса унинг соғинчи икки ҳисса эди: ҳам ота сифатида, ҳам Саййидул Анбийе улароқ... Онаси Ҳазрати Хадича, сингиллари Умму Гулсум, Зайнаб ва Фотима кўз ўнгидан кетмас, бир кун улар билан

қайта кўришишни, бўйинларига осилиб, тўйиб-тўйиб ўпишни жуда-жуда истар эди.

* * *

Мусулмонлар ими-жимиди Маккани тарк этдилар, ҳеч кимга билдирмай йўлларида давом қилдилар, аммо Маккада ҳувиллаб қолган уйлари нима бўлади, деган савол туғилиши табиийдир. Бир эмас, ўн эмас, юздан ортиқ маккалик она ватанини тарк этиб кетади-ю, у ердагилар бундан беҳабар қолаверадими?

Бир неча кунгача уларнинг эшиклари очилмади, азбаройи безовта қилиш учунгина қидирилганда, топишмади — шунинг ўзиёқ янги бир ҳижрат амалга оширилганини кўрсатди.

Бу дафъа қурайшликлар орасида саросима бошланди. Ҳижрат нима мақсадда қилингани устида тоза бош қотиришди. Турли-туман тахминлар уртага ташланди. Ниҳоят, Ҳабашистон нажожийсига (подшоҳига) икки кишилик бир ҳайъат жўнатишга қарор қилишди. Ос ибн Воилнинг ўгли Амр билан Абдуллоҳ ибн Абу Робиага ушбу вазифа топширилди.

Амр ибн Ос араблар орасида тан олинган ўта айёр ва мугамбир тўрт даҳрийдан бири эди. Қанча яшаган бўлса, шунча пайт унинг бу хислати ўзига қўл келган.

Ҳабашистон ҳукмдори бошлиқ сарой амир-амалдорларию черков ходимларига қимматбаҳо совга-саломлар тайёрланди. Катта умидлар билан йўлга чиқилди. Ҳабашистонга етиб боргач, аввал ҳукумат арконини зиёрат қилдилар. Уларга совга-саломлар тақдим этилди. Ҳукмдорга арз этилмоқчи бўлган масалада ёрдам беришлари сўралди. Сунгра ҳукмдорнинг ҳузурига қабул қилиндилар. Ҳабашликларнинг одатига кўра, ергача эгилиб сажда қилдилар ва салом бердилар. Олиб келинган совгаларни топширдилар. Ҳукмдор:

— Бу ерга нима мақсадда келдингиз? — деб сўради.

Амр ибн Ос сўз бошлади:

— Эй ҳукмдор, биз Маккадек бир жойдан узоқ масофани босиб сенинг юртингга келдик. Орамизда ўз ўрнини билмаган ялангоёқларнинг бир гуруҳи динини узгартирди, ота-боболарининг динидан қайтди. Ота-онаси, қариндош-уруғларига қарши чиқди. Кечаги кунга қадар топинаётган илоҳларига тил теккиздилар. Биз уларни йўлга солмоқчи бўлдик. Аммо бунга муваффақ бўла олмадик. Улар ўртага чиқарган динни биз ҳам билмаймиз, сен ҳам... Бизнинг динимизга қайтмадилар, сенинг динингга кирмаганликлари ҳам аниқ. Биз улар Маккада бошлаган фисқу фасодни бу ерда ҳам чиқариб, сизларнинг бошингизга битган бало бўлмасинлар, деб хавотирдамиз. Шуларни назарда тутиб, қавмимизнинг улуглари бизни сенинг ҳузурингга жўнатдилар. Бу ерда ҳам бир кўнгилсизлик чиқаришларидан олдин уларни бизнинг ихтиёримизга топширсанг. Маккага қайтариб олиб кетардик, шу тариқа сизлар ҳам қутилмаган можаро, қорқолдан эмин булар эдиларингиз.

Хукмдорга бу сўзлар ёқмади.

Навбат сарой аҳлига келди:

— Эй хукмдор, биз у одамларнинг ким эканлигини билмаймиз. Уларни ҳаммадан кутроқ уз қавмининг вакиллари яхши биладилар. Энг тўғриси — Маккадан жунатилган бу одамларнинг сўзларига ишониб иш тутишдир. Агар улар яхши одамлар бўлганида, уз юртларини, қариндош-уруғларини ташлаб бу ерга келмас эдилар.

Хукмдор уларнинг сўзларини бўлди:

— Юртимга келиб мендан паноҳ сўраган мусофирларни ҳе йуқ-бе йуқ тўсатдан бировларнинг ихтиёрига топшира олмайман. Уларни ҳузуримга қақиртириб, сўзларини эшитайлик, шундан кейингина узил-кесил қарорга келаман. Менга уларни топиб келинлар.

Дарҳол чопар жунатилди. Чопар мусулмонларни топиб:

— Сизларни хукмдоримиз ҳузурига чорламоқда, — деди.

Жаъфар ва унинг дўстлари бу таклифнинг маъносини тушунмадилар.

— У бизларни нима мақсадда қақиртирди? — деб сўрадилар хавотирланиб.

Чопар вазиятни тушунтирди: уларни истаб келганларнинг ҳам, хукмдорнинг ҳам сўзларини батафсил ҳикоя қилиб берди. Бу хабар мўминларнинг дилларини сиёҳ қилди. Неча вақтлардан бери зулм кўравериб безиллаб қолган, аммо Ҳабашистонда эндигина ором ола бошлаган қалбларини яна хавотирлик чулғаб олди: «Бу ерда ҳам бизни топишибди-да», деган саросимали ўй бор эди ҳар бирининг юз ифодасида.

Тез орада хукмдорнинг ҳузурига етиб бордилар. Уларни кутиб олган сарой хизматчилари ичкарида қандай муомалада бўлишлари кераклигини тушунтирдилар:

— Кирган заҳоти сажда қилиб, ерни ўпиб салом беришларинг керак, — дедилар.

— Биз фақат ёлғиз Оллоҳга сажда қиламиз, бандасига сажда қилмаймиз, — деб жавоб қилишди мўминлар.

— Нима учун?

— Динимизнинг, пайгамбаримизнинг амри шудир.

Ичкарига кирдилар, салом бердилар.

Амр ибн Ос бир чеккада турар эди. Гап бошлади:

— Салгина олдин сизга уларнинг аҳволи ҳақида гапириб берган эдим, эй хукмдор. Мана, ўзингиз ҳам кўриб турганингиздек, гапларим тўғри чиқди. Булар осий, итоатсиз кишилардир, — деди.

Хукмдор унга жавоб бермади, ҳузурига келган одамларга қаради.

— Қани, айтинглар-чи, юртимизга нима мақсадда келдиларинг? Бу одамлар нима учун орқаларингдан қидириб келибди? — дея сўради.

Жаъфар ибн Абу Толиб сўз олди:

— Ижозат берсангиз, дўстларимнинг номидан мен гапирсам.

— Марҳамат, гапиравер.

— Бу одамлардан сўраб кўринг-чи, эй хукмдор, биз асир тушган қўллармидик, бизларни зўрлаб олиб кетишни истасалар?

Хукмдор, Амр ибн Осга утирилди:

— Хуш, бунга нима дейсан?

— Йуқ, улар қўл эмаслар.

— Яна сўранг, эй хукмдор, биз ноҳақ қон тўккан ёхуд одам удирган жиноятчилармидикки, бизни ўзларининг ихтиёрига топширишингизни талаб этсалар?!

— Қани бунисига нима дейсизлар? Булар қотилми? Ёхуд бошқа бирон айблари борлигидан қидиряписизларми?

— Йуқ, улар қотил эмаслар. Ноҳақ қон тўкмадилар, — деб жавоб қилишди келганлар.

— Сунги марта сўранг-чи, хукмдорим, биз бирон кишининг молини олиб пулини туламаган, омонатига хиёнат қилган кимсалармизми? Бизда ҳақлари бормикан?

— Хуш, эй Амир?

Амр бу саволга ҳам ростини жавоб қилди:

— Йуқ, бу одамлар ҳеч кимдан қарздор эмаслар!

Хукмдор ушбу савол-жавобдан сўнг Амр ибн Осга қайрилди:

— У ҳолда, эй Амр, бу одамларни нима учун, қандай ҳақ билан ихтиёрингизга топширилишини истайсан. Менга буни очиқ баён қилиб бер.

Амр ҳеч қутилмаган бу савол қаршисида ўзини йуқотиб қўйди.

— Булар бизнинг динимиздан воз кечдилар, Муҳаммадга қўшилиб, унинг динига кирдилар, — деди.

Хукмдор яна Жаъфарга қаради:

— Эски динингизни нима учун тарк этдиларинг? У диндан чиққан бўлсаларинг, менинг динимга ҳам кирмасаларинг, у ҳолда сизларнинг динингизнинг асл моҳияти ва асоси нимадан иборат, шуни менга тушунтиринлар.

Жаъфар дедикки:

— Эй олампаноҳ, биз жоҳил бир миллат эдик, бутларга топинардик, улимтикларнинг гўштини ердик, ахлоқсизлик қилардик, қўшиларимизнинг дилига озор етказардик. Кучлиларимиз заифларимизни эзар эди. Оллоҳ Таоло бизга аввалдан орномусли, аслзода, ишончли, олийжаноб инсон сифатида маълум бўлган кишини пайгамбар қилиб жунатгунга қадар бизнинг аҳволимиз шундай эди. У пайгамбар бизни Оллоҳга ва Унинг ёлғиз эканлигига, Унга ибодат қилишга, оталаримиз ва бизлар топинаётган тош ҳамда бутларни қалбимиздан улоқтириб ташлашга даъват этди. Тўғрисуз бўлишни, омонатга садоқатни, қариндош-уруғчилик муносабатларига ҳурмат билан қарашни, қўни-қўшилар билан аҳил яшашни, ҳаром нарсалардан ва қон тўкишдан чекинишни буюрди. Ахлоқсизликдан, ёлгон сўзлашдан, етимнинг молини ейишдан, номусли аёлларга туҳмат қилишдан ман этди. Ёлғиз Оллоҳга сизгинишни, Унга шерик қилмасликни, на-

моз ўқишни, садақа бериб мол-мулкимизни ҳалоллашни, рўза тутишни тавсия қилди... Биз унинг пайгамбарлигини тан олдик, тасдиқладик. Унга иймон келтирдик. Оллоҳдан келтирган ҳар бир ҳукми қабул этиш шарти билан унга буйсундик. Ёлғиз Оллоҳга ибодат қилдик. Унга ҳеч нарсани шерик қилмадик. Бизга ҳаром деган нарсаларни ҳаром деб, ҳалол деганларини ҳалол деб қабул этдик. Аммо жоҳил қавмимиз бизга душманлик қилиб, бениҳоя азоб-уқубат, жабру ситама кўрсатди. Динимиздан воз кечиш, Оллоҳга ибодатдан ман этиб, бутларга бош эгишга мажбур қила бошлади. Жирканч хатти-ҳаракатларни яна ҳалол ва тўғри деб ҳисоблашга зўрладилар. Биздан устун келиб, зулм қилиб, оғир аҳволга солишгач, биз билан динимиз орасига киргач, сизларнинг юртингизга бошпана ахтариб келдик, сени бошқалардан афзал кўрдик, сенинг дўстлигингга ишондик ва, эй олампаноҳ, сенинг паноҳингдан осойишта турмуш кечиришга умид қилиб келдик.

— Жуда соз, энди нега менинг ҳузуримда эгилиб, ер ушмаганингизни изоҳлаб беринг.

— Бизнинг динимизда Оллоҳдан ўзга ҳеч кимсага сажда қилинмайди. Пайгамбаримизнинг бизга ургатган салом шакли шундайдир. Биз бир-биримизга ва ҳатто Оллоҳнинг расули бўлган пайгамбаримизга ҳам мана шундай салом берамиз.

Ҳукмдор Амр ибн Осга ўтирилди:

— Мендан паноҳ истаб келган ва мен ҳақимда яхши фикрда бўлган бу одамларни юртимдан ҳайдаб чиқариш ёки сизларнинг ихтиёрингизга топшириш учун бирон сабаб кўрмадим, — деди.

Жаъфар ва унинг биродарларига рухсат берилди, чиқиб кетдилар. Юзларида севинч ёғдулари порлар эди.

* * *

Ўта айёр ва мугамбир бўлган Амр, шунчалик осонгина мағлуб бўлишни сира ҳам истамасди.

— Эртага уларнинг бошига шундай бир кулфат солайинки, сен ҳам ҳайрону лол қолгин, — деди шеригига.

Абдуллоҳнинг эти увишиб кетди.

— Амр, кел, уларни ўз ҳолига қўяйлик. Нима бўлганда ҳам улар ўз қавмимиздан, қолаверса, қариндошларимиз. Юртларидан, мол-мулкидан жудо бўлдилар. Кел, қўй, билганларича яшайверсинлар.

Амр унинг гапларига қулоқ ҳам солмади:

— Эртага кўрасан, зўр можаро бўлади, — деди. Кўзлаган режасини амалга оширмай қўймаслигига қасам ҳам ичди.

* * *

Эртаси куни мўминларнинг қошига яна чопар келди.

— Ҳукмдоримиз йўқлаяптилар, — деди.

Кунгилларини яна ташвиш, ҳис-ҳаяжон қамраб олди. Хаво-

тир тула нигоҳлар яна бир-бирларига қадалди. Бу қарашлар жу-да гамгин эди.

Жаъфар дўстларига тасалли берди:

— Қани, кетдик, — деди. — Оллоҳнинг буюргани бўлади.

— Бу сафар ҳам сен гапир, эй Жаъфар, — дейишди шерик-лари.

Бу дафъа ҳукмдорнинг мажлиси янада гавжум эди. Қиёфаларидан дин арбоблари эканлиги аниқ бўлган одамлар ҳам келган, қуллаарида китоблар...

Ҳукмдор мажлис аҳлига бирма-бир қараб чиқди.

— Мана бу одамларнинг даъво қилишларича, сизлар Ҳазрати Исо (а.с.) ҳақида ёмон сўзлар айтар эмишсизлар. Қани, ўз оғизларингиз билан айтинглари-чи, Исо (с.а.в.) ҳақида нималарни биласизлар?

Масала ойдинлашди. Амр Ҳазрати Исони «Оллоҳ» деб билувчи ва ишонувчи насронийларга таъсир қилиш учун ҳийла йўлига ўтган эди.

Жаъфар сўз олди ва шундай деди:

— Эй олампаноҳ, Ҳазрати Исо Оллоҳнинг бандаси ва расулидир. Покиза, маъсум ва бокира бўлган Марямга Оллоҳнинг қолдирган калимаси ва руҳидир. Биз у ҳақда мана шундай маълумотга эгамиз.

— Жуда соз, сиз Пайгамбарингиздан нималарни ургандингиз?

— Биз пайгамбаримиздан Оллоҳ ваҳий этиб туширган Қуръон оятларини ургандик.

— Қани, шулардан менга ўқиб бер-чи бўлмаса!

Жаъфар Марям сурасидан ўқий бошлади:

— (Эй Муҳаммад) ушбу китобда Марямни зикр қилдинг: У ўз аҳли оиласидан четга — кун чиқар томонга бориб, улардан беркиниб олган пайтида, Биз унга ўз руҳимизни (яъни, Жаброилни) юбордик. Бас, у (Марямга) бус-бутун (руй-рост) одам бўлиб кўринди. (Марям унга): «Мен Раҳмонга (яъни, Оллоҳга) сизиниб, сендан паноҳ беришни илтижо қилурман. Агар (Оллоҳдан) қурқувчи бўлсанг (менга зиён етказмагин)», деди. (Жаброил) айтди: «(Қурқмагин) мен фақат сенга бир покиза ўтил ҳада қилиш учун (келган) Парвардигорингнинг элчисидирман, холос». (Марям) деди: «Менга одамзод тегмаган бўлса, бузқ аёл бўлмасам, менда қаёқдан фарзанд бўлсин?!» (Жаброил) айтди: «Шундай, Парвардигоринг айтурки: «Бу (иш) Менга осондир. Биз у (бола)ни одамлар учун оят — мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат-марҳамат қилурмиз. Бу биттан ишдир». Бас, (Марям) унга ҳомиладор бўлиб, у билан бирга йироқ бир жойга кетди. Бас, тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг шохига олиб борди (ва у шохга осилган ҳолда кўзи ёригач) деди: «Қани, мана шу (кундан) илгари ўлиб кетсаму, бутунлай унутилиб кетсам эди». Шунда (хурмо дарахтининг) ортидан (Жаброил) нидо қилди: «Ғамгин бўлма, Парвардигоринг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди. (Мана шу қуриб қолган) хурмо дарахтининг шо-

хини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар. Энди сен еб-ичгин, шод-хуррам булгин. Бас, агар одамзоддан биронтасини кўриб қолсанг (ва у сендан бу боланинг отаси ҳақида сўраса), у ҳолда: «Мен Раҳмон йўлида руза тутмоқни назр (аҳд) қилганман, бас, бутун бирон инсонга сўзламайман», дегин». Сунг (Марям боласини) кўтарган ҳолда келганида, улар: «Эй Марям, сен ҳеч ким қилмаган ишни қилдинг-ку! Эй Хоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!» дедилар. Шунда (Марям сўзга огиз очмасдан боласига) ишора қилди (яъни, унинг ўзидан сўранглар, деди). Улар айтдилар: «Бешиқдаги гўдак билан қандай сўзлашурмиз?!» (Шу пайт чақалоқ, яъни, Исо тилга кириб) деди: «Мен Оллоҳнинг бандасидирман. У зот менга Китоб — Инжил ато этди ва мени пайгамбар қилди. Яна мени қаерда бўлсам, хайру баракотли қилди ва модомики ҳаёт эканман, намозни (адо этишни) ва закотни (ато этишни) амр қилди. Шунингдек (Оллоҳ) мени онамга меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбахт қилмади. Менга тугилган кунимда ҳам, вафот бўладиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам тинчлик-омонлик бўлур». Улар (яъни, яҳудий ва насронийлар) шак-шубҳа қилаётган Исо ибни Марям (ҳақида Оллоҳнинг) Ҳақ сўзи мана шудир. Оллоҳ учун ҳеч қандай бола туғиш жоиз эмас — У зот (бундай нуқсондан) покдир. У бирон ишни қилмоқни истаса, фақат унга «Бул», дер. Бас, (уша иш) бўлур. (Исо айтди:) «Албатта, Оллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир. Бас, унга бандалик қилингиз! Мана шу ҳақ йўлдир!» (16-36).

Бу оятларни тинглар экан, ҳукмдорнинг (нажошийнинг) кўзларидан ёшлар оқар эди. Дин арбобларининг орасида ҳам йиғлаганлар будди. Ҳукмдор кўзёшларини артиб:

— Бу калом Исога ва Мусога туширилган манбадан келади. Уларнинг қандиллари ёғду олган чашмадан зиё олур, — деди. Эгилди, ердан бир чўп олиб, деди: — Ҳақиқатдан, асл Исо сизлар баён қилганларинг Исодан мана шу чўпчалик ҳам фарқ қилмайди.

Бу гапни эшитиб, дин одамлари пунгиллай бошлади.

Ҳукмдор:

— Худо ҳаққи, сизлар нима деб пунгилласангиз ҳам, асл ҳақиқат мана шудир, — деди ва мўминларга утирилди: — Сизларга рухсат. Бемалол, тинч-хотиржам яшайверинглар. Сизларни ҳар қандай хавф-хатардан муҳофаза этишни ўз зиммамга оламан. Сизларга ёмонлик қилган киши менинггина эмас, Оллоҳнинг ҳам қаҳрига учрагай. Сизларга чоҳ қазиганнинг ўзи уша чоҳга йиқилур, сизларни ҳақорат қилган кимса жазосини топқусидир. Олтин ҳада этишса ҳам, сизлардан биронтангизни безовта қилишларига тоқат қилолмайман!

Амр ибн Ос бу сафар ҳам мағлубиятта учраганини билиб, тарвузи қултигидан тушди.

Ҳукмдор қурайшлар олиб келган совга-саломларни қайтариб беришни буюрди.

— Менинг бу ҳадяларга эҳтиёжим йўқ. Қулимдан зўрлаб олинган мулкимни Оллоҳ менга қайтарганида ва халқимни менга итоат эттирганида, У мендан пора олмади. Мен ҳам пора олиб, сизларнинг ноҳақ талабларингизни бажо келтира олмайман. Совга-саломларингизни олинглар-да, тезда бу ердан жунаб кетинглар, — деди.

Амр расман қувилган эди. Саройдан қовоқ-тумшуғи осилиб, паришон, абгор бир аҳволда чиқди. Чексиз бир адоват туйғуси билан келган бу гумроҳлар ҳабашлар нажошийсининг соғлом ва бақувват деворига урилиб, бошлари ёрилгудай бўлиб, орқага қайтишга маҳкум ва мажбур бўлган эдилар.

Мўминлар эса, аксинча, у ердан хурсанд бўлиб, Оллоҳга шукроналар билдириб чиқиб кетдилар. Набийи Акрамнинг (с.а.в.) «У ерда адолатли бир ҳукмдор бор, умид қиламизки, у сизларни ўз паноҳига олиб, хавф-хатардан асрайди», деб буюрганлари эсларига тушди. Бу хотира ёноқларга севинч ва соғинч тўла ёшларни оқизди.

* * *

Маккаликлар анча-мунча маблағ сарф этиб, катта умидлар билан юборган кишиларининг ҳеч қандай натижасиз, қуруқ қўл ила қайтиб келганликларини зўр қайғу билан мушоҳада этдилар.

Демак, Амр сингари ўта мугамбир бир одам ҳам ҳукмдорга сўзини ўтказма олмас экан.

* * *

Амр билан Абдуллоҳ юртларига жунаб кетганларидан сунг Ҳабашистонда бир исён кўтарилди. Ҳукмдорга қарши бир фитна бошланди. Жанжал, ур-тўполон авжига минди. Бу вазият мўминларнинг ҳам тинчлигини бузди. Узларини олиб кетишга маккаликлар одам жўнатанларида ҳам бунчалик гам-қайғуга ботмаган эдилар.

— Оллоҳим, ҳукмдорга ўзинг мадад бер! — тарзидаги дуолар энг холис тилаклар, энг покиза туйғулар ила Роббул Оламинга арз этилди.

Мўминларни саросимага солган нарса шу эдики, уларга кутилмаган даражада илиқ муомалада бўлган бу ҳукмдор агар мағлубиятга учраса, бошларига қандай кулфатлар тушишини ҳеч ким тасаввур ҳам этолмасди. Ҳукмдор уларга яратиб берган хавфсиз вазият барҳам топиши ва ҳабашлар диёрини тарк этишга мажбур булишлари ҳам эҳтимолдан эмин эмасди.

Нил дарёсининг нариги соҳилида уруш давом этаётган бир пайтда, бу томонида мўминларнинг қўли ишга бормас, фақатгина дуою илтижолар билан вақтларини ўтказардилар.

— Ичимиздан бир киши у ёққа бориб хабар келтирсин, — дейишти.

Ораларида энг ёши Зубайр ибн Аввом эди. Кетишга изн

сўради. Аммо у сузишни билмас, кечиб ўтишда ўлим таҳликаси бор эди. Бир мешни обдан пуфлаб шиширдилар, сўнгра оғзини маҳкамлаб беркитдилар, чўкиб кетмаслиги учун Зубайрнинг кўкрагига боғладилар. Бир амаллаб Нилни кечиб ўтди. Бир тепалик орқасида ҳамон қизгин жанг кетаётган эди. Бир муддат кузатиб турди. Дуо қилиб, илтижо қилиб, кузатди. Ниҳоят галаба ҳукмдор томонига огаётганини кўриб қувонди, дарҳол дўстларининг олдига қайтди.

Бу хабар мўминларни суюнтирди. Худди қайта дунёга келгандай ҳузур қилдилар.

* * *

Расулуллоҳ (с.а.в.) кўчада жондан азиз амакиларининг ҳимояси остида вазифаларини адо этар, уйларида эса, улкан бир фидокорлик ва соғлом дунёқараш ўрнаги бўлган умр йулдошларининг ёнида ҳордиқ чиқариб, ором олар эдилар. Гуёки Абу Толиб ва Ҳадича у зотта вазифасини тўла-тўқис адо эта олишлари учун хизмат қилишда кимўзар мусобақасига киришгандек эди.

Бир куни Ҳабиби Адибимиз қурайшийлардан анча-мунча киши тўпланган очиқ бир жойда Нажм сурасини ўқидилар. Суранинг охири сажда ояти билан тугар эди. Ўқиб бўлгач, ўрниларидан туриб, сажда қилдилар. У ерга тўпланганларнинг ҳаммаси — мўмин ҳам, мушрик ҳам беихтиёр саждага қўшилдилар. Ҳатто белини бука олмайдиган бир қария ҳам эгилди, ердан бир ҳовуч тупроқ олди, пешонасига суртди: «Мен учун мана шу амалнинг ўзи сажда ўрнига ўтар», деди.

Мўминлар ушбу оятда Оллоҳга сажда ва ибодат қилиш амри берилгани учун саждага эгилган эдилар. Аммо мушриклар-чи? Хуш, уларни саждага чорлаган нарса нима эди?! Эҳтимол, Қуръони Каримнинг беқиёс ва мукаммал каломи уларнинг кўнгилларини қамраб олган бўлса ажаб эмас. Ўзларини унутгудек ҳолда илоҳий каломнинг жозибасига мубтало бўлган эдилар. Шу аснода Расулуллоҳ (с.а.в.) сажда қилганини кўриб, ортидан мўминлар ҳам саждага эгилгач, беихтиёр равишда улар ҳам сажда қилган эдилар.

* * *

Бу хабар айланиб-айланиб Ҳабашистонга ҳам етиб борди. Аммо оғиздан-оғизга ўтиб, муболағалар билан бойиган бу хабар Ҳабашистонда «Бутун Макка халқи Расулуллоҳнинг орқасида саф тортиб, ҳузур илоҳийга (яъни, илоҳий ҳузурга) бош қўйган эмишлар», деган тарзда тарқалди.

Бу хабарни жиддий қабул қилган бир қатор мўминлар севинчдан қанот ёзиб учгудай бўлдилар. Дарҳол ватанга қайтиш ҳозирлиги кўрила бошланди. Ичларини ёндираётган ватан ҳасрати, хабарнинг нечоғлик тўғри эканини текширишга ҳам имкон

бермади. Бошқа айрим мусулмонлар эса, муболага бўлса керак, деган ишончда эди. Ҳатто: «Бу бир ҳийладан бошқа нарса эмас», деганлар ҳам бўлди.

— Қурайшийлар бизни ҳабаш диёридан қувдира олмагач, бир ҳийла йўлига ўтган бўлишлари ҳам мумкин. Ҳийлага учиб, кейин пушаймон бўлиб юрманлар тагин. Осмону фалак ер билан қўшилиб кетганда ҳам Укба ибн Абу Муойтнинг, Нодир ибн Хориснинг, Умайя ибн Халафнинг, Валид ибн Муғйранинг, Абу Суфён ибн Ҳарбнинг мусулмон бўлганини кўрмайсизлар. Тугрими-нотугрими, ҳали аниқ бўлмаган бир хабарни деб ўз жонингизга қасд қилманлар, — дедилар.

Аммо кетиш тадоригини кўраётганлар, гап уқадиган аҳволда эмас эдилар.

Орадан бир неча кун ўтгач, қарорлари янада қатъийлашди. Ниҳоят, кунлардан бир куни мусулмонларнинг анчагина қисми Ҳабаш улқасини тарк этди. «Қайдасан, Макка», дея йўлга тушдилар. Қайтаётганларнинг орасида Расулуллоҳнинг (с.а.в.) куёвлари Усмон ибн Аффон ва нуридийдалари Руқайя ҳам бор эди. Ҳаммаси бўлиб ўттиз уч эркак ва уч аёл эдилар.

Ҳабашистонда қолганлар кетётганларни аччиқ-аччиқ кўз ёшлари билан кузатиб қоларканлар, биродарлари қурайшийларнинг ҳийла тузогига илинганликларига шубҳа қилмасдилар.

Денгиз соҳилига қадар сафар шод-хуррам, хурсандчилик кайфиятида ўтди. Эрта-индин бошланадиган саодатли кунларнинг ҳаёли уларга бутун йўл азобининг заҳматларини ҳам унуттирган эди. Илгарига қўйилаётган ҳар бир қадам уларни тобора Расулуллоҳга (с.а.в.) яқинлаштирарди. Кечаги кунгача ҳам ашадий душманлари бўлган қавм одамлари томонидан «қучоқ очиб, самимий ва дўстона кутиб олинамиз», деган фикрда эдилар.

Узоқ давом этган қуруқлик ва денгиз сафаридан сўнг Жиддага етиб келдилар. Шундан кейин яна йўл бошланди. Энди кўпи билан уч кундан сўнг Она ватан остоналарига етиб боришади. Каъбани тавоф этишади.

Аммо йўловчилар Макка томондан келаётган бир кишига дуч келганларидан кейин хурсандликлари бир зумда барҳам топди.

— Нималар деяпсан ўзинг?

— Жиддийроқ гапир!..

— Ҳозир ҳазилнинг ўрни эмас, биродар! Биз узоқ йўл юриб келаётимиз... — каби хавотир оҳангидаги хитоблар қилишди.

У одам:

— Менга ишонмасаларинг, ишонманглар. Икки кундан сўнг ҳаммасини ўз кўзларинг билан кўрасизлар, — деди.

Кўнгилларга гашлик чўқди. Пешоналарда совуқ тер томчилари пайдо бўлди. Кейинги, ундан кейинги йўловчилар ҳам дастлабки йўловчининг хабарини тасдиқлашди. Макка сари ташланаётган ҳар бир қадам энди ташвишларига ташвиш қўшар, кўрқувларини орттирар эди.

Такрор, аммо ута жиддий бир музокара қилдилар. Нима қилиш кераклиги ҳақида баҳслашдилар.

Шодликдан қўлларини силкита-силкита Маккага кира олмас эдилар. Ё улимга тайёр бўлиб, ёки қурайшийлар орасида танилган, баобру бир шахснинг ҳимояси остидагина шаҳарга киришлари мумкин эди. Ёинки яна Ҳабаш ўлкасига қайтишлари даркор эди.

Ҳеч ким бекордан-бекорга ўлиб кетишни истамасди. Орқага қайтишни ҳам хаёлларига келтирмасдилар. Биргина йўл қолган, у ҳам бўлса, шу кунгача ашаддий душманлари бўлиб келган мушриклардан бирининг ҳимоясини сўраш...

Кўпчилик ушбу йўлни танлади. Маккага яқин бир жойда тўхтадилар. Шаҳарга кетаётган йўловчилар орқали хабар жунатиб, ҳимоя сўрадилар.

Бу арабларнинг ажойиб ва олижаноб одатларидан бири эди. Мардонавор, жасурина бир хатти-ҳаракат эди. Ким булишидан қатъи назар, ҳимоя сўраган кишининг илтимоси рад этилмас, паноҳ истаганга қарши қилч кўтарилмас эди.

Улдириш учун қидирилатган одам ҳам ҳимоя сўраган тақдирда, уни муҳофаза этишга сўз берганлар ва сўзларининг устидан чиқиш учун жонларини ҳам аямаганлар. Бундайларнинг хатти-ҳаракатларини мардонаворлик, жасурлик демаслик инсофдан бўлмайди.

Қабила аҳлидан бир аёлнинг этагига бош уриш ёки қабила чодирларидан бирининг арқонини ушлаш уша қабиладан паноҳ истаганликни билдирар, сўнгра ҳимоя сўраганнинг авф этилгани билдирилар, ҳимоя остига олингани эълон этилар ва шу кундан эътиборан қабила орасида эркин юриш ҳаққи берилар эди. Унга нисбатан қилинган тажовуз бундан буён уни ўз паноҳига олган кишига тажовуз деб баҳоланарди. Уни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш, ҳимоя остида бўладиган муддат давомида осойишта яшашига шарт-шароит яратиш ҳар бир қабила аъзосининг бурчига айланарди.

Ночор аҳволда қолган мусулмонлар арабларнинг ушбу одатларидан фойдаланишга мажбур бўлдилар.

...

Ўгли Холид ибн Саид томонидан «Оллоҳим, уни бу касалликдан қутқарма», деб дуоибад қилинган Абу Ухайҳа Саид ибн Ос неча ойлардан бери ёпишган оғир касаллик туфайли тўшакка миҳланган, бу дарддан фориг бўлмаган эди.

— Бир киши сени йўқлаб келибди, — дедилар.

— Ичкарига таклиф қилин.

Хонага бир одам кирди. Абу Ухайҳадан ҳол-аҳвол сўради. Сўнг ўзини танитиб, нима мақсадда келганини билдирди:

— Маккага яқин бир жойда Усмон ибн Аффонни кўрдим. Ҳабашистондан қайтаётган экан, ҳимоянгга олишингни сўради, — деди.

Абу Ухайҳа бу таклифни қабул қилди.

Бир соатлардан кейин Макка кўчаларига жарчи чиқарилди. Ҳар куча бошларида:

— Эй Макка халқи, шуни билингки, Усмон ибн Аффон ва унинг хотини Руқайя Абу Ухайҳа Саид ибн Оснинг ҳимоясига олинди. Бирон кимса уни безовта қилмасин, зиён-заҳмат етказишга уринмасин!.. — дея эълон этилди.

Шундан кейин Абу Ухайҳа чопар жунатиб, Жидда йўлидан Усмон ибн Аффонни топдириб келди.

Руқайя Набийлар Сарвари бўлган отасининг бўйинларига осилар экан, ҳунграб йиглаб юборди. Неча ойлардан буён қаттиқ соғинган онаси, сингилларига етишди. Ҳар ким ўзининг аччиқ-чучук хотираларини сўзлади. Усмон ибн Аффон ҳам энди бемалол Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб келадиган бўлди. Бошқа мўминларнинг кўпчилиги ҳам биттадан кишининг ҳимоясига кирдилар. Масалан:

Абу Салама — тоғаси Абу Толибнинг,

Абу Ҳузайфа — Умайя ибн Халафнинг,

Мусъоб — Нодир бин Хориснинг,

Зубайр — Замъа ибн Асваднинг,

Абдуурраҳмон — Асвод ибн Абди Ягуснинг,

Усмон ибн Мазъун — Валид ибн Муғийранинг,

Амир ибн Робиа — Ос ибн Воилнинг,

Абу Сабр — Ахнас ибн Шарикнинг,

Хотиб ибн Амр — Хувайтиб ибн Абдул Уззонинг ҳимоясидан паноҳ топдилар.

Маълумки, бу кишилар мусулмонлар қўлларига тушгандай бўлса, бошлаб таъзирларини бериш орзуида юрган, мўминларга дунёни зиндон қилган кишилар эди.

...

Абу Толиб жияни Абу Саламани ҳимоясига олгани мушрикларга хуш ёқмади. Маҳзум қабиласига мансуб бир неча киши яна унинг ҳузурига келдилар.

— Ё Абу Толиб, — дедилар, — укангнинг ўглини ҳимоянгга олдинг, кўндик. Аммо бу сафар ҳеч бўлмаса Абу Саламани бизнинг ихтиёримизга топширасан, — деб талаб қилдилар.

— Яна нималарни истайсизлар? — деб жавоб қилди Абу Толиб. — Муҳаммад укамнинг ўгли, Абу Салама эса, синглимининг фарзандидир. Жигарларимдан бирининг ўглини ҳимоя қилолмасам, иккинчисининг ўглини қандай ҳимоя қиламан? Қолаверса, кимни ҳимоямга олишни сизлар билан маслаҳатлашишим керакми?

Келганлар, уjarлик қилиб туриб олган, қандай қилиб бўлмасин, бу сафар Абу Саламадан воз кечишга ундар эдилар. Охирида Абу Лаҳаб жим туролмади:

— Энди ҳаддиларингдан ошяпсизлар. Ваъдаси учун бу одамни бунчалик танқид қилишга, унга бу қадар таъзиқ ўтказишга ҳақларинг йўқ. Жаҳлимни чиқарманглар-да, ҳозироқ ўjarликни бас қилиб, бу ердан даф бўлинглар. Акс ҳолда, мен ҳам унга қўшиламани Муҳаммадни ҳар бир ишида қўллаб-қувватлайман, мақсадига етгунга қадар ёрдам бераман! — деди.

Кузларидан газаб учқунлари сачрагудай асабийлашиб айтган бу сўзлари келганларни жим булишга мажбур қилди.

— Мана, ҳозир кетамиз, айтганингни бажо келтирамиз, эй Утба, — дедилар.

Абу Толиб укаси ёнини олганидан жуда ҳам мамнун бўлди. Шу маънода миннатдорчилигини билдириб, бир қасида ўқиди. Биргаликда Муҳаммадга ёрдамчи булишга чақирди. Аммо Абу Лаҳаб бу таклифга ҳеч қандай жавоб қилмади.

* * *

Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Ухайҳа бин Жарроҳ сингари бир неча киши ҳеч кимдан ҳимоя сўрамадилар, кечаси яширинча шаҳарга кирдилар.

Кимдан ҳимоя сўрашни билмаган Салама ибн Ҳишом, Аййош ибн Абу Робиа, Ҳишом ибн Ос, Абдуллоҳ ибн Сухайл ва яна бир неча киши эса, қўлга олиниб, қамаб қўйилдилар.

Усмон ибн Аффон ва унинг рафиқасини ўз ҳимоясига олган Абу Ухайҳанинг ўгли Халидга чексиз азиятлар етказгани, «Агар ушбу касалдан турсам, ортиқ Муҳаммаднинг тангрисига ибодат қилинмайди!» деганлари аини ҳақиқатдир. Бу ҳам бўлса, жоҳилия даврига хос мантиққа зид воқеликлардан бири эди.

* * *

Бу орада Расулуллоҳга (с.а.в.) Аср сураси туширилди.

«Аср вақтига қасамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот толғувчидир)лар».

Севиқли Пайгамбаримиз (с.а.в.) сабр билан боглиқ равишда ушбу ривоятни нақл қилдилар:

«Оллоҳ Таоло жаннат ва жаҳаннамни яратгандан кейин Жаброили Аминни жаннатга юборди:

— У ерни бир кўздан кечир, — деди.

Жаброил жаннатга бориб келгандан сўнг Роббул Оламинга мурожаат қилди:

— Сенинг иззат ва шарафингни ўртага қўйиб қасам ичаманки, у ер ҳақида эшитган ҳар ким албатта ўша ерга киради, — деди.

Шундан сўнг Оллоҳ Таоло амр этди, жаннатнинг атрофи нафс орзу қилмайдиган амаллар билан ўралди. Такрор Жаброилга:

— Яна бир боргинчи, — деб буюрди.

Қайта бориб кўрди, сўнгра:

— Сенинг шонинг ҳаққи қасамлар бўлсинки, у ерга ҳеч ким кира олмаса керак, деб қўрқа бошладим, — деди.

— Энди жаҳаннамга бориб, у ерни ҳам кўриб кел.

Жаброил бориб келди:

— Шонингга қасамлар бўлсинки, у ерни эшитган биронта одам у ерга киришни орзу қилмаса керак.

Оллоҳ Таоло яна амр этди, жаҳаннамнинг атрофи нафс орзу қилишни мумкин бўлган нарсалар билан тўлдириб ташланди. Жаброилга:

— Яна бориб кел, — деди.

Борди, кўрди ва қайтиб келгач:

— Шонингга қасам бўлсинки, ҳеч ким у ердан қутула олмаса керак, деб ичим увишиб кетди, — деди».

Бу ривоят жаннати булиш учун талаб этиладиган сабр-тоқат ҳақида бир ибратли мисол бўлди.

Уша кеча мўминларнинг куплари уйқуга ётар эканлар, Афзали Анбийёнинг (с.а.в.) қўйидаги сўзларини қайта-қайта эсладилар:

«Бир мусулмоннинг бошига чарчоқ, касаллик, тақдир тақозоси бўлган гам-кулфат тушишидан тортиб, тикан ботишигача уни безовта қиладиган нимаики тушса, Оллоҳ Таоло бу безовталикларни уша мусулмоннинг гуноҳаридан ўтиш учун каффорат ҳисоблайди».

Аммо бу азоб-уқубатларнинг ниҳояси борми? Ваъда қилинган натижа қачон келажак? Сабр даври қачон тугайди? Ҳузур-ҳаловат, тинчлик-осойишталик даври қачон бошланади? Азияту ҳақоратлар изма-из юраверадими? Бу йўлнинг охири борми?

Кўнгилаар яқинда туширилган Шарҳ сурасини ёдга олди:

«Бас, албатта, ҳар бир огирлик-машаққат билан бирга бир энгилик ҳам бордир. Албатта, ҳар бир огирлик-машаққат билан бирга бир энгилик ҳам бордир» (56).

Бу оятларда ҳар бир машаққатдан кейин эмас, балки аини уша машаққат билан бирга энгилик борлиги икки бор таъкидланади. Буни икки хил маънода тушунса бўлади. Биринчиси: ҳар бир қийинчиликдан кейин шу қадар тез осонлик келадики, гуё улар иккиси бирга, ёнма-ён тургандек бўлади. Бас, демак қийинчиликка рубару келганда, ноумидликка асло ҳожат йўқ. Иккинчи маъно: бир кишининг иймони, эътиқоди сабабли бирон огирлик тушса, у киши ҳаргиз бундан ранжимаслиги лозим. Зеро, у охиратдаги осонликка — мангу саодатга дунёда тортаётган аини мана шу қийинчилиги шарофати билан, яъни, қийинчиликка сабр-тоқат қилгани сабабли эришиши мумкин. Демак, у киши тортаётган муваққат машаққатнинг ўзида унинг учун мангу бахт-саодат бор экан.

Аммо нима бўлганда ҳам, тutilган йул тўтри, Оллоҳ розилигига уйғун бир йул эди... Ақл ушбу йўлни кўрсатар, виждон бошқа бир йўлни танлашга рози бўлмас эди. Бугун мушрикларнинг қўли баян бўлса ҳам, мўминларнинг виждони улар учун қийналар, «Оллоҳим, уларга ҳам ҳидоят йўлини кўрсат, уларни ҳам бу жаҳолат ботқоғидан халос эт!» тарзидаги дуолар тун ярмидан утганда ҳам буюк даргоҳ сари йўналар эди.

Бу сура туширилганда мўминлар бир жойга йигилган эди-

лар. Даврадан гоят мамнун ҳолда, ушбу оятларни такрорлай-такрорлай тарқаддилар.

Бугунги кунга қадар чекилган заҳматлар ҳисобини буюк Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас эди. Эртага уларга яна янги машаққатлар қўшилади. Аммо бир куни бұрон тўхташи, ёқимли хушҳаво шабадалар эса бошлаши, бугувчи туманлар ўрнини мусаффо ҳавога бўшатиб бериши, Абу Жаҳлларнинг салтанати қулаши, Оллоҳнинг мўмин бандалари ҳоким бўладиган кунларнинг келиши ҳам муқаррардир.

Ҳабашистондан қайтганда ўзларига бирон-бир ҳимоячи топганлар шаҳарда бемалол айланиб юришар, топа олмаганлар эса, мазаҳга учраб, гоҳ калтакланишар, гоҳо ҳақоратланар эдилар. Бирмунча вақт шу зайилда ўтди.

* * *

Валид ибн Мугийра уни зиёрат қилишга келган Усмон ибн Мазъунни хурсанд бўлиб кутиб олди, ёнига таклиф этди. Усмон кўрсатилган жойга ўтиргандан кейин гап бошлади:

— Эй Абдушшамсининг отаси, сендан менга берган ҳимоянгни қайтиб олишни илтимос қилиб келдим.

Валид ҳайрон бўлиб:

— Нима учун? Биров сени безовта қилдими? Менинг ҳимоямдан норозимисан? — деди.

— Ҳеч ким менга озор бергани йўқ. Аммо мен ҳам рози эмасман!

— Нега энди? Ҳеч ким озор бермаса, барибир норози бўлсанг? Очiqроқ гапир-чи.

— Норозилигимнинг боиси, — деди Усмон, — биродарларимдан бир қанчаси ҳақоратга учраяпти, дўшполанишяпти, шундай пайтда менинг тинч-хотиржам, бемалол юришим ёқмаяпти. Ё улар ҳам мен каби ҳузур-ҳаловатда яшашлари керак, ёхуд мен ҳам улар сингари азоб-уқубат тортишим керак. Мана шу муносабат билан мени ўз ҳимоянгдан чиқарсанг. Менга Оллоҳнинг ҳимояси ҳам кифоя қилур.

Валид Усмоннинг бу фикрини гаройиб бир хулоса деб тушунди.

— Агар чиндан ҳам шуни истасанг, у ҳолда Масжиди Ҳарамга боргин-да, у ерда ўз ихтиёринг билан менинг ҳимоямни рад этганингни очiq эълон қил. Чунки мен «Валид берган ҳимоясини қайтиб олди» дейишларини асло истамайман, — деди.

Сунгра бирга-бирга Масжиди Ҳарамга бордилар. Усмон, Валид ибн Мугийранинг аҳдига вафо қилганини, ҳимоясини инсоф билан давом эттирганини, бироқ ўзи бу ҳимояни рад этганини эълон қилди ва шу йўсинда ҳимояси ниҳояга етди. Валид ҳам қисқагина қилиб, ҳимояни рад этган кишини ҳимоя қила олмаслигини баён этди. Ўша ердаги кишилар бунга шоҳид бўлдилар.

Усмон у ердан кетди. Бир оздан кейин ўн беш-йигирма кишилик бир жамоага дуч келди. Машҳур шоир Лабид шеър ўқир,

атрофидагилар уни завқ билан, диққат билан тинглаар эдилар. Усмон ҳам тўхтади, шеърга қулоқ тутди.

Лабид шундай дер эди:

— Диққат қилинг, Оллоҳдан бошқа ҳар қандай борлиқ фониийдир, йўқ бўлишга маҳқумдир.

— Офарин, жуда тўтри!

Буни айтган Усмон эди. Нигоҳлар унга қадалди. Лабид, гарчи тасдиқ этилган бўлса ҳам, сўзлари бўлинганидан ранжиган эди.

Ўқишда давом этди:

— Ҳар қандай неъмат ҳам сўнгида завол топажак, қўлдан чиқажак...

— Ёлгон гапирдинг, жаннат неъматлари завол топмайди!..

Энди бу жуда ҳаддидан ошди, деб уйладилар. Лабид тоқат қила олмади.

— Эй қурайшийлар, қасамки, мени хафа қилдингиз, асабимни буздингиз. Нималар бўляпти ўзи, бу одам ким? Қаердан келиб қолди?

— Сен унга парво қилма, эй Лабид! Ақлсиз, тентак бир йигит у. Қавмидан, динидан қайтган даҳрийлардан бири бу.

Шундай дер экан, Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа бор кучи билан Усмоннинг юзига мушт туширди. Усмоннинг кўзи кўкариб кетди.

Саъд ибн Абу Ваққос ҳам шу ерда эди. Бу аҳволга бепарво қараб туролмади, жим туришни эп кўрмади, у ҳам Абдуллоҳни бир урди. Абдуллоҳнинг бурнидан тирқираб қон оқиб, чайқалиб кетди. Жанжал авжига минмасдан, одамлар орага кириб, уларни ажратиб қўйишди.

Усмон ҳимояни рад этганидан буён ҳали бир соат ҳам ўтмаган эди. Валид уни бу аҳволда кўриб:

— Эй Усмон, эй жиян, ҳимоямни рад этмаганингда, шояд бу жанжал чиқмас, бундай аянчли аҳволга тушмас эдинг, — деди.

Усмон жавоб берди:

— Мен афсус чекаётганим йўқ. Оллоҳ йўлида иккинчи кўзимни ҳам бажонидил тутиб беришим мумкин. Мен Роббимнинг охиратда берадиган мукофотидан умидворман. Ўша асл мукофотдан маҳрум бўлишдан қўрқаман.

— Истайсанми, сени қайта ўз ҳимоямга оламан?!

— Йўқ. Мен ёлғиз Оллоҳдан паноҳ тилайман.

Валид Усмоннинг бу қадар мустаҳкам эътиқоди ва иймонига қўйил қолди.

Ҳақли бўлиш етарлими?

Абу Бакр (р.а) ора-сира Расулуллоҳга (с.а.в.) купчиликнинг ўртасига чиқиб баралла даъват қилишни таклиф этар, Набийи Муҳтарам (с.а.в.) жанобимиз эса:

— Ё Абу Бакр, биз ҳали сон жиҳатидан озчиликмиз, — деб жавоб қилардилар.

Ҳазрати Абу Бакрнинг ўжарлиги тутгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам ортиқ йўқ дея олмадилар, унинг таклифини қабул қилдилар. Масжиди Ҳарамга бордилар.

Ҳар бир мусулмон қабиладошларининг орасидан ўрин олди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир чеккага ўтирдилар. Шундан кейин Абу Бакр (р.а) ўрнидан турди ва мажлис аҳлини баланд овоз билан Ислому динига даъват этди.

Энди гап бошлаган эди ҳамки, ён-атрофдан луқма ташлаганлар бўлди, овозлар борган сари авжига минди, Абу Бакрнинг сўзлари эшитилмай қолди.

— Овозини ўчиринг шу даҳрийнинг!

— Беринг жазосини!..

Бир зумда Абу Бакрнинг овози узилиб қолди, Утба оёғидаги пойафзалини ечиб, унинг юзига урар, қорнига аямай тепар эди. Жанжал узоқ давом этмади. Ерда беҳуш ётган Абу Бакрнинг бурни пачоқ бўлган, аммо юзидан ажралмай қолган эди. Шу аснода Масжиди Ҳарамда ўз қабиладошларининг орасида ўтирган мусулмонлар ҳам ҳужумга учраб, роса калтакландилар.

Тайм қабиласидан бир неча киши Ҳазрати Абу Бакрни бир чойшабга ётқизиб, уйига олиб кетдилар. Тирик қолишига умид йўқ эди.

Куп ўтмай Масжиди Ҳарамда бир эълон пайдо бўлди:

«Агар ушбу калтаклаш натижасида Абу Бакр жон таслим этса, Утба Тайм қабиласидан омонлик кўрмайди. Ҳамма буни яхши билиб қўйсин!..»

Яна Абу Бакрнинг ёнига қайтдилар. Ҳамон беҳуш эди. Орасира уни чақириб кўришар, аммо жавоб олишолмас эди. Кун ботгач, пичирлагани эшитилди:

— Расулуллоҳнинг аҳволи нечук?

Қабиладошларнинг юраклари сиқилди.

— Узинг ўлим тўшагидасан-ку, шунда ҳам Муҳаммадни ўйлайсан-а?

Абу Бакр уларнинг гапини эшитмади, яна ҳушидан кетди.

Қабиладошлари онаси Уммул Хайрга мурожаат қилиб:

— Сен унга бирон нарса едир, сув томизиб, чанқогини бос, — дедилар. Ва у ердан чиқиб кетдилар.

Орадан яна хийлагина вақт ўтди. Уммул Хайр ўтлига қошиқ билан нимадир ичиришга уринар, аммо Абу Бакрнинг оғзи очилмас эди.

— Расулуллоҳ қай аҳволда?..

Уммул Хайр қошиқни ўглининг оғзига яқинлаштирар экан:

— Худо ҳаққи, ўртогинга нима бўлганини билмайман, ўглим, — деди.

— Хаттобнинг қизи Умму Жалилни топиб ундан сўра.

Уммул Хайр йулга чиқди. Саид ибн Зайднинг уйига борди. Эшикни тақиллатди.

— Қизим, — деди Уммул Хайр, — Абу Бакр сенга салом

йўллади ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ҳол-аҳволи тўғрисида сўради.

— Мен на Абу Бакрни танийман ва на Муҳаммад ибн Абдуллоҳни!

— Аммо, қизим, мени сенинг қошинга углим жунатди, Хаттобнинг қизидан сўра, — деди.

— Деган бўлса, менга нима? Мен уларни танимайман. Қай аҳволда эканини билмоқчи бўлган одам ўзи боради.

— Углим жуда оғир аҳволда ётибди, ўзи боролмайди.

Фотима (Умму Жалил) бир чорасини топди:

— Агар истасанг, ўглиннинг ҳузурига ўзим бораман.

— Жуда яхши бўларди.

Биргалиқда ўйдан чиқдилар. Абу Бакрникига бордилар. Хонасига кирганларида, у ҳамон беҳуш эди. Бир фарёд кўтарилиди:

— Кофирлар! Фосихлар! Сени ҳали шу аҳволга солдиларми? Илоё Оллоҳнинг ўзи жазосини берсин бу гумроҳларнинг!

Абу Бакрни танимайман деган ёш жувоннинг гаплари эди бу.

— Расулуллоҳнинг (с.а.в.) аҳволи қалай?

— Онанг шу ерда, сўзларимизни эшитиб қолиши мумкин.

— Онанинг зарари тегмайди. Бемалол гапиравер.

— Яхши. Расулуллоҳ соғ-саломатдирлар.

— Қаердалар?

— Арқамнинг уйида.

— Бориб, ўз кўзим билан кўришим керак.

— Бу аҳволда бора олмайсан, деб қўрқаман.

Бу гапни иккала аёл бараварига гапирдилар.

— Худо ҳаққи, Расулуллоҳни кўрмагунимча, томоғимдан бир луқма овқат ҳам, бир ютум сув ҳам ўтмайди, — деди.

Орадан яна бир неча соат ўтди. Ташқарига сукунат чўқди. Шундан кейин Абу Бакр икки аёлни елкаларига таяниб, судрала-судрала Арқамнинг уйига борди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ярим тун келганда Абу Бакрни бу аҳволда кўриб, юраклари тилка-пора бўлди, унинг пешонасидан улдилар. Муборак қалбларига улкан қайғу чўқди.

— Ота-онам сенга фидо бўлсин, — дея ингради Абу Бакр, — бу мен учун дард эмас. Аммо анави багтол юзимга ёмон урди...

Бир-икки сония дам олиб, яна давом этди:

— Менинг онам ўта хайрли, меҳрибон аёлдир. Дуо қилинг, ё Расулуллоҳ, дуо қилингки, Оллоҳ Таоло унга ҳам ҳидоят берсин ва жаҳаннам азобидан халос этсин.

Абу Бакрнинг онаси учун дуо қилинди ва Умму Хайр у ердан мусулмон бўлиб қайтди.

Шу дамда Абу Бакр азоб бераётган оғриқларини ҳам унутган эди.

* * *

Расулуллоҳ (с. а. в.) орасира кўлларини дуога очар, «Оллоҳим, бу динга Умар ибн Хаттоб билан ёхуд Амр ибн Ҳишом билан қувват бер», деб илтижо қилар эдилар.

Муминлар бу дуога «Омин» дердилар. Фаришталарнинг ҳам ушбу дуога «Омин» деб қушилганликларига ҳеч шубҳа йўқ.

Оллоҳ ҳар нарсага қодир. Унинг қудрати қаршисида имконсиз нарсанинг ўзи йўқ. Пайгамбар Довуднинг (а. с.) қўлида темирни юмшатган, тошларни, темирларни йўнишга қодир Буюк Оллоҳ истаса, бу тошбагирларнинг қалбларини юмшатиши ҳам ҳеч гап эмас.

...

Буюк мўъжиза

Макка аҳли орасида миш-миш тарқатилдики, гуё Расулуллоҳ Қуръонни ўзлари ўйлаб чиқарган эмишлар, сўнгра Оллоҳ каломига деб одамларни йўлдан оздираётган эмишлар.

Бу гирт тўхмат эди. У кишининг ёлгон гапирмаётганларини мушриклар жуда яхши билишарди. Болаликларидан ҳамманинг кузи унгида тўғрисуз, дуруст бир инсон бўлиб ўсган Расулуллоҳнинг ўта андишали эканликларини кўп бор синаган эдилар.

Қуръон уйдирма бўлса, алақачон Расулуллоҳнинг бошларига етган булардилар. Чунончи, Оллоҳ Таоло туширган навбатдаги бир ояти билан бу масалани буткул ойдинлаштирди:

Айтинг: «Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръоннинг ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшашини келтира олмаслар».¹

Набийи Акрам (с. а. в.) инсонларга етказган илоҳий, муқаддас бир китоб бўлмиш Қуръонни «уйдирмадир, инсон каломидир» деганлар учун ҳаққа ва адолатга муносиб бир фурсат берилган эди. Унга ўхшаш бир каломни айтишнинг урдасидан чиқсалар, тамом, шу билан Муҳаммаднинг даъвоси ниҳоясига етар, мағлубиятга учрар эди.

«Оллоҳ каломидир», дея тақдим этилган Қуръон араб тилида эди. Мушриклар эса, арабчанинг энг мукаммал жиҳатларини ҳам чуқур биладиган, адабиётга зўр ҳавас билан қарайдиган қавмлардан эдилар. Шеър ўқишар, ўқиганда ҳам жуда мукаммал, турганни югуртирадиган, югурганни тўхтатадиган, жанжал чиқаришга ёки жанжални тўхтатишга қодир шеърларни ўқир, ҳам насл йўлида, ҳам назм йўлида истаган адабий ифодани танқид қила олар эдилар. Уларнинг орасида Дамашқдан то Ямангача донги кетган шоирлар бор эди. Уларга қилинадиган бир неча огиз ширин сўз ва мақтов, тақдим этиладиган бир нечта қизил туя бу улкан муаммони ҳал қилишлари учун кифоя эди.

Абу Жаҳлга хушхабар жўнатилди. Агар Қуръоннинг каломига ўхшаш бир сўз ё бир хитоб айтилса, бу масалага барҳам берилади, дейилди. Аммо бу хушхабар уни хурсанд қилиш ўрни-

га чуқур хаёлга толишга мажбур этди. Абу Суфён жим бўлиб қолди, Ахнас ибн Шарик бош эгди. «Мен сизларга Муҳаммаднинг ҳикоя қилаётган афсоналаридан ҳам қизиқроқ масаллар айтиб беришим мумкин», деган Нодир ибн Ҳорис ҳам гуёки огзига талқон ютди.

«Инсу жинлар бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, бу Қуръонга ўхшаш каломни келтира олмаслар», дейилганмиди, ажабо?!

«У-ҳу, шуюм иш бутгими, қани, кўрайлик-чи», дея енг шимариб, Қуръондан ҳам гўзал насрий ё назмий асарни ўртага қўйган кишига ким нима ҳам дея олар эди?

Аммо бунга ҳеч ким журъат қила олмасди. Тогни ўрнидан қўзгатиш, уммонларни сузиб ўтиш балки мумкиндир, аммо бу илоҳий каломга ўхшашини яратиш кимсанинг қўлидан келмасди.

Шу тариқа бундай мусобақага чорлов жавобсиз қолди. «Мана, Қуръонга тенг келадиган каломни мен баён этаман!» дейдиган бир мард топилмади.

* * *

Бу орада Фил сураси туширилди:

«Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми? У зот уларнинг ҳийла-найрангларини барбод қилмадимми? У зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўп-тўп қўшларни юбориб, уларни (қўрт-қумурсқалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборди!»

Бу оятларни эшитганларнинг хаёлида бундан 47-48 йил муқаддам бўлиб ўтган фожиали воқеа қайта жонлангандай бўлди. Олтмиш минг кишилик жуда катта бир қўшиннинг бир неча дақиқадаёқ осмондан ёмгирдек ёққан майда тошлар билан маҳв этилиши, олдиларига солиб ҳайдаб келган филнинг Каъба томонга юришдан чекиниши ва шунга ўхшаш гаройиб ҳодисалар...

Қубас ибн Ашйа ўша замонга оид хотирасини шундай баён этган эди:

«Онам мени орқасига опичиб олди. Абраха лашкари ер билан яксон бўлган жойга бордик. Филнинг сасиб кетган кўким-тир жасади мени шу қадар қўрқувга солдики, ўшанда биз қўрган манзарани эсласам, ҳанузгача кўз олдимдан кетмайди».

* * *

Расулуллоҳдан аччиқ бир мағлубиятга учраган мушриклар бунинг аламини қандай олиш ҳақида тинимсиз бош қотирдилар.

— Ибн Абу Кабша умр бўйи уринсак ҳам, қўлимиздан келмайдиган бир ишга тақлиф этиб, бизни шармандаю шармисан қилди. Энди биз ҳам унга қиёмат кунигача ҳам уруниб урдасидан чиқа олмайдиган бир ишни тақлиф этайлик, шундагина уни мағлуб этамиз, — деган фикр ўртага ташланди.

¹ Ал-Исро сураси, 88.

Уша заҳоти турли-туман мулоҳазалар ёгила бошлади.

— Шошманглар, биродарлар. У шундай бир иш бўлиши керакки, ундан мушкулроқ бир ишни топиш мумкин бўлмасин. Урнига мана бундай қилсак бўларкан, дейилмасин.

Бу ҳам тўғри фикр эди. Бошлар эгилди. Зеҳнлар буткул шу муаммо билан банд бўлди.

— Дарахтни юргазсин...

— Сувни тескари томонга оқизсин...

Лекин бу таклифлар маъқул кўрилмади. Ниҳоят, Абу Жаҳл фикр билдирди:

— Ойни иккига бўлсин: бир бўлаги бир тепаликнинг, иккинчи бўлаги бошқа тепаликнинг устида чарақлаб турсин, сўнгра яна бирлашиб, асл ҳолига қайтсин, — деди.

Бу гап ҳаммага маъқул бўлди, юзларда табассум балқди. Ҳеч ким бундан зўрроқ таклифни кирита олмас эди. Кўқда чарақлаб турган, етишиш мумкин бўлмаган ойга ким ҳам ҳукмини ўтказа олади? Бу ҳатто тасаввур қилиб бўлмайдиган бир иш эди. Валид Абу Жаҳлга миннатдорчилик билдирди:

— Офарин, ё Амр, ҳеч ким бундан мушкул, бундан қийинроқ бир ишни ўйлаб топа олмас эди, — деди.

— Бугунданок Ибну Абу Кабшанинг мағлубиятини кўриб тургандайман, — деди Умайя.

Утба эса:

— Агар бу сафар ҳам бизни мағлуб этса... — деяётган эди. Валид унинг сўзини бўлди:

— Йўғ-э, эй Утба, бу сафар унинг мағлуб бўлишига ишонавер, — деди.

Сўнгра нигоҳларини Абу Жаҳлга қадади:

— Оббо чучқа-ей! — деди, кейин бошқаларга қараб давом этди: — Нақадар мугамбир одам эканини билсангиз эди.

Абу Жаҳл бу илтифотдан мамнун бўлиб кетди:

— Раҳмат сенга, амакижон, — деди.

Абу Лаҳаб ҳам Абу Жаҳлни қутлади:

— Унинг бемаъни, беҳуда даъвоси мана энди барбод бўладиган бўлди. Ва сен ҳошимийлар иснод келтирган бу пайгамбарлик сафсатасига барҳам берасан. Мен бошлиқ барча ҳошимийлар бунинг учун сендан жуда миннатдор бўламиз, эй Амр! — деди.

Давоми бор.



Олим Бекназар

БИР НИГОҲ ИСТАРАМ...

Қақнус кўзларида кўринган жоду,
кўнгул илинжида мўнглиг бойчечак.
Бир нигоҳ истарам, самумда ёху,
тимдалаган бағримга кирган келинчак.

Бир маъюс, бир маъюс майсалар доди,
тупроққа қорилмиш хазон япроғи.
Олис бусаларнинг ойдиндай ёди,
анбардан тонгандай кўннинг дудоғи.

Мен кетмам, мен кетмам, унсиз йироққа,
кўзим фироғида йиғи бир илиқ.
Саҳарларда боргум бордир... қайққа,
билмадим, билмадим, айрилиқ?!

Сен кетиб борасан...
Елкангда энг оғир ишқни кўтариб,
хазондек тукилиб, япроқдек титраб.



Олим Бекназарнинг сўзга меҳри баланд. Буни кўп кузатганман. Битикларини анчадан бери ўқиб келаман. Ҳамбўйинсалари қаторида узининг сўзини ахтарайтган ёш шоирлардан бири.

Сўзи иштиёқ билан келади. Баланд-наст келади. Тўлқинга менгайди ҳислари. Тўйгулари тапбеҳларда гунчалайди. Ҳаяжонлари тўпори. Шуниси билан ҳам дилга яқин. Кўнгулини очади. Борини айтади.

Бир нигоҳ истарам...

Шундай ёзади бир битигида Олим Бекназар. Бу нигоҳ унинг қидиргани, унинг илагани. Бу нигоҳ висоли ёш шоир сўзининг доимий йўлдошига айлансин.

Икром Отамурад.

*Оппоқ тонгни кутган гул каби ғариб,
титраниб, саргайиб, жон каби инграб.*

*Сен кетиб борасан...
Хаёлдек паришон йўлақлар сенга
тунги тушларини тинмай суйлайди.
Сен эса бепарқсан, фақат хаёлда,
юрагинг кимнингдир исмин куйлайди.
Сен кетиб борасан...
Сенинг изларингда майсалар карахт,
қадаминг энг сунгги оғриқдай оғир.
Сабр муродини тиланган дарахт,
сен каби ялонгоч, сен каби сағир.*

Сен кетиб борасан...

* * *

*Кўнгул кўзларида сийқаланди жон,
сийнангда анбардай бехос таралдим.
Ишқ жавонидан топмайин макон,
мен ўзга гул учун шундай яралдим.
Кечир, севгилим...*

*Фалак қутбасидан олислайди ой,
алвондай қип-қизил юлдуз отади.
Йиғлаган тунимнинг гўшангасидай
бегона бир юрак йиғлаб ётади.
Кечир, севгилим...*

* * *

*Ой бўзариб ботар,
кўрингинг келмайди кечаларингга.
Соядай эргашиб кечади хатар...
Кутасан кимнидир,
келмайди...*

*Унсиз тентирайсан,
фаромуш айлайсан кўзни.
Бир нигоҳ излайсан...
Кутасан кимнидир,
келмайди...*

*Ўтиниб йиғлайсан само кунжида,
кўринмаган умидлар кучаларингда.
Фарёдлар фикрингга қўнади шунда...
Кимнидир кутасан,
келмайди...*



КАМ БЎЛМАГАЙСИЗ, МАҚСУД АКА!

Мен жуда куп машҳур одамлар билан ишладим. Жуда куп бош муҳаррирларни кўрдим. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам, ажойиб фазилатлар эгаси. Лекин шулар ичида Зиёд ака билан Мақсуд ака қайси бир муштарак жиҳатлари биландир алоҳида ажралиб турадилар.

Зиёд ака Есенбоев чорак аср матбаачилар вазири булиб турди. Мақсуд ака Қориев эса, йигирма йил республиканинг бош газетасига бош муҳаррирлик қилди. Лекин иккиси ҳам лавозимдан тушгач, ҳамма қатори одам булиб қолгач ҳам... ҳамма учун ардоқлигича қолаверди. Алғов-далговли, ҳамманинг юзига бир-бир қора чаплаб утилган қайта қуриш даврида ҳам бу кишилар пок номлари билан қолдилар. Уларга гард юкмади.

Бунинг куп сабаблари бор. Чунки улар ҳар иккиси ҳам ўз даврида қалам аҳлининг бошини чинакам меҳрибонлик билан силаган кишилар эдилар. Айниқса, иқтидорли кишиларни ҳимоя эта билдилар, уларнинг бошига ёғилиши мумкин бўлган балоларга балоғардон бўлдилар. Сузни, қаламнинг ҳурматини баланд тутдилар.

Мен яхши хотирлайман, оддий журналистлардан жуда камдан-кам одам уларни Зиёд Исломович ёки Мақсуд Қориевич деб мурожаат этмаса, купчилик оддий, самимий қилиб, юракка яқин олиб, Зиёд ака ёки Мақсуд ака деб атар эди. Негаки устозлар ҳар битта иқтидорли қалам эгасини ардоқлашга, керак бўлса, ҳимоя этишга қодир эдилар, шунга ўзларини масъул деб билар эдилар.

Ҳаётда нималар бўлмайди, киши тақдири қандай кечмайди! Бировнинг бошига бирон мақоласи сабаб не-не маломат тошлари ёғилиши, биров бир фельетони туфайли не қўвгинларга учраши мумкин. Ана шундай пайтда айниқса, раҳбарнинг кимлиги биланар экан.

Мен «Совет Ўзбекистони»да Мақсуд аканинг қўл остида ишлаб юрган пайтимда уч марта ёмон маломатга учрашимга оз қолган. Уччасида ҳам мен ҳақ эдим, лекин Мақсуд ака бўлма-са, у киши ҳимоя этмаса, мен «буронда қолишим» ва мени чирпирак қилиб учириб юборишлари мумкин эди. Бир гал (унда Фарғонада мухбир эдим) «Тоҳир-Зухра»ларнинг фожиали тақдирини ҳақидаги материалимни саҳифадан олдириб ташлашди. Шунда Мақсуд ака Фарғонага телефон қилиб, «эҳтиёт бул, ука, сен бизга кераксан», дедилар, холос. На чақириб уришишди, на ҳайфсан беришди.

Худди шу материални «Правда Востока» газетасининг мухби-

ри ҳам ёзди кейин. Наҳот бу адолатсизликка бизнинг кучимиз етмаса деб. Йўқ, етмади! Унинг материалини ҳам саҳифадан, босилиб чиқаётган жойида олдириб қўйишди. Ҳамкасбимиз мақоладини чиқаролмагани чиқаролмаган, ўзи ҳайфсан олди ва иккинчи бундай нарса ёзгудек бўлса, ишдан ҳайдалиши очиқ айтилди.

Кейин билсам, бизнинг бош муҳарриримиз ҳамма балога ўзини рупара қилиб бўлса-да, мени асраб қолган, қаламини синдирмайлик, деган экан.

Кейин 108 навли пахта урнига оқпалакни баҳона қилиб, халқ, саноат учун кераксиз 153 нав пахтани ёшпасига эка бошлаганларида ёзган мақолам (чиқмай туриб) энг баланд доирадаги уртоқларнинг «газаби»га дучор бўлди. Шунда ҳам Мақсуд ака уртага тушдилар ва ҳукумат эътибори учун экспертлар ихтиёрига юбориб, мени ноҳақ маломатдан асраб қола билдилар.

Учинчи марта — мен парткомиссиянинг топшириги билан танқидий мақола ёзишга юрагим чопмай тайсаллаб юрганимда Мақсуд ака мен туфайли яхшигина гап эшיתיб олди. «Партия Марказий Комитетининг топширигини бажармайдиган одамни газетанинг партия бўлимида қандай тутиб турибсиз?» деб дашном беришди унга. Аммо шунда ҳам у киши менга заҳарларини сочмадилар. Бирон жазо бермадилар. Чунки Мақсуд ака шунақа одам эди, балогадон була биларди, ҳимоя эта оларди. Қаламимиз ҳурмати ҳам шундай қилар эдилар.

У киши вақти келса, уз туришганларига қилмаган яхшиликни бизга қилар эдилар. Самар Нуровнинг бошига Сирдарёда фалокат тушганида Мақсуд ака кимлигини, қандай инсон эканини бир кўрсатди. Юздан бир ҳолатдагина тирик қолиши мумкин бўлган одам учун курашиб, бутун медикларни, зур мутахассисларни оёққа турғизиб, йўқ ердаги установкаларни вертолётда етказдириб борди. Ҳеч ким қилмайдиган яхшиликларни бир қаламкаш дўстимизга қилиб, унинг ҳаётини асраб қолди. Бунақаси камдан-кам учрайди. Баъзан уйлаб қоламан. Мақсуд ака шу савобли ишлари учун ҳам, қалам аҳлига кўрсатган мурувватлари учун ҳам «бурунлар»дан омон утиб, элда азиз бўлиб юрган-дир. Қаерга борса, одамлар азиялаб, кафтига кўтариши, соясига курпача солишга уриниши шундан-дир балки. Ҳаммани ҳам етказсин-чи шу азизу мукаррамликка!

Мақсуд ака табаррук етмиш ёшида ҳам юзидан нур ёгилиб, «Меҳригеҳ» аталмиш бир газетада бош муҳаррир бўлиб утириши, ёш қаламкашлардек завқ-шавқ билан қалам тебратиб, гоҳ романтик қисса ва ҳикоялар, гоҳ тарихий асарлар ёзаётганининг ўзи бахтдир.

Яқинда Мақсуд ака менга ўзи авайлаб-ардоқлаб юрган хатлардан биттасини кўрсатиб қолди. Бу унинг «Афросиёб гузали» асарига келган минглаб хатлардан бири.

«Аввалам бор мен бундан роппа-расо 21 йил муқаддам ёзилган «Афросиёб гузали» қиссангиз ҳақида суз юритмоқчиман, — деб ёзади Яккабоғ туманидан Хулкар Бўриева, — мен асарингиз ёзилганда ҳали тугилмаган эканман. Лекин ростини айтсам, мен шундай нафис, шундай гузал, инсонийлик билан йўғрилган асарни қўлга олганимдан ўзимни бахтиёр ҳис қилдим. Мен ҳали бирон ёзувчининг асарини ўқиб, унга мактуб йўлламаган эдим. Бироқ «Афросиёб гузали» қиссасини ўқиб ёзмасликнинг иложи бўлмади. Китобингизни ўқиб, йиғламаган уртоқларим қолмади. Қайси матбуотда номингизни кўрсам, дар-

ров топиб, ўқишга тушаман. Сизнинг ашадий мухлисингиз бўлиб қолдим».

Албатта, ёзувчи ҳар куни бундай мактуб олавермайди. Лекин етмиш ёшдаги адиб учун бу тўй устига тўйдек гап, ёзганлари беиз кетмаётганидан яхши бир дарак.

Чиндан ҳам «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Қиз узатиб борганда» ва «Афросиёб гузали» сингари романтик қиссалари билан кенг ўқувчилар оммасига танилган устозимиз Мақсуд Қориев бугун табаррук ёшда, ардоқда. Негаки унинг бу асарларини ўқиган киши энг аввало покиза тўйгулар асири бўлиб қолади. Ёзувчи кейинги йилларда сермаҳсул ижод қилиб, «Сўғд углони» ва «Ибн Сино» асарларини ҳам яратди. Биз бошқаларга меҳр кургазиш учун тугилган бу покиза қалб эгасига ҳамиша бағрибутунлик ва ижодий кайфиятлар тилаб қоламиз.

Кам бўлмагайсиз, Мақсуд ака!

Муроджон МАНСУРОВ

Мақсуд Қориев

ЮЛДУЗЛАРГА ТЕГМАНГ, ОДАМЛАР

Ҳикоялар

Ой қўшиғи

Ўлгудек хаёлпарастман. Қизик, хаёлнинг чеки йўқ, бепоён экан. Хаёл билан самоларга парвоз этиш мумкин. Сайёраларга боришни истайсизми? Ё бирорта ўзингиз учун кадрли бўлган киши билан суҳбат кўрмоқчимисиз? Марҳамат, хаёл сизни истаган жойингизга етаклайди.

Якшанба эди ушанда. Дам олиш куни бўлганлиги учун бемалол юмшоқ тушақда уз ширин хаёлларим билан банд эдим. Деразалар очиб қуйилган, баҳорнинг илиқ шабадаси эсиб, юзларимни силайди. Қандай ёқимли, оромбахш кун. Бугун ҳеч қаерга шовилмайман. Ахир, ҳар кун тонг саҳарлаб кўзимни йириб-йиртиб, баъзан нонушта ҳам қилмасдан институтга югураман. Айниқса, қиш кунларида барвақт туриш шундай малол келадики, қани энди ўқишга бормай қўяқолсам, лекин бормасанг бўлмайди, бирорта лекцияни қолдирсанг, ишларинг орқага сурилиб кетади, бунинг устига деканатга чақиртириб, суробингни тўғри қилиб қўйишади.

Бугун бўлса, мени ҳеч ким безовта қилмайди, истаганимча ухлайман, ҳордиқ чиқариб яйрайман.

Аммо уйлаганимдек бўлиб чиқмади. Бирдан эшик кўнғироғи безовта жиринглаб қолди. Оббо, ана сенга тинчгина дам олиш,

ким бўлди экан-а? Ахир, ойимлар уйдлар-ку, эшитмаяптиларми?

— Ойи, ҳой ойи!

Ҳеч ким нидо бермайди.

Яна кўнғироқ босилди, бу сафар узоқроқ жиринглаб турди, афтидан келган одам эшик олдида кўпроқ туриб қолгани учун жаҳли чиққан бўлса керак.

— Ойи, кимдир қақиряпти, очмайсизми?

Бу сафар ҳам ойим жавоб бермадилар. Афтидан уйда ҳеч ким йўқ эди. Ҳа, айтмоқчи, эсимга тушди. Ойимлар дам олиш кунлари эшикни устидан қулфлаб қаймоқ бозорга кетадиган одатлари бор. Иссиқ нон билан қаймоқ олиб келадилар.

Эринибгина туриб, эшикка яқин бордим.

— Кимсиз?

— Мен, очинг, — деган бўғиқ овоз келди.

Ким эканлигини аниқ билолмай, эшикни очдим. Қаршимда сочлари тўзғиб кетган, катак кўйлагини шимининг устидан тушириб олган, анча ёшларга бориб қолган, ранглари синиқ бир киши турарди. Ҳайратга толдим, уйқумни безовта қилгани учун жаҳлим чиқиб, уни уйга киритишни ҳам, киритмасликни ҳам билмай турдим. Нотаниш киши буни сезиб, ўнғайсизланди.

— Қақиртирган экансизлар, — деди бир оз асабийлашиб.

— Нега қақиртирибмиз? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Мен пианино созловчи устаман, — деди ҳалиги одам менга тикилиб.

— Ким қақирган экан сизни? — деб таажжубландим.

— Билмадим, менга шу адресни беришди. Малика Бурхонованикими?

— Ҳа, ҳа, мен қизлари бўламан.

Ўзим четроқ туриб, уни ичкари киритдим. Оёғига қараб турганлигимни сезиб, пошнаси қийшайиб кетган туфлисини ечиб, бир чеккага суриб қўйди.

— Пианино қайси уйда?

Мен уни ўртадаги катта хонага бошладим. Уста жомадонини қўйди-да, пианинони очиб клавишларини қаттиқ-қаттиқ босиб, текшира бошлади.

— Пианинони сиз чаласизми? — деди менга қараб.

— Баъзан оз-моз машқ қилиб тураман, — дедим.

— Кўриниб турибди, — кулимсиради у. Устанинг кесатигида «пианино чалгандан кейин, у ёқ-бу ёғига қараш керак», деган маъно бор эди. Бир оз жаҳлим чиқди-да, ювиниш хонасига кириб кетдим.

Хуллас, эрталабки савдо ана шундан бошланди. Мана сизга дам олиш. Қарангки, уста ҳам дарҳол ишга тушиб данғур-дунғур бошланди. Яхши муомала қилмаганлигим учунми, пианинонинг клавишларини бор кучи билан босаётгандек туюларди менга. Уйладим: галати одам экан, ўзи ҳам хунук, муомаласи ҳам. Кўзлари ҳам бежо, уйдаги нарсаларга бирма-бир қараб чиқди. Устидаги кийимлари-чи, бирам исқиртки, ахир бировнинг уйига боряпсан, ер чопиш учун эмас, пианино созлаш учун, у ёқ-бу ёғингга қара, соқолларингни ол, озодароқ кўйлак кийсанг бўлмайдами! Яна дам олиш куни бўлса, худди қамоқдан қочган ўғрига ухшайди-я! Хотини қанақа аёл экан ўзи, бировникига кетяпсан, яхшироқ кийиниб ол, деса бўлмайдами? Қизиқ, уни бизникига ким юборган экан, агар ойим қақирган бўлсалар, менга

айтар эдилар-ку. Юрагим орқамга тортиб кетди, яқинда қаршимиздаги уйга иккита йигит электр счетчигини текшираман деб келиб, уни шилиб кетганни эшитгандим. Шуларни уйладим-да, секин бориб эшик тирқишидан мўраладим, пианино созловчи жомадонини очиб нималарнидир қидираётган экан. Эринмай қараб турдим. Кейин яна пианино ёнига борди-да, деворга осиб қўйилган ойимларнинг ёшлиқда тушган суратларига тикилиб қолди. Шунчалик берилиб кетган эдики, ҳатто хонага кирганимни ҳам сезмай қолди. Ғашим келди, уялмасин, деб айвонга чиқиб, нонушта тайёрлай бошладим. Тухум қақиб қуймоқ пиширдим. Чой ҳам қайнади. Аммо негадир ойимлардан дарак йўқ эди. Пианинонинг даранг-дурунги бўлса борган сари авжга минмоқда. Уста баъзан-баъзан уни созлаб туриб, қандайдир куйни ҳам чалиб қўярди.

Нонуштага қақирсаммикан ёки қақирмасаммикан, деб иккиланиб тургандим, унинг ўзи чиқиб, ичишга сув сўради. Мен уни чойга таклиф этиб, балки бир йўла нонушта қилиб оларсиз, деган эдим, кўнмади.

— Йўқ, иложи бўлса бир пиёла совуқ сув беринг, — деди.

У сувни ютоқиб симирди-да, яна ишга шўнғиб кетди.

Эндигина нонуштага утирмоқчи эдим, қаймоқ кўтариб ойим кириб келдилар. Қувонганимдан «ура» деб юборибман.

— Умида, ҳой Умида, пианинони тузатишга уста келибти-ми-а, — дедилар ойимлар нарсаларни кўяр эканлар.

— Қақиртирган экансиз, — дедим паст овозда.

— Пианинони асли сен чаласан, қара, неча йилдан бери созланмай ётибди.

— Буни анови устангиз ҳам аллақачон юзимга солди, — дедим кесатиб.

— Ким экан, ўзи, дурустроқ уста эканми?

— Вой-буй, бир хунук, тасқара одамки, уни куриб ўғримми деб қўрқиб кетибман.

— Нега унақа дейсан, менга жуда яхши уста деб айтишган эди.

Пианино созловчини ойимларга боқчадаги музика ўқитувчиси топиб берган экан.

Ойимлар билан бирга чой ичиб бўлгач, бу говур-ғувурдан қутулиш учун ўртоғимникига кетдим.

...Кечқурун соат бешлар чамаси қайтиб келдим у сўз билан тасвирлаб бўлмас бир муслиқ оламга тушиб қолдим. Кимдир Бетховеннинг мен севадиган «Лунная соната»ни шу қадар маҳорат билан ижро этардики, қулоқларимга ишонмадим. Ижрочи-га ҳалал бермаслик учун оёқ учида юриб, секингина очиқ турган эшикдан ўзимни ичкарига олдим. Ҳаммаёқ озода: поллар артилган, уйлар шамоллатилиб, деразалар очиб қўйилганди. Баҳорнинг салқин шабадаси дераза пардалари билан уйнашар, бутун хона бўйлаб оқаётган дилрабо оҳангга жур бўлаётгандек. Хонамга кирдим у креслога ўзимни ташладим. Кўзларимни юмиб, куй оғушига ғарқ бўлдим. Қандай гўзал, дилрабо куй!

Сеҳрли ойдин кечалар қиссаси бу. Ғоят нафис, шаффоф куй у. Уни эшитсам, туйғуларимга маҳлиё бўлганча хаёл дарёсига чўмиб кетаман. Ўзимни нурли, оппоқ ойдин кечаларда, аллақандай жаннатсимон гўзал водийда юргандек ҳис этаман. Бутун борлиқ, мавжудот, табиат ой нурига чўмилаётгандек... Кимлардир уйқуда, ёқимли куй қўйнида маст бўлиб ором олмоқда. Фақат қалблар уйғоқ, фикрлар теран, севишган юраклар нурли,

сокин кечаларнинг шайдоси... қўшиқчи дардли куйлайди, гуё сўзлаётганга, дардларини кимгадир айтаётганга ухшайди; баъзан кувноқ, баъзан мунгли, йиғлоқ...

Мен уни севиб ой қўшиғи деб атайман. Бу қўшиққа жур булган инсон қалби нималар истайди, уни яратган буюк даҳо сеҳрли куйларда неларни акс эттирган, қандай фалсафий мушоҳадалар юритган?! Ҳамма нарса уткинчи, ўзгарувчи, демоқчи чамамда. Ҳаётнинг азалий фоний қонуниятларига қарши исён кўтармоқчи булганми? Ёшлик йиллари ҳам тонги тумандек тез утиб кетдилар, гузаллик умридай. Қани уша ёниқ кўзлар, иболи табассумлар, утли қарашлар қайларда? Демак, ҳеч нарса абадий эмас.

Муסיқанинг нозик нидосига қулоқ тутаман: баҳор ўтади, ёз келади, кейин олтин куз сўнгидан қорли-қировли кунлар. Қир-адирлардаги беқиёс гул-лолалар ҳам қисқагина умр кўриб жазирамага юз тутайди, қовжираб адо булади. Туни билан осмон-азални безатиб турган юлдузлар дунёси эрта билан қайгадир гойиб булгани каби.

Ой қўшиғи нафис, ҳаёт гузаллигини тараннум этади, ҳамма нарсани дунёнинг азалий қонуниятлари тарозусига солиб ўлчайди. Ахир Аллоҳ дунёни гоят гузал этиб яратган-ку! Нега энди уни бевафо, бебақо деймиз. Низо, адоват, ғийбат нечун, нега инсонлар бир-бирига бўри бўлиб яшайдилар, сокин дунёга, само ва денгизга, ҳушманзара табиатга нега бефарқ қарайдилар, неларнидир талашадилар? Ахир, улар дунёга яшаш учун, гузаллик яратиш учун келадилар-ку? Балки булар менинг нораста ўйларимдир.

Муסיқий хаёллар оғушидан чиқиб, ўзлигимга қайтаман, ўзимга савол бераман: ия, бу муסיқани ким чалапти, ўзи? Нақадар нозик бармоқлар... Унинг маҳоратига таҳсинлар ўқийман. Қўли билан эмас, дили билан куйлапти. Ой қўшиғини яратган буюк санъаткор уни ижро этиш учун худди мана шу одамга ҳада этгандек.

Ўйда ким бор ўзи, уша пианино созловчи кишимми? Унинг исми нима экан-а, шўрликдан сўрамабман ҳам. Миямга бир нарса келиб урилди. Наҳотки уша қўпол, хунук қўллар бўлса! Уша эрта билан келган, кўнглимга ўтиришмаган киши шундай олий санъат соҳиби бўлса! Янглишаяпман, балки бошқадир...

Музика ҳам тўхтади, гуё ҳаёт бир дақиқа жимиб қолгандек юрагимнинг аллақерлари ачишиб кетди. Сукунат ичида хаёлим ёлғиз қолди... Ахир мен, хаёлпараст, музика шайдосиман-ку! Уша куйга интиламан, уни излаб, қидириб куй келган томон юраман... Пианино очиқ турибди, музикачи йўқ. Пианино устидаги кулдонда сигарета тутаб ётибди. Бу ўша... пианино созловчи кишининг чала қолдирган сигарети бўлса керак...

Секингина оймларнинг хоналарига кирман. Хаёлга чўмганча диванда ўтирибдилар, юзларида андуҳ...

— Ойижон, нима бўлди сизга, — сўрайман ҳайратланиб.

— Ҳеч нарса, — дейдилар ойм.

— Музикачи қани, қайга кетди?

— Яна кетиб қолди, — дедилар ойм афсусланиб.

— Нега яна? — таажжубланаман.

— Сен уни танимаяпсан, отанг эди... шўрлик.

Турган жойимда қотиб қолдим. Ҳаётнинг қаҳри мунча қаттиқ экан-а?

Ойимнинг ёнларига тиз чўкиб, тиззаларини кучоқлаб олдим: «Айтинг, нега кетди...»

Юлдузларга тегманг

Болалик, бебошлик йиллари. Уша дамларни ёдга олсам юрагим увушади. Ажиб бахтиёр, беташвиш дамлар эди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, уша йили ёз жуда ҳам иссиқ келганди. Қуёш кунни билан ҳаммаёқни тандирдек қиздирар, кечаси ҳаво димлигидан ухлаб бўлмасди. Қилт этган шабада жонга ором берармикин, деб томга чиқиб ётардик. Шунда ҳам иссиққа чидолмай кечалари чойшабни ҳўллаб келиб, устимизга ёпиб ётардик, гуё шу билан бироз ором оладигандек. Ярим кечадан кейин куннинг дами қайтиб, сал роҳатланиб қолардик.

Ҳали қишлоғимизда электр йўқ, кечқурун ҳаммаёққа зимистон чўкиб, гоҳо-гоҳо дарахтлар орасидан кимнингдир хонадонидан ёнаётган қорачироқ милт-милт кўриниб қоларди. Шундай зим-зиё кечада, айниқса, ойсиз тунларда томда ётишнинг ўзига хос гашти бор эди. Болалиқдаги уша юлдузли, сирли осмон ҳанузгача кўз олдимдан кетмайди.

Мен у вақтда юлдузларнинг номини яхши билмасдим, оймлар гоҳо-гоҳо анави «Етти қароқчи» деб қўярдилар. Саҳар вақтида ёришиб чиқадиган ёруғ юлдузни ўзим ҳам яхши билардим. «Сомон йўли»га эса қараб, узоқ хаёлларга чумардим.

— Ойи-ойи, битта топишмоқ айтсам майлими? — дердим.

— Хали ҳам ухламадингми?

— ...

Менинг хаёлим эса самода. Ана осмон тула юлдузлар чаманидан қандайдир бир кичик юлдуз узоқ из қолдириб, қаергадир учиб кетди. Бу одатдаги ҳол, бунақасини ҳар тун кўрганам учун таажжубланмайман, чунки, юлдузлар учгани билан бизга ҳеч зарари йўқ. Ойим шундай дердилар. Фақат юлдузларнинг нима сабабдан учишини тушунмайман.

Ойим бўлсалар юлдуз учганда негадир куйлақларининг ёқасини кутариб туф-туфлаб қўядилар. Нега шундай қиладилар, менимча, ўзлари ҳам билмасалар керак. Сўрасам ота-боболаримиз удуми шундай, деб қўя қоладилар.

— Топишмоқни айтайми, ойи?

— Айта қол, — дейдилар уйку аралаш.

— «Томга ғўза ёйиб, эрталаб туриб қарасам, битта ҳам йўқ».

У нима?

Жимжитлик. Ойим индамайдилар. Мен ўзим «Сомон йўли»дан кўз узолмайман. Худди аравадан тўкилиб қолган сомондек кўк юзасида сочилиб ётибди. Дадам айтиб утирар эдилар, чулларда кетаётган карвонлар, денгизу уммонларнинг кемалари ана шу «Сомон йўли»га қараб, манзилларини тўғри топиб борар эмишлар.

— Ойи, топдингизми, ё шаҳар берасизми? — деб сўрайман.

Оймлар яна индамайдилар. Ухлаб қолдилар шекилли. Эҳе, ойм бечорага жуда ҳам қийин, эртаю кеч уй-рўзгор, кир-чир, бола-чақа, дегандек, ҳаммаси у кишининг зиммаларида. Отам гоят меҳнаткаш, жонқуяр инсон эдилар. Озгина томорқамиз бор, ярмига сабзи, ярмига пиёз экилган. Аммо сабзининг ўтоғи оғир

экан. Биргалашиб эрта-кеч мен, учта опам — ҳаммамиз ишласак ҳам утоқ кургур тамом бўлмасди, белларимиз оғриб кетарди, ахийри ойимларнинг ўзлари бир чеккадан тушиб, қанча жойни бирпасда утоқ қилиб ташлардилар.

— Шаҳар бердингизми? — дедим яна.

— Майли.

— Юлдузлар-да, ахир, — дедим мен.

Негадир у киши миқ этмадилар.

— Нега индамайсиз?.. — дедим.

— Тўғри, эсингда экан, — дедилар ойим ҳам.

Ҳа, эсимга тушди. Бу топишмоқни бир куни қиш кечаси танчада ўтириб, ойимнинг ўзлари айтиб берган эдилар. Ушанда тополмаганимизда шаҳар бериб, кейин ҳаммамизнинг пешонамизга битта-биттадан «чертиб чиққан» эдилар.

— Ойижон.ойижон!

— Яна нима дейсан?

— Сизга бу топишмоқни ким айтиб берган? — деб эжикиладим.

— Ойим.

— Ойингизга-чи?

— Бувинг.

— Бувимга-чи?

— Бўлди, ухла энди, эрталаб барвақт туришимиз керак. — Ойим ёнбошларига ўгирилиб, уйкуга кетдилар. Опаларим бўлса пиш-пиш хуррак отишади, мазани уйқудан топадигандай. Аммо мен бўлсам безовта, ажриққа ағанагандай ёнбошлаб кўраман, ерга қараб ётиб кўраман, кўзимни юмсам нуқул юлдузлар кўри-наверади. Урнимдан туриб, ёстиқни қайта тўғрилай кўяман-да, яна осмонга қараб ётиб оламан. «Юлдузлар мунча ҳам кўп, жавоҳирлардай чиройли, кўркам самовий кўшиққа ўхшайди?» Негадир уларга термулиб кўйлагим келади...

Шундан бери қанча йиллар ўтиб кетди, гоҳо-гоҳо шаҳар марказидаги ўзим яшаётган кўп қаватли бинонинг айвончасига чиқиб, осмонга қарамоқчи бўламан, улкан, азим шахримизнинг беҳисоб чироқлари юлдузларни кўришга имкон бермайди. Энг юқори қаватдан туриб шаҳарга қарасангиз, худди тунқарилган осмонга ўхшайди.

Дам олиш куни бўлганлиги учун неварамни етаклаб, болалик йилларим ўтган қадрдон она қишлоғимга йўл оламан. Бу ерлар энди бутунлай ўзгариб кетган. Кенг кўчалар, янги уй-жойлар, обод ва кўркам боғ-роғлар... Само-чи, юлдузлар-чи? Ҳаммаси жой-жойида, ўзгармаган.

— Болаларинг, невараларим саломатми, келиним омон-эсон юрибдими? — хуллас, ҳамма болалари, невараларини номманом сўраб чиқдилар ойим.

— Ҳаммаси саломат, — дедим.

— Нега рангинг кетиб қолди, озиб кетибсан.

— Жуда яхшиман, онажон...

— Қараб туриб етмишга кирибсан, ўғлим...

— Ҳа, ойижон, қаридик энди.

— Бо, сен ҳали ёшсан-ку...

— Сиз учун ёшман...

— Икки оёғим сим-сим, оғрийди, ўғлим?

Ойимга қараб ҳавасим келади. Ишқилиб ҳали узоқ йиллар яшасинлар бахтимга, деб кўнглимдан ўтказаман.

Она қишлоғимга бориб, болалигимга қайтгандек ҳис этаман

ўзимни. Ана эски чорбоғ ичидаги ҳовуз. Роса чўмилардик унда. Кўшнимизнинг ҳовлисидаги балх тут устидан тушмасдик. Боғимиз чеккасидаги қантак ўрикни эса, гўрлигидан ея бошлардик. Қадрдон уйимиз, эски танча, айниқса, том, осмон, юлдузлар... Аммо ўша ҳиссиётлар энди тафаккурим кўзгусида яна ҳам ёрқин бошқача намоён бўлгандек туюлади. Сайёралар ҳақидаги кўшиқ қулоғим остида янграйди. Ҳа, бу ўша осудалик, осойишталик куйи, ҳеч тугалмас, сунгсиз кўшиқ. Мен эса бу кўшиқ абадий янграб туришини истаيمان.

Одамлар, сиз юлдузларга тегманг, коинот ҳамиша тинч, мусаффо турсин.

Ширин эзгу хаёллар билан самога, юлдузлар чаманига тикилиб узоқ ўтирдим. Ойим уйдан чиқиб неварамни эргаштириб, астагина ёнимга келдилар.

— Битта топишмоқ айтсам, топасизми? — сурайман ойимлардан.

— Айта қол, — дейдилар ойим елкамга қоқиб.

— «Томга гўза ёйиб, эрталаб қарасам, битта ҳам йўқ»...

— Юлдузлар, юлдузлар, мен топдим! — дейди неварам ойимнинг уринларига ҳам.

Болалик

Кечқурун беркинмачоқ уйнаб юргандик, бирдан қий-чув бўлиб қолди. Кимдир томга чиқиб айюҳаннос солиб қичқирар, яна бир семиз аёл жом чалар эди. «Ҳой одамлар, ой куймоқда, қиёмат-қойим булади», деб қичқирарди у.

Бутун қишлоқ ҳаяжонда. Ёшу қари чойхона ёнидаги майдонга тулланиб олишган. Бир чеккаси қорайиб, «куйиб» бораётган ойдан кўз узишмасди. Мен ушанда жуда ёш эдим.

— Ҳой, Хадича, намунча қаттиқ чаласан, қулоқни тешиб юбординг-ку? — деди қишлоқ оқсоқоли жон-жаҳди билан жом чалаётган аёлга зарда қилиб.

— Нега жом чалишади ўзи? — деди бир чол.

— Билмайман, хотинлардан чиққан урф бу, — деди мўйловли Тўхта самоварчи.

— Ота-боболар одати бу, — деди бошқаси.

Биз беркинмачоқ уйнашни тўхтатдик-да, майдон чеккасидаги «Оқ тепа»га югурдик. Борсак, катта тош устида кимдир ўтирибди. Қарасак Тўхта самоварчининг қизи Санобар экан. Узиям жуда кетворган, сочлари нақ тақимига урарди. Қишлоқ йигитлари уни «талашиб» роса бир-бирлари билан муштлашиганини кўрадик. Тўхта самоварчи бўлса, ўша йигитларнинг бирортасини куёвликка эп кўрмади. Аммо ўзи жуда қаҳри қаттиқ одам эди, қизини остона бостириб ташқарига чиқармас, келган совчиларга «ҳали қизим ёш» деб ҳайдаб соларди. Лекин биз орқаворотдан, унга қишлоқ Шўросининг ўғли Акмал айланишиб қолган, деб эшитардик.

Санобарни мен яхши билардим. Гоҳо-гоҳо мактабдан бирга қайтардик, боғимиз ҳам «Оқ тепа»га яқин эди.

Санобар ажаб хуштабиат қиз эди, мен учинчида, у олтинчида ўқирдик. Жуда кўп шеърларни ёддан билар, мактабдан уйга қайтаётганда йўл-йўлакай менга қизиқ эртақлар айтиб берарди.

Мен болалардан айрилиб, чопганча Санобарнинг ёнига бо-риб олардим.

— Нима қилиб ўтирибсан, Санобар? — дедим.

Қиз ялт этиб менга қаради. Ойнинг хира нурида унинг кўзла-рида бир нима йилтираб кетди.

— Ийглаяпсанми?

— Ойга раҳмим келяпти, шўрлик куйиб адо бупти, — деди у ййгламсираб.

— Шунга ҳам ййглайсанми, ҳозир ўз ҳолига қайтади, — де-дим мен.

— Ким айтди сенга? — деди у.

— Қишлоқ оқсоқоли бор-ку — ўша айтди.

Шу вақт ердан чиққандек Акмал пайдо бўлди. Афтидан қайдадир беркиниб ўтиргану мени кўриб келган.

— Нима қилиб ўтирибсан? Бор, ёш бола нарса, уйингга жу-на, — деб ўдағайлади у.

Акмал кучли, бақувват бола эди, еттинчини тамомлагач фер-мадан сут таширди. Мен Санобарга қарадим, у индамай ерга тикилганча турарди. Акмал Санобарга билдирмай, менга мушти-ни кўрсатиб, «тезроқ жуна», дегандек ишора қилди. Билмаслик-ка олиб, жим туравердим. Ахир, мен ҳам анойилардан эмасман, индамай кетаверадиган. Бунинг устига балки Санобар уни хохла-мас. Шундай бўлгач, нега уни ёлғиз ташлаб кетарканман. Кеча қоронғулашиб самога қарадим. Войбу, ойнинг ярмидан кўпроги куйиб бупти! Унинг хира ёғдусида жом, тоғора, челақларнинг тарақлагани, одамларнинг қий-чувлари ҳамон эшитилиб турарди. Бу жуда ҳаяжонли эди. Бир оз юрагим увишиб, тўғрироғи ваҳима босди. Санобарга қарадим, у куйиб-тамом бўлаётган ойга ачин-гандек маъюс. Акмалга юзлансам, иккала кўзи Санобарда, ой кўяётгани билан иши йўқ.

— Юр, Нодир, кетдик уйга, — деди Санобар бирдан қатъий тортиб.

Акмал мени еб кўйгудек бўлиб Санобарга билдирмай била-гимни сиқиб, кейин биқинимга қаттиқ туртди. Нафасим ичимга тушиб кетгандек бўлди. Бақириб юборишимга оз қолди-ю, сир бой бермадим, ахир қиз боланинг олдида ўзингни тутабилшинг керак-да!

— Аблах, ошга тушган пашша, — деди Акмал қулогимга ви-шиллаб.

Индамасдим. Нима қилса ҳам Санобарни ҳимоя қилишим керак, Акмалга кучим етмаса ҳам. Акмал эса, гўё аразлагандек бирпасда гойиб бўлди-қолди.

Тепалиқдан пастга қараб тушиб бораяпмиз, энди ой тўла куйиб бўлган. Осмонда юлдузлар чарақлайди. Қишлоқдаги шов-қин-сурон, одамларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари, итларнинг безов-та увиллашлари юракка ҳамон ваҳима соларди. Шу ҳаяжонли дақиқаларда негадир ўзимни бахтиёр ҳис этардим.

Уйга яқинлашганимизда ой яна ёриша бошлади...

Ҳаётӣй битиклар

Муқаддас кўринган нарсалар ҳам баъзан сароб бўлиб чиқади.

Умр утар, ёшлигинг кетар, аммо ойдин кечалар қайтиб кела-веради...

Билгилки, сен ўтирган курсида бошқалар ҳам ўтирган.

Йўқ жойдан ҳақиқат қидириб юрма.

Доноликнинг чегараси бор, аммо аҳмоқликнинг чеки йўқ.

Дустинг қанчалигини мансабдан тушганингдан сўнг биласан.

Қаранг, бўстонда анвойи гуллар чаман бўлиб очилибди, уларда ҳаётнинг гузаллигини, умрнинг қисқалигини кўрдим...

Ой куймоқда, кейин аслига қайтди, мен эса куйганча қол-дим.

Ула-ўлгунимча содиқман дединг, тириклик чоғимдаёқ бева-фолик қилдинг-ку!

Ҳаёт эски дафтар эмаски, уни қайта оққа кўчирсанг.

Дунёда энг кенг, поёнсиз, ширин нарса — хаёл.

Ҳар сўзида «устоз-устоз», дерди, амалга эришди-ю, устоз дейишга тили айланмай қолди.

Қайсарга гап ўқтираман, деб овора бўлма!

Пешонангдаги ажинлар аянчли кечмишларинг битиклари-дир.

Қушлар учирма бўлгач, ота-оналарини унутадилар. Инсон-чи?

Масхарабознинг ҳам ичи тўла дард.

Икки дуст кўришганда кучоқлашиб, ўпишиб кўришишади, ажралишгач, йул-йулакай туфлаб кетишади.

Шундай ақлли гаплар айтдики, аммо ўзининг ҳаёти аҳмоқ-ликдан иборат эди.

Вақти келиб ёлғон ҳақиқатга, ҳақиқат ёлғонга айланади.

Муҳаббатдан мосуво бўлсанг, инсоний ҳислатларинг ҳам би-рин-кетин сени тарк этадилар.

Мансабдан кетганингдан сўнг, тарк этган дўстларингга ачи-наман.

Ҳаёт радио тўлқинларига ўхшайди, сен ундан ўзинг ёқтирган куйни топиб олишинг керак.

Кунглинг пок бўлса, ўзингдан хавотир олмай юрабер.

Лавозим эгаси, шу мансаб менга абадий берилган, деб ўйла-са, ўта аҳмоқ бўлиб қолади...

Театрга бориб нима қиласан, ахир ҳаётнинг ўзи томошахона-ку!



Оқар дарё оқмасмиди жимгина

Туркум ҳикоялар

Нақшбандия тариқати пири Хожа Убайдуллоҳ ота-боболари-нинг ватани, юксак тоғлар ва мавжли дарёлар, боғу бўстонлар диёри Бўстонлиқ не-не ижодкорларга илҳом берганини била-сиз. Аммо, узок йиллар санъат, бадий ижод назарияси, фалса-фаси билан шугулланиб келган фан доктори, профессор Тилаб Маҳмудов эҳтимол, адабиётда ҳикоячилиги билан қолиши мум-

кин, десам ишонмайсиз. Тилабжоннинг бу сирру асроридан огоҳ бўлган баъзи дўстлари қатори мен ҳам буни ҳеч кимга айтмай юрган эдим.

Гап шундаки, Тилабжон чорак асрдан буён «осилсанг баланд дорга осил», дегандай, яхши маънода устоз Абдулла Қаҳҳорга тақлидан кичик ҳикоялар ижодкори бўлишни орзу қилиб келади. Орзуга айб йўқ, дейдилар. Узоқ андишалардан сунг Тилабжон сўз заргари устоз Қаҳҳорнинг рафиқаси, нозиктабъ олима ва моҳир таржимон Кибриёхон опага баъзи машқларини кўрсатди. Кутганидай, Опа назокат билан «Буларни ҳикоя дейиш мумкин-у, лекин қаҳҳорона эмас», дедилар. Шундан сунг ҳам кўп йиллар Тилабжон машқини ташламади. Ёзганларини яқин дўстларига кўрсатибгина юраверди.

Биз унга охири «Бу сирни ошкор қилиш вақти етди, танқид эшитсангиз ҳам майли, бу майдонга чидаган киради», дедик. Шу маънода, Тилаб Маҳмуднинг бу машқларини Сиз азизлар ҳукмига ҳавола этмоқдаман, деб,

Маҳкам МАҲМУД

Тилаб Маҳмудов

ҲН СҲМЛИК ҚИЗИЛ ПУЛ

Қумри ва Тошгул кампирларнинг ота-оналари бир пайтлар қарши қуда бўлишган. Тошгулнинг акасига Қумрини, Қумрининг акасига Тошгулни беришган. Иккаласи бир-бирига янга эмас, эгачидай гап.

Тошгулнинг акаси қулоқ бўлиб, дом-дараксиз йўқолган. Қумрининг акаси пайғамбар ёшида оламдан ўтди. Уларнинг ҳасратлашадиган дарди, гаплашадиган гаплари кўп эди.

Қумри эридан жуда ёш қолди. Бошқа эрнинг этагидан ушламади. Қўлини косов, елкасини обкаш қилиб урга урмалади, ерни тимдалади, ишқилиб, болаларини хор-зор қилмай, элга қўшди. Невара-чеваралари ҳам бир этак.

Узун буйли, қотмадан келган, ойдинда кўрпа қавийдиган, юрагида ғайрати қайнаган Қумри кампир қаддини тик тутиб, кўрагини кўтариб қадам ташларди. Бир курсангиз бошида тугун шаҳарга кетаётган, бир курсангиз шаҳардан қайтаётган бўлади. Чорвоқдан Хумсонга қатнайдиган автобус сал ҳаялласса, чидамай, қимирлаган қир ошар деганларидай, бошқа кампирлар уй ўйлагунча у йўлини босиб кўярди. У қизларидан қутулиб, ёлғиз ўғлини шаҳардан уйлантириб қўйгандан буён бир жойда қўним топмайдиغان бўлиб қолган. Ўғлининг ёнига бутунлай кўчиб кетай деса, бинойидай ҳовли-жойни кўзи қиймайди, келиннинг бир коса оби-ёвғонига термулиб яшашни кўнгли кўтармайди. Кун буйи боғнинг ичида гимирсигани билан юмуш адо бўлмайди, баъзан юрак-бағри тарс ёрилгудай бўлиб, ё шаҳарга неварала-

рини кўргани, ё Тошгул кампир олдига ўтган-кетганлардан ҳасратлашгани жўнайди.

Тошгул кампир табиатан Қумри кампирнинг тескариси. Бир умр эри қишлоқда қассоблик қилгани учунми, қозони гўштдан, қўли хамирдан бўш қолмаган. Эри раҳматликнинг эшиги ҳам, кўнгли ҳам очик эди. Қунора уйда меҳмон. Дарвозадан кирмасданок «Тириш, уйдамысан, қозонга гўшт сол», «Тириш, имиллама» деяро эди, унинг орқасидан узун-калта эргашиб келаётган одамлардан энсаси қотган хотинига қараб.

Дала-даштуда кам юганиданми, уроқ-машоққа ўзини урмаганиданми, меъдаси ёғланиб кетган экан. Тошгул кампир эрта қариб, юз-кўзларини ажин ҳалқалади, ўзи шапкўр бўлиб, анча мункиллаб қолди. Лекин эри ўлгандан буён қишлоқдаги носвойфурушлар орасида биринчи. Носвойни ундан ўтказиб маромига етказадиган одам йўқ. Ҳатто Жуман мўйлов ҳам ўзининг носвойи қолиб, Тошгул кампирнинг носидан сотиб олади.

Қумри кампир кириб келганда Тошгул қафтдай ҳовлидаги памилдори кўчатларини теша чопик қилар эди.

— Тайёрмисиз, — деб сўради Қумри қўлидаги тугунни сўри четига қўяркан.

— Ҳаяллаганингизга бормаймизми, деб уйловдим, манавиларни бир амаллаб қўяй.

— Бўлди қилақолинг, қолганини эртага чопарсиз, кун қизиб кетмасдан жўнайлик.

— Сиз сўрига чиқиб утира туринг, ман юз-қўлимни чайиб олай.

Иккала овсин-янга эрларининг Ғазалкентдаги таниши Мирзааҳмад акани кўриб келишмоқчи. Қумри кампир қачон шаҳарга боргудек бўлса, албатта қайтишда Мирзааҳмад аканин уйига кўниб ўтиши бор. Тошгул кампир эса адашиб қоламан, деб ёлғиз юрмайди.

Мирзааҳмад ака оғирлашиб қолган экан. Кампирларни кўрган захоти чолнинг узун киприклари ичига яширинган кўзлари жовдираб, бир тутам соқоли ёйилиб кетгандай туюлди.

— Қумримисан, умрингдан барака топ, мана ўртоғимнинг ёнига жўнай деб турибман, — деди ёстиққа зўрға суянар экан.

— Худо хоҳласа тузалиб кетасиз, Мирзааҳмад ака, — беморга далда берди Қумри кампир, — мана Тошгул ҳам ёнимда, бирга келдик сизни кўргани.

— Баракалла, илоҳим бирга бўлинглар, худо бир-бирингиздан ахратмасин сизларни...

Анча кундан буён ана кетди, мана кетди бўлиб ётган Мирзааҳмад акага гойибдан куч кирдимми, ё ўзини кампирлар олдида тетик тутгиси келдимми, узоқ гаплашиб ўтирди.

Вақт алламаҳал бўлганда Мирзааҳмад аканин хотини овсинларга ёнма-ён жой солиб, алоҳида-алоҳида кўрпа ташлади. Иккала кампир маҳсиларини ечиб оёқ остига қўйишди, нимчаларини ёстиқ тагига жойлашди. Қумри кампир ивир-ғавир кўзи илинаётган эди Тошгул кампирнинг мушук хуррагига ўхшаш хуриллаши эшитилди. Қумри кампир ҳам «Ўзинг паноҳингда асрагин», деб чап томонига ёнбошлади-да, чой совутаётган одамдай «пуф-пуф»лаб ухлаб қолди.

Нонушта рисоладагидай ўтди. Кампирлар бир-бирларининг пинжиларига кириб, бекат томон жунашди. Ҳамма гап кассага яқинлашганда бўлди.

— Хой, Қумри, қилиғингиз қурсин, пулимни беринг, — деди Тошгул кампир касса олдида чўнтақларини титкилар экан.

— Эсингиз жойидами, нималар деяпсиз? — деб хайрон бўлди Қумри кампир.

— Кечаси пулимни олиб қуйибсиз, беринг, ҳазиллашманг, — деди Тошгул кампир упкаланиб. — Ун сўмлик қизил пул эди.

Қумри кампир довдираб атрофига аланглади. Касса ёнидаги ёш-яланг уларга қараб кулиб туришарди. Қумри кампир ер ёри-либ кириб кетгудай бўлди. Тошгул кампирнинг қўлидан ушлаб бир чеккага тортмоқчи эди, у пул узатаётибди, деб ўйлади чоғи, унинг бўш қўлига қараб жаврай кетди.

— Қариганда бировнинг чўнтагидан пулини олгандан кўра ўлган яхши. Мен уни не азоблар билан топганман-а. Бир ойлик носвойнинг пули-я...

— Кўп шангилламанг, — жеркиб берди Қумри кампир, — бундоқ ўтиринг, гагға қулоқ солинг. — У қалтираган қўллари билан духоба нимчасининг тўғноғич қадалган ён чўнтагини очди, ундан эскириб қолган қора чарм ҳамённи олиб, ичидаги қоғоз пулу тангаларни этагига тўкди. — Мана, мана қаранг, қизил пул борми, ҳаммаси яшил-ку, кўзингизни каттароқ очинг.

— Нимасига қарайман, — пўнғиллади Тошгул кампир худди унинг шапқурлигини юзига солаётгандай тутақиб, — майдалатиб олгандирсиз-да...

— Вой нималар девотсиз, ёнингизни яхшилаб қаранг, одамни ҳар нима бўлгани яхши-я?!

— Бировнинг пулини оласиз-у, яна тилингни бермайсиз?

Кампирлар мингиллаб, вайсагганича, автобусга чиқишди. Олдинма-кейин ўриндиқларга ўтиришди. Қумри кампир энди хўжакеңлик таниш жувон билан кўришаётган эди Тошгул кампир овозининг борича, «Нега тутақмайин, ёлғиз ўн сўмлигим йўқолади ундамайинми?» деди ёнидаги хумсонлик аёлга. Автобус тўла одамларнинг ҳаммаси Қумри кампирга ўгирилгандай туюлди. Ёшлигидан бева қолиб, фарлик-ўғирлик йўлига кирмаган Қумри кампир учун бундан ортиқ ҳақорат йўқ эди. Автобусдан тушиб қолай деса, одамлар нима хаёлга боради, деб ўйлади. Рост экан, юзи чидамади, дейишмайдими? Қайси бирига бориб «Хой, мусулмонлар, мен ўғри эмасман, келиб-келиб овсин-янганнинг пулини оламанми» десинми?

Қумри кампир ич-этини еб, ранги-рўйи кўмирдай қорайгани сари Тошгул кампирнинг жағи очилгандан очилиб борарди.

Автобус Хумсонга етиб, одамлар тушаётганларида Тошгул кампир Қумрининг катта қизини кўриб қолди. Оёғи ерга тегартегмас:

— Маҳбуба, худоё онангни феъли курсин, кечаси ўн сўмимни ўғирлаб қуйибди-я, — деди.

Маҳбуба дам аммасига, дам онасига олазарақ қараб турган эди, Қумри кампир қизининг ёнига келдию ёш боладай хўнграб юборди.

— Қуруқ тўхмат — бемаҳал ўлимдан сақласин экан, болам, амманг ер юткур, Ғазалкентдан кела-келгунча ўн сўмимни олгансан, деб ҳол-жонимга қўймади-я. Шарманда қилди, шарманда...

Қирқ йиллик қадрдон кампирлар биринчи бор бир-бирлари билан хайр-хўшлашмай қишлоқнинг икки кўчасига бурилиб кетишди. Дарё бўйлаб уйи томон бораётган Қумри кампирнинг кўнгли тошдай зил-замбил эди.

Ховли Қумри кампирни ютиб юборгудай, қўли ишга борма-

ди, ҳатто самоварга ўт ёқиб, қовжираган томоғини бир қултум иссиқ чой билан намлашга ҳам ҳафсаласи келмади.

Қун ботиб, боғ ичига ғира-шира оқшом чўка бошлади. Айвон чеккасидаги пуस्ताқда утирган Қумри кампирнинг ўрнидан туришга ҳам мажоли йўқ эди.

Тошгул кампир уйига келиб ҳам кўнгли жойига тушмади. Бошқа нимчасининг чўнтагини титкилаб кўрди, тоқчаларни, чойнақларнинг ичини қаради, ўлимлик нарсалари турадиган қутиниям очиб кўрди. Ҳеч ерда ўн сўмлик қизил пул йўқ эди. «Олган, яшшамагур», — деди пичирлаб.

Ахийри ўн сўм қизил пулдан умидини узган Тошгул кампир овқатга уннамоқчи бўлиб ўчоқбошига борган эди, тутантирик ёришга теша керак бўлиб қолди. У ёқ-бу ёққа аланглаб турди-да, кеча памилдори кўчатлари тагини юмшатганини эслаб, ҳовлига қараб ўтди. Ариқлар орасидан қоқилиб-суриниб бораётган эди, кесаклар ичидан учи чиқиб турган қизғиш нарсага кўзи тушди. Кўрсаткич бармоғи билан кесакни туртиб юборган эди, ўн сўмлик қизил пул товланиб кетди. Уни жонхўлатда қўлига олди-ю, «Шўрим курсу-ўн» деди ва памилдори кўчатлари устига ялпайиб ўтириб қолди.

...Тошгул Қумри кампир уйига яқинлашиб, қўрадан ҳовлига секин мўралади. Ҳовли жимжит, чироқ ҳам ёқилмаган эди. Аммо дарвоза очик. Қумрининг ўзи кўринмайди. Оқшом ҳам чўкиб бупти. У ўғри мушукдай пусиб келиб, айвоннинг рупарасидаги акаси эккан олма тагида тўхтади. Қумри кампир айвон чеккасида икки қўли билан пешонасини ушлаганча ерга миҳлиниб ўтирар эди.

— Қумри, ман ўлай... — деди Тошгул кампир ғалати бир мингирлаган товўшда.

Қумри кампир аввалига ҳеч нарса илғамай жим қотди, сўнг олма тагида сомон текилган қанордай турган қорани кўриб, айвоннинг чироғини ёқиб юборди. Ҳовли ёришиб, олма дарахти ёнидаги Тошгул кампир энди аниқ кўринди. У олма панасидан айвон томонга, ёруғликка қараб ўта олмади. Қайта ўрнига ўтириб, этаги билан кўз ёшларини артаётган, елкалари титраб-кўтарилиб тушаётган Қумри кампирга бир лаҳза қараб турди-да, номаълум шарпадай оқрасига қайта қолди.

МАҚБАРА

Саттор бува зотилжам касалидан тузалди-ю, ғалати бўлиб қолди. Чойхонагаям қадам босмайдиган, хотинигаям рўйхуш бермайдиган қилиқ чиқарди. Умрида бирор марта овқат танламаган, кампирига фалон овқат пишир демаган одам тарашадай қотган сур гўштдан пиширилган шўрвада нон ивигиси келмай:

— Хой, Тўмтоқ, тиш ўтадиган нон-понинг йўқми? — деди тўнғиллаб.

— Қишлоқда тўй бўлмаса, маърака бўлмаса, юмшоқ нонни қаердан оламан, — деди кампир эрига пўнғиллаб. Лекин ўрнидан туриб даҳлиздан бир дастурхон қотган-қутган нон олиб чиқди, катта-кичик ёпилган нонларни пайпаслаб ичидан суви қочмаганини излади.

— Сиз ҳам қариганда хунар чиқардиз. Чимилдиқдаёқ нима девдиз, ивигилган нонни яхши қураман демабмидиз? Олтмиш йил бупти тўйимизга. Қўлим хамир кўрмаганди.

— Булди, жагинга темир қоплаганмисан? — деди Саттор бува қўлини силтаб.

У қиз болалигидаёқ оёғини танчада куйдириб қўйиб, оқсоқланиб қолган хотинини ҳалигача «Тўмтоқ» деб чакиради. Эҳ-ҳе, бу «Тўмтоқ» билан не кунларни кўрмади. «Узиям ёшлигида кўхликиннайди, бу қизигаар», деб қўяди ҳали ҳам Саттор бува. Онаси ҳам икки йил қийнаган, беш ботмон бугдой, тўртта қўй, қирқ эшак ўтин сураган. Агар тожик домла бўлмаса қўйворармиди... Тўйдан кейин олти йил ўтибди-ю, бу қисир ўлгур туғмади. Қилмаган амали, кўрсатмаган табиби қолмади. Нима дейсан, Бурчимулло қишлоғида бир тожик домла бор эмиш, буйига бўлмаган хотинларни оғироеқли қилармиш, деган гап қулоғига чалинди. Шу раҳматлик тожик домла (илоё жойи жаннатда бўлсин), қиш бўйи уларнинг уйида туриб, ҳар куни уч маҳал «Тўмтоқ»қа дам солгач, худо ўгил берди.

Бу ўғил туфайли Саттор буванинг боши эгилган пайтлар ҳам бўлган. Қишлоқда энди колхоз бошланган йиллар эди. Қирда бугдой ўришаётганда Рустам полвон бир тўда одамлар ичида, «Ҳа, Сатторвой, ўғлинг катта бўлаптими, тожик домлани яна бир йил уйингда олиб турсанг, Ҳасан-Ҳусанли бўлиб олармининг» деб кесатган эди. Шунда Саттор «Ҳа, саними» деб қўйган. Замон нотинч эди. Бирдан «қулоқ» деган гап чиқиб қолди. Рустам полвоннинг иккита сигири, оти, эшаги бор, ота-онаси бой ўтган эди, шуни «қулоқ» деб, қаматтириб юборди.

Очарчилик йиллари ҳам Саттор эпчиллик қилди. Колхозда омборчи бўлиб олди. Бир қоп бугдойни иккита гилам, тўртта кўрпага алмаштиргани эсида. Яхшиям эси борида домла кўрган экан, мана қариганда қўл келди. Тўй-ҳашамларда, ўлим-маъракаларда жилла курса тиловат қилиб, насибасини топиб юрибди.

Ёлғиз ўғил ҳам уйлик-жойлик бўлиб Ғазалкентга кўчиб кетди. Чол-кампирга нима кетарди. Юрт омон бўлса, ризқ-рўзини териб ейди. Мана шу тоқчадаги турли-туман пиёлаларнинг биронтасини сотиб олмаган. «Тўмтоқ» қайси тўйга борса, битта-иккита пиёлани қўлтиғига қисиб, рўмолани нон, қанд-қурс, қатламага тўлдириб келади. Саттор бува тобора кексайиб борсаям ўлимни бўйнига олгиси йўқ. Фақат охириги ётишидан анча оғирроқ турди. Унгаям шу «Тўмтоқ» айбдор. Ҳозир чилла, худойига бормай қўяқолай деса қўймади. «Боринг, худонинг насибасидан қуруқ қолманг», деб йулдан урди.

Саттор бува чайнаб-чайнолмамай, ютиб-ютолмай чандир шимаётган хотинига қараб туриб гаши келди.

— Йигиштир, бор сандиқдаги пулларни опчик, — деди косани нари суриб.

Шунча пулни нима қилади? Орқалаб кетадими? Яна боши ёстиққа етгудай бўлса ким билади, кимларга қолиб кетади. Пулни нодон ҳам топади, уни жойига сарфлаш даркор. Тавба. Аёлларнинг зуваласи пишиқ бўларканми? «Тўмтоқ»нинг ўламан деганига уттиз қовун пишиғи ўтди, ҳамон оёғини дўқиллатиб балодай юрибди. Бирор қор-қол юз берса, «Тўмтоқ» пулдан ёстиқ қиладими?

— Энди гапни эшит, «Тўмтоқ», — деди Саттор бува хотинига қараб, — эртага ўғлингни олдига борасан, шунга уч машина гишт опкелиб берсин-да, тўғри мазорбошига ағдарсин.

Саттор бува жума куни қишлоқ кексаларини йиғиб, умрида биринчи марта уйда эчки сўйди, ота-оналари рўҳини эслаб, овозини баралла қўйиб тиловат қилди. Чой устида мазорбошида

бир мақбара қурдириш нияти борлигидан гап очди. Кексаларнинг бири мўйлаби аралаш лабини тишлади, бошқаси соқолини тутамлади, яна аллаким дўпписини олиб, яккам-дуккам тукли бошини қашиб қўйди. Ишқилиб, ҳеч ким гингшимай, кўпчилик дуога қўл очди.

— Бандамиз, мабодо куним битиб, утиб кетсам шу мақбаранинг ичига қўясизлар, — деди у.

— Унақа деманг, ҳали бақувватсиз, худо умр берса, юзга кирасиз, — деди шоп мўйловли, оқсоқ гўрков унинг кўнгли учун.

Аммо хужакентлик уста айни ёз чилласида ишни бошлаб юборди. Саттор бува авлодлари ётган хилхонада мақбара тиклашга киришилди. Кейин Арқитдаги мрамар конидан чиройли тош келтирилиб, «фалон йили туғилган...» деган ёзув ёздириб ҳам қўйилди.

— Энди болам, ишни пишиқ қилган маъқул, — деди Саттор бува устага яқинлашиб, — одамнинг кўзи юмилгандан кейин бошқача савдолар чиқади. Орқамда қолганларга ҳам оғир ботмасин, шундоқ дунёдан ўтган кунимни ёздириб қўя қоларлар.

— Саттор бува, тириклигингизда гиштли уйда яшамай, у дунёда дангиллама участкада яшаркансиз-да, — деб ҳазиллашди уста.

— Болам, шак келтирма, ҳаммамиз бу дунёда омонатмиз, чин дунё у ёқда, — деди. Аммо кўнглининг бир чеккасида уйлари: «Ажабмас, замон айланиб, «Саваратбува мазори», «Сатторбува мазори» бўлиб кетса».

...Саттор бува шу куни алог-чалоғ тушлар қуриб чиқди. Ёпирай, ўлиб қолганмиш-да тумонат одам йиғилганмиш. Колхоз раиси мажлисда гапиргандай Саттор бувага қараб алланималар деб хириллар эмиш. У сўзини охирига «Қани, бува, чиқинг, сиздек табарруқ зотни елкамизда кўтариб борамиз», деб яп-янги тобутни курсатармиш.

Саттор бува чўчиб уйғонди. Биқинига ёпишиб хуррак отаётган кампирини туртди:

— Тур-э, итдай хирилламай ўл, — деди.

Саттор бува анча маҳалгача ухлай олмай ётди. Бир маҳал ҳамқишлоқлари уни бири қўйиб, бири опичлаб, яна мазор томонга олиб кетишаётганмиш. Шу кеча уйқу-уйқу бўлмади. Зурга юрак ҳовучлаб тонг оттирди.

Шу йили қишлоқни қалин қор босди. Кўклам ҳам қўзилиб кетди. Сурункасига ёмғир қўйди. Бир куни «Тўмтоқ» хунук ҳабар топиб келди.

— Чол, — деди остонадан хатлар-хатламас, — кўчкин кўчибди, мазорни ярмини балчиқ қоплаб, дарёга суриб кетганмиш.

— А? — деди Саттор бува саросимада чакмонини елкасига ташлаб, ирғиб ҳассасини қўлига олар экан.

Шоша-пиша янги калишларини эскисига алмаштириб, кўчага чопди. Гузарга етганда мазор томонга югуриб кетаётган одамларни кўрди. У мазорга етиб, серрайиб қолди. Юқоридан келган сел мазорнинг мақбара қурилган томонини олиб кетган, атрофда тумонат одам йиғилиб, улар йиғлашини ҳам, нима қилишини ҳам билмас эди.

Саттор буванинг кўз олди қоронғулашиб, тиззалари қалтирай бошлади, оёқ остидаги балчиқ уни тортдимми, ё ўзи ағанаб тушдимми, ҳеч ким сезмай қолди.

Қишлоқ тарихида биринчи марта ўлик мазордан уйга қайтиб,

ўша куни мазорга яна олиб келинди. Саттор бува ҳамма қатори қаро ерга кумилди.

ТУМОР

Санобар холанинг бева қолганига йигирма йилдан ошди. Эри урушга кетганда унинг буйида эди. Беш йиллик уруш ҳам тугади. Тириклар қайтди, улганлардан қора қоғоз келди. Кутакта кузларидан нур кетди. Рўзгор ташвишида, болаларининг гамида гулдай юзи япроқдай бужмайди, хипча бели ёйдек буюк. Углини ўқишга жунатаркан орқасидан узоқ тикилиб қолар, «Худойим отасининг ўрнига Умидни берди, умри ўхшамасин», деб қўлларини юзига тортарди. Угли ўқтин-ўқтин «Ойижон, нахотки бир суратга тушиб қўймагансизлар, ақалли расмлари ҳам йўқми?» деганда ич-ичидан эзилиб кетарди: «Ким билсин бунақа бўлиб кетишини, — дерди у ичида, — урушга борса келади-да, деб ўйлаган бўлса керак-да. Бунақа қиргин бўлиб кетишини ким билибди. Оҳ, болам-а, отангни фақат сев соғинасанми? Мен-чи, опаларинг-чи? Шунақа экан, тўкилган сунни тўплаб бўлмас, тўплаб бўлса-да, хўплаб бўлмаскан».

Умид тун оғиб кетгунча дарс тайёрларди. У кўпинча уйқуга тўймасдан институтга югурар, баъзан «Ойижон, ўқишимни кечкига кўчириб, кундузи ишлаб, сизга ёрдам берайми?» деб қоларди. Онасининг норозиланиб қарашларидан хижолат бўлиб, «Майли-майли, ойижон, яна бир-икки йил ўтиб кетади, ишга тўшарман ҳам. Шундан кейин сиз ишламайсиз, келишдикми» дер эди. Санобар хола ўглининг кундузги бўлимни тугатиб, катта жойларга жойлашишини орзу қиларди.

Дам олиш кунлари ўғлим тиникиб ухлаб ола қолсин деб уни уйғотмас, нонушта тайёрлаб, кутиб ўтирарди. Шу куни негадир Умид узоқ ўтиб қолди. Ичкарига мўралади. Стол усти тўла китоб-дафтар, чамаси яна тонготар дарс қилганга ўхшайди. Оёқ учида келиб, стул суянчигидан ерга осилиб қолган кўйлагини олиб қўйди, ўглининг устидаги кўрпани тўғрилади. Қайтиб чиқиб кетаётди стол чеккасидаги туморга кузи тушди. Юраги «шувв» этиб кетди. Бир туморга, бир ўғлига, бир ўғлига, бир туморга қаради. Энгашиброқ туморга тикилди. Танигандай бўлиб, кўзлари чарақлаб кетди. Бутун олам нинанинг учига йиғилгандай туюлди. Кўк духобадан тикилган, кўрпа қавийдиган унинг ипда тикилган ўша тумор эди. У анча эскирган, аммо титилиб кетмаган эди. Уни қўлига олиб кўрмоқчи бўлди-ю, юраги бетламади.

— Турақол, болам, — деди ёнбошига ўгирилган ўғлига қараб ва шу топда юраги тинимсиз дукурлаб.

Санобар хола нонушта пайтида ўзини кўярга жой тополмай, чой хўплаётган ўғлига яна чой узатар, ўзининг чойи аллақачон совуб қолган бўлса ҳам чой қуйишни унутиб қўйган эди. Ахийри ўғлидан секин сўради:

— Усталинг устида тумор турибдими, болам?

— Нимаиди?

— Қаердан топдинг?

Умид онасидан уялдими, ё ўзини ноқулай ҳис қилдими, иш-қилиб ғалати бир ҳолатда:

— Биз билан бир қиз ўқийди ойи, шу берди, — деди ямла-ниб. Кейин тушунтирди: — Унинг қизиқ тарихи бормиш.

— Тарихи?
— Билмадим, ростми-ёлгонми, дадаси урушдан олиб келган экан.

— Урушдан? — она сапчиб тушди.

— Ҳа, қизнинг айтишича, дадасини шу тумор сақлаган эмиш.

— Қандай, сақлайди? — деди она ҳайрон қолиб.

— Шундай. Жангчи дўсти ҳалок бўлганда, буйнидан ечиб олган экан.

— Ечиб олганакан?

— Шунақа деди-да, мен қайдан билай, ойи. — Кейин ерга

қараб деди: — Сиз ҳеч нарса уйламанг, биз шунчаки дўстмиз. Бирга ўқиймиз.

— Сенга нега беради? — деди она ҳамон ўзига келмай.

— «Сизниям ёмон кўздан асрайди», деб берди.

Санобар хола масовсираб ўрнидан турди. Қаёққа юрарини билмай талмовсиради.

Угли шошиб қолди:

— Ойижон, хафа бўлманг, эртагаёқ эгасига топшираман, — деди.

— Эгасига бугун топширасан, — деди она эшитилар-эшитилмас қилиб аллақандай изтироб ичида.

— Хўп бўлади, ойижон, шу бугун десангиз шу бугун... — деди ва онасини маҳкам кучоқлаб олди. Ана шунда у онасининг қанчалик бушашиб, бемажол унинг елкасига осилиб қолганини ва «Шошма, шошма, болам, туморни олиб чиқ» деган илтижоли нидосини эшитди.

У туморни олиб чиқиб онасининг қўлига тутқазди. Санобар хола чўғни ушлагандай инграб юборди. Ҳайрон қолган ўғил онасининг пойига чўккалади.

— Ойижон, нима гап, нима бўлди?

Санобар хола хаёлидан узоқ ўтмиш худди кинодагидай ўтиб борарди. Ушанда эри урушга кетишидан бир-икки йил бурун, мошранг духобадан кўрпача қавиди. Шунда кечқурун эри ишдан қайтиб унга ҳазиллашди.

— Санобар, шу духобанг қийқимидан менга кичкина тумор тикиб бермайсанми? — деди.

— Вой, қизиқсиз-а, нега? — деб жавоб қилди у.

Эри кулди:

— Неганг нимаси? Ёнимда олиб юраман, ундан нафасинг келиб туради. Ёмонми?

— Узоққа борармингиз, доим ёнингиздаман-ку, — деди у ҳазилга йўйиб.

— Айтгандан кейин тикиб беравур-да, — деди дағалроқ қилиб.

— Хўп-хўп, сиз сўрайсиз-у, йўқ дейманми? — деди Санобар ва яна рўзгор юмушлари билан овора бўлиб кетди. Эрининг ҳам тумор хаёлидан кўтарилди шекилли, қайта оғиз очмади. Орадан анча вақт ўтмай, эри урушга жўнайдиган бўлиб қолди у тумор тикди. Жимжилоқдай сувратини топиб, қоғозга ўраб туморнинг ичига тикиб қўйди. Кейин Санобарнинг қўлидаги туморни кўрган эри ёш боладай қувониб кетди. «Вой, туморим», «вой, асалим», «унутмаган экансан», деб хайрлашди. Шу-шу...

Санобар хола кўзлари жиққа ёшга тўлиб, аста туморнинг четларидан ипни чиқариб, сўғура бошлади. Тумор худди елим-лангандай, ёпишиб кетган иплар ҳеч узилмас, тирноғи-ла ип учини тортган сари Санобар холанинг юраги узилиб кетаётган

дай бўлар эди. Умид эса, ҳеч нарсага тушунолмай онасига термулганча утирарди. Ниҳоят, тумор ечилиб, унинг ичидан саргайган қоғоз ва унга ўроғлиқ бир нарса чиқди. У ўша ўроғлиқ расми кўрмаёқ ҳушидан кетди.

ТИЛЛА УЗУК

Хосият буви неварасини боқчадан олиб келдию ўзини беҳол сездди. Атрофида нималардир деб жавраётган боланинг сузлари қулоғига кирмай, кўз олди киралашиб, тиззалари титради. Хон-тахта чеккасига чўккалаб, ҳушидан кетди... Бир замон кўзини очса, касалхонада ётибди. Ёнида ўғли, келини термулиб ўтиришибди. У болаларига базур қараб қўйиб, яна кўзларини юмди. Беморга тикилиб ўтирганлар кунглидаги ваҳима ўрнини аллақандай илинж эгаллай бошлади. Уғли «Хайрият!» деб чуқур нафас олди, хотинига нималардир пичирлаб ўрнидан турди. Кампир ўглининг қузғалганини сездю-ю, лекин кўзини очишга мадори етмади. Юраги ўглининг йулакда узоқлашаётган қадам товушидай дук-дук урар эди. «Отаси ҳам худди шунақа тез-тез юрарди» хаёлидан ўтказди у.

Бола-чақаларининг елиб-югуриб қолганидан Хосият буви аҳволи анча оғир эканлигини тушунди. Қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлар серкатнов бўлиб қолишди. Гоҳида ўғли, асосан, келини бошида навбатчилик қилишарди.

Хосият бувининг икки синглиси бор. Кичиги шанба кўни келди. У уйда усталар ишлаётгани учун тез келолмаётганини айтиб, кўз ёши ҳам қилиб олди. Опасининг оғир ётганини кўрган сингил ўша кўни кеч кетди. Эртасига яна келди.

Хосият бувининг ўғли холасининг бунчалик меҳри товганидан қолганидан қувониб кетди. Онаси соғлом пайтда уйларида ондасонда келадиган холасидан бир пайтлар ўпкалай юрганидан уялди ҳам. Қариндош-уруғнинг қандайлиги шундай кунда билдирилган, деб уйлади. Кичик холаси онасининг бошида гирди-капалак, гоҳ бошини силар, гоҳ сочларини тўғрилаб қуярди.

— Опа, саллачангиз эскироқ экан, эртага янгисини олиб келаман, булар ёш-да ҳали, фарқига боришмайди, — дерди у.

Хосият буви тез кунда оёққа туравермади. Унга дўхтирлар қимирламай ётишни, ёнида бирор кимса бўлишини тайинлашди. Орадан уч кун ўтиб, ўша холаси яна келди. Сумка тўла турли нозу неъматлар: олма, анор, апельсин, тирноқдай-тирноқдай туғулган чучваралар. У Хосият бувининг келинига: «Сиз, келин пошша, уйга бориб эртага юмшоққина шовла пишириб келинг. Серсабзи бўлсин. Мен опам ёнида қоламан. Бу дунё ганимат, айланай», деб тайинлади.

Келин уйига кетди. Хонада опа-сингил қолишди. Хосият буви бироз узига келган бўлса-да, бир-икки оғиз гапдан сўнг толиқиб қоларди. Синглисига термулиб ётган опанинг кўзини уйқу элитди. У уйқу аралаш оёқларини кимдир ўқалаётганини, ёнларини ёпиб, қўлларини кўрпа устига чиқариб қўяётганини сездди. Нечундир синглисининг бармоқлари қалтирар, калта-калта нафас оларди. Қалтираган қўллар аста-секин кўкрагидан билагига, ундан бармоқларига келиб тўхтади. Тилла узук таққан бармоғига илиқ бир нарса ёпишгандай бўлди. Хосият буви бармоғидаги тилла узукни синглиси чиқариб олишга астойдил уринаётганини

сездди. Синглиси қанчалик шошилмасин, узук бармоғи бугинига келганда тўхтаб қолар, Хосият буви бармоқлари худди чангақдай қотиб, ҳеч тўғри бўлмас эди. Синглиси опасининг қотиб қолган бармоқларини апил-тапил тўғрилашга киришди. Хосият буви эса енгил ингради ва лабини тишлаб бармоқларини ёйиб қўйди. Соғ кўнлари осонгина чиқадиган узук ҳеч жойидан қўзғалмас, Хосият бувининг суякларини зирқираб борарди. Эсанкираган синглиси тупуклари билан узукни намлаб кўп овора бўлди. Аммо узукни бармоқдан чиқара олмади. Хосият буви чурқ этмай кўзини юмганича ётаверди.

Шу пайт эшик очилиб иккита ҳамшира кўринди. Бири каравот ёнига келиб, «Тузукмисиз, онахон, қани билагингизни беринг-чи, қон қуямиз» деди. Иккинчиси кампирнинг киприкларига илинган томчиларни кўриб, «Хафа бўлманг, бувижон, тузалиб кетасиз. Сизга ҳозир қизларнинг қонидан қуямиз, нақ ун саккиз ёшлик бўлиб кетасиз», — деб ҳазиллашди.

Ҳамшира Хосият бувининг синглисига «Кечирасиз, йулакка чиқиб турсангиз, қон қўйиш пайтида палатада ҳеч ким бўлмаслиги керак» деди.

Шу пайт ҳамшира кўзлари юмуқ кампирнинг кўлини кўтариб, бир нима узатаётганини пайқади. У тилла узукни кўриб, ҳайрон бўлди.

— Бувижон, бу нимаси? — деди иккинчи ҳамшира, — тақинг узугингизни. Бунақа хаёлларга борманг, узингизга буюрсин, ҳали тузалиб кетасиз!

Эшик олдига бориб қолган сингил «узук» сўзи қулоғига бир ширин эшитилиб, ялт этиб орқасига ўғирилди-ю, ҳамшира тақиб қўяётган тилла узукни кўриб, бир ғалати бўлиб кетди ва жон-жаҳди билан опасининг бошига талпинди. Ҳамширанинг «ҳой, шошманг, кейин-кейин» дейишига қарамай, «томчидори» апаратларига урилиб-сурилиб, курси устидаги ўз нарсаларини сумкасига тикиштира бошлади.

ОҚАР ДАРЁ ОҚМАСМИДИ ЖИМГИНА

Рисол кампирнинг «Бел ечар» кўни ҳовлига одам сиғмади. Бел боғлаган-боғламаган қариндош-уруғ, қўни-қўшни, ҳамқишлоқлар тўпланишди. Айвон тўла хотинлар, Рисол кампирнинг қизлари, келинлари, неваралари эшикдан ким кириб келса, уввос тортиб йиғлашарди. Бир лаҳза айвон жимиб қолар, чугур-чиқдай гир айланиб ўтирган аёлларнинг шивир-шивири, дуолари, илтижолари эшитилар, кимдир томоғини қириб йўталар, кимдир йиғидан қизариб кетган кўзларини нам рўмолчаси билан артар, бошқаси бехосдан «ув» тортиб йиғи бошлаб юборар эди.

Навбатдаги йиғи арқонини эша бошлаган аёллар бирдан сув қуйгандай жимиб қолишди. Ҳовлидаги ёғоч сурида ўтирган чоллар ҳам олазарак бўлиб қолишди. Боғнинг ичида шалаббо нарсани тишлаб югуриб келаётган итга ҳамма қаради. Ит яқинлашгунча ҳеч ким ҳеч нимага тушунмади. Бирдан Рисол кампирнинг ўртанча қизи итга қараб югурди. Ит эса оғзидаги нарсани тортиб олмақчи бўлганларини сезгандай айвонга ўқдай отилиб чиқди. Кейин кампирнинг қизи итнинг оғзидагини юлиб олаётган эди, ўтирганлардан бири «Вой, улмасам, бу Рисол холамнинг рўмол-ку» деб юборди.

Ҳамма ҳангу манг бўлиб қолди. Кампирнинг қизи нима қиларини билмай, «Йўқол, турқинг курсин», деб жон-жаҳди билан итни айвондан тегиб туширар эди.

Қишлоқ одатига кўра марҳум ёки марҳумнинг кийим-бошлари уч қуликка ювилар, бева-бечораларга тарқатилар ёки болачақалари ирим қилиб бўлиб олишар эди.

Аммо шу куни Рисол кампирнинг қизлари, келинлари, неваралари ер ёрилмадию ерга кириб кетишмади. Ким билсин, улардан қайси бири бу ишга қўл урган...

— Уят, яшшамагурлар, дарёга ташлайсанларми, оналаринг қандоқ хотин эди, — деди дастурхончи аёл.

Рисол кампирнинг қизу келинлари уятдан бош кўтаришолмади, қўни-қўшни кампирларнинг ҳўрлиги келиб, улар ҳам пиқиллаб қолишди. Кампирнинг ўртанча қизи шалаббо румолни кўтарганча богнинг этагига югуриб кетди. Ит ҳам унинг орқасидан чопди. Бир зум ўтмай қўшни ҳовлидан итнинг одам фарёдига ўхшаш ўлиши эшитилди.

— Итда нима гуноҳ?! — деди тўрда ўтирган Ашир кампир.

— Бу ит Рисол опамнинг боласидай бўлиб қолган эди. У киши қаерга бора, кетидан эргашиб юрарди. Тавба, Рисол опамнинг румолини таниганини қаранглар. Бирор тош-пошга илиниб қолган бўлса... олиб чиқибди-да... — дейишарди бошқалар.

— Рисол аммамни кўмган куни итни мозорда кўришган экан, — деди жиккаккина жувон. Бу гапдан ҳамма безовта тортиб қолди.

Таомилга биноан ўтаётган маросимга кўз тегди. Гала-говур аста тиниб, Рисол кампир қизлари, невараларининг йиғиси ҳам қовушмай қолди. Уртага оламни ютиб юборгудай сукунат чўқди. Фақат богнинг этагидан оқиб ўтадиган дарёнинг ваҳимали шовуллаши эшитиларди, холос. Ҳамма жимиб, дарёга қўлоқ тутди. Ҳар куни дарёдан сув ташийдиган, шу дарё буйига қиқиб кир ювадиган аёллар унинг бунчалик шовуллашини пайқамаган эканлар.

— Эсизгина Рисол холам, — ҳўрсиниб ўрнидан туриб кетди дастурхончи аёл. Бориб айвоннинг четидаги устунга омонатгина суюнди-да, овози борича дийдиёсини бошлаб юборди. Рисол кампирни эслаб, шунчалик куйиб-ёниб йиғи бошладики, ўтирганларнинг юрак-бағри куйиб кетди. Кўчага чиқса — эркак, уйга кирса аёл бўлиб, умр бўйи болам-чақам деган Рисол кампирнинг хотирасига доғ тушганидан ачиниб-ачиниб йиғлади. Аёллар қош қораймасдан бирин-кетин тарқаб кетишди. Уша куни қишлоқ хонадонларида битта гап эди. Аёллар ёқаларини ушлаб, Рисол кампирнинг дарёга оқизилган кийимларию уни топиб келган ити ҳақида гапиришса, чолларнинг уйқуси қочиб, узоқ-яқиндаги болаларига товфиқ тилаб дуо қилишарди.

Орадан бир неча кун ўтиб, гийбатнинг оёғи синай деганда янги гап чўқди. Кимдир кўрибди. Уша рўмол тишлаб келган ит Рисол кампирнинг гури устида ўлиб ётган эмиш.

БОДОМ ГУЛЛИ ДҲППИ

Рустамжон оқ кўйлак, қора костюмини кийиб, девордаги ойнага қараб юрди. Сочларини таради, пешонасидан туртиб чиқ-

қан ҳўснбузарга атир сепди, шифонер устидаги шляпасини кўлига олиб, ени билан устини бир артиб бошига илди ва «Мабодо кечиксам, хавотир бўлманг, бугун театрга тушамиз», деди шу ерда ўймалашиб юрган онасига.

Саломат хола ўгирилиб, чиройли бўлиб кўчага отланган ўғлига қарадию индамай келиб Рустамжоннинг галстугини тўғрилади. Кейин кўзларини катта очиб, «Дўппингни киймайсанми?» деди.

Рустамжон эшитмаган одамдай, ўзини яна ойнага солди.

— Ойижон, кўйинг шу дўппини. Замонга қараб юриш керак, — деди. Сўнг онасининг норизо кўзларига боқиб, юпатмоқчи бўлди: «Менга ярашмайди ҳам».

— Ярашмайди? — ҳайрон бўлди Саломат хола, — ҳаммага ярашган дўппи сенга қарашмай қолибдими? Галати гапларни айтасан. Даданг дўппини қандай яхши кўрарди.

— Дадам... дадамнинг вақти бошқа эди. Ҳозир...

— Нима, у пайтларда шляпа кийишмаганми? Кийганлар. Дадангням шляпаси йўқ эдими? Кўрсатайми?

Рустамжон шошиб турса-да, дадасининг шляпасини кўргиси келиб кетди. Саломат хола сандиқнинг бурчагидаги картон яшикчадан кулранг шляпа ва тўртта бодом гулли дўппи олди. Рустамжон ҳаяжон билан онасининг кўлидаги шляпани кийиб кўрди, бироз катта экан, худди ерга тушиб кетса синиб қолади-гандай, хавотирланиб турган онасига қайтариб берди, дўппиларга тикилди.

— Ҳаммасини кийганмилар?

— Ҳа, — деди Саломат хола, — мана буниси эскиргани, дадангнинг куёвлик дўппилари. Бошқаларини ўзим тикиб берганман. Даданг билан танишганимизда мана шу бодом гулли дўппини кийиб юрар эдилар. Гули менга жуда ёқиб қолган эди.

— Ҳа, дадамнинг узларинимас, дўпписининг гулини севган экансиз-да, — деб ҳазиллашди Рустамжон.

— Мана, буларга қара, — Саломат холанинг кўзлари ўйнаб кетди, — бу сенинг дўппиларинг. Бунисини уч ёшингда кийгансан, бунисини мактабга борганда... охори тўкилса, олиб кўярдим. Кел, сенга бир бошдан гапириб берай, — деб у бир четга ўтирди. — Даданг билан ёзда танишганмиз. Яқшанба куни эди. Ҳўлимиздаги шафтолининг ҳўзурини ер кўрарди. Ойимлар, «Қизим, бозорга элтгин, пулига кўйлак-пўйлак олиб киярсан», дедилар. Бир уяламан, бир уяламан. Бормай десам, кўйлак кийгим келади, борай десам, қўни-қўшни кўриб қоладими, дейман. Охири юпунроқ кийиниб, биров танимайдиган бўлиб, икки челақ шафтоли териб бозорга бордим. Энди челақ оғзидаги саллачани ечишимни биламан, бир йигит келиб: «Шафтоли қизнинг шафтолиси неча сўм?» деса бўладими? Уялганимдан лом-мим демади. Ёнимдаги хотин шу йигитга шафтоли тортиб берди. Пулини олишгайм ийманаман. Бир оздан кейин йигит яна келди. «Шафтолингиз жуда ширин экан, энди ўз қўлингиз билан тортиб беринг» деди. Шафтолига эмас, ҳадеб, менга қарайди...

Ҳа, ҳозир сенга кулгули, у пайтларда биз сизларга ўхшаб бемалол гаплашолмас эдик. Шафтолини сотиб булгач, пулларни санадим, бозордан хурсанд бўлиб чиқиб кетаётсам, рўпарамда яна ўша йигит турибди. Аввалига кўрқиб кетдим. «Пулимни тортиб олмоқчи» деб ўйладим. Агар «Пул қани?» деса, «Мана» деб чиқариб беришга тайёр турган эдим, кулиб ёнимга келди-да,

энтикиб-энтикиб бир нималар деди. Кейин мени автобус бекати-гача кузатиб куйди. «Эртага келасизми, яна келинг», деган гап-ларини эшитмаган одамдай автобусга чикиб кетдим. Уйга кел-гунча энди бозорга ҳеч бормайман, деб уйлардим, наҳорда челакларни шафтолига тўлдириб, чой ичмасданок бозорга от-ланганимни билмай қолардим. Аммо эртасига икки челак шафто-ли сотиш минг соатга чўзилиб кетгандай бўлди. Бозорим охир-лаб қолди, кечаги йигитдан дарак йўқ. «Йигитлар шунақа алдам-чи», дедим ичимда. Кўзим олазарак, харидорлар суровига ме-ровланиб жавоб бериб турсам одамлар орасидан бодом гулли дўппи кийган йигит кўринди. У бирпасда рупарамда пайдо бўл-ди. Нима дейишимни билмайман. «Сизга олиб куйган эдим» деб юборибман. Челак... тагидаги шафтолиларни кўрсатиб... Уйи-мизгача кузатиб келдилар. Хайрлашаётганда «Энди, шафтоли сотманг, бозорга бормайсиз» дедилар. Кўп ўтмай совчилар кел-ди, тўйимиз бўлди, мурод-мақсадимизга етдик, билдингми?

Даданг бодом гулли дўппини яхши кўрардилар, ҳеч бошдан туширмас эдилар. Мен дўппи тикишни ўрганиб, дадангача бодом гулли дўппилар тикиб берардим. Ишламасдим, ҳар байрамда даданг совгалар опкеларди, мен уларга бодом гулли дўппи ти-киб кўярдим. Дўппиларнинг кўплиги шундан. Даданг урушга кетганларидаям орқаларидан дўппи юборганман. Ҳозир сенга битта хат кўрсатаман. Узинг ўқи.

Рустамжон учбурчак қилиб букланган эски қоғозни қўлига олди. «Саломат, юборган дўппингни олдим. Муҳаббатингни ипларга қўшиб тикибсан. Бодом гуллари худди яшнаган улка-мизни, бирга бўлган кунларимизни эслатади. Қўйнимдаги дўп-пи юрагимга отилган кўрғошинлардан асраб юрибди. Катта раҳ-мат. Рустамжон қалай? У ҳам дўппи киядиган йигитча бўлиб қол-гандир? Упиб куйгин. Дийдор кўришгунча хайр, омон бўлинг-лар».

— Бу дадангни охирги хати бўлди. Сен ёш эдинг, бувинглар бизни олиб кетишди. Ишга кирдим. Уруш ҳам тугади. Бир нарса ҳеч эсимдан чиқмайди. Даданг фронтда эдилар. «Жангчиларга совға» деган гап чикиб қолди. Биз ниманиям совға қилардик, аҳволимиз ночор. Мен унта дўппи тикиб маҳаллага опчикиб бер-дим. Хаёлимда аскарлар дўппи киядигандай. Кийишмаган бўл-саям оналарини, хотинларини эслашгандир. Кўнгли кўтарилган-дир.

Саломат хола бирдан руҳи тушиб, бошини қўйи эгганича диванга утириб қолган ўғлига қараб, ҳикоясини уза қолди.

— Бу ёғини узинг биласан. Сен етим усмагин, ўксимагин деб... мажбур бўлдим. Барака топсин, ўз ўғлидай яхши кўради сени. Бу дадангниям доимо бодом гулли дўппи кийишини сез-ганмисан? Кўнглимга қарайдилар. Укаларинг ҳам бир хил дўппи кийишади. Нега шунақа биласанми? Уйдаими, кўчадами бодом гулли дўппи кийиб юрсангиз даданг тирикдай туюлади менга. Дўппи артелига ишга кирганим ҳам шундан. Қанчалик кўп дўп-пи тиксам, шунчалик даданг узоқ яшайди кўнглимда, даданг юз-та, мингта бўлиб шаҳарда юрибди, деб уйлайман. Кечқурун уйимизга даданг қайтмасалар ҳам бодом гулли дўппилари қай-тиб келсин дейман...



ҚАЛБ ВА РУҲИЯТ ИФОДАСИ

Суфи Аллоҳёрнинг номи туркий ва бошқа халқлар орасида машҳур бўлишига қарамасдан, унинг лирикаси хусусида ҳозиргача жўяли мулоҳазалар кам баён этилган. Ҳолбуки, қадимда тузилган аксарият баёзларда ҳамда бошқа хилдаги тўпламларда унинг шеър-ларидан намуналар берилган. Суфи Аллоҳёр лирикасига кенг на-зар солинмаганининг боиси, бизнингча, биринчидан, унинг шеър-ий ижодидан намуналар «махсус девон» сифатида шакл топма-ганлиги булса, иккинчидан, тадқиқотчилар ихтиёрида шоир шеър-ларининг каттароқ бир миқдори жамланган тўпламларнинг йўқли-гига бориб тақалади. Бу жиҳатдан эса бизга тақдир қулиб боқди. Шахсий китоб жавонимизда сақланаётган «Баёзи Аламқаш» номли китобда Суфи Аллоҳёрнинг 73 та шеъри мавжуд экан. Яна бир муҳим томони. Убайдуллоҳ Ислому ўгли Аламқаш Суфи Аллоҳёр-нинг 18 та шеърига мухаммас боғлаганлиги бўлди.

Булардан ташқари, Суфи Аллоҳёрнинг Ўз ФАШИ, Алишер На-вий номидаги Адабиёт музейи, СамДД Шарқ қўлёзмалари бўлими ва бошқа турли қўлёзма манбаларда сақланаётган кўп-кўп газал, рубоий, қитъаларини тўплашга ҳам муваффақ бўлдик.

Қўлимизда мавжуд бўлган шеъринг ҳужжатларга асосланиб, бе-малол айтиш мумкинки, Суфи Аллоҳёр узигача бўлган туркий ва форсий тилдаги бой адабиётни ҳамда Миёнкол водийсида яшаб ўтган соҳиб қаламлар ижодини чуқур ўрганган, унинг ўзига хос анъаналарини пухта ўзлаштирган ижодкордир.

Суфи Аллоҳёр шеърларининг аксарияти дунёвий севгидан сўз-лайди.

*Дерсан, Аллоҳёр, лутф айлаб паришон улмағил,
Жам улурму хотирим гесуларинг савдосида.*

Шоирнинг газалларида ер гўзалининг маънавий латофати ургу билан тасвир этилади.

*Соч узун, кўтақ қадам, эй гул, хиромон юрма кўб,
Ёки қасдинг мендадурму ё таманноворсан —*

каби байтларни ўз ичига олувчи газали ҳам дунё гўзали иштиёқида битилган маҳлиёликка ишора.

Аммо айрим кишилар (афсуски, айрим тадқиқотчилар ҳам) мулоҳаза қилганларидек, мумтоз шоирларимиз ёрнинг жамолни мақташга алоҳида (ҳаддан кўп) урин беришиб, адабиётнинг ижти-мой вазифасини хотирдан соқит қилганларми? Асло ва мутлақо бундай эмас. Чунки, мумтоз шоирларимиз инсонларни илгор фикр-

ли, муносиб фарзанд қилиб етиштиришда адабиётнинг муҳим аҳамият касб этишини чуқур англаганлар. Зеро, Суфи Аллоҳёр ҳам панд-насиҳат руҳидаги шеърларида тирикликнинг қадрига етишга, дунёда одамларга керакли бўлиб яшашга, саховатли бўлишга даъват этади.

Шоирнинг яна бир сара асарларида моддий дунё ҳою-ҳавасларига берилмаслик, ҳаётнинг мазмунини шоҳона қасру саройлар қуриш деб билмаслик, мансабга ружу қўйиб, дилозорлик қилмаслик, лаганбардорлигу хушомаддан узоқ туриш хусусиятлари ораста ифодаланади.

Шуни қайд этиш лозимки, шоирнинг айрим шеърларида нақш-бандийлик тариқатини қабул қилган шахснинг руҳий дунёси чуқур ёритилади. Шундай шеърларидан бирида келтирилган мазкур сатрларга эътибор бериб қуринга:

*Дил гамгин, хотир ҳазин, толеъ қаро, пешона шўр,
Қўл қуруг, матлаб йироғ, душман қавий, жонона дур.*

Суфияна руҳдаги ушбу шеърда кўп сўзлар ўз маъносидан бошқа маъноларда қўлланилган: қўл қуруг — Тангрининг даргоҳига боришга ҳали тайёргарлигим етарли эмас; матлаб йироғ — Тангрининг висолига етиш мушкул йўл; жонона дур — Тангрининг висоли узоқда. Шоир солиҳнинг ҳиссиёт дунёсини шундай руҳда ифодалайди. Суфи Аллоҳёр ўз шеърларини, албатта, чуқур ҳаётий тажрибалари асосида, ўзини ўраб турган ижтимоий ва кундалик шароит таъсирида ёзган. Шу ўринда Суфи Аллоҳёр ҳам бирор-бир фалсафий-назарий асосга таянганми, деган савол тугилиши табиий. Бу саволга Суфи Аллоҳёр илк лирик ижодидан бошлабоқ нақшбандийлик тариқатига таянган, уни фалсафий-назарий замин сифатида қабул қилган, деб жавоб бериш мумкин. Бундай дейишга, аввало, унинг битиклари қолаверса, улар тўғрисидаги далиллар имкон беради. Муҳтарам журналхонлар ҳукмингизга ҳавола этилаётган газаллар биринчи бор эълон қилинапти. Бу хусусдаги кузатувларимиздан келиб чиқиб, шоир газалларининг вазн талабига кўра, номини Суфи Аллоҳёр деб ёзиш мақсадга мувофиқ деб уйландик.

Иноятулло СУВОНҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди.

Суфи Аллоҳёр

ТАЛЪАТИНГ БАЙЗО ҚАМАР

...

*Жон, агар ҳам суҳбати тандур жаҳонда гам ема,
Бул азиз меҳмон боринда гуссаи олам ема.*

*Қавли бир эр оддида бошингни берсанг ярашур,
Зоти йўқ, номард билан бир парчаи нон ҳам ема.
Бир қаришлик йўлга кирсанг, қўйма бейўддош қадам,
Бир мавиз олдингда ҳозир бўлса, беҳамдам ема.
Икки кунлик лаззати дунёи бепоён учун,
Фикр этиб гам туъмасини, эй одам... ема.
Тангдаст уладум деб, Аллоҳёр, куб фикр этмагил,
Юз надомат бирла оламдин кетарсан гам ема.*

* * *

*Кимдин сучук калом ила шоиста ҳу чиқар,
Будур эшитмишамки некудин неку чиқар.
Айтур хирад қулогина ботарда офтоб,
Ким мунда пастлик билан ўтса, улу чиқар,
Ҳар кимни нияти эҳсонда бўлса нон киби,
Гар солсалар танура ичидин сурх рў чиқар,
Бир сўзда турмаган киши тилпак нагу кияр
Бир етар етмаган сўз оғиздин лагу чиқар,
Навмид улурму баңдаеким раҳмат атосидин,
Ҳар дам нидои ояти «ло тақдуну» чиқар,
Аллоҳқулнининг ўғлидин айлар таажжуб эл,
Ким узбек ўгли саъйидин бу ранг, бу чиқар,*

* * *

*Тешти кўксум, эзди бағрим, доғи ҳижроним менинг,
Бу аламдин мунча гамда чиқмаган жоним менинг.
Дарда тўлсам, гамда сўлсам, телба бўлсам ишқиди,
Хизматинда муңдоғ ўлсам, йўқтур армоним менинг.
Ақлу идроким тамом ўлди, фусуним қолмади,
Кўзда ёшим, рангда қоним, таңда дармоним менинг.
Ҳолатим бад, ҳасратим беҳад, фиғоним беадад,
Қил мадад меңдек йиқилгон қулга султоним менинг.
Гуссаи дил, қиссаи мушқулга қолдим ою йил,
Оби гил ичра хижил қолгон тану жоним менинг.
Айтур Аллоҳёр йиғлаб, зор ҳар лайлу наҳор,
Тийри ишқи ёр тўкса кошки қоним менинг.*

* * *

*Эй ҳуш ул умреки ўтса бир неча шайдо билан,
Танлари халқ ичра бўлса, диллари Аллоҳ билан.
Барги бирён, кўзлари гирён ёронларни қўюб,
Ҳайф ушал умреки ўтса бизнидек расво билан.
Жон фидойи ул биродарким бу дунё мулкидин,
Курмаса бир пул юзини, ўтса истиғно билан.
Аждаҳо бирлан тўқуш қилгон кишини эр деманг,
Эр ушал эрдаур, ки ўтса, баңдалик тамго билан.
Токи, Аллоҳёр, истарсан тириклик иззатин,
Қоч ушал таңдинки фикри бўлмаса танго билан.*

* * *

Сан бу вазулик била ё хур, ё айёрсан,
Ё пари, ё лолае, ё гулшани беҳорсан.
Киригинг жоду, кўзунг оҳу, тишинг дурдоналар,
Соҳири сеҳри замон ё кофири зуннорсан.
Тальатинг байзо қамар ё жаннатул маво юзунг,
Нисбатинг номехрибон, ё дуст, ё агёрсан.
Соч узун, кўтаҳ қадам, эй гул, хиромон юрма куб,
Ёки қасдинг мендадурму ё таманноворсан.
Кўзларингму нарғиси шаҳлодур, эй писта даҳан,
Нозу дардингдур фузун, бас, сан нечук беорсан?
Боғу бўстонлар аро, ҳеч кўрмадим сандек пари,
Эй жафожу демадинг... нечук афгорсан?
Уртаб Аллоҳёрни ҳар дамда ҳижрон утига,
Раҳм этибон сурмадинг ҳолим, нечук дилдорсан?

* * *

Жон чекиб, гусса ютуб, то жигаринг қон ўлмаз,
Мақсадинг ҳосил ўлуб, мушкулунг осон ўлмаз.
Бошини доша уруб, дона элақдин ўтмайин,
Мушт емай, ўт ичина солмасалар нон ўлмаз.
Эй йигит, маслаҳатинг билгали бир пир керак,
Бекамон ўқ неча тузлук била паррон ўлмаз.
Роҳати банда қазосига ризо бермақдур,
Ҳар киши кўнгулни жамъ этса, паришон ўлмаз.
Гами йўқтур киши огритса бу Аллоҳқулининг
Зарри холисни ушатган била арзон ўлмаз.

* * *

Кўрк учун тушти зилоли лаъли мушкин хатту хол,
Тутти суҳбат Хизр ила кавсар қирогинда ҳилол.
Муддаийларни кўриб, қаҳр ила ёшургай юзин,
Эй кўзум, ул ора тушти, эмди юз кўрмак маҳол.
Нарғиси мастинг хумори бодадин гулгунмудур,
Ё будурким лолазор ичра тушган ваҳши гизол.
Эй хаёлим, хом эсанг мунча гапурмақдин на суд,
Эй сўзум, бир ера етмас ўлсанг, айгон ера қол.
Ҳажр элдин қутлу даргоҳинда, эй султони ҳусн,
Қолмади бу мискин Аллоҳёр айтган дарду ҳол.



Раъношон Розик

ДЕРАЗАДАН БОҚУВЧИ ҲАЁТ

Ҳикоя

1

Хаёл ҳаётдан-да бесаранжом, беҳаловат бу оқшом...

Шиддатли баҳор тўхфаларини ёз куйдириб-қуритиб, ҳазон фасли олтин япроқларига довури аямай, шамолларга бериб ўборди. Ёмғир куз қаддини букди-қўйди. Ёмғир-аламзада! — дардин тўкмоқда селланиб ёки унинг шивирида коинот сирлари яширин? Қасди бордур бизда унинг? Балки нияти ер сатҳидан азоб-ўқубат, гуноҳларни ювиб-тозалamoқдир?

Эй, фалақдан бизни кузатгучи Қудратли Қудрат, дейман, гуноҳ сўзин Заминдан супуриб-сидириб учуриш шунчалар мушкул эканми? Одам Ато бир гуноҳини тилаб тавбада уч юз йил йилагани рост бўлса, тагин неча асрлар йиғлар — энди қолганлар?..

Чироқ учди, демак, телефон ҳам гунг. Сув келмай қўйди, пақирларни тўлдириб улгурмадим. Газ — шам пилигидек ҳозирча милтиллаб-титраб, ёниб турипти. Ёмғир беҳосдан қорга айланганига шунчалик бўлса...

Бир неча йилдан буён Раънонинг ҳикоялари «Шарқ юлдузи»да босилади. Улар кимгадир ёкиши, кимгадир ёқмаслиги мумкин. Шаҳсан мен учун ёзувчининг УЗЛИГИ муҳим. Бу — ёзувчи фақат уз ҳаётини ёзади, деган гап эмас! Адабиёт — восита. Ҳеч кимга сен айтолмайдиган ва, ажабо, барчага айтадиган — суз! Раънонинг ҳикояларида шу маънодаги Суз бор! Демак, адабиёт...

Мен Раъно катта бир асарлар ёза олишига — шунинг учун ҳам ишонаман! Албатта, КАТТА АСАР — шарт эмас... Лекин бунга имкони бор адибаларимиз кам. Гоҳ иқтидор етишмайди, гоҳ ша-роит.

Сизга куч, руҳ, ижодий зафарлар тилайман!

Омон Мухтор

Кучадан яққол эшитилиб қулоқни қоматга келтириб, оғрик бошни оғритаётган машиналар гавгоси ҳамда менга ажратилган йиллар лаҳзаларини ҳисоблашдан толиқмаётган соат чиқиллашидан бўлак тирикликдан даракловчи ҳеч вақо йўқ атрофда! Ақлдан озьяпманми? Деразадан боқдим, кўзимга алланимабалолар куринади. Ҳаёт, дейман, умрга чўзилган улим! — ёки ақлдан озишим умрга чўзилди. Бош оғригини енгиш, чалғиш ниятида ва санокли кунлар қолганини тан олиб, ниҳоят ҳар хил гаплар ёзилган қоғозларимни титқилай бошлаганимда, чироқ ўчди-я! Уларни тартибга келтириш ўзимга насиб қилсин!..

Эшик тақиллади. Кимсан, эй, ёлғизликка бир неча дақиқа барҳам бериб, ақлдан озиш муддатини озгинагина ортга сургувчи инсон, кел, хушкел, кира қол, азизим... Ярамас калит бўлса бурала қолмайди тезроқ!

Кўшним, ён кўшним шам сўраб кирипти. Ундан-бундан гаплашган бўлдик. Стол устида йиғиштириб улгурмаган қоғозларимга кўзи тушгач, гап айланиб, одатий мавзуга бурилди:

— Жонни ҳовучлатиб кўядигон муҳаббатдан бир нима ёзсангиз-чи! — дейди кўшним.

— Ёзолмайман.

— Ипидан-игнасигача айтиб бераман, мени ёзинг!

— Ёзсам... фақат ногирон аёл севгисини ёзишим мумкин.

— Мажруҳлар ҳақидами? Соғ танда — соғ ақл! Майиб танда қандай севги бўлиши мумкин? Қизиги йўқ, ҳеч ким ўқмайди! Борди-ю, йигит хаста, қиз соппа-соғ бўлса, ана унда — бошқа гап! Ҳамма тасаннолар айтади. Аксида... йигитдан нафратланишлари мумкин: ул-ла! — дейишади, қиз куриб кетгандай, келиб-келиб шу чўлоқни топдингми? Кўнглингнинг кўчасидан ўргилдим!

— Бундай нарсаларниям кимдир кутаётгандир... кимдир ёзиши шартдир ниҳоят! Жанна Д'аркнинг «Мен бўлмасам, ким ул?!» — деган шиори бор экан. Тўғри, у мажруҳ эмасди. Ҳаттоки, жисми... Бу сўзларни ҳам бошқа вазиятларда қўлаган...

— Ким дедингиз? — жавоб кутмай, шошиб ўрнидан турди. — Вой! Нонга чиқмоқчидим, чироқ ўчиб, дўкон бекилиб бўлгандир!

— Менга ҳам ола келинг, илтимос.

— Қайтими хизмат ҳаққим.

— Албатта.

— Ҳозир ҳеч ким текинга иш қилмайди, қариндош-уруғлар ҳам ҳаққини кутади.

— Эҳтимол.

— Яна: биз ишсиз!

— Тушунаман.

— Сиз бўлсангиз уйда ўтириб олиб ногиронлигингизга мазза қилиб, лўмиллатиб нафақа тулатдирасиз!

— Нафақа учун мен йигирма йил ишлаб кўйганман!

— Хафа бўлманг! Бирпасда ёниб кетасиз...

2

Чалғиш керак. Чироқ ёнмаса, нима билан шуғулланаман? Ишлаган маҳсулотинг харидоргир бўла туриб, бозорга олиб чиқа олмасанг, бозордан урин топмаса, кўлинг ишга бормайди! Бо-

зор иқтисоди — бозорларни кенгайтириб, четдан товар ташиб-тўлдиршдангина иборат эмаслигига яна бир қанча муддат яшаб кўйганимиздан сўнг ишонамиз.

Чалғиш... Ана, эзгуликнинг эҳроми! — девор буйлаб навбат кутиб қўл чўзишимга интиқ китобларнинг бирини олсам, тилга киради зумда! Вафодор суҳбатдош, баъзан ҳамфикр, кўпинча — дардқаш! Шу кунга қадар мени неча бора оламга қайтариб, тир-гаклик қилган! Афсуски, уларнинг-да халоскорлик кучи заифлашиб, тушкунлик домидан тортиб олиш қудрати чекланади гоҳи-да... ўз замонаси қонунларига бўйсунмай, қоидаларни барбод этиб жабрланганлар асрлар ошиб ҳозир менга недан сабоқ беришга қодир? Ҳар замоннинг ўз мафқураси бор.

Шам липиллаб, кўз ҳарфларни илғамай, қийналади. Шам ёғдусида аждодлар ўқиб, кашта тикишга ўрганиб, кўниккан, биз...

3

Дераза аёз учун — гов эмас. Совуқ қотганимдан ураниб, ётиб ухлаб қолишни уйлайман. Вақт ҳали эрта, Ҳозир ётсам, қачон тонг отади?! Олисда адир қорайиб, ўтган йилларни, гуё менинг ҳаётимда бўлмаган-у, лекин, ҳануз-ҳамоно мени бағридан қўйиб юбормаган йилларни жонлантиради. У ерда... бувим кўрпа қавиб, «елка-белни офтобга тутиб» ўтирипти! Мен уйин-чоқларимни уйнамайман, мушукчамни силаб-сийпалаб, қучоқлаб қийнайман. Мушукча зерикади, меҳрдан-да безийди, «қўйвор, қўйвор» дегандек «ми-ёв, ми-ёв»лаб ялинади, ахирги қўлларимни тимдалаб, озод бўлганидан хурсанд, пиллапоялардан сакраб-сакраб қочади.

— Қайтсин, адабини бериб кўяман, ураман! — дейман аламдан энтикиб.

— Қўй, урма, жоним, униям жони бор, униям жони оғрийди,— дейди бувим.

— Мени тимдаласа, майлими? Ё мени жоним йўқми? Ё мени жоним оғримайдими?

— Сенинг жонингдек азиз жон йўқ мен учун, айанай... Ҳамма нарсанинг, бизларникидек, жони бор.

— Қийшайиб-мийшайиб усаётган анави дарахтларингизниямми?

— Дарахтларниям жони бор.

— Бадбўй кўкатларингизниямми?

— Кўкатларниям жони бор.

— Нега бўлмаса улар йиғлашмайди? Синдириб-синдириб, юлиб-юлиб ташлашсаям, йиғлашмайди?

— Йиғлайди, бизга кўрсатмай йиғлайди-да.

— Ичида йиғлайдими?

— Ичида йиғлайди.

— Йиғлаганимдан кулишмасин, дебми?

— Кулишмасин, деб.

Бувим қавиётган кўрпасини нари суриб, ўзи тайёрлаган мал-ҳамлардан оёғимга суртиб, силаб-уқалайди.

— Қилган дори-дармонларим даво бўлиб, сен ҳам мушукчангдек бир кун мени ташлаб кети-иб қолсан!

Бувим «мушукча» дейиши билан, қўлимдаги жароҳатлар ачишиб, аламни янгилайди.

— Кайтсин шу ерга, учимни оламан, барибир!
— Куй, болам, озор берма жониворга, гуноҳ бўлади!
— У менга озор берса майлигами? Гуноҳ бўлмайдами?
— У сенга озор берганига ақли етмайди-да, сен бўлсанг, тушунасан.

4

Мозор қишлоққа элтувчи йўлнинг осмон билан туташиб кетган жойида эски ҳаяжон энтиктиради мени: ҳозир машина жарлик ёқалаган пастлик йўлга эмас, туппа-туғри осмонга учиб-шунгиди! Фаннинг баъзи кашфиётларига қасдма-қасдликка, мана шу нафас олаётгандек жонли мовийлик кўйида ҳаёт бор, деб қўлар қатори баралла куйлагим келади!

Лаҳзада сониялик ҳаяжонни енгиш шарт, зеро машина осмонга эмас, пастликка шунгиди. Зумда асфальт узилиб, бирикки фарсаҳлик шафал йўл тезликни пасайтиришга ундайди. Гилдираклар остидан тошлар тарсиллаб, ойнани чил-чил отиши ҳеч гап эмас. Йўлнинг шу икки қўлоч ери не сабаб асфальтланмай қолиб кетганини йўловчи тугул, ҳайдовчиларнинг бири билмайди, ким асфальт етмай қолган, деса, кимиси қатқолоқда машиналар жарга қулаши эҳтимоли хавотирида қолдирилган, деб тахминлайди. Лекин ҳар бир ҳайдовчи йўлнинг шу кесимидан асабийланиб-сўкиниб ўтиши тайин.

Тош йўлга яна асфальт улангач, озгина юрилгандан сунг, машина дарвозамиз қаршисида тўхтади. Ям-яшил пахмоқ қайрағочлар соясидан энгашиб, уйимиз йўл қарайди. Ховлига қадам қўйилиши билан деразаларнинг кўзлари севинчдан чақнаб кетади. Уй қадини ростлаб, ачомлашгиси бор!

Ховлининг қоқ ўртасида кокиллари билан сояланган қари тол остидаги суричада газет-журналларини варақлаб ёнбошлаб ётган дадам, айвонда супра ёйиб, қатлама ўраб, кук сомса босаётган бувим, юзи қип-қизариб тандир қизитаётган аям шошиб-шошиб пешвоз чиқиб, бағир очишади менга — улар ҳам...

— Утган йиллардан айтиб беринг, дада.
— Ҳаммасини айтиб берувдим, — дейди дадам ҳар гал.
— Яна бирорта гап қолгандур, топилар!

Мен тепада, дадам сурига курсисини яқин суриб утиради, паст, бетакрор чиройли овозда мозийдан сўзлайди. Кўзларига, сунгги йиллар тезкор дард кемирган гавдасига термулиб-тўкилиб, тинглайман. Босмачиларга кўмаклашгансан, деб дашнақлар томонидан отилган бобоси, Ватан уруши майдонларида жангда ҳалок бўлган отаси, колхоз далаларида меҳнатда тинмай, рўзғор тебратиб, уруғ-аймоғ, маҳаллага бош бўлиб, одамларни адирларда усиб-унган гиёҳлардан дори-дармон тайёрлаб, сеҳрли қўлларининг тафти билан даволаган бувисини хотирлаб, утган кунларга шунгиб-яшаб, сузлаб беради дадам. Хотирадур ҳаёт тиргагин бири?! Ҳикояларини тинглаб, бағрига отилгим, бир нималар айтиб малҳам бўлгим келади, аммо тияман узимни. Нега? Нега сўз вақтида туғилмайди?

Дадам сўзлайди. Кўзларида ёш милтиллайдими ё ҳозир менга шундай бўлиб туюляптими?! Хотиранинг кузи бор, дейишади...

*Яримта юракнинг ярми ҳам — яра,
Утган-кетганларинг қолдирган излар.
Яримта юракни суяб хотира,
Қўллаб-қувватлайди
Рўҳлар —
Азизлар...*

Ун ёшларимда бир нимадан ўксиб йиғлаганимда, дадам қўлимга «Чин инсон қиссаси»ни тутқазгани ёдимда...

Кейин... Тошкентда касалхонада ёганимда «Суна» деган китобни олиб бориб берганини эслайман...

Кейин... Ёшим ўттиздан ошиб тушкунликда шу уйга қамалиб ҳаётдан юз ўгириш даражасига еганимда, дадам кун ора қатнаб, турли-туман китобларни ташиб, «Ўқиб, менга тушунтириб бер, мен қариб, кўп китоб ўқиёлмайдиган бўлиб қолдим», деб «муғамбирлик» қилганини дунёдан у қайтганида англадим...

Умр қисқа экан. Мангулик тушунчаси мавжуд экан, инсон умрининг қисси-таққоси не? Қатра ённки зарра?! Жудоликнинг бир лаҳзаси... мангуликдан-да узун...

Энди мени эшигимизда ўғил, келин, набиралари қуршовида аям кутиб-кузатиб қолади. Ёлғиз. Ёнидан қирқ беш йил мобайнида кўпга, олисга жилмаган, «яхшилардан қолган ёдгори» уни мангу ташлаб кетганига шу йил кун — икки йил бўлди! Ҳеч ким дунёга устун бўлмайди, ҳеч ким эрта ўлишини-да ўйламайди. Фалончининг қазоси фалон кунда кутилажаги яқинларга маълум қилинса, эҳтимол, атрофдагилар азиз кишисига айтирини айтиб, сўрайдиганини сўраб, берган озору гуноҳларини тиз чуқиб, тавбада тилаб олармиди?! Дунёдан қайтган қадрдонларимизсиз кечаётган умр — хатоларни англаб, туғри йўлга чиқиш имкониятидур балки?!

Одатда, кино ва китоб бош қаҳрамонлари кетаётиб, ортига ўгирилмайди. Мағрурлик ёки ирода кучи нишонасими бу? Кузатиб қолувчи «Сунгги бор бир қара! Қарагин!» — ўтинчида кетаётганининг қораси ўчгунча қаттиқ термулиб ўртанади! Ўгириламаман, ўгирилавераман. Аямнинг қўллари фотиҳага бирикади. Такрор ва такрор! Эй, бу тоғ қалбли аёлга бағишлаб ҳеч нима ёзмадим ҳали-ҳануз, ортга сурганим-сурган. Қасидами ё қўшиқ? Сиеват — халқни тўйдириш, чегарада тутиш санъати бўлганидек, эрнинг, унинг сон-саноксиз уруғ-аймоғи, саккиз фарзанднинг саккиз хил феълу атворига яраша муомала топа билган, кўнгул ола билган шу оназоримга бувимга бермаган умрингдан, дадамга бермаган умрингдан қўшиб бегин, Худойим!

Мозор қишлоқнинг яна бир номи — Ҳазрати Айюб! Азиз ер деб биланлар, Марказий Осиёнинг ҳаттоки чекка-чекка қишлоқларидан — хасталар, армонлилар таскин-мадад излаб, ис чиқариб фотиҳа-дуо, кокиллар олиб кетиб, бир йилдан сунг чақалоқларини бағрига босиб кириб келишади.

Дадамнинг йили кунидан нуроний чол билан бир кампир келди.

— Домла, ҳу-у, домлажон! — деб қичқирди дарвозадан муралаб қариялардан бири.

Дадамнинг йиллик маъракаси ўтганини эшитиб, айтиб-айтиб йиғлашди. Ун саккиз йилдан бери домлажоннинг меҳмонлари бўлиб, ўзи дамлаган чойлардан ичиб, мириқиб-мириқиб ҳазилларидан қулишиб, суҳбатларини тинглаб, қадрдон бўлиб кетишганларини сўзлаб, менга дадамни янгитдан таништира бошлаш-

ди. Оқшом маҳаллама-маҳалла кезиб, бир қуй топиб эртасига элга ош беришди, «домлажоннинг руҳлари шод бўлсин», дейишди.

5

Дераза аёз учун — гов эмас. Шам ўчиш таҳдидида, липил-ляпти.

Транзисторни бурайман. Батарейкасида олти ой ишлаш муддати кафолатланган-у, қуввати ўн беш кунга аранг етади.

— ... жаҳон миқёсида ногиронлар куни тантанали равишда нишонланади, — қулоғимга пичирлайди суҳандон.

Йигирма биринчи аср бўсағасида Заминда беш юз миллион ногиронлар борлигидан мотам тутиш зарурдир?! Беш миллиард Ер аҳолисига нисбатан беш юз миллион бир қарашда ҳеч гап эмасдек гўё. Борди-ю, мажруҳларни бир мамлакатга жамлаш кимнингдир хаёлини банд этиб қолса, Қирғизистондек бир юз йигирма давлат фуқаросига тенг келар экан ҳисобда!

Зимистон. Кўча қуринмайди — деярли бутун шаҳарда чироқ учган. Бениҳоя сукут қуйнида, ёлғизликда мавжудот нафасин тинглаб, унинг ҳаёт оқимини туйиб, шу оқим бир муюлишда туйқус улимга тўқнаш келишидан гумонсираб, ишонмайсан ҳам, ва, шунинг баробарида, ўлим ҳақ эканлигини тан олишинг муқаррарлигидан хавотиру ваҳимада бир асно юрак тўхтаб қолгандек бўлади. Эй! Ҳаттоки, мажруҳлар — мен жисмонан мажруҳларни назарда тутяпман — бевақт ўлиб кетишидан безовта, беҳос ўлишни истамас-хоҳламас экан-да!

Шамол увлай бошлади. Бувимнинг хас-хашакни жондор, деб тушунишининг ўзи донишмандлик! — дарҳақиқат, шамол увлай бошлади! Ҳамдард изламоқда у, ёки, ёмғирдан ўрганиб, дардин очмоқчидир? Унинг айтганларини эшитиб, дарахтлар бошларини то ерга қадар эгади. Ҳаво кўнгли тўлиб-тошиб, селланиб-селланиб тўкилади, шаррос-шаррос қўйилади. Сўнги чора — уйлар сари уради, шунда ўзини шамол... лаҳзада дераза-эшиқлар зичланиб, қўлфланиб маҳкам беркитилади...

Совуқ қотганимдан фикрларим ҳам музлади!

Деразадан милтиллаб бўлса-да, қоронғулик билан олишаётган шам тунни иккига бўлиб, нур ва зимистонни юзлаштиради бир муддат. О-о! Зулматдаги бу ёғду!.. Дил қўшиққа айланган улгурмай, кутилмаганда ёғиб қўйган қор ҳукмронлиги теваракка бахшида этган осойишта сукут мени ҳам ўз домига торта бошлаган экан, мудрадимми, алаҳсирадимми, билмайман, шам ёғдуси аждодлар сахросини такрор ёритган бўлди. Элас-элас. Даврага қайтадан афсунгар кириб келди. Шу сонияда булутларни ёриб муралаган яримланган ойнанинг заиф шуъласида афсунгарнинг яланғочланган қиличи нурлана бошлади, кўзни қамаштиради — о!— зулматдаги бу ёғду! Афсунгар руҳланиб, боши узра яланғочланган қиличини уйната бошлади, нур атрофни янгитдан ёритди. Ҳамма ҳангу манг, мафтун, у томон талпинади, омма — уммон, афсунгар — ёлғиз. Шунда шогирдлари — фолбинлар кўмакка ошиқиб атрофга ёғилаётганларнинг қафларига қараб, улрга аталган умр ҳисоби, бахту толе, ризқу мансабларидан башорат айлай бошладилар. Қопларга жиринг-жиринглаб олтин тангалар тўкилади. Қисматимдан хабар излаб, киссамни кавлайман, бир мири тополмайман, афсунгарнинг шогирдлари мени назарга ил-

май, четлаб ўтаверади, мен киссамни тимирскилашдан толмайман.

Тубанда гижинглаган отларни йигитлар эгарлайди. Шам ёғдуси, ой шуъласи жарликка етиб, бутун ёритишга ожиз. Отларнинг бетоқат юлқинаётганини ҳуркишларидан, йигитларнинг эҳтиросли хитобларидан тахминлаб англаш мумкин. Кимнингдир тоқати тоқ бўлди ниҳоят, сабр-қаноат тарк этиб асов отда шаҳар аро учиб ўтди. Афсунгарнинг отган ўқи йигитни қўлатиб, шумшайган дарахтларни кесиби, юрагимга санчилди! Фолбинларга ялинсам, бири пошнади этигини кўксимга қадаб, кўкрагимни пайпаслай бошлади, оғриқдан додлаб юборишдан ўзимни базур тутиб, қўлларини силтаб ташладим. Шунда у сергакланиб, найзани олиш хавфли, найза санчилган шу юрак билан яшашга маҳкумсан, жароҳати оғир, бу дард наслдан-наслга ўтишга-да қодир, деган шум хабар билан дилимни вайрон айлади. Бувим, дадамдан қолган гиппертония касали каммиди менга? Дард ота мерос бўлмаса, дард чекканин билармидим, деб ўзимни юпатишга уриндим.

6

Дераза аёз учун — гов эмас. Шам сўниб боряпти. Зимистон бувим билан дадам чехраларини ўз домиди яширди. Шамол увлаб, кутлуг инсонларнинг суякларни изғиринда инграмоқда. Бегоналар пойида азиз ер бағри эзилиб, қонгалаш.

— Қонимизда мутелик бўлмаган! — дейди сўнги бор дадам шамол увлашин енгилга тиришиб.

— Бўлмаган? — лабларимни қийшайтириб асабига тегаман.— Шунинг учун йўл қуринганга тепкиланиб...

— Дош бериш-ла бош эгишнинг фарқи йўқми сен учун?! Ирмоқлар дарё бўлиш, дарёлар денгизларга сувларини етказишга ошиққанлари каби муқаддас эзгуликнинг қатраю зарралари бир кун уммонга айланар! Инсоният тошни тиркишлашни урганишига қадар икки миллион йил яшаб қўйган экан...

Ўлмасин экан одам, умид унга мадақдор ва шул умиди билан у ҳаёт.

Ва:

Ҳаёт
Азизларингни
Азиз ер бағрига бирма-бир
Бағриндан узиб
Бериш.
Дарвоқе! Азиз ер —
Азизлар билан Азиз
Ватан...

7

Қор тинипти. Кўзимга қуриниб мавжланаётган сайхонми у? Сайхон. У мени ҳам эрку озодлик тушунчаларидан дарақлайди бир асно. Бошим узра оқ елканларин шамолларга тутиб сузиб ўтаётган осмон, тўрт томоним қибла — қайга боқмай, нурафшон равон йўллар мени сафарга — изланишга-яшашга чорлайди.

Ичимга сигмай кетаман: шу... ҳаммаси мен учун? Биттагина мен учунми? Қай хизматим, хислатларим эвазига олмош бу?! Қушиқ айтгим келади, руҳланиб.

Рух — ҳаётимнинг тираги.

Рух — айтилмаган кўшигим.

Рух — очилмаган сир ҳамон.

Рух — кашф этилмас бир дунё!

Ва унинг

Парвози — қуёшли осмон қадар.

Теранлиги — сарҳадсиз, тубсиз уммон.

Сахийлиги — умид, умид, умидларга эш...

Овозимни буғишга шайланиб — ошиққа шамолларни-да енг-ишга қурбим етишига, хотира — қурбонларни маҳкам тутиб, шиддатимни жловлашга беҳуда уринаётганлигига ишонаман. Куйлайвер, кузги дарахтлар янглиғ шамолларга таланиб, яп-яланғоч қолгин-у, шажарангдан узилмаган муқаддас қушиқни маҳкам тут, баралла айт, шунинг баробарида, янги қушиққа айлан! Фоний дунёда боқий муҳаббатдан гапир, куйла ўз вақти-да!

Бошим узра қуёшнинг куйдиргувчи забонсиз рўйи мисол бир хаёл борлигимни ўртайди туйқус: мен танлаган илон изи йулга бурилишимдаёқ оқшом қанот ёза бошлапти. Саросималаниб бум-бушликка савол бераман: Қайга юрай? Адашдимми? Адашсам-чи? На бир ёғду, на бир юлдуз, на бир жон...

Дераза аёз учун — гов эмас. Шам куйиб, адо бўляпти. Зимистонда қайга боқмай, УНИНГ АЗИЗ ЧЕХРАСИ гоҳо кулиб, гоҳо маъюс, оймисол сузиб, атрофимни нурафшон айлаб, мени имлайди. Эмаклар бўлса-да, у БОР жойларга етгим келади...

8

Эшик тақиллаб, мени уйимга қайтарди. Дўкон бекилмаган-дир, нон келтирмоқчи бўлган қўшнимдан бўлак бемаҳалда ким бўлар, десам, хандон отиб дугонам кириб келди. Дарду ҳасратларини тўкиб-сочиб, одатдагидек кутилмаганда жўнаб қолди бирпасда.

— Борай энди. Тўқиган нарсаларингдан бер, эртага бир-икки корхонага олиб ўтаман, маош бўлармиш. Устига озгинадан қўйсам, сенгаям-менгаям фойда.

— Утган сафар олиб кетганларинг сотилдими?

— Сотилди, — картмонини чиқариб, бир зум ушлаб турди, қайта кассасига солиб, кулди. — Пулингни бир айлантириб олай, кейин бераман.

— Кундан-кунга очофат бўлиб кетаяпсанми?

— Яхши яшаш яхши-да, ўртоқжон! — Остонадан қайтиб, ўтирди. — Улим тўшагида ётган чол ўғлига васият қилти: «Болам, оёғим увишяпти, мени жун пайпоғим билан кўмишларига кундиргин, ҳеч бўлмаса нариги дунёда иссиқроқ ётай! Қабристондан келганингда мана бу хатни ўқи, унганча оча кўрма!» Чол муддатида қазо қилти, отасини қабристонга қуйиб келиб, унинг сўнгги тилагини бажаришга руҳсат бўлмаганидан кўнгли вайрон ўғил, хатни эслаб, ўқилти: «Мана, кўрдингми, ўғлим, у дунёга ҳаттоки эски пайпоғимни ҳам олиб кета олмадим» — деб қўйган

экан отаси. Буни телевизордан бир эшитувдим... Лекин... яхши яшаш яхши-да, ўртоқжон!

— Қолсанг булар эди бугун!

— Уйдагиларим хавотир бўлишади. Чироқ ёнса, телефонинг ишлаб қолар?

— Бир тилдан қолдими, кимгадир ялиниб, идорама-идора югуришга тўғри келади.

— Бир замонлар одамлар Худодан кўрқиб... кейин қонундан ҳайиқиб... Энди ҳамма нарса фақат пулга қараб қолди...

— Баъзан бирам яхши гаплар гапириб юборасан!

— Узим яхшиман, сен тан олгинг келмайди шуни! Бу йил умрим қишлоқларда ўтиб, ёнингга ҳам анча-мунча кела олмадим. Пахта олган опамга кўмаклашдим, укамнинг пиёзини ҳам йиғиштириб олдик. Акамнинг тамакисини чоғиб, йиғиб, теришдим. Вой, унинг меҳнати кўрсин! Қўлларимни қара, аллергия дейишяпти. У ердан-бу ердан чўқиб-чўқилаб рўзгор тебратяпман, поччангнинг дипломидан бошқа қўлида хунари бўлмаса... Мана, тўқиган нарсаларингни, устига қуйиб бўлсаям, сотиб, ҳожатингни чиқаряпман...

Уни кузатиб, эшикни ёпиб улгурмай, тепадаги қўшним қичқириб, мени чақирди:

— Очередингиз келганда подъездни ювдиргани одам топиб, договор туздингизми? Только бизга керакми?

9

Дераза аёз учун — гов эмас. Шам куйиб, адо бўляпти. Дард енгини хавотирда, чалғиш гамида қоғозларни майда-чуйда гаплар билан тўлдириб бўлдим бугун ҳам. Эзмаланиб. Бунинг орасида неча бора телефон дастагини қўлоққа тутиб улгураман: зора- зора ишлаб қолган бўлса! Ҳаммасини айтаман, ҳаммасини! Ҳаётимдан кетманг, дейман, кетманг! Тўғри, соғлом аёл ўрнини боса олмайман ҳеч қачон, бундай ниёту умид хаёлимда ҳам йўқ энди... Майли, онда-сонда узук-юлуқ висолларнинг ўрнига ойда-ми, йилдами олис-олисдан кўриб, овозингизни элас-элас бўлса-да эшитиб, БОРЛИГИНГИЗНИ билиб, тўйиб яшасам... шу мен учун кифоя... шу мен учун катта бахт... Мен сизни соғиняпман... Соғиндим, дейман. Аммо... исботига оёғини ўптиришга яна уришидани кўрқаман...

Жалолобод.

ДАЛА ЙЎЛЛАРИДА

Боғбон кузатувлари

Илинж

Куз шамоли эсади. Тилларанг япроқлар, яшаб бўлдик, умримиз баҳордан кузгача эди, яна нени армон қиламиз, дея дув-дув сочилади. Аммо бир япроқ пинҳона армон билан... узилишга мойиллиги йўқ.

Аччиқ изгирин билан қиш ҳам кирди. Қор бўралаб ура бошлади. Шамол япроқни ҳар куйга солади. У дириллаб узилай деб турса-да, бутоқни тарк этгиси йўқ.

Қаранг, қишнинг шунча бўронлари ҳам шу битта япроққа кучи етмади. Ниҳоят, баҳор келди. Япроқ тагидан бир мурғак ниш урди.

— Сени кутиб тургандим. Сенга жоним фидо бўлсин, — деди япроқ ва хотиржам тортиб, узилиб туша қолди.

Уни шу илинж бутоқда ушлаб турган экан.

Ёмонни қўллаганнинг жазоси

Ток тагидан униб чиққан зарпечак қилдек бўлсаям нияти қора эди. Кўкарган нарса борки, кўра олмади. У ўтларга илашиб роса авж олди. Уларнинг жизганагини чиқарди. Аммо тепа-да ток барқ уриб барг ёзарди.

— Сен орқали унга илашаман, ён бер,— деди у бегона утга.

— Бемалол, — деди унинг иблислигини билса-да, бегона ут.

Зарпечак узум шўрасига илондек ўралиб чирмашди. Аммо боғбони қурмағур хўп эринмаган одам экан, зарпечакка кўзи тушган захоти ток тагига ўтириб олиб, тирноқлаб тозалаб ташлади. Сўнг:

— Зарпечакнинг-ку, нияти қора. Лекин уни қўллаган сенинг гуноҳинг-чи, униқидан баттардир, — деди-да, ўтни тагидан чопиб ташлади.

Шукр ва гурур

Ток кўкариб новда берибдики, уни ўз ҳолига қуйишмайди. Кўкламда очиб, сурига кўтариб тарашади. Хомток даврида-чи? Ҳосилсиз новда, бачкиларига «кун» йўқ. Ёз бўйи ҳосил кўтарган новдалар кузда яна сараланиб имтиҳондан ўтади. Кейин кўндоқда...

— Яхшиям ток бўлмаганим, қийналмай фароғатда усаппман, — дея гурурланди ариқ бўйидаги терак токнинг аҳволини кўриб. Сўнг барглари қарсиллатиб чапак чалди анча вақт. Ток теракнинг бу қилиқларига кўникиб қолган. Индамади.

Бир куни гувиллаб келган шамол охири бўронга айланди. У токни сўридан ажратиб тоза эгса-да, синдирилмади. Теракни эса бир зарба билан қарсиллатиб, ерга ёнбошлатди-қуйди.

— Яхшиям теракдай тикка ўсмаганим. Эгилавериб чайир тортганимдан мамнунман, — деди у шукр қилиб.

Лақма

— Шундоқ офтоб турганда паст жойда нима бор? — деди бир дона уруғ ва плёнка тагини хуш курмай кафтдан четга учди ва бўшроқ жойни кучди.

— Деҳқоннинг измидан чиқиб, панд еб қолмагин, — огоҳ-лантиришди шериклари.

— Офтобга ҳавасим келяпти, ўз ҳолимга қуйинглар.

Уруғ офтобда бироз роҳатланди, кўпчиди. Уч-тўрт кун утиб ниш урди. Аммо эртасига шўрига шўрва туқилди. Ҳаво айниб, изгирин турди, гужанак қилиб қуйди.

— Ишком тагида ёздагидек шароит яратишса-ю, сен ноз қилдингми, эй ҳафтафаҳм! Энди нима бўлди?

Жилға

Анҳорнинг ўша-ўша сокин оқиши. Аммо бурилишга келганда жўшиб қирғоққа шалоплаб урилади.

Унда кундузи қуёшнинг қизғиш, кечаси ойнинг кумуш нурлари минг бор чайқалиб, минг бор «узилади».

— Қачонгача тиниб-тинчимайман, — деди бўйрадек жойда тулқинланган сув, — булардан ажралиб яшасам-чи?

У бир ширин ҳаловат истаб, қирғоқнинг қулай ерига ўзини урди. Тошиб, жилға бўлиб оқди. Тинчгина, ўзича оқишидан ҳузур қилдими, секин чулдиради. Майин кўшиқ айта бошлади. Бироз вақт утгач, шудгорга дуч келди. Кесакларга урилиб, бояги ҳаловати йўқолди.

— Қандай йўлга кириб қолдим? Ўша анҳор экан. Ҳой, тўхтанг,— деб чақирди. Аммо жилғанинг овози кесаклардан нари эшитилмади. У қанча уринмасин, олдинга жиллолмасди. Ахийри анҳорини кўмсай-кўмсай нидоси ҳам тиниб қолди.

Асалари ва капалак

Бир гулдан шира ололмаган асалари иккинчи гулга учиб кўнди. Боши билан шўнғиб, гул ширасини сўра бошлади. Сўнг бошқа гулни мулжаллади. Шу гул ёнидаги бошқа гул япроғига атлас қанотларини пирпиратиб бир капалак келиб кўнди ва асаларининг ҳаракатини гашланиб кузата бошлади.

— Шундоқ атиргулнинг ҳиди ҳам ёқмадимми, тавба. Ё гуллар ҳидининг фарқини биллолмайтими, бу чаманда узини босолмай бесабр учиб-қўнмаса.

Ҳақатгина гул ҳидлаб, ҳаёт шу-да, деб утаётган капалак асаларининг дарди нимада эканини қайдан билсин!

Булоқ

Булоқ замин қаъридан юқорига интила-интила, ниҳоят кўз очди. Севинч ёшлари тошиб, ирмоқ бўлиб оқди. Ҳар шаффоф қатраси мафтункор кўзларга дурдек куринади, қақроқ лабларга эса дармон. Бироқ булоқнинг бахтидан ёнидаги сўппайган тепа куйиб-нураб боради. Таппа ташлаб булоқ кўзини шаппа беркитса қани эди...

Ахийри тепанинг бир бўлаги гурсиллаб қулаб, булоқ кўзини ёпди-кўйди. Ундан сув ичиб юрган бутун маҳлуқот тентираб қолди. Умид узайлик деса бошқа булоқ йўқ. Узмайлик деса...

Аммо кўп ўтмай, кесак нам тортди. Кейин лойланди ва тонг саҳарга бормай у оқа бошлади...

Булоқ уни ёриб чиққан эди.

Қизилча

Сабзининг хатасига экилган қизилча яхши ишловдан сўнг тўлишди.

— Қанди кўплиги жиҳатидан экинлар ичида танҳо ўзим бўлсам кераг-ов. Шарбатим танамга сигмай баргимгача утиб кетди,— дея мақтанди у кўеннинг қулогидек шапалоқ баргларини қимирлатиб.

— Ўзингизни сал босинг, ҳов, — деди сабзи ер тагидан тўнгиллаб.

— Унга айтиб қўй, қанди меникидан кўп бўлса яна яхши. Етмаганига менга енг буларкан, — деди қўшни эгатда ўғирдек келадиган қанд лавлаги.

Қизилча буни эшитиб баттар қизариб кетди.

Қайрағоч ва тут

Кетмон сопидек тут дарахти кўм-кўк барг ёзди. Барги шапалоқ-шапалоқ булғач, ипак қўртга солиш учун новдаси билан кесиб олишди.

Тутнинг ёнида усаётган қайрағоч эса, бу ҳолдан кулади:

— Мени яйраб ўссин, деб новдларингни кесиб кетишяпти. Қадринг йўқ-да, сен бечоранинг. Баландлаб кетишингга йўл қўйишмайди.

— Керақдирманки, кесишади, — деди тут бошқа гап айтишга ботина олмай.

Кейин тутнинг кесилган жойидан гужғон новдачалар ўсиб чиқди.

— Авж олиб ўсганларингдан не фойда. Барибир кесиб кетишади, — дея қайрағоч баттар шохлаб, унинг устига булутдек соя ташлади.

Дехқон бир кун келиб буни кўрдию арра-болтасини кўтариб чиқди:

— Ўртга фойдаси тегиб турса-ю, сен унинг орзилаб ўсишига йўл бермасанг. Шошмай тур сени... — у қайрағочнинг тагидан арра солди.



Ўмарали Норматов

«ДАРСЛИКЛАРДА... ҲАҚИҚАТ ЁЗИЛИШИ ШАРТ»

Ўзбек адабиети минг йиллар давомида асосан Шарқ халқлари адабиети анъаналари доирасида, араб, форс-тожик, ҳинд адабиётлари билан ҳамкорликда, Ислом дини маданияти таъсирида ривожланди. XIX аср адоғи XX аср бошларига келиб эса, янги бир маънавий оламга — Оврупа маданияти ва адабиети тажрибаларига юз угира бошлади. Бу ҳодиса совет ҳокимияти йилларида узоқ вақт «Россияга қўшилишининг прогрессив аҳамияти» сифатида баҳолашиб келинди. Тугри, «фалокатнинг шарофати» деганларидек, утган асрнинг иккинчи ярмида халқимиз бошига тушган кулфат, тарихимизнинг «энг кир, қора кунлари» — юртимизнинг рус истилочлари томонидан забт этилиши туфайли бу ерда Оврупа тартиб-қоидалари, фан-маданияти, адабиёт янгилеклари ҳам кириб кела бошлади. Бироқ бу хил ҳодиса фақат чор Россияси томонидан забт этилган Туркистон халқлари ҳаётида эмас, деярли барча Шарқ мамлакатларида, Ғарб мустамлакачилари қули етмаган юртларда ҳам содир бўлди. Жаҳоннинг бирор ҳудудида маънавий, маданий ҳаётда, илм-фанда, адабий тафаккурда пайдо бўлган янгилекларнинг узга ҳудудларга кучиб утиши қонуний, табиий ҳолдир. Жаҳонга юз очган, янгилекларга ташна, хайрихоҳ, узгаларнинг тажрибаларидан ижодий баҳраманд бўла олишга қобил юрт фарзандлари бор миллатгина тараққий этган халқлар, миллатлар сафида юра олади. Ўзбек халқи неча минг йиллик тарихида бунинг шоҳиди бўлган, узгаларнинг илғор тажрибаларидан баҳраманд бўлиб, янги илмий, бадний мўъжиза, мислсиз кашфиётлар яратишга, уз навбатига, бошқа халқлар маданиятига таъбир қурсатишга қодир эканини исбот этган. Айни пайтда жаҳон тараққиёти ва маданиятидан узилиб, тор, маҳаллий уралиб қолишининг жабрини ҳам чеккан.

Асримиз бошларида халқимиз тарихида янги давр бошланди. Улкада миллий уйғониш, узликни англаш жараёни ҳаракатга келди. Бу ҳаракатнинг бошида дастлаб жадидлар турдилар. Жадидлар уз номи билан янгилек тарафдорлари ва тарғиботчилари сифатида майдонга чиқдилар. Уша кезлари жадид ва қадим орасида кескин баҳс-мунозаралар кетди. Бу баҳс маданият, маърифат, миллат тақдири учун ҳаёт-мамонт масаласи эди. Тараққийпарвар, маърифатпарвар сиймолар ҳар бир соҳада янгиланишга чўқур эҳтиёж сездилар ва бу йўлда фаол саъй-ҳаракат қилдилар. Янги хил адабиётнинг бошида турганлардан бири Абдулла Қодирий: «Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгилеклари кетидан эргашамиз», адабий шаклларни янгилашга, халқимизни шу замоннинг адабиети намуналари билан таништиришга «узимизда

мажбурийат ҳис этамиз», деса, яна бир аллома Чулпон мумтоз адабиётимизнинг бойлигини, миллий адабий қадриятлар аҳамиятини асло камситмаган ҳолда, эндиликда адабий тафаккур ва адабиёт янгилашишга муҳтожлигини айтиди ва: «Кунгил бошқа нарса — янгилик қидиради», деб ёзди.

Тараққийпарвар зиёлилар, янги ўзбек адабиёти асосчилари миллатнинг, ватаннинг чин уғлонлари, миллат маданияти, адабиётнинг қуюнчақ фидойилари эдилар; улар жаҳонга Исмоил Бухорий, Ибн Сино, Беруний, Баҳодун Нақшбанд, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуг сиймоларни берган буюк Турон юрти кейинги асрларда жаҳон маданияти тараққийотида ажралиб орқада қолганлигини теран ҳис этдилар; миллат қаддини ростлаб олишнинг бирдан-бир йули — жаҳонга юз угириш, тараққий этган мамлакатлар, хусусан, Оврупа маданияти ва адабиётидан урганиш, Ғарб ва Шарқ тажрибаларини муваффақиятли қушиш туфайли катта ижодий самараларга эришадиган ҳинд, араб, турк адабиёти ва маданияти намояндаларидан урнак олишдан иборат деб биладилар ва бу йулда ғайрат-шижоат билан амалий ишга утдилар.

Шу хил савий-ҳаракат туфайли жаҳон адабиёти тарихида ибрат буларли ҳайратомуз ҳодиса юз берди: гоят қисқа фурсат ичида ўзбек адиблари жаҳон адабиёти, Оврупа адабиёти марраларини забт этишга эришдилар. Янгича насрий, саҳнавий ва янгича шеърини шакллар пайдо бўла бошлагандан бор-йўги етти-саккиз йил утиб «Утган кунлар», «Абдулфайзон», «Паранжи сирлари» каби. Абдулла Қаҳҳор сузлари билан айтганда, Оврупа адабиётига тури билан улчаганда ҳам тулақонли асарлар яратилди, шеърини Чулпон пайдо бўлди. Шундай қилиб, асримизнинг уннинч йилларида туғила бошлаган янги адабиёт 20-йилларда қаддини ростлаб олди, янги адабиётнинг муайян анъаналари, эстетик принциплари, бинобарин, янгича адабий тафаккур қарор топди. Хуллас, XX аср ўзбек адабиёти яхлит ҳолда ҳар жиҳатдан янги ўзбек адабиёти деб аташга лойиқдир. XX аср ўзбек адабиёти ривожига хос бош хусусият — адабиётнинг бетиним янгилашиш бориши ва шу йулдаги қийинчилик, зиддиятлар, курашлар, баҳс-мунозаралар, кашфиётлар ва йўқотишлар тарихидан иборат.

XX аср ўзбек адабиёти ривожининг қисми — етмиш йилдан ошқироқ давр совет ҳокимияти йилларида кечди. 40-йиллардан бошлаб эллик йил давомида бу давр адабиёти совет адабиёти тарихи сифатида урганилиб келинди, ўзбек ва рус тилларида бир неча бор бир жилдлик ўзбек совет адабиёти тарихлари яратилди, олти жилдан иборат «Купмиллатли совет адабиёти тарихи» ва куп жилдлик «Жаҳон халқлари адабиёти тарихи»дан ҳам ўзбек совет адабиёти тарихига урин ажратилди; урта мактаб ва олий ўқув юртларида ўзбек совет адабиёти мустақил фан сифатида ўқитилди. Давр тартиби, талабларига қура, бу фан марксча-ленинча методологияга таянди. Адабий ҳодисалар коммунистик партиявийлик, синфийлик принциплари асосида еритилди; янги ўзбек адабиётининг жамики ютуқлари октябр «инқилоби»нинг, «ленинча доно миллий сиёсатнинг» самараси қилиб курсатилди, жаҳондаги барча миллий адабиётлар тарихига хос «модерн» — янги миллий адабиёт тушунчаси тизда аслида инкор этилди, 1917 йил октябр воқеаси миллий адабиётдаги тузд янги босқичнинг қатъий чегараси қилиб олинди, миллий адабиёт ривожига жиддий янгилашиш утган аср охирида, асримиз бошларида содир булганлиги, бунда тараққийпарвар зиёлилар, жадидчилик ҳаракатининг беқисс хизмати инкор этилди еки ҳар боб билан камситилди, салбий баҳоланди: янги миллий ўзбек адабиётининг асосчилари саналмиш Бехбудий, Фитрат, Чулпондек буюк алломалар миллий адабиёт тарихидан бутунлай бадарга этилди; йигирма йил давомида Қодирий қатагонга учраганлар сафида турди, унинг қутлуг номи тикланганидан, совет адабиёти тарихига киритилганидан кейин ҳам уттиз йил давомида буюк адиб ҳақидаги ҳақиқат тула юзага чиқмай келди. Ўзбек совет адабиёти тарихига кирган адиблар ижоди,

ҳаёти, ижтимоий фаолияти, бинобарин, миллий адабиётнинг совет ҳокимияти йилларидаги ривож тарихи, табиийки, партиявийлик принциплари асосида бир хил рангда курсатилди; адибларнинг миллий адабиёт ривожига хизматлари уларнинг чин бадиий кашфиётларига эмас, купроқ октябр инқилоби, совет ҳокимияти, коммунистик мафкурага муносабати ва садодатига қараб белгилянди; адабий ҳодисаларни, асарларни баҳолашнинг жаҳон тажрибасидан утган мезонлари — ҳаққонийлик, инсонпарварлик, халқчилик, теран маънодорлик, санъаткорона муъжизавийлик каби принциплар оёқости қилинди; бу хил тушунчалар тилга олинса ҳам, аслида, уларга синфий-партиявий тус берилди — шу тариқа адабий ҳодисаларнинг ҳаддан ташқари сиёсатлаштирилиши, яккахоким мафкурага тобе этиб қўйилиши туфайли бу аср адабиёт тарихи куп ҳолларда сохталаштирилди, биреклама еритилди.

80-йиллар охири, 90-йиллар бошларига, хусусан, истиқлол даврига келиб, барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори миллий адабиёт тарихини қайта идрок этиш, қуриб чиқишга булган эҳтиёж тарихий заруриятга айланди. Республика Президенти Ислам Каримов айтганидай: «Тарихга, меросимизга булган муносабат тубдан ўзгартирилиши лозим, яъни дарсликлардан ортиб оддий китобларга ҳаммасида ҳақиқат ҳақиқат езилиши шарт. Бу бизнинг та-боболаримиз руҳи олдидаги қарзимиздир!»¹

Қисқа фурсат ичида XX аср ўзбек адабиёти тарихига доир ҳақиқатни тиклаш, хусусан асримиз бошидаги жадидчилик ҳаракати ва адабиёти, Бехбудий, Авлоний, Абдулла Қодирий, Чулпон, Фитрат, Усмон Носир каби алломалар меросини халққа қайтариш, ҳаёти ва ижодини урганиш борасида талай ишлар қилинди, ўзбек адабиётининг совет ҳокимияти йилларидаги ривож, тарихи хусусида янгича қарашлар — фикрлар илгари сурилди: Ҳамза, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор каби улкан адиблар ҳаёти ва ижодининг айрим жиҳатлари ҳақида, «Бой ила хизматчи», «Қутлуг қон», «Кукан», «Сароб», «Зайнаб ва Омон», «Синчалак» каби машҳур асарлар тезарағиди қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб утди. Баҳслар пайтида фойдали, ҳаққоний мулоҳазалар билан баробар биреклама, хусусий фикрлар ҳам айтилди... Бир ҳисобда бундай булиши табиий ҳамдир. Чунки, одатда, миллат тарихининг бурилиш паллаларида утмиш қадриятларни қайтадан баҳолашга мойиллик кучаядики, бунда баъзан узаро кескин қарама-қарши фикрлар ҳам билдирилиши мумкин. Айни чоқда эса, адабиёт фанида тобора адабий жараёни вазминлик билан, уз ички қонуниятлари асосида илмий идрок этиш, холисона баҳолаш, бутун зиддиятлари, мураккаблиги барча ранг товланишлари билан, бор ҳолича қуриш ва курсатишга ҳаракат ортиб бормоқда ва бу хайрли интилиш яхши самаралар берса керак.

Эришилган дастлабки тажрибаларга таяниб умумтаълим мактаблари учун яратилган адабиёт дастурида XX аср ўзбек адабиётини куп асрлик адабиётимиз тарихида алоҳида янги босқич тарзида урганиш назарда тутилди, илк бор яхлит ҳолдаги янги ўзбек адабиёти тарихи модели ишлаб чиқилди, шу модел асосида «XX аср ўзбек адабиёти» номи остида 11-синф учун дарслик тайёрланди. Олий ўқув юртлари ўзбек филологияси — ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги буйича бакалавр даражаси учун мулжалланган янги дарсликни яратишда ана шу илк тажриба ҳисобга олинди. Ушбу дарсликда турли даврларда чоп этилган ўзбек совет адабиёти тарихига оид китобларнинг мақбул жиҳатларидан ижодий фойдаланилди.

Янги ўзбек адабиёти ривож қонуниятлари, унинг шаклланиши, тараққийотидаги асосий омиллар, бу босқич адабиётга хос хусусиятлар ада-

¹И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 116-бет.

биетшуносликда ҳали атрофлича урганилмаган, чуқур тадқиқ этилмаган. Колаверса, бу иш бакалаврлар учун мулжалланган курснинг вазифаси доирасига кирмайди. Янги ўзбек адабиёти тараққиёти муаммоларини магистратура курсларига батафсил урганиш мулжалланганлиги сабабли бу дарсликда масаланинг энг муҳим жиҳатларига эътиборини қаратиш билан чекланилади. Ушбу дарсликнинг асосий мақсади — янги ўзбек адабиёти тарихи ҳақида яхлит тасаввур, маълумот бериш, унинг муҳим жиҳатларини таъриф-таъсиф этиш, бу адабиётнинг тугилишини, шаклланишини, ривож йулини, тараққиёт босқичларини, асосий тамойилларини курсатиш, энг муҳими янги ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари ҳаёти ва ижодини ёритиш, муҳим асарларини таҳлил этишдан иборат. Бинобарин, дарслик «Криш», «Хотима» бобларидан ташқари «XX аср ўзбек адабиёти тараққиёти тамойиллари» ва «XX аср ўзбек адабиёти намоёндалари» қисмларидан ташкил топган.

Янги ўзбек адабиёти ривожига хос муҳим хусусиятлар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

Янги ўзбек адабиёти мамлакат, халқ ҳаёти, даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеалари билан мустақкам алоқадорликда тугилди, шаклланди, ривожланди. Куп асрлик тарихимизда суз санъати ҳеч қачон юрт қайғуси, халқ турмуши билан бу қадар яқин алоқада бўлган эмас. Бу босқич адабиётининг кучли томонлари ҳам, ожиз жиҳатлари ҳам аввало шу ҳолатлар билан изоҳланади. Халқ ҳаётига, кундалик турмуш ҳодисаларига яқинлик, бир томондан, асарларнинг ҳаётийлигини, ҳаққонийлигини оширган, бинобарин, реализмнинг қарор топишини таъмин этишда муҳим хизмат қилган бўлса, бошқа томондан, адабиётнинг вазифасини жунлаштириш, А. Қаҳҳор сузлари билан айтганда, адабиётнинг атомга тенг қудратини утин еришга сарфлашдек ҳолатлар ҳам юз берди. Булардан қатъи назар, энг муҳими, XX аср ўзбек адабиётида реализм узил-кесил тантана қилди. Бизда ҳам замонавий ҳаёқон реалистик адабиётининг дурдоналари билан буйлаша оладиган ҳикоя, қисса, роман, драма ва шеърй асарлар пайдо бўлди.

Авваллари ўзбек шоирлари асосан Ислому мафқураси доирасида ижод этган бўлсалар, бу босқичда жадидчилик, сунгроқ коммунистик мафқура адибларимиз учун дастурулу амалга айланди. Жадидларнинг миллатни уйғотиш, маърифатли қилиш, эл-юрт равнақи, бирлиги, истиқболи, истиқлоли ҳақидаги илғор гоялари уша давр адабиётига янгича руҳ бахш этди. Айни пайтда, жадидчилик гояларидан илҳомланиб ёзилган қатор асарлар жадидча гояларнинг оддий тарғиботидан иборат бўлиб қолди, бундай асарларда, Ойбек айтганидай, санъаткорнинг урнини воиз, насиҳаттуйлик, «оқартувчилик» эгаллайди. Болшевикларнинг ваъдалари, шоирлари ҳам куплаб қаламқашларни, ҳатто жадидчилик мактабидан чиққан Фитрат, Чулпон ва Қодирий каби улкан истеъдод соҳибларини ҳам илҳомлантирди. Фитрат, Чулпон бисотида инқилобий узғаришлар, шурулар сиёсати шаънига айтилган илқ сузлар талайгина. Абдулла Қодирий «Октябрдан биз бошқача жасорат олдик. Суз эркинлиги олдик: инқилоб «онг берди, ҳақ берди», дея қувонди, узини «гоя ва иш эътибори билан чин коммунист» деб билди: Маркс ва Лениннинг «хароратлик шогирди» санади. Ижодини жадидчиликдан бошлаган Ҳамза шурулар даврида инқилоб шоири сифатида танилди... Умуман, янги ўзбек адабиёти биринчи авлоди ижодининг мафқуравий асосини тайин этишда ута эҳтиёткорлик, холислик даркор. Чунончи, дастлаб Ислому мафқураси доирасида иш курган, Ислому ҳақида яхши жажжи тадқиқот яратган Фитрат кейинчалик ошқора даҳрийлик руҳидаги асарлар битган. Еки инқилобчи-болшеввик Ҳамза бисотида диний руҳдаги асарлар бор. Истисносиз айтиш мумкинки, 20-30-йилларда адабиётга кириб келган деярли барча адиблар ва улардан кейинги бир неча адабий авлод коммунистик мафқура-дунёқарашга эга эдилар.

Шурулар ҳукумати, болшевиклар динни «халқ учун афюн» деб эълон

этиб, динга қарши муросасиз кураш очиб, даҳрийликни кенг ёйган эканлар, урнига кишилар қалбини асир этишнинг яғона воситаси ва сеҳрли қуроли адабиёт, санъат эканини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам коммунистик партия адабиётга раҳнамолик, ҳомиёлик қилишни зиммасига олди, адабиётни «пролетар ишининг бир қисми»га, партиянинг мафқуравий қуролига, адибларни эса, партиянинг дастёрига, партия гоялари ва сиёсатини тарғиб этувчи «карнайчи»ларга айлантиришга тиришди. Ҳатто тарихда мисли қўрилмаган ҳодиса — совет ёзувчилари амал қилиши лозим бўлган ижодий метод — социалистик реализм қоидалари ҳам партия раҳнамолигида ишлаб чиқилди, воқеликка фақат коммунистик мафқура асосида синфий-партиявий ендашиш барча қаламу аҳли учун қатъий қоидага айлантирилди. Бу ҳол XX аср купмиллатли совет адабиёти, жумладан ўзбек адабиёти тарихида, унлаб истеъдодли адиблар ижодий қисматида ута нохуш, фожейи из қолдирди. Энг ёмони, ижодий тафаккурни тушоига солиб қўйди, шахсий ташаббусни бугди, ҳаётдан йироқ бир хилдаги юзак, схематик асарларнинг кенг ёйилишига олиб келди. Партиянинг адабий сиёсати, коммунистик гоявийлик учун кураш куплаб шафқатсизликларга, қатагонларга йул очиб берди.

Кишини ҳайратга соладиган жиҳати шундаки, ана шундай жоҳил адабий сиёсат таҳдид солиб турган, шафқатсизлик, қатагонлар оммавий тус олган кезларда ҳам суз санъати уз ишини адо этишда давом этди, ҳар қандай таъбиб, таҳдид ҳам адабиётнинг асл моҳиятини узгартира олмади, адабиёт ривожини бутунлай тухтаиб қўйишга қурбни этмади. Энг яхши асарларда истеъдодли адиблар узлари қабул қилган ақидалар, шахсий майллардан устун туриб, бадий ижоднинг объектив қонунарига — ҳақиқатга, гуманизм, халқчилик принципларига содиқ қолдилар. Чунончи, 20-йиллари хийла «қизиллаша бошлаган» А. Қодирий ҳажвий асарларида совет воқелигининг ички зиддиятларини фавқулодда бир маҳорат билан очиб берди, «инқилоб куйчиси» Ҳамза биринчилардан бўлиб шуру идора-ларидаги маъсулу ҳодимларнинг мунофиқона башарасини очиб ташлади. 20-йиллар охири, 30-йиллар бошларида шеърятда, публицист чиқишларда совет воқелигини улуглаш йулига утган Чулпон «Кеча ва кундуз» романида энг қалтис ижтимоий-сиёсий масалалар талқинида, империя сиёсати, жадидчилик ҳаракати ифодасида ҳақиқатга содиқ қолди... Ва ҳоказо.

XX аср ўзбек адабиёти тажрибаси яна бир бор шуни тасдиқлайдики, ёзувчининг бирор сиёсий-мафқуравий оқимга мансублиги ҳали унинг ижодий қиёфасини, тақдирини тула белгиламайди, бу соҳада санъатнинг, бадииятнинг ички қонуниятлари охир-оқибат ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Янги ўзбек адабиётининг ташкил топиши, ривожини, вақтли матбуот, нашр ишларининг кенг тус олиши билан боғлиқ ҳолда борди. Утган аср охирларида чиқа бошлаган «Туркистон вилоятининг газети» ўзбек қаламқашлари учун матбуотда чиқишнинг дастлабки тажриба майдонини бўлди. XX аср бошларига келиб «Хуршид», «Тараққий», «Шухрат», «Садон Туркистон», «Садон Фаргона», «Хурият» газетлари, «Ал ислох» журналлари қаламу аҳлининг бош минбарига айланди. Октябр тунтаришидан кейин чиқа бошлаган «Иштирокуюн», «Қизил Ўзбекистон», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Янги Фаргона», «Янги Шарқ», «Еш ленинчи», «Инқилоб», «Муштум», «Билим учоғи», «Маориф ва ўқитувчи», «Ер юзи», «Аланга», «Худосизлар» каби газета ва журналлар уша давр адабиётининг кузгуси эди. Авваллари адиблар яратган асарлар қўлезма ҳолида еки ҳаттот котиблар томонидан кучирилган бир неча нухсада тарқатилган бўлса, энди газета ва журнал саҳифалари орқали тезкорлик билан куплаб ўқувчилар қулига стиб борадиган бўлди; аввал тошбосма, сунг замонавий типография усулида унлаб, юзлаб, минглаб, ҳатто ун минглаб нухсаларда алоҳида китоб ҳолида чиқа бошлади. Қисқаси, янги ўзбек адабиёти илқ қадамлари-

даноқ оммавий адабиёт сифатида қад ростлай бошлади. 70-80-йилларда адабий нашрлар — «Шарқ юлдузи», «Ешлик» каби журналлар, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги тиражи бир неча юз мингга етгани... янги адабиётнинг халқ орасидаги шуҳратидан далолатдир.

Вақтли матбуот билан ҳамкорлик, оммавийлик адибларнинг фикрлаш ва ифода тарзига, тил ва услубига кучли таъсир кўрсатди; Қодирий, Ҳамза, Чулпондан тортиб XX аср адабиётининг кенжа бўғинларига қадар китобхон, халқ билан тиллашиш, уларга тушунарли қилиб ёзиш адиблар учун энг муҳим масалага айланди. Матбуот билан яқин алоқада бўлиш асарларда публицистик руҳнинг, талқиннинг кучайишига сабаб бўлди. 60-80-йиллар адабиётидаги «гап айтиш»га мойиллик тамойили ҳам бир чеккаси матбуотга яқинлик оқибатидир. Буни қусур сановчилар ҳам бор. Тугри, уша кезлари куплаб истеъдодли адиблар асарларида «масала кутариш», «гап айтиш»га берилиб кетиб, гоҳо адабиётнинг бош вазифаси — инсон жумбоғи, инсон қалбининг тушуниш мушкул булган жиҳатлари бадий таҳлил доирасидан четроқда қолгандай туюлди. Бу ҳол уша кезлардаги вазият, адабиёт олдида турган вазифалар билан изоҳланди. Расмий доираларда, улкан минбарларда, фан тилида, публицистикада мамлакат, одамлар ҳаётига оид муаммоларни кутариб чиқиш, бор ҳақиқатни айтиш имкони булмагани учун бу вазифани, яъни, фалсафа, социология, публицистика бажариши лозим булган ишларни адабиёт уз зиммасига олди, истеъдодли, иймон-эътиқоди бутун адибларнинг энг яхши асарлари виждон садосига, ҳақиқат баҳсларига айланди.


Янги ўзбек адабиёти ривожі айни пайтда ахборот воситалари, санъатнинг куплаб янги турлари — театр, кино, радио, телевидениенинг таркиб топиши жаранида улар билан узаро ҳамкорлик ва рақобатда кечди. Бу нарса ҳам суз санъати услуби, ифода тарзига қатор янги хусусиятлар олиб кирди.

Тилшунос олимлар ҳозирги замон ўзбек тилининг шаклланиши ва такомиллини ҳақли равишда миллий матбуотнинг пайдо бўлиши ва раивақи билан боғлайдилар. Миллий матбуот раивақи эса, кўриб утилганидай, биринчи галда миллий адабиёт билан алоқадор. Совет ҳокимияти йилларида утказилган тил сиёсати гоёт зиддиятли, охир-оқибат миллий тилларнинг истиқболига умидсизлик тугдиришга қаратилган эди. Турмушнинг ҳамма жабҳаларида миллий тил мавқеи тобора сиқувга олиниб, «улуг оға» тилининг таъсир доираси кенгайиб борди. Руслаштириш сиёсати тил соҳасида ҳам авж олдирилди. Ҳатто она тили ва миллий адабиётдан ёздирилган диссертациялар ҳам тулагигича рус тилига кучиб утди. Ижтимоий тафаккур, санъатнинг биргина тури — адабиёт уз мавқеини сақлаб қолди, холос: барча соҳада руслаштириш сиёсатини олиб борган мустабид тузум миллий адабиётларни она тилида ёзиш ҳуқуқидан маҳрум этишга журъат етолмади. Бинобарин, империя даврида миллий тилимизнинг раивақи, ҳимояси асосан суз санъати соҳиблари зиммасига тушди. XX аср ўзбек адабиётининг энг ерқин намуналари бутунги замонавий ўзбек тилининг бойлигини, имкониятларини мужассам эътиборда бебаҳо ҳазинадир. Янги адабиётнинг тугилиши ва ривожига булгани каби ҳайратомуз ҳодиса замонавий миллий тилимизнинг шаклланиши ва раивақида ҳам содир булди. 30-йиллардаёқ жаҳон адабиётининг «Хамлет», «Отелло», «Евгений Онегин», «Демон» каби нодир намуналари бойлигини ўзбек тилида тула ифода этиш имкони тугилди, кейинроқ «Шоҳ Эдип», «Декамерон», «Илоҳий комедия», «Фауст», «Уруш ва тинчлик», «Жиноят ва жазо»дан тортиб XX аср адабиётининг гоёт хилма-хил йуналишларига мансуб «Уста ва Маргарита», «Танҳоликнинг юз йили», «Ошқора қотиллик қиссаси», «Қумдаги хотин», «Қиёмат»гача, Ф. Кафка, Ж. Жойс, А. Камю каби модернизм, постмодернизм, абсурд адабиёти намоёндаларининг ута мураккаб асарларига қадар — барчасига хос хусусиятларни бутунги ўзбек тилида ифодалаш мумкин эканлиги исбот этилди.

Ҳозирги замон ўзбек тилининг шаклланиши, бинобарин, янги миллий адабиёт ривожі гоёт мураккаб шароитда, турли-туман қийинчиликлар гирдобига кечганлигини ҳам унутмайлик. Бир аср давомида ўзбек имлоси бир неча бор узгаришларга дуч келди. Дастлаб неча асрлик араб алифбоси жиддий ислоҳ қилинди. 20-йиллар охирларига келиб лотин, 40-йиллардан эса кирилл алфавитига утилди, мана энди 90-йилларга келиб яна лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси жорий этилмокда. Бир аср давомида миллий ёзувнинг бу қадар куп узгаришларга дуч келиши жаҳон халқлари тарихида кам учрайдиган ҳодиса. Демак, янги ўзбек адабиёти намуналари, қўлэмалар матни уч хил ёзувда битилган. Бунинг устига, имло қоидаларининг мукамал эмаслиги, бот-бот узгариб туриши, 20-30-йиллари имлода жорий этилган сингармонизм ҳодисаси, имло бобида сунгги йиллардаги бош-бошдоқликлар — миллий адабиёт намуналари матнини ўқиш, нашр этиш, урганиш ишларини хийла мураккаблаштирди. Ўзбек адабиёти, жумладан XX аср миллий адабиётимиз бўйича булғуси мутахассис янги ўзбек адабиёти ривожига хос шу хил узига хосликларни, қийинчилик ва мураккабликларни ҳам ёдда тутмоқлари лозим.

Адабиётимизнинг истиқдол давридаги ривожі ҳам осон ва равон боераётгани йўқ. Бозор иқтисодига утиш даврида маданият, санъат, адабиёт оғир аҳволга тушди, нашр ишлари қийинлашди, адабий нашрлар ҳажми, газета-журнал ва китоблар тиражи кескин камайди. Шу билан баробар маънавий ҳаётимизда янги бир уйғониш руй берди, узликни, миллий қадриятларимизни англаш кучайди, она тилимиз давлат мақомига эга булди, меросга, бадий ижодга муносабат тубдан узгарди; фикрлар хилма-хиллиги учун йул очилди, «фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги» конун билан расмиёлаштирилди. Ўзбекистон Конституциясида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси сифатида урнатилиши мумкин эмас», деб ёзиб қўйилган. Бу ижтимоий-маънавий, адабий тараққиёт учун муҳим тарихий аҳамиятга эга. Эҳтимол, ўзбек халқи, адабиёт ва санъат тарихида илк бор шундай кафолатга эга булди. Бундай кафолат самарасини амалда куриб турибмиз. Адабиёт ва санъат узоқ йиллик яккахоким мафқура, ягона соц. реализм методи тазйикидан халос булди, бизда ҳам жаҳоннинг тараққий этган эркин, демократик мамлакатларидаги каби фалсафий-мафқуравий асоси, эстетик принциплари жиҳатидан хилма-хил адабий оқимлар тезкорлик билан қарор топа бошлади.

XX аср ўзбек адабиётининг мураккаб, зиддиятли йулини, йирик намоёндалари ижодини еритишга қаратилган ушбу дарсликни утиш даврининг маҳсули деб қарамоқ даркор. Утиш даврининг чиғалликлари, илмий-назарий, методологик муаммоларнинг ҳали тула ҳал этилмаганлиги, эскича адабий-танқидий тафаккур асоратлари, янгича қарашлар, тажрибаларнинг эса ҳали тула шаклланиб улгурилмаганлиги дарсликда уз муҳрини қолдирган. Муаллифлар аминки, улуг адиб Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, янгича адабий-танқидий тафаккур билан қуролланган илм аҳллариининг етишмаклари ила бу иш секин-аста такомилга юз тутуши табий бир ҳолдир.



Норкул Шилов

МАНЗИЛ

Қишнинг кундузлари бир тутам, кечалари ҳаёл толдирар даражада узоқ булади. Кун бўйи ташишлар билан елиб-югуриб чарчаган, бунинг устига совуқ қотган, оёқларидан нам утиб кетган Алим раис кечки овқатни еяр-емас уринга чүзилди. Донг қотиб ухлаб қолди. Аммо ярим тунга борганда ноҳуш тушлар куриб, чучиб уйғонди. Кузидан уйку қочди. Урнидан туриб утирди, елкасига курпани епиниб, дераза олдидаги мойли лампа хира ёритиб турган хонага куз югуртирди. Уй ичи анча совуқ. Бурчакдаги сандалнинг чуги алақачон суниб, кулга айланган. Эшик, дераза тирқишларидан изғирин кирмоқда. Девор ва дераза пардасида чироқ шуъласи лопиллаб уйнайди. Хайрият, болаларининг усти очилиб қолмабди, улар қалин курпага бурканганча ёнма-ён ухляяпти. Турда аммаси Тухта момо ётибди.

Алим раиснинг кунгли хотиржам тортиди. Аммасига меҳри товганиб тикилар экан, шу пайтгача утказган умрини эслади. Етимликнинг огир кунлари дилига муҳрланиб қолган. Аммо ҳудо ҳамма нарса ни расамади билан яратар экан: аммасининг қалбига меҳр-шафқат нури ни мул солибди. У акасидан қолган сағирларнинг бошини силаб, уларни укситмасликка ҳаракат қилди. Опаларининг турмушга чиқиб, жойларини топиб кетишганига анча булди. Аммо Тухта момо ҳамон уларни йўқлашни қанда қилмайди.

Алим эса утил бола, рузгор «арава»сининг эгаси. Тонг оқармай туриб узини кенг, ҳайҳотдай йиловда қуйлар билан қуради. Салқиндан эти жунжикади, қунишади. Қорни очади. Аммо, осмон узоқ, ер қаттиқ. Қанийди, қуйлардан беш-унтаси узиники булсайди, бозорда сотиб қалинроқ уст-бош олса. Ҳаммаси бирояларники. Баъзан шу чексиз кенгликларга қараб уйлаб қолади: «Мени ҳеч ким ушлаб тургани йўқ-ку. Бор-ей, деб қуйларни ташлаб, узоқ-узоқларга кетиб қолсам булмайми? Нега узимга еқмайдиган ишни қилишга мажбурман?!»

Эрта баҳорда қуш ҳайдаётганда ҳуд эзинг иссиғида терлаб-пишиб галла ураётганда, бели икки букилиб, кузи йиртилиб, кесақлар орасидан мошоқ тераётганда, эшак, отларни хупга қушиб, дон янчаётганда ҳам бот-бот шундай уйлайверади. Кейин узига таскин беради. Қаёққа, кимникига бораман? Ким менга дарвозасини очиб турибди. Аммадан бошқа меҳрибоним йўқ-ку! Кузида еш пайдо булиб, яноқларига думалайди. У эса буни сезмайди.

Меҳрибон амма эса боланинг кунглидан утаётган туйгуларни зийраклик билан сезади. Бошини силаб юпатади: «Бу ёғи оз қолди. Худо хоҳласа яхши кунларинг олдинда. Шундай бир зур йигит буласанки, курганларнинг ҳаваси келади...»

Қишлоқда мактаб очилибди. Болаларни ўқитишармиш, деган хабарни эшитган Алим узини қуярга жой тополмай қолди. Бундан аммасиям севинди.

— Майли, ўқигин, — деди унга, — рузгорни узим эплаб тураман.

Куп утмай Косондан келган урта бўйли, қоратүри, 30-35 ешлардаги бир муаллим уйма-уй юриб, болаларни рўйхат қилиб кетди. Кейин қишлоқдаги барча болалар қатори Алим ҳам мактабга бора бошлади. У бутун орзу-истаклари уша ерда амалга ошишини кунгли сезгандай, тонг саҳарлаб мактабга йўл оларди. Муаллимнинг сузларини жон қулоғи билан тинглар, ҳарфларни узича бир ишгиек, ҳавас билан қозғога туширарди.

Икки йилдан сўнг уни саводсизликни битириш курсига ишга утказишди. Сунгра қишлоқ Советига котиб булди. Қаршидаги партия-совет ходимлари малакасини ошириш курсини битириб келгач, қишлоғида ташкил этилган Файзулла Хужаев номли колхозга раис қилиб сайлашди. Ушанда эндигина йигирма иккига кирган эди...

Алим раиснинг ҳаёли булиниб, тагин хона ичига қаради, ташқарига қулоқ тутди. Узидан бошқа ҳамма ҳамон ширин уйқуда. Ҳатто, итларнинг овози эшитилмайди. Алим раис курпани елкасига тортиб, увушган оёқларини чүзди. Уйқусиз қузини юмган қуйи тагин утмишни эслаб кетди.

Уша қуни у галлазордаги уроқчилар билан бирга эди. 60-70 урочки — қишлоқдаги каттаю кичик эрталабки салқинда ишни ундириш учун ғайрат билан галла уришарди. Шабадада кенг галлазор денгиздай чайқаларди. Шу пайт қишлоқ йўлида отлик қуринди. Яқинлашганида уни танишди: қишлоқ Совети раиси. Алим раис уроқни бугдой пояси устига ташлаб, унга пешвоз чиқди. Салом-алик қилишди. Қишлоқ Совети раисининг уст-бошини чанг босган, афт-ангори ташвишли эди. Алим раис уни чайлага бошлаб киргач, бир хавфни сезгандай суради:

— Тинчликми?!

— Уруш бошланибди! Немислар юртимизга бостириб кирибди.

Алим гапиролмади. Нафаси бугзига тикилди. Жойида қотиб қолди. Анчадан сўнг озги қимирлади:

— Шу рост гапми?

— Ҳа-де! Энди ҳаммамизга қийин булади. Балки сен ҳам урушга кетарсан. Одамларга турисини айт, аммо ваҳима қилма. Галла урими сусаймасин. Қандай булмасин донни йигиб олишимиз керак. Мен бошқа колхозларга хабар қилгани кетдим.

Қишлоқ Совети раиси бир зумда отини миниб, йўлни чангитиб, қуздан ғойиб булди. Алим раис анчагача узига келолмади. Эшитганлари худди даҳшатли тушга ухшарди. Кейин курганлариям шундай булди.

Олачабобдан Косонгача булган Пистали Гувалак. Пулати қишлоқлари оралаб утган чанг-тузонли йўл. 25-30 нафар от, эшак аравага минган навқирон йигитлар кетишяпти. Алим ҳам шулар орасида. Ҳамма хомуш. Юқлар аравага ортилган. «Энди тақдиримиз нима булади? Қаерларга борамиз. Уйга тирик қайтамизми, еки...» деган фикрлар Алимнинг хаёлидан утарди.

Темир йўл бекати. Ичига похол тушалган қизил вагонларнинг адоғи қуринмайди. Эшиклари ланг очик. Майдонда тумонат одам. Шоқин-сурон, йинги-сиги юракни эзади. Ҳарбий кийимдагилар айланиб юрибди. Майдон уртасидаги «полуторка» машинасининг ён тахталари туширилиб, минбар қилинган. Кимдир чиқиб, бор овозда ҳайқириб, нутқ ирод этмоқда. Унинг сузлари бир четда турган Алимнинг қулоғига темирдай уриляпти.

— Биродарлар! Немис-фашистлар юртимизга хонларча бостириб киришди. Социалистик Ватан хавф остида! Душманнинг юзлаб самолётлари Украина ва Белоруссиянинг шаҳар ва қишлоқлари устида калхатдай учиб, ажал уругини селишяпти. Фашистлар минглаб бегуноҳ қишлоқларимизни отиб, уйларига ўт қуймоқдалар. Биз душманга муносиб зарба беришимиз керак. Доҳиймиз Сталин Ватан ҳимоячиларига бош булиб турибди. У бор экан, бизга ҳар қандай қучи душман писанд эмас! Яшасан уртоқ Сталин! Урра!

Алимнинг миясига тусатдан шундай фикр урилди: бу одам ҳеч қачон урушга бормайди. Унинг даҳшатларини чинакамига ҳис этмайди. Бошқаларни пана қилиб, чиройли гапириб, узини омон сақлайди...

Ора-сира чапак чалинди. Кейин машина устига соқоли қукрагига тушган бир чолни чиқаришди. Алим, қани мўйсафид нима деркин, деб қизиқ қулоқ солди. Гаплари элас-элас эшитилди.

— Уғилларим, тақдиримизда шундай қуфат бор экан. Бу уруш — юртга келган туй. Чидаймиз-да! Бардам бўлинглар. Бир-бирларингни авайланглар. Азиз жонларингни Худонинг узи асрасин! Омин!

Ҳамма юзига фотиҳа тортди. Шу пайт Алимнинг қулоғи остида таниш овоз эшитилди:

— Алим, сен бу ерда нима қилиб турибсан?

Бурилиб қараса, районнинг эски фаолларидан Тошбадал Умиров! Ҳозир у райкомда катта вазифада ишлайди. Умиров билан салом-алиқ қилишгач:

— Урушга кетяпман, — деди Алим.

— Ким юборди?

— Чақирув қоғози келди.

— Қолхозни кимга топширдинг?

— Ҳеч кимга! Ташлаб келавердим.

— Каллаварамлар, бефаросатлар! Ахир, раисларга брон бериб, урушдан олиб қолиш ҳақида Олий Бош Қумондоннинг фармони бор-ку...

Умировнинг газоби қузғаб, Алимни ҳарбий комиссариатга бошлади. У ерда суҳбат қисқа бўлди. Ҳарбий комиссариатдагилар нотугри иш булганлигини тан олишди.

— Бор, қишлоққа қайт, — деди шундан кейин Умиров Алимга. — Ишингни давом эттиравер. Сен бу ерда зарурроқсан. Ҳамма урушга кетса, фронт ортидаги ишларни ким қилади?!

Алим қулоқларига ишонмади. Наҳотки, урушдан қолгани рост булса!

Яна тупроқли дашт йуллари. Таниш йулловчининг отига минташиб қишлоққа қайтапти. Дилида уй, севинч бор. Аммо, негадир бу узига тати-мапта... Урушнинг учинчи йили кетяпти. Ҳали-бери охири қуринадиганга ухшамайди. Фронт учун озиқ-овқат, кийим-кечак жунатавериб, халқнинг қоққани қозиги, оспани хурмачаси қолмади. Ҳеч кимнинг тиними йўқ. Қолхознинг ишонган тоғлари эса қишлоқдаги қари-қартанглар, қиз-жувонлар, болалар. Уруш даврининг машаққатлари не-не сулув жувонларни гулдай сулдирди. Усмирларнинг ориқ оёқлари чиллакни эслатади... Бамисли кузга қуринмайдиган очкуз юҳо оғзини очиб, ҳамма нарсани ютмоқда, таналардаги дармонни сурмоқда.

Қишнинг қаттиқ қаҳратонида еққан қор эриганича йўқ. Ариқлардаги сувлар тошдай қотган. Одамлар тугул мол-қолларгача қийналиб кетди. Емиш, дон-дун кам. Халқ атала билан зурга кун қурапти. Езда тезак, утин йиққанлар уйларини иситишади, чой қайнатишади, чугини сандалга солиб, совуқдан жон сақлашади. Бу ишни қилмаганлар турпоқ томли уйларида шамдай қотишяпти...

Алим раис аммасига тикилган куйи шуларни хаёлидан кечираркан, сунтсиз уйлардан чалгишга уринди. Ана, уғиллари — суйанган тоғлари. Худо хоҳласа бу кийинчиликлар унут бўлади. Улар уйсуб-улгайиб, қултигига киради. Ҳали ҳар қайсиси қарчиғайдай бир йигит бўлсинки...

Алим раис энди ухлай олмас, тун эса имиллаб утар, ҳар сонияси йилга тенгдай туюларди. Айтмоқчи, тушида нималарни кўраётган эди? Атроф оппоқ кенгликдан иборатмиди? Ҳа, қор босган бепоён йиллов. Қуйлар қалин қор устида емиш излаб ҳар еққа тарқалиб кетган. Қора соқолли одам, Рустам чупон шекилли, тухтовсиз чопади, сурув унга буйсунмайди. Қирнинг устидан Алим унга ерданга югуриб, нималардир деб қичқирмоқда. Аммо овозини узидан бошқа ҳеч ким эшитмасди...

Ҳа, бу туш яхшилик аломати эмас: улар қийналган. Утган кунни Рустам чупон-чулигини юбориб, туя қушилган аравада ем-хашак юборишни

тайинлади. Аксига олиб аравалар Қунгиртовдаги отарга кетганди. Жуда кеч қайтишди. Бугун сахарда жунатмаса бўлмайди. Аслида қуй жониворлар ювбош ҳайвон. Аммо оч булса, ундан даҳшатли махлук йўқ. Қутон деворини кемириб, одамга слимдай епишади. Қаттиқ маърашлари мияни пармадай тешади. Уларнинг қуларига қараш чупон учун оғир. Чупон-чулиқларнинг аҳволи-чи? Унлари бормикин? Рустам чупоннинг чулиги бу ҳақда ҳеч нарса демади.

Алим раиснинг тоқати тоқ бўлди. Шаҳд билан турди-да, устига пусти-нини ташлаб, ташқарига йуналди. Муздай ҳаво юзига тикандай қадалди, қузлари ешланди. Уйи олдида тухтаб атрофга қаради. Қор егдуси тунни ёритган. Осмонда юлдузлар қуринмайди. Ҳавони булут қоплабди. Яна қор ёғадими? Тезроқ тонг отсаиди, ферма мудири ва туячиларни гарамга юбориб, улардан олдин йилловга жунар эди.

Раис қорни гарч-гурч босганча молхонадан хабар олди. Қуйлар унинг шарпасини сезиб маъради. Оти безовта ер тепиниб, кишнади. Буларнинг қорни очган. Оти-ку у ер-бу ердан еб турибди, аммо қуйларига ем-хашак оз. Езда ишдан кейин юз-юз эллик даста янтоқ чопганди. Нима, энди уруш деб ҳамма нарсани йигиштириб қуйиш еки борини охиригача жунатиш керакми? Бу ердагиларга осон эмас, яшаши, ишлаши керак. Гушт-егсиз, нонсиз одам кўпга чидамайди. Узининг рўзгоридан ташқари, яна фронтга кетган уч йигитнинг хонадонига ош-нон бериб турибди, улар билан қозони битта.

Раис қушни уйларга қуз ташлади. Молхоналарни, қураларни айланиб, кунгли бироз хотиржам бўлди: тинчлик, осойишталик...

Раис хотини Мушаррафнинг шарпасидан уйғонганда атроф анча еришиб кетган эди. У апил-тапил урнидан турди-да, дастурхон чети билан епиб қуйилган чойнакдан чой қуйиб ичди. Кийиниб, отни эгарлади. Жун хуржунни эгар устига ташлаб, бир қузига тўртта нон солди. Иккинчи қузига дўқондан чупонларга олган иссиқ кийимларни жойлади.

— Мен Оққудуққа кетдим, — деди хотинига, — кечроқ қайтаман. Биров сураб қолса, йилловга ем-хашак олиб кетишди, денглар.

— Куннинг авзойи бузук, яна қор ёғадими, дейман. Ҳаво очиқ тунни борсангиз булармиди?

— Бугун боришим керак, — деди Алим раис ужарлик билан. — Ҳавони баҳона қилиб уйда етишим яхши эмас. Чупонлар кеча-кундуз даштда, совуқ ҳавода ётибди. Хабар олмасам бўлмайди.

Алим раис отга қамчи босди. Ферма мудири Йулдош бува туячиларни йигиб, қишлоқ четида араваларга хашак орттираётган булиши керак. Ҳа, уйлагани тўғри чиқди. Ҳаммаси гарам енида экан. Раис улар билан саломлашиб, ниятини айтди:

— Мен олдинроқ бориб хабар олай, қайтишда бирга келамиз.

У шундай деб от бошини кун чиқиш томондаги оппоқ қор билан қопланган кимсасиз қирлар томон бурди. От жонивор бундай йулларда юравериб қуниқиб қолганиданми, эгасининг ортиқча қистовисиз қалин қорни туеги билан ёриб, олис уфқ томон текис йўртиб кетди. Эгаси у билан йилнинг тўрт фаслида иссиқ-совуқни писанд қилмай, манзилни мулжаллаб кетаверишга одатланган. У табиятан серҳаракат, гайратли, кучи ичига сигмаган одам. Қийинчиликлардан чучиш еки нолиш, фикрдан қайтиш Алим раис учун ет нарсалар. Аксинча, унинг вужудда Уртачулнинг поёнсиз кенгликлариде асрлар давомида яшаб келган бобокалонларнинг қони жуш уради. «Туриқ қашқа» ҳам уз эгасини яхши билар, унга садоқат билан хизмат қиларди.

Алим раис икки қир ошгач, осмонни қургошиндай қоплаб етган қуюқ булутлар хунарини кўрсатди: бирдан лайлак қор ёғиб юборди. Энди еру заминни сон-саноксиз «оқ капалак»лар қоплаб, борлиқ оқликка бурканиб, тўрт-беш қадам нарини ҳам қуриб бўлмай қолди. Раиснинг оқиш пустини, теллаги, отнинг еллари бир зумда қорга бурканди. Отнинг юриши қийинлашиб қолди. Раис табиятнинг бу қилигидан гоҳ аччиғланар, чунки, тезроқ

чупонлар олдиға етиб, сурувнинг аҳволини билишни истар, гоҳ эса қалин қор егиши тукинчиликдан нишона эканини дилдан ҳис этиб севинарди.

Етаётган қор бир соатлар утгач тинди. Ҳаво бироз очилди. Юриш енгиллашди. Раис пустини ва телпагидаги қорни силкиб ташлади. Ҳали манзил узоқ, бир неча қирлар, сойлар, жарликлардан утиши керак.

Раис бундан олти-етти йил олдин ҳам шу суқмоқлардан утганини, унда бошқача мақсад, уйлар билан банд булганлигини эслади.

...Қурбон Ғойиб шу уртанинг биринчи муаллими эди. Ундан ёши анча катта, табиатан бироз қувроқ, аммо ҳазилкаш, билимдон, сузига мақол, матал қушиб гапирини яхши қурарди.

— Одамдаям, ҳайвондаям уруғнинг тозалигига куп нарса боғлиқ, — дерди у. — Биз Уртачулнинг Олачабоб, Хужақудуқ, Қаноатли ва бошқа қишлоқларида яшаганларнинг аждодимиз. Кейинги тармоқ уругимиз Балхли ва Қорабуён. Куп йиллар бурун бобокалонларимиз Балх томонлардан кучиб келишган. Алим, сен Қорабуён уругидансан.

— Хужақудуқ қишлоғи қандай пайдо булган? — деб сурашади Қурбон муаллимдан.

— Касбидан келган бир Хужа номи билан боғлиқ. У одамлари билан эрта баҳорда шу гузал, поёнсиз даштларга молини ёркан, баҳор ва ёзни шу ерда утказаркан. Табиийки, сув бўлмаса бу ерларда яшаш қийин. Шу Хужа чулдан қудуқ қаздирганда, суви чучук чиққан, сунг одамлар қудуқ атрофиға келиб урнашган. Хужақудуқ қишлоғи бунедга келган... Шунгаям 500 йиллар булган-ов...

Бир йили, унда уруш бошланмаганди. Қурбоннинг куз очиб қурган хотини вафот этиб, узи икки гудаги билан қолди. Бунинг устига унга терлама касали епишди. Алим раис уни йуқлаб Хужақудуққа келса, эндигина аравага ортиб, Пулатигами, Косонгами, духтирга олиб кетишибди. Раис йўлни аниқлаб изидан от қўйди. Ахир бундай оғир касални урнидан қузғатиб буладими! Яхшиси, духтирнинг узини олиб келади. Арава энди қишлоқдан чиққан экан. Ҳой-ҳойлаб тўхтатиб, аравани изига қайтарди. Шовқинни эшитиб, касал кузини очди. Тепасида турган Алим раисни курғач, юзида ожиз табассум пайдо булди. «Мен энди улмайман, — деди у шивирлаб, — ҳалоскорим келди». Алим раисдан миннатдорлиги, уни қурганда кунглида илиқ туйғулар пайдо бўлиши шундан. Кейин туртга одам тупланган жойдаям раисни мақтаб гапириб юрди: «Биз кимни севаимиз? Одамларга яхшилиқ қилганни, халқнинг меҳрини қозонганни. Бир хотин айтган экан: эрим сўйди — элим сўйди. Ким булсаям, одамни олдин эли сўйсин, эъзоласин».

1933 йил Қурбон Ғойиб Хужақудуқдаги эски бир бинода мактаб очган эди. Бир йилдан сунг Алимни у ерга ўқитувчи қилиб юборишди. У пайтда ЧСБ деган курслар ҳам бор эди. 1937 йилда эса биринчи марта мамлакат Олий Советига сайлов булди. Сайловдан икки-уч ойлар олдин Қурбон Ғойиб билан иккаласини Қаноатли сайлов участкасига сиёсий тушунтириш ишлари олиб бориш учун юборишди. Қаноатли — Қамашининг Тукбойига яқин жойдаги чекка бир қишлоқ. У ерда роппа-роса йигирма кун қолиб кетишди. Уйма-уй юриб шунча тарғибот қилишларига қарамай, беш киши ноибликка номзодга қарши овоз берибди. Бироқ, Абдуҳолиқ, Мамадали, Узоқ, Раҳмонқул деган бу йигитларни куп утмай қамашди. Уларни ҳеч ким қайта қурмади. Утюрак, ҳақиқат излаган йигитлар эди! Афсус, бекорга улиб кетишди.

Умар Назаров деган муаллимнинг тақдири-чи? У Алим раис билан анча қадрдон бўлиб қолганди. Энди эсласа ичи куюди, бундай меҳр-муҳаббатли, оқибатли инсонлардан дуст-ерлари, танишлари куп эди. Йиллар тузони уларни қаеқларга учириб кетмади, дейсиз.

Умар Назаров урта бўйли, қорачадан келган, юз-қушларидан нур егилиб турадиган одам эди. Аслида Бухоро томондаги бир қишлоқдан бўлиб, беш-олти йил бурун Косонга ўқитувчи сифатида юборилган экан.

Машъум 1937 йилнинг бошида Қурбон Ғойиб иккаласини Косонда

очилган малака ошириш семинарига қақришди. Уч-тўрт кун қатнаб, мамлакат ва жаҳондаги куп янгиликлардан хабардор бўлишди. Ушанда уларга Умар Назаров маъруза ўқиди, газеталардан мисоллар келтирди, бошидан утган воқеаларни айтиб берди. Нима булдию, бир куни у узига яқин олиб, Алимни кечқурун ҳўжрасига таклиф қилди. Четдан ишга қақирилган уч-тўрт мутахассис оиласи билан қулоқ қилинган бойнинг ҳовлисида яшар экан. Алим раис Қурбон Ғойибни эргаштириб кириб борди. Ахир, ҳамроҳ булгач, елғиз ташлаб кетиб буладими? Буни Умар Назаров сездди. Қурбон Ғойиб ташқарига чиққанда «Яхши одамми, ишонса буладими?» деб суради. «Дусти учун жонини ҳам аямайди, хотиржам булинг», деди раис ишонч билан. Шундан сунг уларнинг суҳбати қизиди. Лекин, Умар Назаров дилидаги бор гапларни ушанда барибир очиқ айтмаган экан. Охири куни, Олачабобга қайтар кунлари тагин унинг уйда меҳмон бўлишди. Қуруқ бормайлик деб, йўлни бозор орқали солишди. Суҳбат олдингидан ҳам яхши булди. Муаллимнинг ичи гапга тўлиб кетган экан, айтавериб суҳбатдошларнинг озини очириб қўйди. Эҳ-ҳе, ҳамма гап энелиларда, маърифатли одамларда экан, уйларди Алим, биз қўй боқиб галла экиб, бола ўқитиб юраверибмиз-да чулни чангитиб. Ҳаёт қийинчилигини қурган одамнинг дили, гапи бошқача буларкан. Умар Назаров таниқли даълат арбоби Файзулла Хужаевнинг (унда ҳали «халқ душмани» деб отиб ташланмаганди) болаликдан бирга усган дустри бўлиб чиқди. Кейинчалик ҳаёт йўллари айри тушган булса-да, тез-тез учрашиб, суҳбат қуриб туришаркан.

— Файзулланинг зот-зурieti улуг одамлардан, — деганди Умар Назаров, — палаги тоза одам айнимайди, яхшини ёмон булди, деб куйинма, наслига тортар, дейишган машойихлар.

Файзулланинг менга дил ериб айтишича, Ўзбекистон келажақда алоҳида даълат булса, ҳамма нарса бошқача булар экан. Аммо, Сталин буни ҳечам хохламайди, дейди. Шунинг учун унга ишонмайди. Сталиннинг асл нияти бошқа, у туркий халқларни лақиллатяпти...

Файзулла Ленин билан учрашганда, у ҳам туркий миллатларга алоҳида даълат тузиб берамиз, деб унинг қўйинни лўч енгоққа тулдирган экан. Энди унга ишонганига пушаймон. Менимча, биздаги раҳбарлар уртасига низо солаётган, уларни бир-бирлари билан уриштириб, йўқотаётган ҳам Сталиннинг узи. Кунглим хавотирда, у аблаҳ Файзуллани бир бало қилмаса, деб қурқаман...

Умар Назаров овозини пасайтириб, деярли шивирлаб сузлар, хонада эски ташқаридан тиқ этган товуш эшитилмасди...

— Инсоннинг роҳатланиши азоб тортиши деганда нимани тушуна-сизлар? — деб савол берди муаллим икки дустга синовчан тикиларкан.

— Яхши, мазали нарсалардан сб-ичиш, уйин-кулги қилишдан одам маза қиладди. Азоб бу — тананинг бирор касаллик эки ташқи таъсирдан оғриб, безовга бўлиши-да, — деди Қурбон бироз ҳайрон бўлиб. Унинг кунглида муаллим наҳотки шунни билмайди, деган фикр бор эди. Умар Назаров буни сезгандай деди:

— Тўғри, бу оддий ҳақиқат. Одам қорни туйса, хурсандчиликни хоҳлайди. Баданига урса, оғриқни ҳис қиладди. Аммо, бу ҳолат ҳайвонларда ҳам бор. Юртини уйлаб, дили оғриманганлар одам саналадими? Уз улкасига узи хужайин, халқнинг озод, эркин янашидан, кунглиларнинг бир олам яйраши — бу ҳақиқий тан роҳатидир. Демак, ҳақиқий подшоҳ — қалб. У — яхшиликдан яйрайди, ёмонликдан изтиробга тушади.

Алим раис, «ана, айтмадимми?» дегандай Қурбонга қаради. У эса муаллимнинг тагдор гапларидан хаелга чумган. Кунглилари суҳбатдошнинг гапини яна мустамлака сиёсатига, Сталинга буратганини сезиб турарди. Улар илк бор ушанда даълат, халқ мустақиллигининг улуг неъмат, илоҳий қудрат эканини билишди.

Эртаси куни тонгда Умар Назаров билан илиқ хайрлашиб, Олачабобга қайтишди. Икки жура йўлда куп гаплашишмади. Зеро, дилларини Умар Назаров айтган ҳикоя ва гурунлар банд қилган, шунинг таъсиридан сар-

маст эдилар. Ахир, ундай саводли, билимдон одамни ҳар куни учратиш бўлмади. Алим раис кунглида бир қарич угсан, атрофига бошқача кўз билан қарай бошлаганди. Ҳа, Худо насиб қилса, энди у билан алоқани узмайди. Узи ҳам куп китоб уқийди, олам сирларига етишга, маърифатли бўлишга интилади. Шундан бошқаси бекор. Фақат уқиш, илм эгаллаш орқали дунё сирларининг тагига етиши мумкин экан. Балки, келажақда Ўзбекистон алоҳида, мустақил давлат булар, ушанда унга билимли одамлар керак бўлади. Қанийди, узига шу кунларни кўриш насиб қилса...

Алим раиснинг дили ушанда бир нарсага сезган экан. Ташвишлар билан бўлиб, анчагача Косонга тушолмади. Қишга яқин борганда эса Умар Назаровни тополмади, у ҳақида турли миш-мишлар эшитди. Биров юртига кучиб кетган деса, бошқаси Файзулла Хужаевга қушиб халқ душманига чиқаришди, деди. Алим раис унинг тақдири қандай кечганини дарҳол англади, бировга бу ҳақда сўз деелмади, дилида армон, соғинч, укинч қолди. У энди кимдан нафратланишини биларди...

Алим раис куюнчак, раҳмдил, таъсирчан одам эмасми, бу воқеани анчагача унутолмади. Ётса ҳам, турса ҳам ҳаёлидан Умар Назаров кетмасди... Дилнинг бир четида балки ҳали тирикдир, суроқ қилиб қуйиб юборишгандир ёки қамоқда бўлса чиқиб қолар, деган умид бор эди. Лекин яна куп инсон фожиаси бунга қўшилди. Чунки, давр нотинч эди. То урушгачаям эл орасидан гоҳ уни, гоҳ буни тусатдан органга олиб кетишар, кейин у қайтиб келмасди. Инсон боласи ҳар қандай яхши-ёмонга қуниқаркан. Ҳар қандай қалб дардининг давоси вақт экан...

От тагин бир оппоқ қорли қирни олиб, сойга эна бошлади. Алим раис уни сой четида куп яқин олиб бормай, қияликлардан ҳайдади. Чунки баҳорги тошқинлар туфайли ҳосил булган жарлар лабини қалин қор қоплаган, мабодо тажрибасиз, илк бир йўлга чиққан одам бўлса, от-поти билан пастга тушиб кетиши ҳеч гап эмасди. Аммо Алим раис бу йўллардан куп угган. Шу қирлар сойларда эрта баҳордан кеч кузгача усиб, гуллаб ётадиган минг хил чул ўт-уланининг номию, қайсинининг нимага даволигини, қайси бирини қуй севиб ейишию, бошқасига тиш урмай тиб кетишини биларди. Ҳатто, бир сойда угсан ўт иккинчисиде кукармасди. Баъзи бир ўт қуйга ёқмаса, қорамол учун яхши емиш бўлади. Даштнинг шамоллари ҳам турлича эсади. Бир сойнинг шабадаси баданга ором берса, иккинчисиники тикандай санчиледи. Учинчи сойдан эсган шабада эзда чанг-тузон кутаради.

Ҳайлаб курсе, буларнинг бари ҳаммаям уқий олмайдиган дашту саҳролар китоби экан. Шу ерда туғилиб, катта булган Алим раис буни оддий чўпончалик ҳис қилмаса уят бўлади. Бу жойларда чўпонлар қиш ойлари одатда доимий қўналга қилмайдилар. Касал ва ориқ, нимжон қўйлар учун наридан-бери қўтон девори тиклаб, бирорта чулқни қолдиришадиганда, узлари чўлнинг 30-50 чақирим ичкарисига қўйларнинг оғи етгунча ҳайдаб кетаверишадиган. Мол ҳайдовда семиради. Қиш ойлари турги келган қўйни ушлаб суйса, 30-40 кило гўшт қилади. Яйлов бепоён, аммо қиш-қировли кунлар бошланиши билан купчилик сурувни қишлоқ яқинига ҳайдаб келади. Фақат Рустам Сиддиқовга ухшаш қишин-езин яйловда яшашга одатланган, чорва илмини обдан билган чўпонларгина бундан мустанно.

«Туриқ қашқа» текис адирдан чиқиб олди. Бу ердан қор босган поенсиз дашт, Кукдала қирлари яхши кузга ташланади. Орқада, кун бошида Хужакудукдаги уйлар элас-элас кўринади. Кун чиқар томон кетакетгунча қир-адир, кичик сой — адоги йўқдай. Жанубда Кунгиртов, устини қор қоплаган, чуққилар худди қўл узатсанг етгудай. Шимолда яйдоқ адирлар то Жом тоғларига довуз чузилиб кетган. Осмонда булутлар кучмоқда. Ҳаво очилиб кетса ажабмас.

Алим раис Рустам Сиддиқов ва унинг изини олиб юрадиган чўпонларни беш-ун хужалик яшайдиган Оққудуқ қишлоғи атрофида, деб чамалади. Уларни шу ердан топишга умид боғлади. Негаки, қор бир ҳафтадан бери эримай етибди, ҳаво совуқ. Сурувнинг хашақдан қўйналгани тайин гап.

Оққудуқ. Бир пайтлар шу ерда қазилган ва чўпонлар сувлаган қудуқнинг муласига оқтош терилган экан. Номии шундан келиб чиққан дейишадиган. Бундан ташқари, чулнинг ичкарисиде Куктош, Оқтош деган қудуқлар ҳам бор. Умуман, қишлоқларнинг номи қудуқ билан боғлиқлигига ажабланмаса бўлади. Чули биебондаги асосий сув манбаи қудуқ. Лекин ер ости сувлари анча чуқурдан, 30-40 кўлчандан чиқади. Сув чиқариш усули ота-боболардан мерос қолган. Ҳукиз терисидан тайёрланган қовгага 20-30 литр сув кетади. Уни қудуққа тушириб, арқоннинг бир учини туяга боғлашади. Жонивор ювош, айнан чўпон-чулқлар учун яратилмаганми — узи солган йўлдан бориб-келаверилади. Уркачи орасига 3-4 ешли болақайни утқазиб қўйса бўлади. Ҳатто шундай урганган туялар борки, узи ҳам сув тортаверсади. Эгаси ҳар замонда бир овоз қилиб қўйса бўлди. Қовга сувга тулиб чиқаверилади. Бир соатга қолмай 500-600 қўйга етадиган тиниқ, қишда илик, эзда муздай обихаёт ҳонузда тупланади. Ургатилган туя билан сув чиқариш қизиқарли машғулот. Алим раис ешлигида чўпонларга хизмат қилганда, мол боқишдан кўра шу ишни афзал биларди.

1938 йилга қадар Оққудуқда чўпонлар муқим яшамасди. Олачабоб, Пулати томонлардан эрта баҳорда мол ҳайдаб келиб, қора утов тикишар, то кузгача утиришарди. Бу ерларнинг серут, бепоёнлиги ёқиб қолдимин, биринчи бўлиб Илос бува, Тоғаймурод чўпонлар кучиб келишди. Кейин Рустам чўпон, Сочоқ бува, Файзулла чўпонлар чимдан уй қуриб, болачақаларини олиб келишди. Боймурод, Турсунбой, Отамурод, Сиддиқ бува, Бобошариф, Улуг бува... Ҳаммаси чўпон. Одамлар йил сайин кўпайди. Уруш туғаб, омон-омон кунлар бўлса, катта қишлоққа айлангани турган гап. Одамзод дегани қизиқ хилқат экан. Ҳар қандай оғир шароитга ҳам қуниқадиган. Рустам чўпонга ухшаган юрағида ути бор йигитлар қаттиқ қишининг совуғидаям яйловдан бери келишмайди.

— Қоракул қўйлари суткада энг камида 18 соат яйловда юриши керак, — дейишарди кекса чўпонлар Алим раисга. — Мезон, акраб ойларида кечалари тонг отгунча юрса янаям яхши. Жонивор тоза ҳаводан яйрайди, озуқани тежайди, етиб егандан кўра туеги билан топгани яхши.

Яйловда қишин-езин озуқа мул бўлади. Баҳорда усадиган ўт-уланларнинг сон-саногии йўқ. Утлар қовжираб қоладиган эзда янтоқ, қаррақ, шувоқ уседи. Улар моллар учун жуда дармондорига бой. Мезон, акраб, қавсга бориб янтоқ энг туйимли озуқа бўлади. Кузги намгарчилик таъсирида юмшаб, тикани қадалмайди. Уни еган қўй-қўзи сира касалликка чалинмайди. Янтоқни ивтиб, қорамолларга берилса, икки кун овқат емайди. Шунинг учун куп чўпонлар янтоқни йигиб, катта гарам қилиб қўйишадиган, қиши билан молга едириб чиқишадиган. Янтоқнинг шақари-чи? Алим раиснинг оғизга беихтиёр сув келиб, ютинди. Оққудуқ қишлоғи атрофида янтоқ куп уседи, чўпонлар фурсат топиб, халта-халта шакар қоқиб олишадиган. Алим раис чўпонларнинг шакар қоқишини куп кузатган. Одатда у баргли янтоққа кузда тушади. Бундай пайтда осмонни булут қоплайди. Ҳаво дим бўлади. Иккита тасққа қўй терисини тортиб боғлашади. Бунинг оти чаноқ дейилади. Янтоқни силкитиб, шу чаноққа қоқишади. Шакарнинг йирик булаклари 4 граммгача бўлади. Қоқилган шакарни офтобга ейиб қуритилади, совирилиб, барг, хас-хашақдан тозаланади ва чала қайнатилади, тиндирилади. Ортиқча суви тукиб ташланиб, қолганини мураббо, ҳолва қилиш, қуритиб қандга айлантириш мумкин. Ҳатто, баъзилар тонна-лаб янтоқ шақари олган йиллар булган.

Уртачулнинг Кукдала тарафидаги Мойлижар, Утамоили, Олатун, Суфи, Катта Қишлоқ, Талоқтепа қишлоқлари атрофдаги яйловларга куп шакар тушади. Қурбон Ғойиб иккаласи боришганда кўришган. Чунки, Қурбон Ғойибнинг у томонларда ошнолари бор эди. Чулда яшаган одам анча тадбиркор, озроқ қув ва пухта бўлиши керак. Яшаш шароити шунга мажбур қилади. Шакарни-ку, янтоқдан олишади. Совуни-чи? Олдин шўра усимлигини кўйдириб, ишқор олишарди. Қири яхши кетказди. Совуни

эса ишқор ва қуй егини аралаштириб, тайерлашади. Ҳар нарсанинг эвини топса бўлади.

У отнинг оҳиста одимлашидан фойдаланиб, тагин сунгсиз хаёлларга берилди. Хотира кузгусида такрор-такрор пайдо буладиган воқеалар озмунчами? Қурбон Ғойиб айтиб берадиган нотинч йиллар ҳақидаги ҳикояларнинг бир четига узи ҳам гувоҳ бўлган-ку. Раҳматли Жўрамурод карвонни яхши танирди. Соддалиги, бепарволиги, раҳмдиллиги бошига кулфат келтирди. Қайданам шу Уймурутга бориб қолди экан...

30-йилларнинг урталарига келиб Уртачулдан куп одам Тожикистонга кучиб кетди. Бир томони бу ерда тирикчилик утказиш оғирлашди, замона алгон-далгов, қолаверса, колхозга кирмаган уртаҳол чорвадорларнинг куп кулоқ қилинди. Жўрамуродбой узига туқроқ одам бўлиб, бир сурув қуй-эчкиси, оти, туялари бор эди. Улар бир отадан беш ака-ука бўлиб, 1929 йилдаёқ Тожикистоннинг Куктош деган жойига кучишганди. Жўрамуродбойнинг олдинги хотинидан туғилган катта угли Холмумин қишлоқда қолган эди. Бу воқеа 1935 йилда бўлган. Бир куни Қурбон Ғойиб билан битта от сотиб олиб, қайдасан Куктош, деб йўлга тушишди. Уша пайтда Қурбон Ғойибнинг отаси ҳам Тожикистонда эди. Хуллас, ун бир кун деганда етиб боришди. Фарзандлар оталарига юрт анча тинчиб қолгани, мол-ҳол билан ҳеч кимнинг иши йўқлиги, колхозлаштириш тутаганлиги ва бошқа гапларни айтиб, қишлоққа қайтинглар, деб туриб олишди. Қурбон Ғойибнинг отаси рози бўлиб, 13 туя юк, анча-мунча мол-ҳол билан қайтди.

— 15 кун деганда юртга етиб келдик. Йўлда мен қаттиқ касал бўлиб қолдим. Бир меҳрибон аёл уйда даволаб тузатди. Уни умрбод унутмайман,— деб эслаганди бу воқеани Қурбон Ғойиб.

Шунда Жўрамуродбой қишлоқда қолмай, хотини ва икки боласи билан Самарқанд томонлардаги таниш арабларнига утиб кетади. Қўйларини сотиб, 10 та туя харид қилади-да, бир колхозда туячилик қила бошлайди. У замонда машина, техника деган нарсалар йўқ, колхознинг галласи, уни, керакли молини, жойи келганда, одамларни ҳам ташиб, кун кечира бошлаган.

Қишнинг серегин кунларидан бирида Жўрамурод туяларга ун ортиб, Жом тоғи этагидаги Уймурут деган қишлоққа қунади. Тинмай емгир, қор егиб, бир неча кун куз очирмайди. Шу ерда Жўрамурод туячи бир ҳафта қолиб кетади. Карвон келганидан хабар топган уй эгасининг кўни-қўшнилари ун сураб кела бошлайди. Бировнинг боласи касал, ейишга нони йўқ, бошқасининг эри аллақерларга иш ва емиш излаб кетган, боқувчисиз қийналиб қолган. Шунда Жўрамурод туячининг раҳми келиб, текинга оз-оздан ун тарқатаверган. Иссиқ жой бергани учун уй эгасига ҳам бир-икки халта ун берган. Хуллас, ҳано очилиб, йўлга тушмоқчи бўлганларида уннинг ярмисиям қолмайди. Бу орада карвоннинг кечикаётганидан хавотирланган эгалари из олиб, Уймурутга келишади ва туячинини шу ердан топшади. Қарасалар уннинг ярмисин йўқ. Дарҳол органга хабар бериб, Жўрамуродни қамоққа олишади. Шу-шу у бедарак кетди.

Алим раис чуқур ҳурсинди. Эслаб курса, 30-йилларда бу юртдан озмунча одам тариқ доналаридай сочилиб кетдими? Бири нон излаб узга юртларни макон қилди, иккинчисини кулоқ қилишди, учинчисини «халқ душмани» деб қамаб, йўқ қилишди. Бугеи энди омон-омон замонлар булар деганда, бирдан уруш бошланди. Унинг пешонасида ҳам замона чигириқларидан утиш, бола-чақасининг бошида паноҳ бўлиш, қийналса-да, қишлоғидаги ҳужаликка бошчилик қилиш, шу учи-қуйруғи йўқ, қор босган даштларда улоқиб юриш бор экан. Ҳамма-ҳаммаси учун Алим раис Худога шукр қилади. У бун овоз чиқариб айтмаса-да, дилида ед этади. Нима қилсин. Худонинг номини очиқ-ойдин тилга олиб, унга юракдан сизини бўлмаса, Қурбон Каричдай табаррук китобни уйда сақлай олмаса. Бутун юрагини очиб яшайдиган, сидқидилдан меҳнат қилиб, унинг роҳатини курадиган, овоз, эркин замонлар келармикин?..

Раис узи билан узи гаплашиб, атрофга куз ташлади. Тусатдан Кўнгир-

тов томондаги қир устида пайдо бўлган иккита қора нуқтага кузи тушди. Улар оппоқ қор устида борган сари аниқ курина бошлади. Қўйга ухшамайди. юришлари тез, буюқларда сурув нима қилсин. Итлармикин?.. Ҳа, ухшайди. Э, шу томонга чопиб келишяптими?.. Алим раис отнинг жиловидан тортиди. Ажабланиб шарпаларни кузата бошлади. Улар эса қор устида чопиб, олишиб уйнашар, борган сари яқинлашишарди. Бирдан от уларга қараб, хавфни сезиб, кулоқларини динг қилди ва олдинги оёқларини кутарганча кишнаб юборди. Алим раис жиловни маҳкам тортиб, отни тинч-лантираркан, хаёлига келган фикрдан беихтиёр эти жунжикиб кетди: бурилар-ку! Ҳозир қишнинг қирчиллама чилласи, бурилар чиллада кутуради. Кўнгиртовда эса улар куп. Баъзан колхоз қўйларига ташланишади. Узига ҳужум қилса-я! Кулида қамчи, хуржунда пичоқдан бошқа қуроли йўқ. Энди нима қилади? «Туриқ қашқа» қор устида тез чополмайди. Барибир бурилар қувиб етади. Қишлоққача эса ҳали турт-беш қир, сой бор. Эй Худо, узинг асра!

Алим раис бирдан бор овозда ҳайқириб юборди. Ҳатто узиyam сезмай қолди. Соилар гўмбурлаб кетгандай бўлди, назарида. От чучиб тушди. Бурилар ҳам сергакланди, олдинга ташланишга журъат қилмай қир устида чўнкайиб, улишди. Раис узидан мамнун бўлди, дадиллашиб отни олдинга ҳайдади. Кўнглида «Туриқ қашқа» билан буриларга ташланиб, ҳайқириб, уларни қувиш истаги тугилдию, лекин узини босди, тинчгина кетгани яхши.

Отни қичаб, ҳар замонда орқасига қараб сойга энди, тагин қирга урлади, йўқ, бурилар шу туришда қолиб кетди. Изидан келишга журъатлари етмади. Инсон олдида ожизлигини сездди, чоғи. Келган чоғдаям раис отдан тушиб, икковиниям хуржун қузидаги пичоқ билан бир еқлик қиларди. Унинг ҳозир куч-қудратга тулган пайти, ахир... Йиртқич нима бупти? Душманлиги кузга қуринмайдиган, зимдан иш қиладиган, ҳатто дустона қул сиқиб, сенга ёмонликни раво курадиган одамсифат бурилар даҳшатли. Улар билан олишиш қийин. Худонинг узи уларнинг юзини тескари қилсин!

Дили равшан тортиди. Энди бурилар ва улар ҳақидаги еқимсиз хаёллар ортага чекинди. Раиснинг хаёлларини утган езда бўлган воқеалар банд қилди. 1937 йилда Файзулла Хужаев номли колхозга раис этиб сайланганда Олачабоблик Нурмат Элмирзаев бош ҳисобчи ердамчисини бўлиб ишларди. 1940 йили ёш ва сергайрат, бунинг устига ҳисоб-китоб ишларини аниқ ва беҳато олиб борганидан Алим раис уни бош ҳисобчиликка утказди. Уруш бошланганда у ҳам фронтга кетди. 1943 йилда енгил яраланиб, уйига қайтди. Алим раис унга эски лавозимини таклиф қилди.

Нурмат Элмирзаев иш бошладию раиснинг кўнгли тинчиди. Аммо унинг ҳисобчиларга хос инжиқлиги, ҳадеб ҳужжатларни пеш қилавериши баъзан қонини қайнатар, қизишиб, қаттиқ-қурум гаплар айтиб юборган вақтлари ҳам буларди. Бундай пайтда Нурмат Элмирзаев узини ниҳоятда вазмин тутарди. Раис минг бақириб-чақирмасин, «Мен шундан бошқасини билмайман», деб бланкани курсатиб тураверсади. Энди уйласа, у тугри қилади.

Дон қул билан урилади. Бугдой урими бошланганда бутун қишлоқ далага чиқиб, уроқчилик қилади. Туқилган бошоқчилям битталаб теришади. Раиснинг хотини доим бошоқчилар олдида. У ишгаям биринчи бўлиб чиқади. Одамлар «раис қаттиққул, хотининиям аймайди», деб унинг изидан югуришарди. Қаттиққул бўлмаса юзлаб гектар майдондаги галлани уз вақтда уриб, янчиб, донини донга, сомонини сомонга ажратиб, давлат омирборларига етказиб бериб буладими? Раҳбарнинг узи эмас, сийсати иш юрилтади, дейишади.

— Одамларимиз қийналиб қолди, — деди бир гал раис Элмирзаевга, — оилаларга қўшимча дон бермасак бўлмайди.

— Ҳукуматнинг ойнага одам бошига 8 килодан ортиқ дон берилмасин, деган курсатмаси бор, — деди ҳисобчи, — мен бу курсатмага хилоф иш қилолмайман.

— Тушунсанг-чи, халқнинг супрасида ун йуқ, болалар оч. Ахир, улар бизнинг келажигимиз-ку. Уруш ҳам тугар...

— Агар жавобгарлигини уз буйнингизга олсангиз, йулини топиб, донни тарқатаверинг. Аммо мен бу ишга аралашмайман, бошим иккита эмас.

Раис уридан туриб, бақириб юборганини билмай қолди:

— Бу ерда раис менми еки сизми?

— Сиз!

— Мен булсам, ҳар бир ишловчига 12 килограмдан ёзинг, узим жавоб берман.

— Яхши.

Алим раис айтганини қилди. Лекин бир ҳафтадан сунг бу иши учун райком бюросида жавоб беришига тугри келди.

— Ҳисобчида айб йуқ, — деди у шунда, — уни мен шундай қилишга мажбурладим. Нима қилайлик, узимиз кеча-кундуз улиб-тирилиб меҳнат қиламиз-у, аммо очмиз. Одамларимизда дармон қолмади. Халқни асрама-сак, келгуси йил кетмончисиз қоламиз.

Унга эътироз билдиришди:

— Ҳозир ҳаммага қийин. Оч қолаётган бир сизнинг колхозингизми?

— Бундай узбошимчани партиядан учириб, фронтдаги жазо батальони-га жунатиш керак.

— Раисни ҳам тушуниш керак. Бу қонунга хилоф ишни узи учун қилгани йуқ-ку.

Райкомнинг биринчи котиби вазмин, мулоҳазали одам экан. Сузга чиққанларнинг фикрини эшитиб, охирида одил ҳукм чиқарди: «Қаттиқ огоҳлантирилсин ва яна такрорланса, ишдан бушатиладин».

Алим раис енгил тортди. Очиғи, у оғирроқ чора беришларини кутган-ди. Бундай пайтда дон учун катта кетиш бошини кундага қуйиш билан баробар эканлигини у яхши биларди. Бу йил эса у одамларни янада кўпроқ таъминлашнинг йулини топди. Кузда ҳар бир хонадоннинг орқа-олдидаги буш ерларни ҳайдатиб, дон септирди. Ер кенг-ку! Ҳосилини узлари уриб, узлари олишади. Қараб, қул қовуштириб утирган билан булмайди. Нурмат ҳисобчи қулиб бош чайқади: «Раис бало, бундай одам билан ишлаган одам хор булмайди».

Яна бир воқеа эсидан чиқмайди. Утган йили ёзинг кечки салқинида идорада ишлаб утирган эди. Бир милиционер ун олти-ун еттиларга кирган успиринни ҳайдаб келиб қолди.

— Нима гап?! — деди раис хавотирланиб, — қандай гуноҳ қилибди бу бола?

— Ҳуржунидан саккиз кило угирлик галла чиқди. Хирмон жойдан юклабдию, ҳаммасини топширмай олиб қолибди.

— Ҳозир аниқлаймиз. Ичкарига кириб утиринг.

Раис шундай деб Элмирзаевни бошқа хонага имлади.

— Аҳюл чаток, — деди унга, — болани районга олиб кетса қамайди, уйи қуяди. Йулини топиб, олиб қолиш керак.

Нурмат ҳисобчи уйланиб қолди. Сунг қогозларни титкилаб, фикрини айтди:

— Шу ойнинг ҳақини олмаган, деб расмийлаштирамиз. Мана, нақлад-ной. Кейин милисанинг ҳам қорни очгандир. Уни уйга олиб борайлик.

— Бупти, езиб олиб кириг.

Ҳужжатларни қуриб, милиса йигит бушашди.

— Узларингиз биласизлар, — деди, — ота-онасиз, сағир бола экан, олиб кетсам жабр булади...

Азим деган шу йигит ҳозир Рустам Сиддиқовга ердამчи чупонлик қилляпти. Алим раисни узокдан курса булди, олдига югуриб келади, этагини кузига суртади. «Қамалишим тайин эди, — дейди одамларга кузига еш олиб, — раисга раҳмат!»

Қир ортидан итларнинг овози эшитила бошлади. Раис отнинг тизгини-ни бушатиб, енгил тортди. Хайрият, Оққудуққа етибди. От дадил қирга

урлади. Энишда беш-олти уй, осмонга бурқсиб кутарилаётган тутун, сурув-нинг қораси қуринди. Итлар қирдан эниб тушаётган отлиққа қараб чо-пишди. Қутон атрофида қуйманаётган қора соқолли, баланд гавдали пол-вонсифат чупон итларни қайтариб, раисга пешвоз чиқди. Бу колхознинг дондгор чупони Рустам Сиддиқов эди. У раис билан илиқ саломлашиб, отдан тушишига кумаклашди. Туриқни қура четига боғлаб, Алим раисни уйга бошлади.

— Анча-мунча совқотибсиз, — деди қизарган юзига қараб, — ичкарига ҳозир олов олиб киришди, чой қайнапти.

— Қуйларнинг аҳволи қандай? — деди раис совқотиб увушган оёқла-рини қорда ёзаркан, — хашак тугагандир.

— Янтоқдан чопиб, гарам қилгандик, шунини еб тугатяпти, — деди Рустам чупон, — яна икки кунга етади. Аммо, бошқа чупонлар озуқадан қийналишяпти. Кеча бировининг суруни қутондан чиқиб кетиб, қамагунча хийла онора булди.

— Туя арава хашак келяпти, — деди раис кунгли таскин олиб, — Худо хоҳласа, қорлар эриса, қуй емишини узи топади. Оз қолди. Айтмоқ-чи, бурилар безовта қилмаяптимиз?

— Бурини қуядими, бузгини сугуриб олар, — Рустам чупон қутон атрофида етган итларини курсатди. — Сизга учрадимиз?

— Узоқдан қуриниш берди.

Раис қуйларга разм солди. Эти яхши. Насиб этса, қишдан омон чиқади. Рустам Сиддиқов уларни қаерда боқишни билади. Айтмоқчи, Азим қурирмайди. Келганимни билса югуриб келарди-ку? Рустам чупон буни сезиб изох берди:

— Қудуққа кетган. Ҳадемай сурувни сувга ҳайдаймиз.

Тусатдан қор усти ялтираб, нури кузни олди. Раис кузини қисиб, осмонга қаради. Булутлар тарқаб, орасидан қуёш қуринди. Бундан кунгли-да бир чироқ енгандай булди, кайфияти кутарилди. Дилидаги ташвишлар, губорлар еруғ умидлар таъсирида ювилиб, равшан тортиб борар, яшаш завқли, тотли туюла бошлаганди.

Ҳаётда одамдан нима қолади? Эзгу-саваб ишларими? Фарзандлари ехуд дуст-ошналарими? Ҳамма-ҳаммаси! Зеро умрнинг мазмуни ана шулар билан улчанади.

Косон тумани Хужақудуқ қишлоғидаги мактабга Алим ота Хужаевнинг номи берилган. Ҳовлисига унинг маҳобатли ҳайкали урнатилган. Сиймоси тошга муҳрланган ота дуненинг уткинчилиги, лекин қисқа умрни беҳуда утказмаслик, инсон узидан муносиб ва қолдириб кетиши лозимлигини тирикларга уқтираётгандай туюлади.

Ёшлиғида етим қолган Алим Хужаев турмуш машаққатларини боши-дан кечирди. Хаста юракларга далда булди, қоқилганларни суяди. Шу туфайли юртдошлари қалбида нурули из қолдирди. Фарзандлари Асад, Арс-лон, Абдуҳалил ва қизларини ажойиб инсонлар қилиб тарбиялади. Бугунги кунда уларгина эмас, бир юзу йигирмадан ортиқ невара, чевараси, ер-дустлари унинг хотирасини меҳр билан ёд этишади. Биз шу табаррук инсон ҳаётининг мазмунли бир парчаси ҳақида ҳикоя қилдик, холос.

МУНДАРИЖА

НАЗМ

Абдумажид Азим. Шамснинг шуълалари кўзингда уйнар	3
Асқар Маҳкам. Нақшбандия	75
Раззоқ Абдурашид. Кўнгул қатралари	79
Замира Эгамбердиева. Хотиралар гулга киради	83

НАСР

Аббос Саид. Беш кунлик дунё. Роман	7
Мақсуд Қориев. Юлдузларга тегманг, одамлар. Ҳикоя	167
Тилаб Маҳмудов. Туркум ҳикоялар	176
Раъноҳон Розик. Деразадан боқувчи ҳаёт. Ҳикоя	193
Гани Абдуллаев. Дала йулларида. Ҳикоялар	202

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА

Ғайрат Нек Мурод. Собиқ совет даври ўзбек адабиётида Амир Темурга муносабат	85
Борис Лунин. Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти жаҳон та- рихчилари талқинида	92

МУШОИРА

Ҳар бир лаҳза ўзгадир менда	97
---------------------------------------	----

САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ

Аҳмад Лутфий. Ойдинликлар сари	105
--	-----

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Олим Бекназар. Бир нигоҳ истарам	163
--	-----

ДУРДОНА

Суфи Аллоҳёр. Талъатинг байзо қамар	190
---	-----

МАҚОЛАНАВИСЛИК

Умарали Норматов. «Дарсликларда... ҳақиқат ёзилиши шарт»...	205
Норқул Тилов. Манзил	212

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев.

Мусаҳҳиҳ М. Зайниддинова.

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин ● Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. ● Таҳририят уз тавсиясига қўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалқаш босилгани) буйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-83, Буюк Турон кучаси, 41. «Шарқ» нашрият-матбаа концерни. ● Обунага монъелик курсатилган эки ойнома уз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент, 700000, Амир Темур тор кучаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 5.08.96 й. Босишга руҳсат этилди. 30.08.96 й. Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашрият ҳисоб табоғи 18,48. Буюртма N 392 Адади 10.948 нусха.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

«Шарқ» нашрият-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41

